

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Р.РАСУЛОВ, С.АТИЯЗОВ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ  
ФЕЪЛЛАРИНИНГ  
МАЪНО ТУЗИЛИШИ**

**ТОШКЕНТ – 2012**

Монографияда ўзбек тилидаги ҳолат феъларининг маъно тузилиши - маъно таркиби ҳакида фикр юритилади. Феъл маъноси таҳлил қилиниши натижасида унинг таркибий қисмлари, мантикий бўлаклари (семалари) аникланади ва шу асосда феъл маъноси изохланади. Иш тиљшунослар, олий ўқув юргарининг талабалари - бакалавр ва магистрантлари учун мўлжалланган.

Масъул мухаррир:                    филология фанлари доктори, профессор  
Х.Ф.Немматов

Тақризчи:                                      ЎзР ФА академиги, филология фанлари  
доктори, профессор А.Хожиев

Монография Низомий номидаги ТДГУ илмий кенгашининг 2005 йил 29 сентябрдаги 2-сонли қарорига кўра нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

Тилнинг имконият сифатида нутқда рўёбга чикиши, нутқ орқали воқе булиши - тил ва нутқ диалектик муносабати сўзда — тил ва нутқ бирлигида амалга ошади. Демак, тил нутқ орқали, нутқ эса тил бойлиги (материали) орқали намоён бўлади. Тил бойлиги, асосан, сўз (лексема)лар бўлиб, улар шакл ва мазмун томонига - товуш ва маъно таркибига эгадир. Сўз ўзининг ана шу энг муҳим икки томони билан ижтимоий-амалий, илмий кийматта эга бўлади.

Сўзният семантик тузилиши (структураси) бевосита маъно (семема) билан боғланади. Чунки семантик курилишга эга бўлмаган маъно йўк. Ҳар бир маъно семантик тузилишига, таркибига кўра «баҳоланади». У муайян сўзният мазмун томонини ҳосил қилиб, ўз товуш асоси - ифода томони билан биргаликда, бир бутун ҳолда тил ва нутқда муайян вазифа бажаради. Аникрофи, маъно руҳий моҳият — онг ҳодисаси сифатида ўзининг ташки (экстравангвистик) асосига эга. Ҳар бир мустақил маъноли сўз асосини ҳосил қилувчи объектив борлик предмет, нарса - ҳодисалари ўзининг табиий тузилишига, курилиш аъзоларига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири тиљдаги (лисоний) номида - тил бирлиги (сўз)да, сўз маъносида акс этади.

Сўзният маъноси, маъно таркиби муайян мантикий бўлаклардан, таркибий қисмлар (семалардан) ташкил топади. Бу мантикий, таркибий қисмлар сўз маъносини шакллантириб, ҳар бир маъненинг алоҳида тил «бирлиги» сифатида мавжуддигини таъминлайди. Сўз маъносининг таркибий қисмлари нутқда муайян хабар (дарак) ташыйди. Демак, сўз маъносининг кичик мантикий, таркибий қисмлари ўзаро баркарор бутунлик (система) муносабатида бўлиб, маъненинг нутқий «ифодаси» сифатида хизмат қиласди.

Сўзният маъно таркибини (тузилишини) ўрганиш, таҳлил килиш сўз маъносининг мантикий бўлакларини аниқлаш, таркибий қисмларининг хилларини белгилаш, ҳар бир семанинг маъно (семема) таркибидаги ўрни, аҳамиятини ёритиш, бошқа семаларга бўлган муносабатини очиш - маънолар орасидаги мантикий алоқани топиш (семантик синтагмани ҳосил килиш) - шунга кўра сўзларнинг ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабатларга киришиш, сўзлар

каторини тузиш, парадигматик муносабатдаги сўзларни бир-биридан фарқлаб турувчи семаларни аниклаш, толиш имконини беради. Бунинг натижалари эса семасиология, лексикография, лексикология, умуман, тилшуносар учун катта илмий-амалий аҳамиятта эга. Шунга кўра ўзбек тилидаги феълларининг, жумладан, ҳолат феълларининг маъно тузилишини, таркибини алохида ўрганиши тоят мухимdir.

Ҳолат феълларининг маъно таркибини белгилашда, асосан, лингвистик - семантик назарияга - унинг дифференциал - семантик таҳлил қилиш усулига суюндиқ. Шуни алохида таъкидлаш керакки, ушбу сўз маъносини таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш усули (компонент таҳлил усули) маънонинг таркибини, тузилишини аниклашда энг асосий ва қулай усуллардан биридир

Дифференциал - семантик усул ёрдамида ҳолат феълларининг маъно таркибини таҳлил қилишда муштарак (архисема), бирлаштирувчи (интеграл) сема ва фарқловчи (дифференциал) сема тушунчаларидан фойдаландик. Бу семалар маънонинг (семеманинг) таркибини ўрганишда семантик ўлчов вазифасини бажаради. Бинобарин, ҳолат маъносига эга сўзларни аниклаш ва изохлаш учун айни сўзларнинг маъно таркибидаги семаларни моҳиятига кўра: муштарак сема, бирлаштирувчи сема ва фарқловчи семаларга бўлдик. Улар асосида ҳолат маъноли феълларни изохладик. Муштарак, бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар моҳият эътиборига кўра ўзига оид суз маъноларини тилда ҳам, нутқда ҳам изоҳдайди, «баҳолайди».

Шуни таъкиддаш лозимки, сўзнинг маъно таркибидаги муштарак, бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар маъно (семема)нинг оддий миқдорий йигиндиси эмас, балки сўз маъносининг таркибида ўзига хос система ва структурани ташкил қилиб, тилнинг (нутқнинг) алоқа - аралашув вазифасини бажариши учун хизмат қиласи. Муштарак сема асосида ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг семантик майдони ҳосил бўлади. Аникроғи, айни феъллар маъносининг муштарак семаси «ҳолат» бўлиб, у бундай феълларни бир катта доирага киритади. Яъни муштарак сема сўз маъносининг моҳиятини ифодалайди.

Бир мантикий синфга киравчি предметларда ҳар бирининг умумий ва алохида белгилари бўлганидек, маъноси «ҳолат» муштарак семали феълларда ҳам фарқловчи семалар мавжуд. Чунки феъллар фарқловчи семалари билан аниқ мантикий ифодага, умумийликдан нисбий ажралишга эгадир.

«Ҳолат» муштарак семали феъллар фарқловчи семадан бошқа семага ҳам эга бўлади. Бу сема «ҳолат» муштарак семали феълларининг маълум гурухлари учун умумий. Бундай семалар муштарак сема билан фарқловчи семалар ўртасида туради, муайян

хабар ташийди - бирлаштирувчи сема саналади. Бирлаштирувчи семалар ҳам нисбий мустакил бўлиб, фарқловчи семаларга нисбатан ҳажм жиҳатдан кенг, яъни бирор лексик - семантик гурӯҳ (ЛСГ)га кирувчи сўз маъноларига хос умумий хусусиятларни ўз ичига олади. Аммо бирлаштирувчи сема муштарак семага нисбатан ҳажм жиҳатдан тор, чунки у факат муайян кичик доирага хос сўз маъноларининг таркибий қисмлари билан боғланади. Муштарак сема эса сўз маъносининг ҳажм жиҳатдан энг кенг, мазмунан бой мантикий бўлаги, чегарасидир. «Ҳолат» муштарак семали феъларнинг ҳар бир ички ЛСГи ўзига хос бирлаштирувчи семаларга эга бўлади.

Баркарор бутунлик (система) таркибидаги бирликларнинг узаро қарама - қарши жуфтларга ажralиш қонунияти (дихотомия принципи)га кўра сўз маънолари даставвал умумий ва фарқли семаларга бўлинади. Умумий сема ўз ичидаги муштарак ва бирлаштирувчи семаларга ажралади. Бирлаштирувчи сема билан муштарак сема фарқловчи семага нисбатан умумий сема хисобланади. Бирлаштирувчи сема ҳам даставвал муштарак сема таркибида бўлиб, таҳдил натижасида ажратилади. Бири иккинчисига нисбатан қиёсан олинганда, ҳолат феъллар маъноси муштарак семасининг умумийлиги кенг бўлиб, ўзбек тили доирасида ҳолат феъларига хос мухим сема саналади. Бирлаштирувчи семанинг фарқловчи семага нисбатан умумийлиги муштарак сема умумийлигига нисбатан иккинчи даражали хисобланади. Бирлаштирувчи сема ҳам муштарак семага ўхшаш, аммо ҳамма вакт ундан сўнг аниқланадиган, муштарак семанинг таъсир доирасини нисбатан торайтириб берадиган сема сифатида бирор ЛСГни ташкил қилувчи кичик баркарор бутунликларни белгилайди.

Фарқловчи семалар ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг мустакиллигини кўрсатувчи семантик белги сифатида хизмат қилади. Уларда сўз маъносининг ўзига хосликлари, хиссий-таъсирчан бўёғи, нутқий хосланиши акс этади.

Ҳар қандай умумийлик хусусийликдан, алоҳидалиқдан, уларнинг мантикий ички боғланишидан юзага келади ва вазиятта қараб хусусийлик оркали намоён бўлади, яшайди. Яъни ҳолат умумийлик сифатида, унга хос белги-хусусиятлар эса хусусийлик сифатида воқелашибди. «Ҳолат» муштарак семали феълларнинг фарқловчи семаси ҳолат феълларининг мустакиллигини, алоҳидалигини таъминловчи, тил ва нутқ бирлиги сифатида изоҳланишига хизмат килувчи сема хисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, сўз маъноларининг таркибий қисмлари (семантик компонентлари, семалари)ни миқдор жиҳатдан чегаралаш нисбийдир. Асосан, дикқат - эътибор сўз маъносининг энг мухим семаларига; маънони тил «бирлиги»

сифатида шакллантирувчи, нутқ ғаолиятида ғаоллигини таъминловчи семаларга, яъни фарқловчи семаларга қаратилади. Сўз маъноларининг семалар таркибида эса фарқловчи семалар, одатда, биттадан ортиқ бўлади. Бундай холларда текшириш манбайнинг табиатидан, талабидан, мақсадидан келиб чиқиб, фарқловчи семалардан энг зарурийси, муҳими олинади, бошқаси имконият сифатида сакланади. Демак, ҳолат феълларининг маъно таркибидаги муҳим, зарурий фарқловчи семаларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳолат феълларининг муштарак семаси «ҳолат» бирлаштирувчи ва фарқловчи семаларда равишланлашиб, аниқ изоҳга эга бўлади. Бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар маънонинг аниқлик киритувчи мантиқий бўлаклари, таркибий қисмлари сифатида муштарак сема билан диалектик боғликларни ташкил қиласди, семантик системани шакллантиради.

Муштарак сема, бирлаштирувчи сема ва фарқловчи семаларнинг ифода воситалари асосида тузилган синтактик бирлик (конструкция)лар ҳолат феъли маъносининг изоҳи бўлади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари маъносини таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш натижасида бу семантик майдоннинг қуйидаги лексик-семантик гурухлардан ташкил топиши аникланди:

1. Давомли ҳолат феъллари.
2. Ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари.
3. Ижро ҳолати феъллари.
4. Ҳаракатнинг ҳолати феъллари.
5. Малака ҳолати феъллари.
6. Образли ҳолат феъллари.
7. Биологик ҳолат феъллари.
8. Физиологик ҳолат феъллари.
9. Психик ҳолат феъллари.

Бу лексик - семантик гурухларда «ҳолат» муштарак сема, «давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», «ҳаракат», «малака», «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» каби маъно бўлаклари эса бирлаштирувчи сема бўлади.

## ДАВОМЛИ ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ

### МАЬНО ТУЗИЛИШИ

Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари сирасида давомли ҳолат ифодаловчи феъллар нисбатан кўп. Бундай феъллар чегараланмаган, вакт жихатдан тутгалланиши ноаниқ бўлган давомий ҳолатни ифодалайди. Бунда давомийлик турли сабаблар асосида изохланади. Ҳолат феълларида ҳолатнинг давомли бўлиши, давомийлиги мантикий - фалсафий асосга эга. Чунки муайян ҳолатдаги нарса - предмет ўз ҳолатининг давомийлиги билан ҳам ажралиб туради. Давомийлик белгиси предмет ҳолатининг мухим томонларидан бири сифатида изохланиши ва у вазиятга қараб, фаол бўлиши ёки юзага чиқишига тайёр турган имконият сифатида баҳоланиши мумкин. Бу ҳолда ҳам давомийлик предмет ҳолати билан бевосита боғлик, унинг мухим томони, таркибий қисми бўлиб кузатилади. У ҳолат орқали юзага чиқади. Предмет, унинг ҳолати ва ҳолатнинг муайян ўринда содир бўлиши, айни жараён вакт жихатдан ҳам белгиланиши зарурий ва табиийдир. Чунки ҳар бир нарса - ҳодиса, ҳаракат, ҳолат ўрин ва вакт жихатдан белгиланиши мумкин. Демак, мавжуд ҳолатнинг тилда - феъл маъносида ифодаланиши ва бу ҳолат давомийлик хусусиятига эга бўлиши билан фарқланиши, давомийлик вакт билан улчаниб, нисбийлиги билан изохланиши мухимдир. Бунда нисбийлик ҳолат давомийларининг вакт жихатдан узоқ ёки қиска бўлиши билан аникланади. Айтиш мумкинки, ҳолат, мавхум жараён сифатида, давомийлик белгисига кура конкретлашади. Шундай қилиб, «ҳолат» муштарак семали ва «давомийлик» бирлаштирувчи семали феълларнинг фарқловчи семаларини аниқлаш, изохлаш мақсадга мувофиқдир. Давомли ҳолат феълларининг фарқловчи семаси турли мантикий ифодаларга эга. Булар:

а) «жойлашмок»: турмок, ўтирмок, ётмок, қолмок. Бу ҳолат феъллари қайд этилган мантикий ифодасига кўра кичик семантик гурухни ташкил қилиб, улар ушбу семаси асосида умумийликдан нисбий ажралади.

«Жойлашмок» ифодали маънога эга феъллар муайян ҳолатдаги инсон, хайвон ва предметнинг муайян ўринда (сатҳда) жойлашишига, сатҳ билан чегараланмаган давомий алокага киришишига, шаклига кўра ўзаро фарқланади. Демак, бундай давомий ҳолат феъллари шахс ва турли нарса-предметларнинг муайян сатҳда муайян ҳолатда бўлишини ифодалайди. Аникроғи, бундай ҳолларда «жойлашмок» мантикий ифодаси муайян сўз маънолари учун умумий бўлса, унга нисбатан хусусий бўлган сўз маънолари ушбу мантикий ифодага эга фарқловчи семани қандай «тушуниши»га, ўзида қандай

ифодалашига кўра ўзаро ажралиб туради. «Жойлашмок» фарқловчи сема қўйидаги туб феълларда кузатилади:

Турмок<sup>1</sup> – тик ва оёққа таянган ҳолатда бўлмок: Булутларга ёндош осмон остида киприқдаги ёшдай турибди дорбоз (А.Орипов). Теплабой айвон устунинга суюниб, узоқ турди (М.Исмоилий). Айик уни кўрдими-йўкми, кочмасдан бемалол турарди (F.Жаҳонгиров).

Ўтироқ – қаддини тик тутиб, думғазага таянган ҳолатда бўлмок: Йиғилиш президиумида таниқли олимлар, конструкторлар, ёзувчилар вакиллари ўтирибди (Гулистан). Харсанг тош устида оёгини сувга ботириб, Умида ўтирибди (С.Ахмад). Иккови ҳам индамай ўтираверди (Лайли ва Мажнун).

Етмок – горизонтал жойлашган ҳолатда бўлмок: Мана бугун ҳам Мансур ўз ўртоғи Славка билан қирғоқда ётибди (Шухрат). Маст уйкуда ётган Мухайё эркаланиб ингради (А.Қаххор). Она тупрок оромда ётар (Зулфия).

Колмок – ўз ўрнида жойлашган ҳолатда бўлмок: Супада ёлгиз колдим (Н.Фозилов). Дадам қаёққа деганча қолаверди (А.Қаххор). Калит хонада колди (А.Иброхимов).

Лексикография нуктаи назаридан турмок, ўтироқ, ётмок, колмок феъллари «ҳолат» ва «давомийлик» умумий семаларига ҳамда «тик ва оёққа таянган», «қаддини тик тутиб, думғазага таянган», «горизонтал жойлашган» ва «ўз ўрнида жойлашган» каби фарқловчи семаларга эга. Бу семалар сўз маъносининг мантикий, таркибий кисмларини (компонентларини) ташкил килувчилар хисобланади. Бундай изоҳ лексикография нуктаи назаридан тўғри ва асосли. Аммо бу тартибдаги изоҳ сўзларнинг нутқ фаолиятида, нутқ бирлиги сифатида муайян вазифани бажариш талабига мувофиқ эмас. Юқоридаги таҳлилда факат сўз маъноларининг таркибий кисмлари ажратилган. Улар ўзаро бири иккинчисининг келиб чиқиши учун асос бўлиши жиҳатидан мантикий алокага, боғланишга эга. Аммо муштарак сема, бирлаштирувчи сема ва фарқловчи сёмаларни ифодаловчи феъл маънолари юқоридаги тартибда, яъни умумийдан хусусийга караб, чегараланишда ўзаро семантик – синтактик боғланиш хусусиятига эга эмас. Уларнинг нутқ бирлиги сифатида изоҳланиши учун сўз маъносининг таркибий кисмларини ифода этувчи бирликлар (сўз ёки сўз бирикмалари) қўйидагича тартибда қайд этилиши лозим: турмок – «ҳолат», «давомийлик», «тик ва оёққа таянган» – «тик ва оёққа таянган ҳолатда бўлмок».

б) «жараён»: турмок, ётмок, ўтироқ, тунамок, қолмок. Бундай мантикий ифодага эга ҳолат феъллари шахснинг муайян ҳолатда, аммо

<sup>1</sup> Феълларнинг изоҳини беришда ўзбек тилидаги изоҳли ва таржима лугатларидан фойдаландик.

«ҳаракатчан» кўринишда булишини ифодалайди. Айни ҳолларда ҳам шахснинг муайян сатҳ, ўрин билан боғлиқлиги нисбатан давомий бўлади. Демак, ушбу ҳолат феълларида ифодаланган тушунча - жараён ҳам сатҳ билан боғлик холда кузатилади. Бундай ҳолларда ҳам сатҳ ифодаловчи сўзлар, аввалги турдагидек, муайян қаторда, сўзнинг муайян грамматик шаклида қўлланади, ўрин келишиги қўшимчаси билан шаклланади - нутқ бирлиги бўлади. «Жараён» ифодали феъл маънолари нутқда қўйидаги фарқловчи семалари орқали намоён бўлади:

Турмок - ўрнашиб кун ўтказган ҳолатда бўлмоқ: У қиз ҳам шу ётоқда турарди (О.Ёқубов). Улар бир гузарда туришарди (О.Мухторов). Мели амаки бундан уч ҳовли нарида турардилар (Ф.Мусажонов).

Ётмок - маълум жараёнда кун ўтказган ҳолатда бўлмоқ: Аёз тунда молхонада ётардим (Кунларим). Бой бир ҳафта ўйида алахлаб ётади (С.Юнусов). Сергей ... госпитада уч кун ётди (Х.Ғулом).

Ўтироқ - I. Маҳбуслиқда кун ўтказган ҳолатда бўлмоқ: Ҳозир шаҳар жандарм турмасида йигирмадан ортиқ киши ўтирибди (М.Исмоилий). Шўхлиги бошига етиб, бир-икки йил ўтириб чиқди (Р.Раҳмонов). II. Ўзлаштирмовчи сифатида кун ўтказган ҳолатда бўлмоқ. Адолатхоннинг кизи Умри ўйида дарс тайёрлашга шароит бўлмагани сабабли олтинчи синфда икки йил ўтирибди (Х.Назир).

Тунамоқ - тунни ўйку билан ўтказган ҳолатда бўлмоқ: Азмиддин кеча қайнатаси Салимбойникида тунади (Х.Ғулом). Шу болхонада тунади (Шуҳрат). Тоғда тунадим (О.Матжон).

Колмоқ - илгаригидек кун ўтказган ҳолатда бўлмоқ: Яна ёлгиз колдим (С. Аҳмад).

Демак, «жойлашмоқ» фарқловчи семали ҳолат феъллари шахс ёки предмет ҳолатининг нисбатан тургунилигини ифодалashi билан, «жараён» фарқловчи семали ҳолат феъллари эса шахс ҳолатининг нисбатан ҳаракатчанилигини англашиши билан ўзаро фарқланади.

В) «миқдорий»: икковлашмоқ, тўртвлашмоқ. «Миқдорий» мантикий ифодасига эга ҳолат феълларида шахснинг (ҳолат ижроқисининг) бирдан ортиқлиги англашилади. Бу ифода (миқдорий аниклик) сўзнинг ўзаги маъносига кайд этилади. Бундай ҳолат феълларидаги давомийлик вакт ва ўрин нуктаи назаридан аввалги турларга нисбатан ифодаланмаган бўлади. Бундай изоҳ ҳам бевосита феълнинг ўзаги маъносидан келиб чиқади. Бошқача айттанда, мантикий-фалсафий жиҳатдан ҳар қандай предмет, жараён маълум вактда, муайян ўринда бўлади. Ўрин ва вакт предмет ва ходисаларнинг яшаш усуллари, мавжудлик белгилариdir, Демак, бу белгилар миқдор хусусиятига эга давомий ҳолат феълларида кузатилиш даражасига кўра мавхум, ноаниқдир. Улар муайян тил

бирликлари оркали ифодаланмаган бўлади.

«Миқдор» мантиқий ифодали ҳолат феълларининг ўзига хослиги шундаки, бундай феъллар ўзакка – жамловчи сонга феъл ясовчи кўшимчанинг кўшилиб, феъл ясалишидан ҳамда нисбат аффиксининг кўшилишидан хосил бўлади. Демак, миқдорий ифодага эга давомий ҳолат феъллари ясама (мотивланган) феъл сифатида феълдан англапшилган шахсни, унинг миқдор ва ҳолат белгисини ифодалайди. Масалан: Икковлашиб Шомансурни қирғоқ томон итаришди (Ф.Мусажонов). Тўрттовлашиб китобларни сандикларга жойлашди (О.Ёкубов). Икковлашмоқ кўп ишлатилади. Тўрттовлашмоқ кам кўлланади, адабий тилга хос.

Шундай қилиб, ўзбек тилидаги ҳолат феъллари семантик майдонининг давомли ҳолат феъллари ЛСГи фарқловчи семасига кўра мустакил шакл ва мазмун томонига эга бўлади. Фарқловчи сема давомли ҳолат феълларининг нутқ бирлиги сифатида кўлланишини, муайян хабар, дарак ташишини таъминлайди.

## ҲАРАКАТ НАТИЖАСИ БҮЛГАН ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ МАҢНО ТУЗИЛИШИ

Ўзбек тилида ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари нисбатан кўп кузатилади. Бу феълларда ифодаланган ҳолат бевосита ҳаракат натижасида юзага келади. Бинобарин, ҳаракат ва ҳолат ўзаро боғлиқ бўлиб, булар орасидаги боғланиш бири иккинчисидан келиб чикиши, бири асос, иккинчиси асосланувчи эканлиги билан изоҳланади. Бунда ҳаракат фақат таянч нуктаси бўлиб қолмасдан, у бевосита ҳолатни юзага келтирувчи, унинг «туғилишида» бошланғич нукталиги билан ҳам муҳимдир. Ҳолат эса ҳаракатнинг давоми, унинг ҳолатга ўтиши, яъни тўхташи натижасида хосил бўлиши билан ўзига хосдир. Айтилганларга кўра ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари муайян микросистемани ташкил қиласи. Ушбу ҳолат феъллари ЛСГи туб ва ясама феъллардан иборатdir.

Шуниси муҳимки, ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феълларида ҳолатга муайян ҳаракатдан ёки бирор ҳолатдан ўтилади. Яъни ҳолатга ўтишда ҳаракат баъзан аниқ "кўринишга" эга бўлса, баъзан акси бўлади. Бунда ҳаракат ташки таъсирига кўра яширинлиги, аммо аслида мавжудлиги билан муҳимдир. Бошқача айтганда, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ҳам аслида ҳаракат натижасида юз беради. Демак, ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари ҳаракатнинг намоён бўлишига, моҳиятига кўра:

а) ҳаракатдан бира тўла ҳолатга ўтишни ифодаловчи ва

б) ҳаракат натижасида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатта ўтишни ифодаловчи турларга ажратилади.

"Ҳолат" муштарақ семали, "ҳаракат натижаси" бирлаштирувчи семали ҳолат феълларининг "ҳаракатдан бира тўла ҳолатта ўтиш" мантикий ифодаси фарқловчи сема бўлиб хизмат қиласи. Ҳаракатдан бира тўла ҳолатта ўтишни ифодаловчи ҳолат феълларида предмет, баъзан шахснинг муайян ҳаракатдан тезда, бирдан ҳолатга ҳаракатсиз вазиятга ўтиши англашилади. Албатта, бунда шахс ёки предметнинг ҳаракатсиз кўриниши доимий эмас, балки нисбийдир. Ҳолат белгисига эга предметда ҳаракат нисбатан тургун бўлади, имконият сифатида сакланади.

Ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феълларининг ҳаракатдан бира тўла ҳолатта ўтиши маълум вактда ва муайян ўринда содир бўлади. «Ҳаракатдан бира тўла ҳолатта ўтиш» фарқловчи семаси шу мантикий бўлак(кисм)ни ўзида ташувчи: тўхтамоқ, тинмоқ, тинчимоқ, сўнмоқ, ўчмоқ, тамомламоқ, ўрнашмоқ каби ҳолат феълларида мавжуддир. Ушбу фарқловчи сема гапда муайян нутқ бирликлари орқали ифодаланиб, маънно доираси «тораяди». «Ҳаракатдан бира тўла ҳолатта ўтиш» мантикий ифодаси алоқа-аралашув нуктаи назаридан аниқ изоҳланишига кўра миқдоран чегараланмаган бўлади.

Тұхтамоқ - I. Мұтлако ҳаракатсиз ҳолатта үтмок: Масалан: Саф ... таққа тұхтади (А.Қаххор). Ҳовлиниң үртасига борғанда тұхтади (О.Ёкубов). Жигули қишлоқнинг энг четидеги ховли олдида тұхтади (Ф.Мусажонов). II. Тугаған ҳолатта үтмок: Үкиш тұхтади (А.Қаххор). Олай үқув юртларыда үқишилар тұхтаган (Ўзбекистон овози). III. Келишилгән ҳолатта үтмок: Шунинг учун карор Тұлага тұхтади (М.Исмоилий).

Тинмоқ. Бу феъл ҳаракатдаги предметнинг ҳаракатсизликка, муайян ҳолатта тұла үтишини ифодалайды. Бунда ҳолат пайти предмет ҳаракатига нисбатан белгиланади. Предметнинг ҳаракатдан ҳолатта үтиши, ҳолатли бұлиши, күпинча, маълум вактда юз беради:

Тинмоқ - тұхтаган ҳолатта үтмок: Тонгта яқин көр тинди (Э.Вохидов). Ёмғир пешиндан кейин тинди (А.Қаххор). Кейин тұсатдан шамол тинди (Ў.Хошимов). ... құрада хизматкорларнинг юришлари ... тинди (Ойбек).

Баъзан тин сүзи, тил бирлиги, нутқда — чи билан қатнашади: тинчимоқ. Бундай ҳолларда тинчимоқ феъли маъноси тинмоқ феъли маъносидан, унда ифодаланған ҳолатнинг юзага келиши ва унинг манбайнинг, бажарувчисининг мохиятига кура фарқланади. Тинчимоқ маъносидаги ҳаракатнинг эгаси күпинча инсон бұлади. Яъни тинчимоқ маъносидаги «ҳолат» семаси шахснинг ҳаракатдан ҳолатта аста, тадрижий равища үтгандығын билдиради. Айтиш керакки, ўзбек тили бүйіча яратылған қатор изохли луғаттарда тинчимоқ маъносидаги ҳаракатдан ҳолатта үтиш, ҳаракатдан тұхташ аста-секін амалға ошиши ва күп ҳолларда шахс билан боғлық бұлиши нима учундыр хисобға олинмайды. Қиёсланғ: тинчимоқ — аста босилған ҳолатта үтмок: Конфераньсе құлини күтариб, томошабинларни тинчитди (М.Исмоилий). Ақбар aka аранг синфи тинчитди (Ф.Мусажонов). Вагон хийла тинчиб, энді шөвкін-сурон үрнини пассажирларнинг «пиш-пиш»и ... әгаллади (Х.Назир). Йұталдан тинчиб, ўзига келгандан сұнг қорига қаради (Мирмухсин). Баъзан тинчимоқ феълида ифодаланған ҳолатнинг эгаси мавхум бұлиб, у шахс билан ҳам, предмет билан ҳам боланиши мүмкін: Ҳамма ёқ тинчиidi (F.Жаҳонгиров). Ёмғир ёғиб, ташқари тинчиidi (Н.Ёкубов). Ҳозир тун, үрмон анча тинчитган (Х.Назир).

Сұнмок — аста йўқолған ҳолатта үтмок: Фақат гохи-гохида мушак учеб сұнади (Э.Вохидов). Сұнг хоналарда шамлар мильтирайди, сұнади (О.Мухторов). Ҳамид шайхнинг кузлари олдида қуёш шуълалари сұнниб, туман тарқала бошлади (О.Мухторов).

Үчмок — тезда йўқолған ҳолатта үтмок: Үлта тупроқ ташласа үчади (Балогардон). Дадам тутунни дарров үчирди (А.Қаххор). Алимардон-

нинг кўзларидаги табассум бирдан ўчди (Ў.Хошимов).

Сўнмок ва ўчмок сўзлари ўзаро синоним бўлиб, сўнмок маъносида предметнинг ҳаракатдан ҳолатта ўтиши кўпинча аста амалга ошиши ва тасвирийлик ифодаланса, ўчмок маъносида эса ҳаракатдан ҳолатта ўтиш тезда ва тўла юз бериши англапилада. Шунингдек, ўчмок руҳий таъсирига, яъни муайян ҳодиса ҳакида тўлиқ ва аник хабар беришига кўра ҳам ажралиб туради.

Тамомламок - тутатиш ҳолатига ўтмоқ: Иккинчи суғоришини тамомладик (Ўзбекистон овози).

Ўрнашмок-I. Жойлашган, яшаган ҳолатда бўлмоқ: Мен ётоққа ўрнашдим (А.Қаххор). ... Араббой бултур Тошкентта келиб, бу ерда ўрнашган эди (П.Турсун). II. Ишга жойлашган, ўтган ҳолатда бўлмоқ: У вилоят газетасига масъул котиб бўлиб ўрнашди (А.Қаххор).

«Ҳаракатдан бира тўла ҳолатта ўтиш» фарқловчи семали ҳолат феъллари қўйидаги мантикий ифодаларга ҳам эга:

а) «эшитилиш»: тинмок, тинчимок, ўчмоқ, сўнмок, тухтамок, жимимоқ. «Эшитилиш» маъноли ҳолат феъллари товуш (овоз) таркибий кисмига эга бўлади. Бундай ҳолат феъларнинг муҳим белгиси ҳаракат натижаси бўлган ҳолатнинг бевосита эшитиш аъзоси билан боғлик ҳолда юзага келишидир. Бу семантик гурух, асосан, туб феъллардан ташкил топади.

«Эшитилиш» мантикий ифодаси нутқда қўйидаги ҳолат феълларида кузатилади:

Тинмок - тезда тўхтаган ҳолатта ўтмоқ: Кўрада хизматкорларнииг ... товушлари тинди (Ойбек). Овоз бир зумтина тинди (М.Исмоилий). Бора-бора хўроларнинг кичкириғи тинди (Ў.Хошимов).

Тинчимок - аста тутаган ҳолатта ўтмоқ. Шеър аввалига тиник булоқдек сокин жааранглади, сон-саноқсиз жилғалардек қаёkkадир интиди. ... коя қирғокларига урилди ва яна тинчиди (У.Назаров).

Ўчмок - тезда, бирдан тўхтаган ҳолатта ўтмоқ: Ғиқиллаб турган краннинг овози ўчди (С.Ахмад). Бақатерак устида безовталашиб қагилаёттан қарғаларнинг уни ўчди (Ў.Хошимов). Анвар мотоциклини каттиқ вариллатиб овозини ўчирди (Н.Ёкубов).

Сўнмок - аста тўхтаган ҳолатта ўтмоқ: Залдаги шовқин сув сепилган ўтдек аста сўнди (Н.Ёкубов).

Тўхтамок - жимиган ҳолатта ўтмоқ: Ўкириб тўхтади сўнгти замбарак (Ғ.Гулом). Карнай-сурнай бирдан тўхтади (М.Исмоилий).

Жимимоқ - тўхтаган, жим ҳолатта ўтмоқ: Қоронғи тушгунга қадар гоҳ якка-дукка ўқ, гоҳ дод, гоҳ ашула товуши эшитилиб турди-ю, бирдан жимиди (А.Қаххор). Бир оздан кейин яна йиги - сиги бошланди, кейин узоқ давом этмасдан дарров жимиди (А.Қаххор).

“Эшитилиш” мантикий ифодали тинмок, тинчимок, ўчмок,

сүнмок, тұхтамок, жимимоқ ұолат феъллари нутқ бирлиги сифатида күлланишига күра нутқий синонимни ҳосил қиласы, Булар бир-биридан услубий бүегінде (коннотациясында), нутқда турлы бирликтер билан семантика-грамматик муносабатында, күлланишига күра фарқланады.

б) "Бирикиш": туташмоқ, тақалмоқ, ёпишмоқ. Бу ұолат феълларында предметлар орасындағы алоқа, предметларнинг бири иккінчиси билан бириккен ифодаланады. Бунда ташқы ёки ички ҳаракат натижасында бир предмет иккінчи предмет билан бириккады. Бириккан, "уланган" предметлар орасындағы муносабат бири иккінчисига тегиб туриши билан, шу нүктада иккі предмет шаклан бир бутунликни (яхлитликни) ҳосил қилиши билан белгиланады. Бирикиш нүктасы, чегараси шу предметларнинг мухим белгиси сифатида қозатылады.

"Бирикиш" мәнтиқиян ифодасы қуйидаги түб феълларда қайд этилады:

Туташмоқ - бириккан ұолатта үтмоқ: 1980 йыл 10 апрель куни Москва вакты билан соат 18 дан 16 дақика үттанды космик кема орбитадағы ... комплекс билан туташтирилди (Радиодан). Ердаги корлар томларға, томдайлар күкларға туташған (М.Исмоилий). Уфқаларға туташған күк дәнгизининг ортида бир үлка бор (Ә.Вохидов).

Тақалмоқ - ёндош ұолатта үтмоқ: Богнинг бир боши полизга бориб тақаларды (С.Юнусов). Олмали күчеси анхорга тақаларды (С.Юнусов). Нариги томони яна токзор бўлиб, у каттагина ариқка тақаларды (С.Юнусов).

Ёпишмоқ - бутунлай бириккан ұолатта үтмоқ: Асфальтта ҳам хазон ёпиштан (А.Мухтор). Демак, "бирикиш" ифодады ұолат феълларында предметларнинг муносабатини ифодаловчи сүз нутқ бирлиги сифатида күпинча -га күшимишеси билан келади. Ушбу сұзда ифодаланған предмет бошқа предмет ҳаракатининг йұналған нүктаси бўлиб, бунда ҳаракат бириккан күренишінде тугайды, яғни ұолат юзага келади.

«Холат» муштарақ семали феълларнинг бирлаштирувчи семаси "ҳаракат натижасы" бўлиб, фарқловчы семаси "бир ұолатдан иккінчи ұолатта ўтиш" мәнтиқиян ифодасында ҳам эга. Айни ифода: бўйсунмоқ, бўшамоқ, тутамоқ, битмоқ, таъмсизланмоқ, ўчмоқ, бекилмоқ, бойимоқ, жимимоқ, пишмоқ, узунашмоқ, оммалашмоқ, беклашмоқ, тиккаймоқ, катталашмоқ, тўқнашмоқ, лойқаланмоқ, куримоқ каби түб ва ясама феълларга оидdir. Ушбу "бир ұолатдан иккінчи ұолатта ўтиш" семали ұолат феълларында предметтің бир ұолатдан иккінчи ұолатта ўзгариши, ўтиши ифодаланады. Бунда предметтің дастлабки ұолати асос саналади. Кейингиси унга нисбатан натижә ұолат бўлиб, у предметтің мухим белгиси сифатида юзага чиқади. Аммо предметтің бир ұолатдан иккінчи бир ұолатта ўтиши ва кейинги

ҳолатнинг таҳлил воситаси сифатида мухимлиги **аввалгисидек** доимий эмас, балки нисбий ходиса бўлиб изоҳланиши лозим. Чунки предметнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатта ўтиши ўз-ўзидан сунъий равишда амалга ошадиган жараён эмас. Унинг асосида материяниң мавжудлик усули - ҳаракат конуни ётади. Яъни предмет бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатта ҳаракат натижасида ўтади. Демак, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтишни, ўзгаришни ифодаловчи ҳолат феълларининг ҳам ўзига хос хусусияти шундаки, юзага келган ҳолат натижা белгисига эга бўлиб, у шунга кўра дастлабки мавҳум ҳолатдан фарқ қиласди.

Маълум бўлдики, ҳаракат натижаси булган ҳолат феълларининг ҳар икки ички тури, биринчидан, "ҳолат" семасига эгалиги, иккинчидан, натижা ҳолат сифатида изоҳланиши, учинчидан уларнинг асосида ҳаракат мавжудлиги, яъни ҳаракатдан ҳолатта ёки бир ҳолатдан иккинчи ҳолатта ҳаракат сабабли ўтиши билан ўзаро мантикий-мазмуний ёндошликни ҳосил қиласди. Улар биргаликда ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феълларининг кичик барқарор бутунлигини (микросистемасини) ташкил қиласди.

Ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феълларининг иккинчи турида ҳолатни юзага келтирувчи ҳаракат биринчи турдагидек аниқ ташки "кўринишига" эга бўлмайди. У яширин ҳолда булади. Иккинчи тур ҳолат феълларидағи ҳолат таъсирчанлиги, аниқ "шакла" эгалиги билан ажралиб туради, Бунда ҳолатнинг юзага келишига сабаб саналувчи ҳаракатнинг яққоллиги натижা ҳолатнинг яққоллигига нисбатан ноаниқ, мавҳум бўлади. Шундай бўлиши табиий, чунки бунда муайян вактда асосий, мухим белги бўлган ҳолат предметни "баҳолайдиган", унинг алоҳидалигини таъминлайдиган белги - хусусият сифатида кузатилиади.

Предметнинг бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатта ҳаракат натижасида ўтишида ҳолатни юзага келтирувчи ҳаракат ташки, яъни мавжуд ва ички, яъни яширин ҳаракат бўлиб "тавдalanади". Ташки ҳаракат конуний ёки бирор предмет томонидан амалга оширилган ҳаракат саналади. Масалан: ботмоқ, тутамоқ, бўкмоқ. Ички ҳаракат предметларнинг моҳиятидан, ўзаро таъсиридан, предметдаги яширин ҳаракатдан юзага келади. Масалан: таъмсизланмоқ, эскирмоқ, хиралашмоқ.

Иккинчи тур ҳолат феълларида предметнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатта ўтиши кўпинча вакт ўлчови билан боғланади. Бундай ҳолларда вакт белгиси **натижা** ҳолатнинг муайян, аммо доимий бўлмаган белгиси хисобланади.

Ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феълларида юзага келган ҳолат конуний ҳолда мантикий-фалсафий жихатдан вакт ва ўрин ўлчовига эга бўлади. Аммо лисоний жихатдан бундай ҳолат феъллари катнашган гапларда вакт ва ўриннинг алоҳида нутқий

ифодага эгалиги нозарурийдир. Бу вакт ва ўрин белгиларининг грамматик жиҳатдан ифодаланиши нисбий эканлиги, зарурий эмаслиги билан изохланади.

Жараёнга кўра "бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатта ўтиш" фарқловчи семали маънога эга ҳолат феъллари қуидагилар:

Бўйсунмок – мажбуран тобе ҳолатта ўтмоқ. Жаҳоннинг ярмини килич билан бўйсундирдим (Латифалар).

Бўшамок – I. Вазифасидан озод килинган ҳолатта ўтмоқ; У мураббийлиқдан бўшатилди (А.Қаххор). Сут товар фермаси мудири Р.Муродов вазифасидан бўшатилди (Санъат). II. Нарсадан ҳоли килган (бўлган) ҳолатта ўтмоқ: Кадаҳни бўшатди (Х. Гулом). Гуломжон бўшаган пиёласини Наби қорига узатиб: ... (М. Исмоилий). Сахро аста-секин бўшади (А. Қаххор).

Тугамок – тамом бўлган, ниҳоясига еттан ҳолатта ўтмоқ: Сал ўтмай темир-терсак ҳам тугади (Ф. Мусажонов). Табиий оғат оқибатлари тугатилди (Ўзбекистон овози).

Битмоқ – I. Тайёр бўлган ҳолатта ўтмоқ: Қани? Ҳа, тамом, зовур битиби (А.Қаххор). Тилла узук буюрдим, эрта-индин битиб қолар (А. Қодирий). II. Тугаган ҳолатта ўтмоқ: Узумни кўтарага олувчиларнинг иши биттан (С. Юнусов). Эринчокнинг иши битмас (Макол).

Таъмсизланмоқ – маза-таъмини йўқотган, бемаза ҳолатта ўтмоқ: Ачиғандан кейин қатиқ ичишга, нон тўғраб ейишга бир оз таъмсизланади (Ш. Шомақсудов, С. Долимов).

Ўчмоқ – ёнишдан (тутундан) тўхтаган ҳолатта ўтмоқ: Икки марта тортдим-да, кулдонга эзгилаб ўчирдим (ф. Мусажонов). Самандаров бир қоши паст, бир қоши баланд бўлиб, ўшиб қолган маҳоркасини чироқдан тутатиб олди (А.Қаххор).

Бекилмоқ – тўсиғлан ҳолатта ўтмоқ: Бошқа йўллар ҳаммаси бекилган (Х. Гулом).

Бойимоқ – I. Тўлган ҳолатта ўтмоқ: Маданиятимиз, адабиётимиз хазинаси мангу боқий китоб билан бойиди (Х. Гулом). II. Ўсан, юксалган ҳолатта ўтмоқ: Юртимиз кишиларининг маънавий дунёси бойиди (Гошкент оқшоми).

Жимимоқ – жим бўлган, шовқин тўхтаган ҳолатта ўтмоқ: Ҳозиргина суюнчилари ичларига сиғмай гувурлашган одамлар бирдан жимишди (М. Исмоилий). Кулгилар билан гуркираб турган гузар бирдан жимиди (М. Исмоилий).

Пишмоқ – истеъмол килиш ҳолатига ўтмоқ: Қизлар, овқат пишди (Ў. Ҳошимов).

Узунлашмоқ – бўйи (узунлиги) ортган, узайган ҳолатта ўтмоқ: Офтоб магрибга энгашган, арчаларнинг сояси узунлашган эди (О.Ёкубов). Шамол кучайиб, оловнинг тили яна ҳам узунлашди (С.

Ахмад).

Оммалашмоқ - тарқалган, ёйилган ҳолатта ўтмок: Бу ерда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усули-бригада пудрати кенг оммалашган (Тошкент оқшоми). Пахта илғорларининг тажрибаси кенг оммалашди (Туркистон).

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида «амалдор», «лавозим» маъносини ифодаловчи бек, беклик сўзлари ва шулар билан боғлиқ маънолар изоҳи берилади<sup>1</sup>. Аммо тил бирлиги сифатида бу сўзлар билан ҳам шаклан, ҳам мазмунан муносабатта киришувчи беклашмоқ сўзи лугатда қайд этилмайди:

«Беклашмоқ» - мансабга қўтарилган ҳолатта ўтмок: Сиз беклашганингиздан бери ... сизни кўрсам уяладурган бўлиб колибман (А. Қодирий).

Тиккаймоқ - тик йўналган ҳолатда бўлмоқ: Мадраса, хонакоҳ, шифохона, ҳаммом ва бошқа катта бинолар азamat пештоқлари, гумбазлари самога тиккайган (Ойбек).

Катталашмоқ - ҳажм-ўлчови орттан, каттайган ҳолатта ўтмок: Шу билан бирга ионосферада электрон зичлигининг одатдагидан катталашуви, кундузги ёруғлик, лампочкаларнинг зилзила олдидан ўз-ўзидан ёниб қолиши... (Фан ва турмуш). ... шаҳло кўзлари яна катталашади (М. Исмоилий).

Тўқнашмоқ<sup>2</sup> - тўқнаш ҳолатта ўтмок: Шунда кўзлар тўхнашади (М. Исмоилий). Тешабой ҳам айни назокат билан жавоб килди. Шунда икковининг кўзлари тўқнашди (М. Исмоилий).

Лойқаланмоқ - лойқа, ифлосланган ҳолатта ўтмок: Булоқ суви лойқаланар ўн чақиримда (Шарқ юлдузи). Кўлнинг суви нега лойқаланди? (Халқ сўзи).

Қуримоқ - бутунлай йўқ бўлган, тутаган ҳолатта ўтмок: ... қўшин ёмонларни йўқ этди, мамлакатда босмачини қурилди (Ф. Йўлдош). Бу ерларга келган одамнинг суяклари қурийди, гўштини бўрилар ейди (Олмос Ботир). Яхшилик авж олса, ёмонлик қурийди (Ш. Тошматов).

«Ҳолат» муштарак семали, «ҳаракат натижаси» бирлаштирувчи семали ҳолат феълларнинг фарқловчи семаси «бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатта ўтиш» қўйидаги мантиқий ифодаларга ҳам эга бўлади:

а) «шаклий»: қатқалоқланмоқ, ивимоқ, бўқмоқ, эскирмоқ, хиралашмоқ, хираланмоқ, қуримоқ, қақрамоқ, нурамоқ, музламоқ,

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати, I, М., 1981. 97-98 - бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати, II, М., 1981. 258 - бет.

яхламоқ, эримоқ, қотмоқ, майишмоқ, буулутланмоқ, тұлмоқ, тиниклашмоқ, қопламоқ, чүкмоқ, зангламоқ, коронгилашмоқ.. Ушбу ҳолат феъллари, асосан, предметнинг, баъзан шахснинг ташки кўринишини, шаклий ҳолатини ифодалайди. Бунда предметнинг (баъзан шахснинг) турли шакларда куриниши ҳолат сифатида кузатилади. Бу шаклий белги шахс ёки предметнинг муҳим белгиси бўлиб туриши, кучли таъсир килиши билан ажралиб туради. Шаклий ифодага эга ҳолат феъллари туб ва ясама феъллар бўлиб, ясама феъл от ва сифатларга -лан, -лаш, -а, -ла ясовчиларининг кўшилишидан хосил бўлади.

«Шаклий» мантиқий ифодали ҳолат феъллари қўйидагилар:

Қатқалоқланмоқ - нотекис қотган, қатқалоқ ҳолатта ўтмоқ: Кўчаларнинг балчиғи қатқалоқланган (Ойбек). Эрув вактида ярим белдан лой кечишга тўғри келадиган кўчаларнинг лойи қатқалоқланган (А. Кодирий).<sup>1</sup>

«Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да ивимоқ ва бўкмоқ феъллари айнан бир хил изоҳланади: «сув (суюклиқ) шимилаган ҳолатли бўлмоқ»<sup>1</sup>. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да эса ивимоқ сўзининг биринчи қилиб қайд этилган маъноси синонимлар луғатидаги изоҳга уҳшаш: «сув ёки бирор бошқа суюкликни эмиси, шимиб, хўл бўлмоқ, нам тортиб юмшамоқ, бўлмоқ»<sup>2</sup>. Бўкмоқ сўзининг изохи эса қўйидагича: «нам тортиб, намикиб кўпчимоқ, бўртмоқ, шишимоқ, сув шимиб шилта, шалаббо бўлмоқ, ивимоқ»<sup>3</sup>. Маълум бўлдики, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ивимоқ ва бўкмоқ феъллари изоҳига кўра нисбатан фарқланади. Ивимоқ ва бўкмоқ сўзлари ифодалайдиган асосий маъносига кўра бир хил бўлиб, ўзаро синонимик муносабат хосил қиласди. Айни вактда бу сўзлар бир-биридан нозик маъно фарқига кўра алоҳида тил бирликлари сифатида нутқда муайян семантик-грамматик вазифа бажаради. Яъни ивимоқ ва бўкмоқ феълларининг маънолари, асосан, белги даражасига кўра фарқланади.

Ивимоқ - сувни тўла сингдирган ҳолатта ўтмоқ:. Уст-боши аллақачон ивиган бола намдан, совуқдан бироз титрарди (О.Мухторов). Сафаров папирос найчасининг ивиган жойини тиши билан узиб, пулфлаб ташлади (А.Қаҳҳор). Кейин ивитилган нон ушокларини чўқиди (Шуҳрат).

Бўкмоқ - сувни тўла сингдирраб, бутунлай сувда қолган ҳолатта ўтмоқ: Ёмғирда бўккан Сафар ўзини торгина олди очик йўлакка олиб, эшикни занжирлади (А.Кодирий). Нон, хусусан, бўлка нон сувга тушса, сувни ўзига шимиб бўқади, шишади, бирон нарсага илиниб,

<sup>1</sup> Карапг.А.Хожиев, Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати, Т. 1974. 104-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1, 313-бет.

<sup>3</sup> Ўша луғат, 160-бет.

ұша ерда колади (Ш.Шомаксудов, С.Долимов). Демак, бўкмок маъносида «сувни сингдириш, шимиши» даражаси ортиқ бўлиб, у шунга кўра ивимоқ сўзидан фарқ қилади.

Эскирмок - тўзиган, яроксиз ҳолатта ўтмоқ: Кийимлари эскирган, ранглари бир ҳолатда косиблар бошларини эгиб ... борар эдилар (М.Осим).

Хиралашмоқ - I. Рангини, тиниқлигини йўқоттан, хира ҳолатта утмок: Йиллар давомида халтачанинг ок матоси сарғайиб хиралашган (П.Қодиров). Кўп якинлашаверсанг эса нафасинг тегиб, хиралашади (О.Матчон). II. Ёритиши кучсиз, хира ҳолатта ўтмоқ: Чўл лочинлари хиралаштирилган фонаръ тагида папирос тутатиб, тонг оттиридалар (Х.Ғулом).

Хираланмоқ - нур сочиши камайган, аниқ кўринмайдиган ҳолатга ўтмоқ: Сийрак ок булат орқали хираланиб кўринган кўёш гарбга юмалай бошлаган... (М. Турсун). Юлдузлар хираланиб, жимгина сўнаркан... (Ойбек).

Ковжирамоқ - сувсизликдан куриб, бужмайган, сўлиган ҳолатта ўтмоқ: Тез кунда қўёш деворлар рангини кўтарди, эндиғина кўқара бошлаган гиёхларни ковжиратди (О.Мухторов). Адолат ... чанқаб, ковжираб турган ҳар бир гузага қараб ачинар ... (И. Раҳим).

Куримоқ - сувсиз (намсиз) ҳолатга ўтмоқ: Дарёда сув куриди (М. Эгамбердиева). У томда қуритилган майизларни пастта тушириб ... (С.Юнусов).

Қакрамоқ - бутунлай сувсиз, суви (нами) йўқ ҳолатта ўтмоқ: Ариклар қақраган, дарахт япроқлари тўз (М.Исмоилий). Агар сув булмаса, экинлар қақраб, дарахтлар курийди (С.Юнусов). Ер қақраган (Н.Ёкубов). Қакрамоқ маъносида белги даражаси ортиқ.

Нурамоқ - емирилган ҳолатта ўтмоқ: Тепаси нураган паст деворга суюнди (Ойбек). ... баҳор ёмғиридан нураган ўчоқни яхшилаб сувади (С. Ахмад).

Музламоқ - музли, музга айланган ҳолатта ўтмоқ: Қирор тушиб, далалардаги ўт-ўланларнинг тагини музлассан (П. Норматов). Совукнинг таъсирида сув музлабди (Тошкент оқшоми). Изғирин музлатар дарёлар четин (Г. Ҳамид).

Яхламоқ - бутунлай совукқоттан ҳолатта ўтмоқ: Изғирин ялади яхлаган бетин (Т. Тўла).

Эримоқ - суюқ, сувли ҳолатта ўтмоқ: Эриган новвот каби субҳидам ширин уйқу (А. Орипов). Якинда ёқкан декабрь кори салпал эриди (Ш. Тошматов).

Қотмоқ - I. Қаттиқ ҳолатта ўтмоқ: Оқсоқол, у ёқларда аллақачон кор ёғиб, ерлар метин бўлиб коттан (Мирмуҳсин). Совуқдан қотиб, заранг бўлиб кетган ер оёқ боссанг тарақлайди (Ф.Мусажонов). Ғурбатхонада кази-карта егандан кўра

бахамжиҳатлик билан коттан нонни сувга ботириб еган афзалрок (Х. Назир). II. Бутунлай ҳаракатсиз ҳолатта ўтмок: Мамат-мамла чопон эшикка чиқди, сокчи ҳам таррақдай қотиби (Т.Тула). Соя тошдек коттан калтакесакларни ... чўчтиб ... (А.Мухтор). Улар сеҳрлангандек жойида қотиби (С.Юнусов).

«Ўзбек тилининг изохли лугати»да майишмок сўзи факат инсон, унинг муайян аъзоси билан боғлик ҳолатни ифодаловчи тил бирлиги сифатида изоҳланади; букилмоҳ, эгиммоқ (асосан комат ёки оёқ-қўл ҳакида)<sup>1</sup>. Бу сўз маъноси баъзан предмет билан ҳам боғланиб, қўйидаги мантикий ифодага эга бўлади.

Майишмок - едирилиб қийшайтан ҳолатта ўтмок: Мийиклари сабза урган, дурдок лаблари илжайиб турган бу йигитнинг елкасига ямок тушган, кўхна этигининг пошнаси майишган (М. Осим).

Булутланмоқ - булутли ҳолатта ўтмок: Бу пайтда осмон булутланган. Ёмғир томчилай бошлаганди (Н. Норматов).

Тўлмоқ - I. Бурканган, копланган ҳолатта ўтмок: Уй тамаки тутинига тўлди (А. Қаҳҳор). II. Банд бўлган, эгаллаган ҳолатта ўтмок: У менга пиёлани тўлдириб, сув қўйиб берди (Ф. Мусажонов). Тонг аллақачон ёришиб, кўчалар одамга тўлди (М. Исмоилий). ... булоқнинг тиник суви тўлдирилган идишни кўтариб, ... (Латифалар).

Тиниклашмоқ - лойқасини йўқотиб, тиник ҳолатта ўтмок: Қишлоқни ҳалқадай ўраб оқаётган анхор бирдан тиниклашди (Ў. Ҳошимов).

Копламоқ - тўла эгаллаган, (қамраган) ҳолатта ўтмок: Осмонни қоп-қора булат қоплаган (Ф. Мусажонов). Йўлларни юпқагина кор қоплаган (А. Мухтор). Кўксини коплаган кордай ок сокол (Т. Ҳамид).

Чўкмоқ - қоплаган, қамраган ҳолатда бўлмоқ: Тун чўккан бўлса ҳам очиқ деразадан тикилиб турган осмон ёришиброқ кўринди (А. Мухтор).

Зангламоқ - занг босган, (занги) ҳолатта ўтмок: Унинг оёғига солинган хамма кишанлар вакт-соати билан занглади (А. Қаҳҳор).

... Заргаровга ҳам бу совук хабар занглаган михдай қадалди (А.Мухтор).

Коронғилашмоқ - коронғи, қорамтири ҳолатта ўтмок: Кум тўзонидан осмон коронғилашди (М. Осим). Қулларидағи машъялларнинг шуъласи деворларнинг тилла суви юритилган нақшларини бир ялаб сўнди, расадхона яна коронғилашди (М. Исмоилий).

б) «зичлик»: қуюқлашмоқ, калинлашмоқ. «Зичлик» фарқловчи семали ҳолат феъллари предметнинг ташки қўриниши билан боғлик ҳолатни ифодалайди. Бундай феълларда ҳолатни билдирувчи белги

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изохли лугати, 1,442-бет.

предметнинг мухим томони бўлиб кузатилади. Ушбу мантикий ифодали ҳолат феълларида қайд этилувчи предмет кўпинча муайян сатҳ билан боғланади, миқдорий белгига-зичликка, қалинликка, кўплликка эга бўлади. Ушбу ҳолат феъллари сифат -лаш тузилишига эга сўзларда кузатилади:

Куюқлашмоқ - қалин, зич (кўп) ҳолатта ўтмоқ: Бахтга қарши сал утмай кўқдаги булатлар куюқлашиб, ёмғир савалай бошлади (О. Ёкубов). Қоронғи куюқлашиб, юлдузлар ҳам уйғониб қолди (Ў. Ҳошимов). Окшом зулмати нафас сайин куюқлашиб, баҳайбат коп қора қанотларини ёйиб келмоқда (П. Турсун).

Қалинлашмоқ - кўп (мўл), зич ҳолатта ўтмоқ: Томларда, дарахтларда қор анча қалинлашган (Ойбек). Осмоңда булатлар қалинлашиб, ёмғир томчилади (Альманаҳ).

в) «тус»: кораймоқ, оқармоқ, сарғаймоқ, қизармоқ, кўкармоқ, мовийлашмоқ. «Тус» мантикий ифодали ҳолат феъллари предметнинг ранг, тус билан боғлиқ ҳолатини билдиради. Бунда ранг, тус белгиси предметни бошқа предметлардан ҳамда шу предметдаги муайян хусусиятлардан ажратиб туради. Тус белгиси умумий, мавхум бўлиб, у турли предметларда турлича кўринишга эга муайян рангларда кузатилади. Қайд этилган ифодали маънога эга сўзлар, асосан, ясама бўлиб, сифатта -ай, -ар, -лаш қўшимчаларининг бирикишидан тузилади:

Кораймоқ - қора тусли ҳолатта ўтмоқ: Миясидан оқкан қон ёлида корайиб қотиби (Х.Фулом), Тутун билан коп-корайган пасттгина коронги ҳужранинг ўртасида гулхан ёниб ... (А. Қаххор). Булатлар корайди, ёнди, тугади (Альманаҳ),

Оқармоқ - I. Оқиши тусли ҳолатта ўтмоқ: Боғчалар, чаманзорлар оқарган (Ойбек). Уфқдаги тоғларнинг усти гира-шира оқарган (О. Ёкубов). Ер оқарди (О. Матжон). II. Ёришган ҳолатта ўтмоқ: Адир томондан уфқ ҳудди парда оркасидан чироқ ёққандек оқариб келяпти (С.Ахмад).

Сарғаймоқ - сарғиш тусли ҳолатта ўтмоқ: Хушнуд одамларнинг сурати турар, тагида сарғайган сатрлараро (А.Орипов). Вакт ели саргайттан саҳифаларда довуллар ... қотди (Ж. Жабборов).

Қизармоқ - қизгиш тусли ҳолатта ўтмоқ: Бемор чўқкан кўзларини хиёл очиб, кечки шафақдан қизарган дераза пардасига қаради (А. Қаххор).

«Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да мовий сўзи алоҳида қайд этилади, изоҳланади. Мисолларда белги ифодаловчи сўз - аниқловчи сифатида кўлланади<sup>1</sup>. Аммо шу сўз асосида ҳосил бўлган мовийлашмоқ ясама феъли қайд этилмайди. Ваҳоланки, у тил бирлиги

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати, I, 469-бет

сифатида шеъриятда кўп кўлланилади.

Мовийлашмок – зангори (мовий) ҳолатта ўтмок: Секин мовийлашар кизарган осмон (А. Орипов).

Кўкармок – кўкиш тусли ҳолатта ўтмок: Кўклам қуёшидан кўкарган кирлар (Ҳ.Олимжон). Гиёҳ унмаган чўллар меҳнаткашлар қони бараварига ям-яшил кўкарган эди (А.Қодирий).

г) «миқдор»: кўпаймоқ, камаймоқ, озаймоқ, сийраклашмок, сергалмок, етказилмок. Бундай ифодали маънога эга ҳолат феъллари шахс ёки предметнинг миқдори билан боғлиқ ҳолатни ифодалайди. Шахс ва миқдор белгиси кўшинча кўриш ёки эшитиш таъсирига кўра аникланади. Бундай феълларда миқдорий белгига эга бўлган турли ҳажмдаги, шаклдаги нарса-предметлар ифодаланади. Улар дастлабки миқдорга нисбатан ортиқ (кўп) ёки кам бўлади.

«Миқдор» мантиқий ифодали ҳолат феъллари шахс ёки предмет миқдорини умумий (мавхум) ифодалайди. Яъни ҳолат феълларида ифодаланувчи предмет ноаниқ кўп ёки кам бўлиши билан ажраби туради. Баъзи миқдор ифодали ҳолат феъллари гацда сон кўрсаткичи билан келиб, маъно жихатдан аниқликка эга бўлади.

Ушбу ҳолат феъллари туб, купрок ясама феъллардан тузилади, Кейингилари равиш —ай, —лаш шаклида бўлади. «Миқдор» ифодали фарқловчи сема нутқда қуидаги ҳолат феъллари оркали намоён бўлади:

Кўпаймоқ – миқдори ортган ҳолатта ўтмок: Соликни кўпайтириди (А.Қаҳхор). – почча, Ҳусайн Бойқаро замонида ёмонлар кўпайган (Ойбек). Фақат сочларининг оки кўпайибди (Ў. Ҳошимов).

«Ўзбек тилининг изохли лугати»да камаймоқ, озаймоқ феълларининг биринчи қилиб қайд этилган лугат маколачасида бу сузлар маъносига деярли бир хил изохланади; Камаймоқ – миқдор ёки ҳажм жихатдан оз, кам бўлмоқ, озаймоқ<sup>1</sup>. Озаймоқ – миқдор, ҳажм жихатдан камаймоқ, камайиб қолмоқ<sup>2</sup>. «Ўзбек тили синонимларининг изохли лугати»да ҳам камаймоқ, озаймоқ сузлари маъносига айнан бир хил изох берилади: кам (оз)холга келмоқ<sup>3</sup>. «Ўзбек тили антонимларининг изохли лугати»да ҳам камаймоқ, озаймоқ сўзларининг маъносига бир хил изохга эга: миқдор, салмоғи илгаридан кам бўлмоқ, миқдоридан бир кисми йўқоммоқ<sup>4</sup>.

Синонимик муносабатдаги озаймоқ маъносига белги даражаси (озайиш) камаймоқ маъносидаги белтига нисбатан

<sup>1</sup> Ўша лугат 363-бет

<sup>2</sup> Ўша лугат, 524-бет.

<sup>3</sup> А. Ҳожиев. Ўша лугат. 115-бет.

<sup>4</sup> Ш. Рахматуллаев, Н. Маматов, Р. Шукуров. Ўзбек тили антонимларининг изохли лугати. Т. 1980 йил. 107-бет.

бироз, сал-пал ортиқрок, Шунингдек, камаймоқ озаймок сўзига нисбатан сўзлашув нутқида кўп ишлатилади, озаймок китобий: Дарё суви камайган, кирғоклари очилиб қолган эди (М. Осим). Эта-оналарнинг арз-додлари анча камайди (Х. Назир). Косада ош уч эллик озайди (Ойбек), Кундан-кунга бозор касодлашиб, харидор озайди (А. Қаххор).

Сийраклашмоқ - миқдори жуда кам ҳолатга ўтмоқ: Ниҳоят, буултлар сийраклаши, атроф ёриши (Н. Ёкубов). Шаҳар чироклари сийраклашади, фонтан атрофи бўшаб қолди (С. Аҳмад). Кўқдаги юлдузлар сийраклашади (Х. Ғулом). Сийраклашмоқ маъносида белги даражаси кучли бўлиб, бу сўз нутқда кам кўлланади.

Сергалмок - миқдори кам (оз) ҳолатта ўтмоқ: Ҳашарнинг дастлабки кунларида қурт-кумурсқадай чиқкан одам бора-бора сергалади (М. Исмоилий).

Етказилмоқ - кўпайиб, аниқ миқдорга етган ҳолатта ўтмоқ: Шундай қилиб, вилоятимизда ихтисослаштирилган узумчилик ва боғдорчилик ташкилотлари 7 тага етказилди (Ўзбекистон овози). ... олис туманларда жойлашган қабул килувчи орбита станцияларининг сони 85 тагача етказилди (Радиодан).

д) «сифат»: яхшиланмоқ, такомиллашмоқ, мустахкамланмоқ, ёмонлашмоқ. Бундай мантикий ифодали ҳолат феъллари предметнинг сифатини, унинг шу хусусиятига кўра қандай ҳолатдалигини, яъни назарий ва амалий фойдаланиш нуктаи назаридан талабга жавоб бериши ёки жавоб бермаслигини англатади. Улар ясама феъл сифатида -лан, -лаш, -ай қўшимчаларини олган ҳолда кузатилади:

Яхшиланмоқ - I. Такомиллашган, мукаммал ҳолатта ўтмоқ: Кейинги вактларда рус тилига доир дастурлар, дарсликлар, методик ва кўргазмали қуроллар, русча-ўзбекча ва ўзбекча-руска луғатлар анча яхшиланади (Маърифат). II. Талаб даражасига етиш ҳолатига ўтмоқ: Дехқонларнинг майший аҳволлари ҳам унча-мунча яхшиланади (М. Исмоилий).

Такомиллашмоқ - мукаммал ҳолатта ўтмоқ: Навоийнинг буюк хизматлари соясида XV асрдаги туркий адабий тилнинг ички структура элементлари — грамматика, фонетика томони ва услубияти ва буларнинг номлари янада ... такомиллашади (Навоий асарлари луғати).

Мустахкамланмоқ - маҳкам ҳолатга ўтмоқ: Қўрғон яхши мустахкамланган эди (Ойбек). Янги курилаёттан кўп қаватли биноларнинг таянчи жуда мустахкамланади (Тошкент оқшоми).

Ёмонлашмоқ - оғир, ноҷор, ёмон ҳолатта ўтмоқ: Тарихий

материалларга қараганда иктисадий ахвол жуда ёмонлашган (Бобур).

е) «ёруғ»: ёришмок, очилмок, бўзармок. «Ёруғ» ифодали маънога эга ушбу феъллар предметнинг ташки кўриниши билан боғлиқ ҳолат белгисини ифодалайди. Бу белги муайян предметнинг ёришган, ёруғ ҳолатта ўттанлиги, шунга эгалиги билан белгиланади. Айни ҳолат феъллари туб ва сифат -ар шаклидаги ясама феъллардан иборат бўлиб, қуидаги сузларда қайд этилади:

Ёришмок – сал ёруғ ҳолатта ўтмок: Дам ўтмай арчазордаги гумбаз оқ нурдан ёришди (Зулфия). Узоқда коп-корайиб турган тоғнинг усти ёришди (А. Қаххор). Сув сатҳи ёришди (Х. Гулом).

Очилемок – ёруғ, очик ҳолатта ўтмок: Ҳаво буткул очилган (Х. Гулом). Осмонни эгаллаган чанг тарқалиб, ҳаво очилиб кетди (Саодат).

Бўзармок- гира-шира ёришган ҳолатта ўтмок: Тонг бузарди (Х. Гулом). Вакт номозшом. Дарчаларда бирин-кетин жинчироқ нурлари бўзарди (Имом қочди).

Очилемок маъносида ёргулик белгиси ортиқ бўлиб, унинг ҳолат ифодаси кўчма маъно сифатида изоҳланади.

ё) "йўқолмок": ботмоқ, ўчмоқ, сўнмоқ, тугамок. "Йўқолмок" мантикий ифодали ҳолат феъллари предмет ҳолати билан боғланади. Улар предметнинг бир ҳолатдан (мавжудликдан) бошқа-йўқ бўлган, йўқолган, кўриниш таъсири қолмаган ҳолатта ўттанлигини билдиради. Бунда предметнинг бир ҳолатдан ҳаракат натижасида иккинчи бир ҳолатга ўтишида вакт ўлчови үрин белгисига нисбатан асосий саналади. Чунки бу ҳолдан предметнинг бир ҳолатда иккинчи ҳолатта ўтиши қаерда амалга ошганлиги эмас, балки қачон, қайси вактда юз берганлиги мухим саналади. Бундай ҳолат феълларида вакт ўлчови натижা ҳолатнинг юзага келиши билан киёсан олганда, кўпинча, аниқ бўлади.

"Йўқолмоқ" фарқловчи семали ҳолат феъллари туб ва ясама феъллар гурухини ташкил қиласи. Ясама феъл ўзакка —а ясовчисининг кўшилишидан ҳосил бўлади. Ушбу ифодали маънога эга ҳолат феъллари қуидагилар:

Ботмоқ – уфқ орқасига яширинган (чўккан) ҳолатта ўтмок: Күёш боттан, аммо алвон уфқда товланиш бор эди (Шухрат). Күёш ботди, курорт шаҳарнинг ёқимли кун сурони тинди (Зулфия). Тун ниҳоят коронги, чунки янги тутилган ой аллақачон боттан эди (П. Турсун).

Ўзбек тили синонимларининг ва антонимларининг изоҳли луғатларида ўчмоқ, сўнмоқ сўзи маънолари бир хил изоҳланади: ўчмоқ; сўнмоқ – ёниш ёки нур тарқатишдан тўхтатмоқ<sup>1</sup>; нур беришдан

<sup>1</sup> А. Ҳожиев. Ўша луғат. 246-бет.

гүхтамок<sup>1</sup>. Бизнингча, лугатларда бир хил изохланган бу синоним сўз маънолари предметнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатта ўтиши, узгариши қандай юз беришини ифодалашига кўра ўзаро фарқланади. (Бу хақда - 17 - бетга қаранг):

Ўчмок - нур тарқатиши тезда йўқолган ҳолатга ўтмок: Кўқдаги тироклар бирданига учди (Ў.Хошимов). Ҳали кулги босилмаган ҳам эдик, чироқ лип этиб учди (С. Аҳмад).

Сўнмок.- I. Нур тарқатиши аста йўқолган ҳолатга ўтмок: Бундан эрим соатча аввал қора баҳмалга қадалган дурдек ялт-ялт этиб, кўз кисаётган юлдузлар мудраб-мудраб охири сўнди (Ў.Хошимов). Қуёш бора-бора ботиб кетди, шекилли, шафак сўнди (Ў.Хошимов). Ялт этиб, учиб сўнган юлдуздек бу кичик куз ҳам сўнади (Мирмуҳсин). II. Иссиклик тарқатиши аста йўқолган ҳолатта ўтмок: Этоқ коронги, шериклари ухлаган, пеккадаги ўт сўнган, уй совук (А.Каххор). Ўчмок сўзида белги даражаси ортиқроп. Бу сўз, асосан, сўзлашув нутқига хос.

Тугамок - йўқ бўлган ҳолатга ўтмок: Булутлар ёнди, тутади, юлдузлар якинроқ келди кўзига (Альманах).

ж) "харорат": кизимок, исимок, илимок, юшамок, майинлашмок, совимок. "Харорат" фарқловчи семали ҳолат феъллари предметнинг таркибий кисми бўлган, вазиятта кўра турлича таъсирга эга, асосан, сезиш аззоси ёрдамида аниқланувчи харорат белгисини ҳолат сифатида ифодалайди. Улар кўпинча табиат кодисалари билан боғлиқ юзага келган ҳолатни билдиради. Бунда предмет харорати кўтариш-исиши, пасайиш-совиши ҳолатида бўлади.

Ушбу ҳолат феълларига хос хусусият шундаки, харорат белгиси вакт ўлчови билан боғланади. Яъни ҳолат белгиси маълум вакт давомида предмет-ходисанинг энг муҳим белгиси сифатида мавжуд бўлади. Бу ҳолат феъллари нутқда туб, баъзан ясама (сифат-лаш) феъл шаклида кузатилади.

"Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати"да харорат белгисига эга: исимок, қизимок феъллари-синоним бирликлар бир хил изохланади: Кўп иссиқликка эга бўлмоқ, харорати кўтарилимоқ<sup>2</sup>. Ҳар қандай синоним сўзлар бир-биридан кўшимча маъно нозиклиги (коннотацияси)га кўра фарқланганидек, исимок ва кизимок ҳам ўзаро маъно қиррасига кўра фарқланади:

Қизимок - харорати жуда кўтарилиган, қизиш ҳолатига ўтмок: Кундуз қизиб, тунлар куйдириб ёмон (Ф. Йўлдош). Кундан-хунга ҳаво қизиди (Ойбек).

ІІ. Раҳматуллаев, Н. Маматов, Р. Шукуров. Ўша лугат. 78 -бет.

А. Ҳожиев. Ўша лугат. 108-бет.

**Исимоқ** - харорати күтарилиган, исиш ҳолатига ўтмоқ: Бугун эрталабдан кун ҳам исиди (Х. Ғулом). Баҳор келиши билан кун исийди (Ш. Шомаксудов, С. Долимов). Қизимоқ маъносида белги даражаси кучли бўлиб, у, асосан, оғзаки нутққа хос.

**Илимоқ** - харорати бироз күтарилиган, илиш ҳолатига ўтмоқ: Фақат кунлар узайган, илиган, вақт номози асрдан ўтса ҳам ... (О.Ёқубов). Ҳаво илиб, баҳор нафаси сезила бошлиди (Ўзбекистон овози). Февраль ўрталарида зангори осмон ярқираб, қуёш тупрокни илитди (Х. Ғулом).

**Юмшамоқ** - совуқ ҳарорат пасайган, сал илиш ҳолатига ўтмоқ: Февралнинг ўрталарида ҳаво юмшаб, дала-тошни, тўқайларни босиб ёттан қалин кор ёлиги тешила бошлиди (А. Қаҳхор). Совуқ бир оз юмшаб тушган, куёш очик ҳавода ҳаракат этмоқда эди (А. Қодирий).

**Майнинлашмоқ** - юмшоқ, ёқимли, мулоим ҳолатта ўтмоқ: Эрталабки совуқ шабада пешинда майнинлашиб, баҳордан дарак беради (Тошкент оқшоми). Майнинлашмоқ маъносида белги даражаси ортиқроқ. Бу сўз қўшимча «ёқимли» белгиси (семаси)га эга бўлиб, ижобий бўёқ ифодалайди. Майнинлашмоқ, юмшамоқ сўзлари, асосан, адабий тилга, шеъриятта, илимоқ, асосан, жонли нутққа хос.

**Совимоқ** - иссик ҳарорат пасайган, совуқ ҳолатта ўтмоқ: - Ҳа, ҳозир ҳаво ҳам совиб, салқин тушиб қолди (Ф. Мусажонов). Сухбат кизиб, чой совиди (С. Абдулла).

з) «ҳид»: димиқмоқ, чиримоқ. Бундай фарқловчи семали ҳолат феъллари предметнинг ҳиди билан боғлиқ ҳолатини ифодалайди. Предметнинг ҳолат белгиси инсоннинг ҳид сезиш аъзоси билан аникланади ва сифатига кўра баҳоланади. Ушбу ифодали ҳолат феъллари предметта хос ҳиднинг ёқимсиз, бадбўй, ноҳушилгини, салбий муносабат уйготишини билдиради. Бундай фарқловчи семали ҳолат феъллари қуидаги туб феълларда қайд этилади:

**Димиқмоқ** - нафас қайтадиган ҳолатта ўтмоқ: Меҳмон тўрга ўтиши билан уйни димиққан, чириган тамаки ҳиди тутиб кетди (А. Қаҳхор). ўтов ... ўтов ... ўтов ҳаммаёқ, майшатдан димиқарди Бобатог (Г. Тўла).

**Чиримоқ** - бадбўй ҳидли ҳолатта ўтмоқ: Меҳмон тўрга ўтиш билан уйни димиққан, чириган тамаки ҳиди тутиб кетди (А. Қаҳхор). Хонани чириган картошка ҳиди тутган эди (Тошкент оқшоми).

и) «вақт»: қоронгиламоқ, яримламоқ, абадийлашмоқ. Бу ҳолат феъллари шахс, баъзан предметнинг вақт билан боғлиқ ҳолатини ифодалайди. Бунда вақт шахс ва предметнинг муҳим ҳолат белгиси бўлади. Айни ҳолат феъллари предметни вақт жиҳатдан характерлаб, предметнинг турли вақт ўлчовлари билан бевосита алоқада, боғлиқликда эканлигини билдиради. «Вақт» фарқловчи семали ҳолат феъллари сифат-ла(ш) шаклидаги ясама

феъллардан тузилади:

Қоронгиламоқ - ёргулук тұла йүқолған, қоронғи ҳолатта ұтмоқ; Нодир қоронгилатиб келганды, одамлар сада атрофида чордона қуриб, чүнқайиб үтиришар... (С.Юнусов).

Яримламоқ - кечаси, тун ярми ҳолатта ұтмоқ; Қори мажисдан чиқиб, уйга тунни яримлатиб, Раҳматилланинг хужрасига борди (А.Қаҳхор).

Абадийлашмоқ- доимий, мангы ҳолатта ұтмоқ; Аксинча, у дүстликни кучайтируди, абадийлаштируди (М. Исмоилий). Усмон Юсуповнинг мұтабар номи ҳұкуматимиз қарорига биноан абадийлаштирилди (Радиодан). Абадийлашмоқ маъносида белги даражаси кучли бўлиб, бу сўз қўшимча «мангу» семасига эга, ёзма нутққа хос.

Лексикография нуқтai назаридан ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари маъносининг таркибий қисмлари (семалари) «ҳолат» муштарак, «ҳаракат натижаси» бирлаштирувчи ва қатор фарқловчи семалардан иборат бўлади. Фикр алмашиш жараёнида сўз маъноси у ёки бу фарқловчи семаси орқали реаллашади. Нутқда ҳар бир сўз муайян фарқловчи семасига кўра бошқа сўзлар билан, уларнинг муайян фарқловчи семалари билан узаро муносабатта (валентлик муносабатига) киришади. Бундай ҳолларда сўз маъносининг фарқловчи семаси фикр алмашиш жараёни нуқтai назаридан етакчи, асосий бўлади:

Ёришмоқ - ҳолат, ҳаракат натижаси, ёргу - ёргу ҳолатта ұтмоқ;

Яхшиланмоқ- ҳолат, ҳаракат натижаси, талаб даражасига етмоқ - талаб даражасига етган ҳолатта ұтмоқ;

Камаймоқ- ҳолат, ҳаракат натижаси, одатдагидан миқдоран камаймоқ - одатдагидан миқдоран камайған ҳолатта ұтмоқ ва б.

Хуллас, ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феълларида ҳолат муайян ҳаракат асосида юзага келади. Бундай ҳолат феълларининг нутқ бирлиги бўлиш имкони феъл маъносининг қатор фарқловчи семалари орқали амалга ошади.

## ИЖРО ҲОЛАТИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ МАЬНО ТУЗИЛИШИ

Ижро ҳолати феъллари ижро натижаси бўлган ҳолатни ифодалайди. Ҳолат шахс ижросининг натижаси, ҳолати бўлиб кузатилади. Ижро ва ҳолат муносабатида ижро ҳолатнинг юзага келишида асос, ҳолат эса асосланувчи саналади. Ижро ҳолатнинг муҳим томонини ташкил қиласи. Бинобарин, ижро ва ҳолат диалектик бирликда, боялиқлиқда бўлади.

Ижро ҳолати феъллари асосан утимли феъллар сифатида бевосита муайян нарса-предметлар билан бояланади. Шунга кўра ижро ҳолати феъллари «утимли» семасига ҳам эга бўлади. Қиёсланг; пойламоқ, панааламоқ, сақламоқ.

Ижро ҳолати феъллари маънолари: ўқталмоқ, пойламоқ, панааламоқ, салқинламоқ, каби туб ва ясама феъллар орқали ифодаланади. Ясама феъллар сифат -ла шаклида бўлади. Ушбу ҳолат феъллари нутқда қуидаги мантиқий ифодалари билан қатнашади:

Ўқталмоқ - I. Отишга тайёр ҳолатда бўлмоқ: Бўронбек тўппончасини ялангочлаб, ота-болага ўқталди (Ғ.Ғулом). Улар милитиқларини оломонга ўқталиб, ҳар дам отишга тайёр турардилар (М. Исмоилий). II. Қулини олдинга кескин чўзган ҳолатда бўлмоқ: Бир гап гапирадиган бўлса, тўргт бармогини бирлаштириб, ўқталиб сўзлайди (Ш. Шомақсудов, С. Долимов).

Пойламоқ - куттан, кузатган ҳолатда бўлмоқ: Шунинг учун хилват бир жойга яширишиб, ўргогини бозор йўлдида пойлади (М. Исмоилий). Лавъли бош оғриги баҳонаси билан уйга кириб, чироқни ўчириди-да, чолнинг хуфтон намозига чиқиб кетишини пойлади (Ғ.Ғулом). У кун буйи амир Жондорнинг йўлини кўзи тўргт бўлиб пойлади (О. Ёқубов).

Панааламоқ - I. Яширинган ҳолатда бўлмоқ: Сергей ... дарвоза ёнидаги девор тагида паналанаб турди-да, кейин қовоқхона томон юриб ... кетди (Ғ.Ғулом). II. Тўсган ҳолатда бўлмоқ: Қаландар дарахтларни панараб, олдинга юри (О. Ёқубов). Кимнидир ахтардим, ахтардим узоқ, кўзимни панараб баъзан қуёшдан (О.Матжон).

Салқинламоқ - иссиқлик таъсирини камайтириб, салқинда дам олган ҳолатда бўлмоқ: Кун иссиғига сада соясида салқинлашади (О.Юнусов). Бирор сув олади, бирор салқинлаб ўтиради (С.Юнусов). Унда фил ўз болаларни салқинлатиб, хотиржамгина сайр қилиб юради (Ҳ. Назир). Салқинламоқ кўпроқ ёзма нутқа хос.

Ижро ҳолати феъллари яна қуидаги мантиқий ифодага ҳам эга:

а) «эҳтиётламоқ»: сақламоқ, асраламоқ, пойламоқ, қўриқламоқ. «Эҳтиётламоқ» фарқловчи семали ҳолат феъллари шахснинг кўпинча муайян предметга (баъзан шахсга) бўлган диққат - эътиборини, муносабатини белгилайди. Бундай ҳолларда муайян предмет шахс учун алоҳида аҳамиятга эга булади, доимо унинг диққат-марказида туради. Демак, бу ҳолат феълларида шахс ва

предметнинг ўзаро зарурий алоқасидан юзага келган ҳолат айни феъллар маъносининг моддий асоси, ҳолат белгиси ҳисобланади.

Қайд этилган ҳолат феъллари туб феъллардан ташкил топиб, қуийидаги мантиқий ифодага эга бўлади: сақламоқ - асраган, эҳтиёт қилган ҳолатда бўлмоқ; Хатларни Дилшод ҳеч кимга кўрсатмас, идорасидаги стол галадонида сақлар (У.Назаров). Жангчиларга тамаки солиб юриш учун бериладиган халтачада мен қуруқ чой сақлардим (Ф.Мусажонов). Бой ҳам отини эҳтиёт қилиб сақлайди (Х.Жаҳонгиров).

Асраламоқ - эҳтиёт қилиб, сақлаган ҳолатда бўлмоқ; У бир қизни севиб, неча замонлар суратини кўкрагида асраган (О.Матжон). Кўз қадрига еттан одам уни ҳар чорг хас-чўпдан асрайди (М.Исмоилий). Худо бир асради (А. Мухтор).

Пойламоқ - қўриқлаш ҳолатида бўлмоқ; ... қовунини ким пойлади? (С.Абдулла). Мингбошининг дарвозасини мишлоаб пойлаб турибди (М.Исмоилий).

Қўриқламоқ - сақлаган, ҳимоя қилган ҳолатда бўлмоқ: Юзбошининг мол-дунёси бениҳоят кўп, кечалари уйини ўн икки мерган қўриқлар эди (А.Қаҳҳор). Милтиқ қўтариб, идора эшигини ёмонлардан қўриқлади (О.Мухторов). Ўтап ... дружинаси билан йулларни, саройларни, обжувоз-тегирмонарни қўриқлади (Ғ.Ғулом). Сақламоқ, асраламоқ китобий, пойламоқ, қўриқламоқ умумнутқга хос.

Шундай қилиб, ижро ҳолати феълларида ифодаланган жараённинг бажарувчиси (эгаси) шахс бўлиб, унинг муайян қўринишида, вазиятда бўлиши ҳолат сифатида белгиланади.

## ҲАРАКАТНИНГ ҲОЛАТИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ МАЬНО ТУЗИЛИШИ

Ҳаракатнинг ҳолати феъларида ҳаракат ва ҳолат предметнинг доимий белгиси, муҳим таркибий қисми бўлиб кузатилади. Ҳолат ҳаракат асосида юзага келади. Ҳолат ҳаракат билан биргаликда муайян предметни характерлайди. Ушбу семантик гурӯҳ феълларида ҳолат ҳаракат натижаси бўлғаи ҳолат ва ижро ҳолати феълларидан фарқли ҳаракатнинг белгиси, унинг мавжудлиги, «яшаш» усули, аммо туталланмаган, давомий белгиси бўлиб кўринади. Чунки ҳолатнинг йўқолиши, тугаши ҳаракатнинг йўқолиши, тугаши билан содир бўлади. Бинобарин, ҳолат ҳаракат билан биргаликдагина моддий ҳодиса, ҳаракатнинг ҳолати бўлади. Шунга кўра ҳаракат ҳолатнинг манбаи, асосидир.

Ўзбек тилида ҳаракатнинг ҳолати феъллари анчагина бўлиб, улар туб ва ясама феъллардан ташкил топади. Ҳаракатнинг ҳолати феъллари маъносидаги фарқловчи семалар қуидаги мантикий ифодаларга эга бўлади:

а) «қулай»: осонлашмоқ, енгиллашмоқ. «Қулай» фарқловчи семали ҳолат феълларида асосан шахс ҳаракатининг ҳолати ифодаланади. Ушбу ҳаракатнинг ҳолати феъллари ижобийлик бўёғига ҳам эга бўлади. Қайд этилган феъллар ясама (сифат -лаш) феъллар бўлиб, гапда қуидаги маъноларда қатнашади:

Осонлашмоқ - осон ҳолатга ўтмоқ; ... бойвачча сигирининг сутини иккита бидонга ярим-ярим солиб бергани учун Мунисхонга кўтариш анча осонлашган эди (С.Юнусов). Саидий маглубиятга учраса, Аббосхоннинг иши қанча осонлашар эди (А.Қаҳҳор). Осонлашмоқ, асосан, адабий тилга хос.

Енгиллашмоқ - енгил ҳолатта ўтмоқ: Умарқул ... от- арава қилиб оди ва бу билан Ўтапнинг меҳнатини анча енгиллаштириди (Ғ.Гулом). Юраги қандайдир далда сезиб, нафаси енгиллашди (А.Мухтор).

б) "миқдорий" мантикий ифодасига эга. Бу фарқловчи семали ҳаракатнинг ҳолати феъллари қандай миқдор англатишига кўра: 1) "миқдорий ортмоқ" ва 2) "миқдорий камаймоқ" маъноли ҳолат феълларига ажратилади.

1. Миқдорий «ортмоқ» семали ҳолат феъллари: кучаймоқ, зўраймоқ, тезлашмоқ, енгиллашмоқ. Ушбу ҳолат феълларида предмет ҳаракатининг тезлашиб, юқори даражага етиши натижасида юзага келган ҳолат белгиси англашилади. Ҳолат ҳаракат тезлигининг қандай нуқтага етганлигини ўзида ифода этади. Бундай ҳолларда предмет ҳаракатни ҳам, ҳолатни ҳам ўзида акс эттиради. Демак, предмет ҳаракати бевосита ҳолатни юзага келтиради. Ҳолат эса предметта, унинг ҳаракатига хос давомий бўлган (унинг давомийлиги ҳаракатга боғлиқ) белги сифатида кузатилади.

"Миқдорий ортмоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари, асосан,

ясама, баъзан туб феъллардан тузилади. Ясама феъл от, сифат ва равишга -ай, -лаш ясовчиларининг бирикишидан ҳосил бўлади: Кучаймоқ - кучли ҳолатта ўтмоқ: Боя даставвал кириб келганимда йўлакда ҳукм сурган овозлар, ваҳимали гаплар энди тагин ҳам кучайган (О.Ёкубов). Бунинг устига қачонлардир эшитган афсона-ю, ривоятларни эслаш ваҳимани кучайтиради (Фан ва турмуш).

Кучаймоқ зўраймоқ сўзи билан синонимик муносабатда бўлади. Улар қўшимча маъносига (белгисига) кўра ўзаро фарқланади. Зўраймоқ "Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати"да кучаймоқ сўзига синоним сифатида келтирилиб, уларга айнан бир хил изоҳ берилади: даражаси, шиддати, кучи ошмоқ, кўпаймоқ<sup>1</sup>. "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да эса зўраймоқ сўзининг икки маъносига қайд этилади: 1. Кучлироқ бўлиб бормоқ, кучаймоқ. 2. Оғирлашмоқ, ёмонлашмоқ.<sup>2</sup> Кучаймоқ маъносига эса шу лугатда қўйидагича изоҳланади: таъсир даражаси юқорилашмоқ, тус олмоқ, авж олмоқ, зўраймоқ<sup>3</sup>.

Кучаймоқ ва зўраймоқ маъноларига берилган изоҳлардан маълумки, иккала тил бирлиги предмет ҳаракатининг миқдори ортиб, кучайган, авж олган, кучли даражага ўтган пайтини ифодалайди<sup>4</sup>. Аммо: "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да кучаймоқ маъносига берилган изоҳдан кучаймоқ зўраймоқ (1) билан бирлаштирувчи маъносининг бир хиллиги, умумийлиги ифодаланишидан ташқари кучаймоқ маъносига таъсирчанлик зўраймоқ маъносига таъсирчанликка нисбатан ортиқлиги англашилади. Аслида эса таъсир қилиш кучи кучаймоқ маъносига эмас, аксинча зўраймоқ маъносига ортиқ. Чунки зўраймоқ сўзида белги даражаси кучли<sup>5</sup>. Қиёсланг: Зўраймоқ - ортиқ даражада кучайган ҳолатта ўтмоқ: Қабристон ёнидан ўтаётуб, унинг қўрқуви зўрайди (Фан ва турмуш). Ёмғир зўрайди (Н. Норматов). Шамол зўрайиб дараҳтларни силкитган сари... биз севинамиз (Ойбек).

Тезлашмоқ - жадал ҳолатта ўтмоқ: Гулларнинг кўсакларга айланиши тезлашяпти (Радиодан). Шабада ҳам тезлашиб, болаларнинг соchlari ва галстуклари билан тинмай ўйнашмоқда (Х.Назир).

Енгиллашмоқ - енгил ҳолатта ўтмоқ: Тулпорларнинг оёғи енгиллашди (Х.Назир).

2. Миқдорий камаймоқ<sup>6</sup> семали ҳолат феъллари: камаймоқ, озаймоқ, сусаймоқ, сустлашмоқ, секинлашмоқ, пасаймоқ, сийраклашмоқ, оғирлашмоқ, бўшашиб. Бундай мантиқий ифодали ҳолат феъллари предмет ҳаракатининг секинлашиб, камайиши натижасига юз берган ҳаракатнинг таъсир нуқтасини белгиловчи омил сифатида кузатилади. Бундай ҳолат феъллари, асосан, ясама

<sup>1</sup> Ш. Раҳматуллаев, Н. Маматов, Р. Шукуров. Ўша лугат. 120 -бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I, 312-бет

<sup>3</sup> Ўша лугат. 409-бет

<sup>4</sup> Каранг: А. Ҳожиев. Ўша лугат. 127-бет

<sup>5</sup> А. Ҳожиев. Ўша лугат. 127-бет

фөзлардан тузилади. Улар сифат ва равишлардан бўлиб, -ай, -лаш, -лан, -а ясовчилари таъсирида феъллик хусусиятини олади.

"Миқдорий камаймоқ" фарқловчи сема қуидаги феъл маъноларида қайд этилади:

Камаймоқ - кам ҳолатта ўтмоқ; Қон оқиши ҳийла камайди (У.Назаров). Ҳавонинг сал бўлсада салқинлашиши чанг-тўзонни камайтира борди (М. Исмоилий).

Озаймоқ - оз ҳолатта ўтмоқ; Кечга яқин Гулнорнинг иссиги озайди (Ойбек). Озаймоқ кўпроқ адабий тилга, камаймоқ эса жонли нутқда хос бўлиб, кўп қўлланади.

Сусаймоқ - суст ҳолатта ўтмоқ; Бу товуш беморнинг ҳаракатини сусайтириди (Н.Норматов). Шу оғир мусибатдан кейин ҳам унгурдаги иш сусаймади (М. Исмоилий).

Сустлашмоқ сусаймоқ сўзи билан шакл яқинлиги ва маъно умумийлигига эта. Айни вақтда улар алоҳида тил бирлиги бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос товуш тузуми ва маъно таркиби мавжуд. Ҳар бири нутқда муайян сўзлар билан семантик-грамматик муносабатга киришади. Сустлашмоқ, сусаймоқ сўзида ўзак морфема суст, кучсиз, заиф, бўш, секин каби маъноларни англатувчи сифатдир<sup>1</sup>, -лаш қўшимчаси сифатдан феъл ясаган. Қўриналики, сустлашмоқ ясама феълдир. Сустлашмоқ ва сусаймоқ сўзлари бир томондан нисбатан шаклий фарқقا эта бўлса, иккинчи томондан бу феъллар асосий маъносига кура ўхшаш. Аммо бу семантик ўхшашлик асосида нозик маъно фарқи мавжуд. Бу феъллар таъсирчаник даражасига кўра ўзаро фарқланади. Ушбу феъл маънолари бир-биридан предмет ҳаракатининг муайян ҳолатта ўтишининг миқдорий белги даражасига кўра фарқ қиласи. Сустлашмоқ маъносида ҳаракат ҳолатининг миқдорий белги даражаси сусаймоқ маъносидаги миқдорий белги даражасига нисбатан кучлироқ. Яъни сустлашмоқ маъносида ҳаракатнинг ҳолат белгиси таъсир кучига кўра нисбатан ортиқлиги билан ажralиб туради. Қиёсланг: сустлашмоқ - анча суст ҳолатта ўтмоқ; Ёмғир сустлашиб, майда заррачаларга айланди (У. Назаров). Узоқдан Манзурага кўзи тушиб, негадир сустлашибди (Х. Тўхтабоев). Сусаймоқ, сустлашмоқ сўзлари оғзаки нутқда кам қўлланади.

Секинлашмоқ - секин ҳолатта ўтмоқ; Летаргик уйқуга кетганларнинг юрак уриши, нафас олиши шунчалик секинлашадики, қулоқ билан эшитиш амри маҳол бўлиб қолади (Тошкент ҳақиқати). Кучанинг бурилишида яна бир оз унинг (Отабекнинг) одимлари секинлашса ҳам, лекин олдинлашини қўймай бораверади (А. Қодирий). Секинлашмоқ маъносидаги белги даражаси сусаймоқ маъносидаги белги даражасига нисбатан бироз ортиқ. Секинлашмоқ нутқда кўп қўлланади.

Пасаймоқ - паст ҳолатта ўтмоқ; Кечаги изгирин пасайган...

<sup>1</sup>Каранг: Узбекско-русский словарь. М., 1959, 388-бет. Русско-узбекский словарь М, 1954, 793-бет.

(О.Әқубов). Тұтиқиз юрагидаги дүкүр энди бир оз пасайды (М.Исмоилий). Унинг товуши сал үзгарди, пасайды (А. Мухтор).

Сийраклашмоқ - сийрак ҳолатта үтмоқ; Күчадаги қатнов сийраклашиб, қоронғи туша бошлади (Ғ.Гулом).

Оғирлашмоқ - оғир ҳолатта үтмоқ; Тун қорайиб, йүл юриш оғирлашды (Ғ.Гулом). Үнгур ичкарилаган сари иш үйланмаган даражада оғирлашади (М. Исмоилий).

Бұшашмоқ - бұш ҳолатта үтмоқ; ... тог қазувчилар шиддати заррача ҳам бұшашмади (М.Исмоилий). Иссиқ бир мунча бұшашгандек туғолса ҳам, димлик заптида эди (М.Исмоилий).

Нугқда ҳаракаттинг ҳолатини ифодаловчи феъл вазифасида баъзан ҳаракат, жараён маъносини билдирувчи чўзмоқ (чўзилмоқ) сўзи ҳам қўлланади. Ҳаракат феълининг ҳолат маъносида келиши муайян нутқ билан bogлиқdir. Бундай ҳолларда ҳаракат феълининг ҳолат вазифасида бўлиши, шу феъл билан boglaniб келган алоҳида сўзга boglikdir. Чунки бу нутқ бирлиги ҳаракат маъносига эга бўлиб, у чўзмоқ сўзи маъносида ҳолат белгисини, ҳаракаттинг ҳолатини юзага келтиради. Қиёсланг: чўзмоқ- давомий ҳолатта үтмоқ; Шунинг учун ҳам терловни атайлаб чўзди (Ғ.Гулом). Гап анча чузилди (О.Мухторов).

Хуллас, ҳаракаттинг ҳолати феъллари асосан ясама феъллардан тузилиб, мазмунан предметтинг ҳаракат ва ҳолат таркибий қисмларини, ҳаракаттинг доимий ҳолат белгисини ифодалаши билан муайян лексик-семантик гурӯхни ташкил қиласиди.

## МАЛАКА ҲОЛАТИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ

### МАЬНО ТУЗИЛИШИ

Малака ҳолати феъллари инсон руҳиятида (баъзан жониворларда) бирор ҳаракат - ҳодисага, предметта нисбатан пайдо бўлган турлича муносабатни - шакланиб, мустаҳкамланиб, доимий, давомий хусусиятга айланган куникма, ўзлаштирилган одатни англатади. Бундай кўникма, одатлар, асосан, инсонга хос мухим белги сифатида инсон табиати (хулк - автори)нинг бир кўриниши бўлиб кузатилади. Инсон ҳаёти ва фаолиятида турли-туман жуда кўп жараёнларда қатнашади, ҳар хил нарса - предметлар билан муносабатда бўлади. Шу жараёнда шахсда мавжуд воқелик билан боғлиқ ҳолда предметларнинг таъсири натижасида юзага келган кўникма, одатлар ҳолат белгисини ташкил қилиб, малака ҳолати феълларининг мазмун томонини эгаллайди. Бинобарин, малака ҳолати феъллари "малака", "кўникма" каби асосий, марказий семаларга эгалиги билан ажралиб туради.

Шуниси мухимки, малака эгаси бўлган инсон кўникмасининг, одатининг манбайи предметлар бўлиб, буларни ифодаловчи тил бирликлари туб ва от -лаш шаклидаги ясама феъллардан таркиб топади. Булар: кўникмоқ, ўрганмоқ, одатланмоқ. Қайд этилган феъл маъноларининг фарқловчи семалари қўйидаги мантикий ифодага эга:

Кўникмоқ - мажбуран мувофиқлашган ҳолатда бўлмоқ: Умри гўдаклик чогидан оғир меҳнатга, аччик-қуруқ гапларга кўнишиб, чиникиб ўслан. (Х.Назир) Бу ҳол авваллари халойикнинг ғазабини, нафратини келтирган бўлса ҳам бора-бора одамларнинг бир кисми кўниқди (А.Қаҳхор). Оккушча аввалига уйга, одамларга кўниқди (Шуҳрат). Кўникмоқ тасвирий сўзи, асосан, бадиий нутқقا хос бўлиб, "мажбурий" белгисига эга.

Ўрганмоқ - беихтиёр мослашиш ҳолатида бўлмоқ: Гўдаклик чоғимда сенга ўргандим (Х.Олимжон). Бузоклигидан ўзи тарбия килган, унга ўрганган эди (С.Юнусов). Ўрганмоқ, асосан, сўзлашув нутқига хос бўлиб, кўп кўлланади, беихтиёр белгисига эга.

Одатланмоқ - ихтиёрий ўрганиш ҳолатида бўлмоқ: Шу боисдан кучманчи кирғизлар идиш-товоркни ўз турмуш тарзига мос турли материаллардан ясашга одатланишган (Фан ва турмуш). У подачининг учинчи кенжакиши бўлиб, доно, хушёр меҳнатта одатланган (Соҳибқирон). Равшан қай вактда ётмасин, эрта сахарда ўрнидан туришга одатланган эди (У. Назаров). Одатланмоқ сўзи

асосан адабий тил - ёзма нутқда кеңг құлланади, "ихтиёрий" семасига күра бошқа малака ҳолати феълларидан фарқ қиласы.

Хуллас, малака ҳолати феъллари инсон рухий олами билан бөглиқ давомий ҳолаттарни ифодалашыға күра нисбатан мустакил саналади.

## ОБРАЗЛИ ҲОЛАТ ФЕЙЛЛАРИНИНГ МАЬНО ТУЗИЛИШИ

Тасвирий (образли) ҳолат феъллари объектив борлик предмет-ходисалари, улар орасидаги муносабатлар ҳакида муайян хабар бериши, таъсирчанлик даражасининг ортиқлиги билан ажралиб туради. Бу гурух ҳолат феъллари якка, ўзича олингандা, улардаги таъсирчанлик кўпинча аниқ ифодаланади. Киёсланг: дўппаймок, қақкаймок, гулламок, шумшаймок, олтинланмок, жилваланмок, жилоланмок. Бундай феъллар гапда муайян сўзлар куршовида олингандা эса, таъсирчанлик доимо кучли даражада ифода этилади. Бу-табиий. Чунки образли ҳолат феълларини ўраган куршов бирлеклари ушбу феъллар маъносини "тиниқлаштириб" қолмасдан, балки ундаги таъсирчанликни яна ҳам кучайтиради, бўрттиради. Умуман, нутқ жараёни предмет - ходисалар, улар номларининг семантик-синтактик қонуният асосида ўзаро бирикиб, муайян нутқий ўринни эгаллаб, шу ўринда кўлланган сўз маъноларининг қайси таркибий қисмлари - фарқловчи семалари фаоллигини таъминлайди.

Демак, тасвирий ҳолат феъллари маъно таркибининг асосини хосил қилган таъсирчанлик тилда ҳам, нутқда ҳам аниқ ифодаланиши билан мухимдир. Образли ҳолат феълларида таъсирчанлик билан бирга муайян дарак, хабарнинг ҳам ифода этилиши ушбу феъллар маъносига хос мухим хусусиятдир.

Тасвирий ҳолат феъллари предмет - ходисалар ҳакида тасвирий хабар бериши ва бу хабар инсон руҳиятига кучли таъсир қилиб, унда шу предмет-ходисалар, уларнинг шакли, мазмуни, тузилиши, белгилари, моҳияти ҳакида аниқ, тўғри, тўлик тушунча, тасаввур хосил бўлишида мухим аҳамият касб этади.

Образли ҳолат феъллари таъсирчанликни, ҳис туйгуни ифодалавши, инсон руҳиятида қандай "шаклдаги" таъсирчанликни хосил килишга кўра турличадир:

- а) таъсирчанликни ифодалашга кўра бетараф бўлган образли ҳолат феъллари: ухламок, котмоқ, гавдаланмок;
- б) ижобийлик бўёғига эга таъсирчанлик ифодаловчи образли ҳолат феъллари: олтинланмок, товланмок, жилоланмок;
- в) салбийлик бўёғига эга таъсирчанлик ифодаловчи образли ҳолат феъллари: хувилламок, шумшаймок, сўлмок.

Образли ҳолат феъллари тасвирийликни туб ҳамда ясама феъл шаклида англатади. Ушбу феъллар ўзи билдирган предмет, ходисаларни жамият ва табиат моддаларига, шахс ва предметларга хос хусусиятларга, ҳолатга, ҳаракатга, шаклага,

таъсирга ва бошқаларга киёслайди.

Предметларни қиёслаш нутқий ходиса бўлиб, бунда образли ҳолат феълларида таъсирчанлик бир предметга хос хусусиятнинг бошқасига кўчирилишидан, яъни предмет бошқа предметга хос хусусиятга, тасвирийликка эга бўлишидан юзага келади. Бу нутқий таъсирчанлик белгисининг ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Бу белга (сема) ҳам образли ҳолат феъллари маъносининг таркибий қисми саналиб, юзага чикишга тайёр турган (потенциал) семани ташкил қиласди. Демак, образли ҳолат феъллари кўшимча потенциал семага эга бўлиши сабабли уларда таъсирчанлик юзага келади<sup>1</sup>.

Айтилганидек, образли ҳолат феълларида "ҳолат" муштарак сема, "образли" бирлаштирувчи сема сифатида сўз маъносининг таркибий қисмини ташкил қиласди. Маълумки, муштарак семанинг ҳам, бирлаштирувчи семанинг ҳам аник мантикий ифодага эгалиги нутқий шароитда юз беради. Чунки сўз маъноси фикр алмасиши жараёнида муайян таркибий қисми орқали муайян ифодага эга бўлади. Яъни, фикримизча, маъно (семема) нутқда муайян аник сема "кобигига яширинади" (албатта, у йўқ бўлмайди, доимо сақланади) ва бу сема нутқий етакчи, асосий саналади. Нутқда аник мантикий ифодага эга бўлувчи фарқловчи сема воне бўлишига кўра нутқ "бирлиги" сифатида сўз маъносидан шартли, нисбий ажralиб (бу ажralиш факат гапда бўлади), маънони нисбатан "чекинтириб". уни "ўзига жойлаштиради". Бинобарин, нутқда фарқловчи сема дарак, хабар (таъсирчанлик) ташувчига, етказувчига айланади. У ташки ходисалар хакида билим - тушунча беради. Маълумки, нутқда кўлланувчи ҳар бир мустакил сўз факат аник бир маънода ишлатилади. Сўз маъносининг фарқловчи семаси асосий, марказий саналиб, бошқа муҳим ва номуҳим семалар фикр ифодалашда етакчи хисобланган фарқловчи семага "бирлашади", муайян нутқий вазиятда юзага чикишга тайёр турган имконият сифатида сақланади. Бунда имкониятнинг фаоллашиши сўз маъносини тил "бирлиги" сифатида олганда, сўз маъносининг таркибий қисмларини аниклашда, сўз маъносига лексикографик нуқтаи назардан ёндошганда юз беради. Демак, сўз маъноси мантикий бўлакларининг вазиятга кўра баъзан асосий, зарурӣ бўлиши, баъзан аксинча бўлиши нисбийдир.

<sup>1</sup> Каранг. И. Кўчкортоев. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. Т. 1977, 29 - бет. М. Миртохиров З. Тоҳиров. Сўз маъносининг бўсти. Т. 1980. 13 - бет

Маълум бўлдики, нутқий шароитда фарқловчи сема маънонинг "яшаш" бирлиги, усули, мухим таркибий кисмига айланади. Шу жихатдан фарқловчи семани аниқлаш ғоят мухимдир. Пишмоқ, хўмраймоқ, сўнмоқ, толмоқ, қизимоқ, консирамоқ, яшнамоқ, сўлмоқ, жилмаймоқ, гулламоқ, ҳалқаланмоқ, сехрланмоқ, хўроздланмоқ, мўлтилламоқ; ҳувилламоқ образли ҳолат феъларининг фарқловчи семаси нутқда қуйидаги мантикий ифодаларга эга бўлади: Пишмоқ-1. Ишлов билан етилган ҳолатда бўлмоқ: Лой ҳалимдай пишди (Х. Назир). Онаси пишилган лойдан узид олар ва авайлаб ҳуштак ясади (Н.Норматов). 2. Қорайиб чиниккан ҳолатда бўлмоқ: Яланғоч, сочи олинган, офтобда пишган (С.Юнусов). Саратон тафти одам этини пиширади, ҳечқиси йўқ бир оз тобланасиз (Й.Шамшаров). Офтобда пишиб, кўча чангитиб юрувчилар кундан-кунга хиёл сийраклашаёттандай кўринди (Х. Назир).

Хўмраймоқ - булатли корамтири ҳолатда бўлмоқ: Шимол томон уфқ ҳам хўмрайган (А.Мухтор). Осмон кора, хўмрайган (Ойбек). Хўмрайган осмон кўнгилларни ғаш килар, кайфиятни бузар эди (Тошкент оқшоми). Хўмраймоқ китобий.

Сўнмоқ - фаоллиги йўқолган (пассив) ҳолатда бўлмоқ: Дўстлар, айтинг, сўнган дўстликни кайга олиб бориб кўмарлар (А.Орипов). Унинг тўсатдан ғазаби сўниб, эсанкирагандай жилмайди (С.Анорбоев). Сўниб колган кулги яна оловланади бошлиди (Н.Кодиров).

Толмоқ - чарчаган (хориган) ҳолатда бўлмоқ: Кишнаб йўлга чиқкан паравоз, даштлар ўтиб, сира толмайдир (У. Носир). Толмоқ адабий тилга хос.

Кизимоқ - фаоллашган, кўчайган ҳолатда бўлмоқ: Суҳбат кизиб, чой совиди (С.Абдулла). Болалар кўпайиб, ҳар хил машғулотлар кизиб кетди (П. Турсун). Ҳозир овнинг авжи кизиган пайти, кўлда ўрдак, қашқалдок кўп (А. Шарипов).

Консирамоқ - қонга ташна ҳолатда бўлмоқ: Жаллодлар ҳаракатландилар-ханжаримиз консираган (А.Кодирий). Консираган ханжарини белига осиб, ойболтасини кўтарган жаллод Күшбегининг хукмига мунтазир эди (А.Кодирий).

Яшнамоқ - чирой очган ҳолатда бўлмоқ: Крим яшнаган эди (Ш.Тошматов). Ватаним күёшга кўксини очиб, Осиё қўйнида яшнаган бўстон (А.Орипов).

Сўлмоқ - тушкунлик кайфияти ҳолатида бўлмоқ: Баъзан шеър устида сўлганда руҳим паҳлавон Махмуддан сўрадим мадад (А.Орипов).

Жилмаймоқ - нур сочиб, табассум килган ҳолатда бўлмоқ: Күёш самони тўлдириб, жилмайиб турибди (Н. Ёкубов). Булатлар орасидан ой жилмайди (Ғайратий). Кўраяпсанми, қандай яшармиш олам,

бепарво гудақдай жилмаяди жим (А.Оришов).

-ла (н), -илла суз ясовчилигининг от, сифат, тақлидий ва ундов сузларга бирикишидан хосил бўлган ясама феъллар тасвирий ҳолат феълларида нисбатан кўп кузатилади. Ўзак морфема асосида шаклланиб, ясама хусусиятларга эга сўз маъноларининг фарқловчи семалари қўйидаги мантикий ифодали бўлади.

Гулламоқ - чирой очган ҳолатда бўлмоқ: Ерда чамандай гуллаган ипак гиламлар (Ойбек). Кимнингдир кўнглида баҳор гуллади (У.Хошимов).

Ҳалқаланмоқ - ҳалқа шакли ҳолатида бўлмоқ: Муқаддамнинг хўрлиги келиб, кўзида ёш ҳалқаланди (Ў.Хошимов). Ҳалқаланаар трубкада тутунлар, уйғок кўзлар баҳтимизни ўйлади (М.Шайхзода). "Паршивойнинг кизи, илойим айттанинг келсин, кам бўлмасин"-отанинг кўзларида ёш ҳалқаланди (Ш.Ғуломов).

Сехрланмоқ - беихтиёр ҳолатда бўлмоқ: Сирли тун, бутун борлик сехрланган сингари (Э.Воҳидов). (У) шарқираб оқсан сувнинг кўшиғидан сехрлангандек, ариқ бўйида тўхтади (Ойбек).

Хўроланмоқ - "гердайган, хезланган", "ҳолатда", "бўлмоқ": Хўш сенга нима керак, деди у хўроланиб (Н. Фозилов). Латнати деди Тўлбош, унинг кетидан хўроланиб (Н. Фозилов).

"Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да мўлтилламоқ сўзининг маъноси 1. Аянчли қарамоқ, кўзни жовдиратиб, маъюсланиб, эзилиб қарамоқ, жовдирамоқ; 2. Эътиборсиз, хаёл паришонлик билан қарамоқ<sup>1</sup> изоҳига эга. Бу изоҳда мўлтилламоқ сўзи нигоҳ (кўрув) феъли сифатида кайд этилади. Айни вактда бу сўз тасвирий ҳолат феъли сифатида қўйидаги нутқий кўчма маънога ҳам эга: Йилтираб аксланган ҳолатда бўлмоқ: Баъзан дўши гулига телбалардай тикилиб туради-да, кўзларида чил-чил ёш мўлтиллайди (А. Мухтор).

Хувилламоқ - кимсасиз, бўум-бўш ҳолатда бўлмоқ: Кўчалар алланечук хувиллаган (П.Қодиров). Дўконлар ёпиқ. Ҳаммаёк хувиллаган (П.Қодиров).

"Ҳолат" муштарак семали, "образли" бирлаштирувчи семали ҳолат феълларининг фарқловчи семаси яна қўйидаги мантикий ифодаларга ҳам эга: а) "тасаввур": гавдаланмоқ, жонланмоқ.

"Тасаввур" ифодасига эга образли ҳолат феъллари бевосита инсон хотираси билан боғлиқ жараённи ифодалайди. Бунда тасаввур инсон рухиятининг муҳим таркибий қисми сифатида биринчи ўринга чиқади. Чунки бундай холларда инсон хотирасидаги қачонлардир идрок килиниб, из қолдирган, акс эттан предмет, воқеа-ходисалар тасаввурда қайта тикланади. Бу қайта тикланиш, албатта, инсон истаги, хохиши-муайян сабаб билан боғланади. Бундай

Карант: Узбек тилининг изоҳли лугати, I, 490-бет

холларда тасаввур манбай шахс, предмет ва воеа-ходисалар бўлади. Демак, "тасаввур" ифодали ҳолат феъллари билан биррикувчи сўзлар предмет ифодаловчи тил бирликларидан тузилади.

Шуниси ўзига хоски, "тасаввур" мантикий ифодасига эга образли ҳолат феълларининг доимий таркибий қисми сифатида ўрин маъносини ифодаловчи сўзлар катнашади. Булар: кўз олдимда (ўнгимда), ҳаёлимда кабилардан ташкил топиб, ҳолат феълларида ифодаланган жараённинг содир бўлиш ўрнини, қаерда амалга ошганлигини билдиради ва шу жиҳатдан феъл маъносини ўрин муносабатига нисбатан аниқлаштиради.

"Тасаввур" ифодасини берувчи образли ҳолат феъллари таъсирчаникни англатишига кўра бетараф (гавдаланмок) ҳамда ижобийлик (жонланмок) буёғига эга бўлади. Ушбу фарқловчи семали ҳолат феъллари ясама феъллар бўлиб, улар отга -лан ясовчисининг кўшилишидан ҳосил бўлади. Умуман, бундай холларда ясама сўз маъносидаги феъллик хусусияти ўзак морфемага ясовчи кўшимчанинг бирекиб, унда феълга хос семантик хусусиятни, "феъллик" семасини ҳосил қилиши билан изоҳланади.

Гавдаланмоқ, жонланмок сўзлари синонимик муносабатда бўлади. Бизнингча, бу сўз маънолари аниқ ёки мавхум предмет билан боғланишига, шу предметнинг тасаввурда қайта кўринишини, намоён бўлишини ифодалашига, шунга кўра синонимни ҳосил қилишига, доимо ўрин ифодаловчи сўзга эгалигига, гапда предмет ифодаловчи сўздан кейин келиб, кесим бўлишига, катор биррикувчи сўзлар учун семантик марказни ҳосил қилишига, ўтимизлиги ва ясама феъллигига кўра бир хилликка эгадир. Айни вактда алоҳида, мустакил тил бирликлари сифатида бу сўз маънолари ўзаро фарққа эга. Яъни гавдаланмоқ маъносида предметнинг тасаввурда нисбатан тўлик, аммо нисбатан турғун ҳолда намоён бўлиши ифодаланса, жонланмок маъносида предметнинг тасаввурда кисман, унинг айрим муҳим томонлари ҳаракатчан (динамик) шаклда қайта пайдо булиши билан фарқланади. Шунингдек, жонланмок тасвирийликни, таъсирчаникни ортиқ ифодалашига кўра ҳам гавдаланмок сўзидан фарқ қиласи. Жонланмоқ сўзи маъносининг изохи кўчма маъно сифатида баҳоланади.<sup>1</sup>

Образли ҳолат феълларининг "тасаввур" мантикий ифодасига эга фарқловчи семаси гапда қўйидаги сўз маънолари оркали намоён бўлади. Қиёсланг: Гавдаланмоқ – ҳаёлан тикланган ҳолатда бўлмоқ; Унинг кўз олдида Арслон гавдаланди (Мирмуҳсин). Нукул

<sup>1</sup> Каранг.Ўзбек тилининг изоҳли лугати, I, 288-бет

кўз ўнгиде Севаранинг жамоли гавдаланар (У.Назаров). Элёр Мингбулоқ ҳакида ўйлагандо, унинг кўз олдида боғнинг қоқ бағрида ётган ёнғозор гавдаланарди (У. Назаров).

Жонланмоқ - ҳаёлан кечган ҳолатда бўлмоқ; Ҳаёлида тўрт йил бурун бўлган воқеа жонланди (Х.Гулом).Кўз олдида ўртоқлари, қўшилари, Камол ва унинг дадаси Ҳайдарбойваччалар билан бўлган можаролар жонланди (С.Юнусов). Менинг кўз ўнгимда жонланар тарих (А.Орипов).

б) "нур таратмоқ": ёнмоқ, чакнамоқ, товланмоқ, жилваланмоқ, жилоланмоқ, оловланмоқ, аланталанмоқ, чўғланмоқ, нурланмоқ, кўз-кўзламоқ, чаракламоқ, порламоқ, ялтирамоқ, милтирамоқ, ловулламоқ. Бундай маънога эга образли ҳолат феъллари муайян предметга хос кўриш таъсир кучига эга белгини ҳолат белгиси сифатида ифодалайди. Яъни бундай ҳолатда предметда мавжуд ёки бошқа предмет таъсирида юзага келган белги-хусусият-нур, ёргулик билан боғлиқ хусусият акс этади.

"Нур таратмоқ" фарқловчи семали ҳолат феълларига нисбий хос хусусият уларнинг ўрин таркибий кисмига эгалигидир. Бунда образли ҳолат феълларида ифодаланган хабар, таъсирчанликнинг тарқалиш, пайдо бўлиш сатхи кўрсатилади. Бу семантик гуруҳ ҳолат феълларига хос доимий хусусиятлардан бири ўзи ифодалаган нарса-предметни бошқа бир предметга киёслаши, ўхшатишидир. Яъни ҳолатта хос белгини ифодаловчи сўз маънолари конкретлаштирувчи сифатида ҳолатта аниклик киритади, уни мавҳумлиқдан куткаради. Демак, юқорида қайд этилган образли ҳолат феъллари гапда кўпинча ўз маъносига аниклик киритувчи сўзлар билан семантик-синтактик муносабатта киришишига кўра муҳимдир.

"Нур таратмоқ" фарқловчи семали образли ҳолат феъллари, асосан, ясама феъллар бўлиб, улар -ла (н), -ира, -илла ясовчиларининг от, тақлидий сўз каби узак морфемаларга қўшилишидан ҳосил бўлади. Бундай ясама феъллар таъсирчанликни кучли даражада ифодалайди. Бу таъсирчанлик нутқий таъсирчанликнинг бир кўриниши бўлиб изоҳланади. "Нур таратмоқ" фарқловчи семаси қўйидаги образли ҳолат феълларида қайд этилади. Киёсланг. Ёнмоқ - нур сочган ҳолатда бўлмоқ; Осмонда эса бу кеч ҳам олис ҳаёлларга ўхшашиб юлдуз чўғлари милт-милт ёнади (О. Мухторов). Юлдузлар ёнади, офтоб чараклар (А. Орипов). Унинг кўзларида ёнарди бехол йироқ юлдузларнинг сирили нурлари (А. Орипов).

Чакнамоқ - ёрқин нур таратган ҳолатда бўлмоқ: Кўзлари чакнайди, кўшилар кириб колса, бир яхши сўрашади (У.Назаров). Гуломжоннинг кўзлари чакнади. Юраги қаттиқ дупурлаб урди (М.Исмоилий). Ҳаммаларининг бетлари кизариб,

күзлари чакнаган, лаблари илжаяди (М. Осим). Чакнамок сўзида белги даражаси, таъсир кучи ортиқ.

Товланмок - турли нур ўйнаган ҳолатда бўлмок: Атрофни кучли шов-шувга тўлдириб, икки терак бўйи баланддан куйиларкан (шаршарак) камалакнинг етти рангида товланиб, кўзни қамаштиради (Х. Назир). Унинг остидаги қопинилар яраклаб товланади (У. Назаров). Сув кўёш нурида ялат-ялат товланади (П. Ёкубов).

Жилваланмок - жилвали ҳолатда бўлмок: Қўёшнинг илк нурлари ҳовлидаги икки туп миззатеракнинг учларида жилваланар (О. Ёкубов). Кўм-кўк ток барглари эрталабки кўёшда жилваланади (Ойбек). Симобдай жилваланиб, кумушдай ялтираган шу тагдўзи қайси бир хинали қўлнинг иши (Ф. Гулом).

Жилоланмоқ - жилоли ҳолатда бўлмок: Ундан чапроқда эса осмонга санчилган Гўри Амир минораларининг тилла ранг бўёклари нозик жилоланади (О. Ёкубов). Йўл-йўлакай милтираб, сен ёқимли куйлайсан, жилоланиб, жилдираб не хусусда сўйлайсан (З. Диёр). Жилоланмоқ ҳам, жилваланмок ҳам поэтик услугга хос бўлиб, жилоланмоқ сўзида қўшимча маъно нозиклиги нисбатан кучли. Жилоланмоқ, асосан, предметга, жилваланмоқ эса шахста ҳам, предметта нисбатан ҳам ишлатилади.

Оловланмок - 1. Олов рангли, кизарган ҳолатда бўлмок: Мастуранинг лўпни юзи оловланди (Ойбек). Иссиқданми, хижолатданми, унинг юзлари оловланди (Ойбек). Комиссарнинг оловланди кўзлари (Т. Тўла). 2. Кизариб товланган ҳолатда бўлмок: Энли камарида олтин қуббачалар, иирик гавҳарлар, Бадахшоннинг асл лаъли ёкутлари оловланар эди (Ойбек). Булултарнинг ранги оловланмоқда, булултар ёнмоқда негадир (Альманах).

Алангаламоқ — алангали, олов рангли ҳолатда бўлмок: Кузи алангалаанди, манглайи бурищи, кошлари бир-бирига тортилди (С. Айний).

Чуғланмоқ - ёнган, ярқираган ҳолатда бўлмок: Бўпти, орамизда кола қолсин, хўпми,- деди Зиёда кўзлари чуғланниб (А. Мухтор). Пахмок малла кошлари тагида кўзлари чуғланди (А. Мухтор). Чуғланмоқ сўзида белги даражаси, таъсир бўёғи ортиқ.

Нурланмоқ - нурли ҳолатда бўлмок: Нурланади дагал бармоқлар, кўзларида жон олар кўшиқ (Зулфия). Бу кулимсирашда унинг кўм-кўк кўзлари нурланди (Ш. Тошматов).

Куз-кўзламоқ - намойиш қилган ҳолатда бўлмок: Навоий номли театр атрофида, паркларда, боғларда атиргуллар очилиб, ранглар нафосатини кўз - кўзлади (М. Исмоилӣ).

Чаракламоқ - ёркин, кучли нур сочган ҳолатда бўлмок: Офтоб чараклайди (С. Ахмад). Юлдузлар ёнади, офтоб чараклар

(А.Орипов). Осмонда эса юлдузлар чараклади (Ўзбекистон овози).

Порламок - нур акс этган ҳолатда бўлмоқ: Баҳор қуёши Гавҳаршод мадрасасининг хайбатли гумбази устида порлар (Ойбек). Кўшчинор чироқлари порлар эди (А. Қаххор). Ёруғ кунларимдай порлади қуёш (А.Орипов). Порламок сўзида белги даражаси ва маъно таъсиричанилиги ортиқ, чаракламок сўзида эса ундан ҳам ортиқ.

Ялтирамоқ - нур синиб ўйнаган ҳолатда бўлмоқ: Симобдай жилваланиб, кумушдай ялтираган шу тагдўзи қайси бир хинали кўлнинг иши (Ғ.Ғулом). Кум зарралари қуёш нурида товланиб ялтирарди (Ж.Шарипов). Шамширдек ялтираган чақин чўлнинг омисларигача ёритади (С Ахмад).

Милтирамоқ - кучсиз нур сочган ҳолатда бўлмоқ: Унда-мунда юлдузлар хира милтирар, совук аччиққина (Ойбек). Кечак оқшом фалақда ой бўзарид боттандада, Зухро юлдуз милтираб, хира ҳанда отганда (А.Орипов).

Ловулламок - ёлкинли ҳолатда бўлмоқ: Чойхона бу оқшом жуда гавжум эди: кекса тол, бақатерак шоҳларига осилган чилимқовоқ беш юз шамлик лампочкалар ёѓусида дараҳтлар худди улкан гулхан сингари ловуллаб товланарди (Н. Екубов). Ловулламок сўзида "алангаланиш" даражаси, таъсиричанилигидан белгиси кучли.

в) "шаклий": қўнқаймоқ, шумшаймоқ, безраймоқ, дўмпаймоқ, дўшпаймоқ, қаппаймоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ, ҳурпаймоқ, дўрдаймоқ. Бундай ифодали ҳолат феъллари кўпинча предметнинг шакли, кўрининиши билан боғлик ҳолатни англатади. Бу ҳолда предмет ўз шакли ва мазмуни билан боғлик қатор хусусиятларга эга бўлади. Айни хусусиятлар предметнинг бир бутунлигини таъминловчи таркибий қисмлар бўлиб, бунда предметнинг шакли билан боғлик томони бошқа предметларга киёсан олганда кучли таъсирига эгалиги, диккатни жалб қилиши билан ажралиб туради.

"Шаклий" мантикий ифодасига эга образли ҳолат феъллари туб феъллар сифатида таъсиричаниликни кучли даражада, яққол ифодалайди. Улар қуйидагилардир:

Кўнқаймоқ - беүхшов ўрнатилган ҳолатда бўлмоқ: Хужра ёнбошида кичкинагина ўчоқбоши кункайган (Ҳ.Гулом). Қоядай кўнқайиб турган оғир юқ қийшайиб, ... (А. Мухтор). Баҳоватдин кишлогининг якшанбалик бозоридан сал нарида, кўча чеккасидаги кўнқайган ховлида бир кампир яшарди (А.Мухторов).

Шумшаймоқ - хунук кўринган, каққайган ҳолатда бўлмоқ: Ана, шумшайган уйи (Н.Норматов). Баргини тўкииб, шумшайиб қолган чилон жийда тагида узок туришди (С.Анорбоев). Ҳовлилардаги совук ургандан қорайиб, илжираб кетган бултурги гуллар қор тагидан шумшайиб бош чиқарди (С. Анорбоев).

Безраймоқ - ҳаракатсиз, пинагини бузмаган ҳолатда бўлмоқ:

Йигитали шунча уринса ҳам, машина безрайиб тураверди (И.Рахим). Ҳозир биз бир томони ҳали безрайиб ётган чўл, бир томони эса обод бўлган ернинг худудида турардик (С.Аҳмад).

Дўмпаймоқ - бўртиб чиқсан ҳолатда бўлмоқ: Почтачи дўмпайган сумкасини узок титкилаб, хат олиб узатди (А. Мухтор). Катта тут ёточ кўланқасида дўмпайган янги қабрни кучиб, тупроқларига юзларини суртиб соатларча йиглаб, кўзлари шишгандан сўнг кайтишди (Ойбек).

Дўппаймоқ - дўмпайган (туртиб чиқсан) ҳолатда бўлмоқ: Кўллари дўппайган корни устида ковуштирилган эди (М. Исмоилий). Нохуш дўппайган янги қабр (У. Назаров). Дўппаймоқ сўзида белги даражаси, таъсирчанлик думпаймоқ сўзига нисбатан ортиқ. Бу думпаймоқ сўзида кўш ундошнинг мавжудлиги билан изохланади.

Каппаймоқ - 1. Қорни шишганинамо ҳолатда бўлмоқ: Шу пайтда зшик очилиб, ташқарида аввал қорни қаппайган бақалок эшак кўринди (А.Мухтор). 2. Нарса билан тўлган ҳолатда бўлмоқ: У қаппайган сумкасини кўйди (И.Рахимов). Ҳожи хола ... тўй маъракаларга фақат дастурхон солиш, кейин тугунни қаппайтириб кайтиш учунгина эмас, бу баҳонада тўрахонларни излар эди (М.Исмоилий).

Гердаймоқ - назарсиз тиккайган ҳолатда бўлмоқ: Қаршимда гердаяр тоғлар (А.Орипов). Гердайиб қўкка узайган ҳайбатли кайрагочлар сирли, вахимали кўринди (Ойбек).

Кеккаймоқ — ковишимсиз тиккайган ҳолатда бўлмоқ: Ёмирида ерга қапишган майсалар мағрур кеккайди, елда силкинади (Шухрат). Кеккаймоқ сўзида таъсирчанлик даражаси гердаймоқ сўзига нисбатан ортиқрок.

Хурпаймоқ - катламини тиккайтиб, ётган ҳолатда бўлмоқ: Хурпайган булат осилиб тураверарди-ю, ёмғир ёғмади (А.Мухтор). Булатлар хурпайиб, ёмғир ёғишидан дарак берарди (Альманаҳ).

Дурдаймоқ - 1. Кўтарилиб чиқсан ҳолатда бўлмоқ: Бошини ва ҳозиргина ўраган дуррасини оркасидан ушлаб, ҳарир кўйлаги дурустрок яширомаган кўкрагини дўрдайтириб керишди (М.Исмоилий). 2. Шишганинамо, осилган, ҳолатда бўлмоқ: Азалдан хушфеъл одам нос эллитаң кишидай қовоғини осилтириб, лунжини дўрдайтириб утириби (И.Рахим). Болалигидағи дўрдайган лаблари энди күёш тафтида, дашту далада, тоғу тош шамолида пишиби (С. Анорбоев).

г) "кўриниш": қабармоқ, күпчимоқ, сўлмоқ, мунгаймоқ. Ушбу фарқловчи семали ҳолат феъллари предметнинг кўриниш ҳолатини

аңглатади. Ушбу мантиқий ифодали ҳолат феъллари: сұлмок, мунғаймок тасвирийлик, муносабат, хис-түйғу бүёклариға згадир. Қабармок, күпчимок феълларида эса тасвирийлик салбий ва ижобийлик бүёғи нұктаи назаридан бетараф бўлади. Бу феълларда таъсирчанлик тасвирийлиги билан фарқданади.

Қабармок, күпчимок, сұлмок, мұнғаймок образли ҳолат феъллари маъноси предмет ҳолат белгисининг бошқа предмет билан қиёсланиши натижасида юзага келади. Бундай холларда нутқда қайд этилан предметта бошқа шахс ва предметта хос белги-хусусият күчирилади, бириктирилади. Бунда предметлар табиати, мохияти, хусусиятига кўра бирор мантиқий синфга бирикади, ўзаро умумийликни хосил қиласди. Шунга кўра предмет белгиси предметта күчирилади ёки шахсга хос белги предметта, предметта хос белги эса шахсга күчирилади.

"Кўриниш" маъносига эга образли ҳолат феъллари нутқда қўйидаги изохлар билан қатнашади: Қабармок - бўртган, туртиб чиқкан ҳолатда бўлмок: Пўрсиллаб қабарган саҳро яшил жингалаклар билан қопланган (Ойбек). Икковининг бўйин томирлари, арқондай қаварган билак пайлари томирга айланган (Ойбек).

Кўпчимок - етилиб кўтарилган ҳолатда бўлмок: Шудгорланган ерлар кўпчиган (М.Тошматов). Кор, музлар эриб, ер ҳамирдек кўпчиган (Миртемир). Синонимик муносабатдаги қабармок ва кўпчимок сұzlарининг нутқ бирлиги сифатидаги фаоллиги, ишлатилиш даражаси тенгдир. Аммо кўпчимок маъносидаги белги даражаси ва таъсирчанлик қабармок маъносидагига нисбатан ортиқрок.

Сўлмок - бужмайган, ўзини олдирган ҳолатда бўлмок: Олмадайин сўлган гулдай тарзим бор (Балогардон).Дадам фронтда ўлган учта акамнинг дардида кузи кўр бўлди. Буни кўрган ойим ўзидан-ўзи сўлиб жон берди (А. Мухтор). Улар бир-бирларини кўрмасалар дарров сўлиб қоладилар (А. Мухтор).

Мунғаймок - эътиборсиз ҳолатда бўлмок: Икки жумла ёзилган шу хат стол узра мунғайиб колди (Г.Нуруллаева).

д) "жисмоний жараён": ухламок, мудрамок. Бундай ҳолат феъллари тасвирийликни предмет билан боғлиқ ҳолда ифодалайди. Образлилікка эга предмет аниқ бўлади. Ушбу ҳолат феъллари аслида шахсга, жонли мавжудотта табиий хос, бош мия ярим шарларининг фаолияти билан боғлиқ жисмоний жараённи ифодалаши ва уни предметнинг ҳолат белгиси сифатида баҳолаши билан ўзига хосдир. Бу жисмоний ҳолат инсон (хайвон) мия фаолиятининг фаолликдан фаолсизликка ўтиб, нисбатан "тўхташи", ташки таъсирларга жавоб ҳаракатларининг сусайиши натижасида содир

бўлади. Демак, айни мантикий ифодали ҳолат феъллари муайян предметнинг муайян вактдаги тинч, ҳаракатсиз, шовқинсиз ҳолатини ифодалайди. Ушбу гурух феъллари туб феъллардан таркиб топади. Улар нутқда қўйидаги изоҳлари билан қатнашади, Ухламок - ҳаракатсиз (тинч) ҳолатда бўлмок: Тун ухлайди, лекин уйқуда тотли хаёт, ором бор, жон бор (Зулфия). Қоялар ухлайди - денгиз ухламас (О.Матчон). Учиб колган сокийдай гунгурс ухлайди токлар (Ғ.Ғулом).

Мудрамок — ҳаракатсизликка берилган ҳолатда бўлмок: Шимол гўзал, ўрмон мудрар юз товланиб бир ёнда (Т.Ҳамид). Бундан ярим соатча оддин ... ялти-ялт этиб, кўз қисаётган юлдузлар мудраб-мудраб охири сўнди (Ў.Ҳошимов). Барглари шалпайган, тузон босган дараҳтлар жимгина мудрайди (Ойбек).

е) "ҳаракатсиз": котмоқ, михланмоқ. Бу ҳолат феъллари шахс ёки предметнинг мутлақо ҳаракатсизлигини ифодалайди. Бунда шахс ёки предмет бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, яъни ҳаракатдан ҳаракатсизликка ўтади, муайян ҳолатта эга бўлади. Натижа ҳолат тасвирийликка эга давомли ҳолатлиги билан ажралиб туради. Ушбу фарқловчи семали маънога эга образли ҳолат феъллари қўйидагилар:

Қотмоқ - мутлақо ҳаракатсиз ҳолатда бўлмок: Тошдай қотдим ўшал они бир тоқатдан айрилиб (А. Орипов). Сулув яшин уриб кумирга айланган чинордай жонсиз, хушсиз котиб колди (А. Мухтор). Билмам нечун сизнинг нигоҳ бир нутқада қотмишдир (А. Орипов). Қотмоқ сўзида белги даражаси, таъсиричанлик ортиқрок.

Михланмоқ ясама ҳолат феъли (от-лан) сифатида мажбурий тинч ҳолатда бўлмоқ изоҳи билан қатнашади: Штабдагиларнинг кўзлари кўк ва қизил чироклар билан тўлган харитага михланниб қолди (И.Рахим). Ҳалойик кўзи билан эмас, бутун фикру зикри билан хам мингбошига михланган эди (М. Исмоилий).

ё) "тус": олтинланмоқ, кумушланмоқ, симобланмоқ. "Тус" мантикий ифодали ҳолат феъллари жонсиз, баъзан жонли предмет номлари билан боғланниб, предметни тус белгисига кўра баҳолайди. Ушбу феъл ясама (от-лан) феъллар бўлиб, нутқда қўйидаги изоҳларда иштирок этади: Олтинланмоқ - олтин ранги ҳолатида бўлмок: Куз фасли. Нақ алангадек олтинланган дараҳтлар қимир этмайди (Ойбек). Узумлар пишаберсин ишкомларда олтинланниб (Ғ.Ғулом). Дубулғалар, қалқонлар, ойболталар кўёш билан олтинланган хавода порлайди (Ойбек).

Кумушланмоқ - кумуш рангли ҳолатда бўлмок: На муаттар чаманзорлар, на мухташам кўшклар, на кумушланган ховузлар ... уни қизикирмади (Ойбек). Тоғ ёнбағрида тикилган ок ўтов ой шуъласида кумушланниб, кўқаламзор адирларга яна хусн кўшган (Ўзбекистон овози).

Симобланмоқ - симоб рангли ҳолатда бўлмок: Арчаларнинг

жомаси кумуш, симобланар ҳозир қора сой

ж) "бирикиш": қапишмоқ, ковушмоқ. Ушбу ифодали ҳолат феъллари доимо икки предмет орасидаги муносабатни акс эттиради. Предмет муносабати уларнинг бир-бира билан бириккан, туташган куришишга, "ёпишган" ҳолатга ўттанлиги, шаклан бир бутунлиги билан ажралиб туради. Ушбу муносабатда предмет, баъзан шахс булиб, уларнинг муайян нуктлари орасидаги мавжуд алоқа (бирикиш) муайян сабаб таъсирида юз беради. Қайд этилган мантикий ифода қўйидаги ҳолат феълларида кузатилади. Қапишмоқ - бутунлай ёпишган ҳолатда бўлмоқ: Йигитнинг кўллари қизнинг белларига чирмашди, кўкраклари бир - бирига қапишиди (Ойбек). Панжара орқасидаги ипак гуллар тонг кировидан ерга қапишган (А.Мухтор). Ёмғирда ерга қапишган майсалар мағрур кеккайди (Шухрат).

Қовушмоқ - туташган ҳолатда бўлмоқ: Шундай қоникиб, шундай мириқиб керишдики, бир зумгина киприклари бир-бира билан ковушди (М.Исмоилий). Кўша қаримоқка муҳр бўлади ҳаётда икки лаб ковушган бир зум (F. Ғулом). Қапишмоқ ковушмоқ билан синонимни ҳосил қиласи. Қапишмоқ маъносида белги даражаси, таъсиранлик нисбатан кучли. Қапишмоқ сўзи кўпроқ жонли нутгўка, ковушмоқ эса шеъриятта хос. Шунингдек, қапишмоқ сўзи маъноси нисбатан салбий, қовушмоқ сўзи маъноси эса ижобий бўёкка эга. Қапишмоқ шахсга ҳам, предметта нисбатан ҳам кўлланилади. Қовушмоқ эса асосан шахсга, унинг жуфт аъзоларига нисбатан ишлатилади.

з) "йўқ бўлмоқ": сўлмоқ, қуримоқ. Бундай фарқловчи семали ҳолат феъллари мавхум предмет билан боғланиб, уни ҳолат белгиси гомонидан аниқлади. Ҳолат белгиси предметнинг энг муҳим фарқловчи белгиларидан бири саналади. Бундай туб ҳолат феъллари бирор ҳодиса, руҳий кечинма, жараён кабиларнинг тўхташини, йўқолишини ифодалайди. "Йўқ бўлмоқ" мантикий ифодаси қўйидаги образли ҳолат феълларида вое бўлади:

Сўлмоқ - фаоллиги йўқолган ҳолатда бўлмоқ: Тунлар ҳам ҳаловатинг олган ғам шу субхида салқинида сўлади (М. Эгамбердиев). Ёшлигим сўлди, чақмоқдек бир чақнади-ю, ўтди кетди (Ойбек).

Қуримоқ - ҳаётийлиги йўқ ҳолатда бўлмоқ: У ерларсиз сенинг ижодинг курийди (У.Назаров).

и) "кучи киркилмоқ": юмшамоқ, майнлашмоқ. Айни маънога эга ҳолат феъллари мавхум предметнинг муайян вақтдаги доимий нисбатан турғун белгисини ифодалайди. Бунда ҳолат белгиси предметнинг инсон туюш, хис қилиш сезгисига кучли таъсири натижасида вое бўлади. Предмет шу белгисига кўра инсонга таъсир

қилиб, унда ижобий түйгү уйғотади. Қайд этилган ҳолат феъллари гапда туб ва ясама феъл шаклида келади. Ясама феъл сифатга - лаш ясовчисининг қүшилишидан хосил бўлади. Ушбу фарқловчи сема гапда қуйидаги феъл маъноларида қатнашади. Қиёсланг: Юмшамок - совуклик кучи кесилган ҳолатда бўлмок: Тунов кунги бўрон ва изғиринлардан сўнг табиат гўё қаҳридан тушган, юмшаган ... (О.Ёкубов). Февралнинг ўрталарида ҳаво юмшаб, дала-тошни, тўқайларни босиб ёттан қалин кор ёпиги тешила бошлади (А.Каххор).

Майнлашмок - ёқимли юмшаган ҳолатда бўлмок: Тунов кунги бўрон ва изғиринлардан сўнг табиат қаҳридан тушган ... майнлашган (О.Ёкубов). Майнлашмок сўзида белги даражаси ва таъсирчанлик нисбатан ортиқ. Айни сўз "ёқимли" бўёғига эга.

й) "бўшашмок": шалпаймок, шалвирамок. Бундай мантикий ифодали ҳолат феъллари тасвирийликни муайян предмет билан, унинг инсон кўрув сезгисига таъсир килювчи ташки тузилишига хос ҳолат белгиси билан боғлаб англатади. Бу ҳолат феълларида предмет ўзининг аввалги таранг, тортилган ҳолатига зид бўлган, бўшашган, тарангсизлашган ҳолатта ўтганлиги ифодаланади.

"Бўшашмок" маъносига эга ҳолат феъллари қуйидагилар: Шалпаймок - таранглигини йўқотган, шалвираган ҳолатда бўлмок; Машинасининг бир гидрираги шалпайиб ётиди (С. Аҳмад).

Шалвирамок - тарангсиз, осилган ҳолатда бўлмок: (Машинадан) тушиб карадим. - Баллон латтадек шалвираб қолиби (Ў.Хошимов). Ўғилчasi шалвираган иштонини торта бошлади (Оғзаки нутқдан). Шалвираган сўзи маъносида "тарангсизланиш" даражаси ортикроқ.. Шалпаймок, шалвирамок сўzlари, асосан, оғзаки нутқка хос бўлиб, шалпаймок нисбатан кўпроқ кўлланилади.

к) "ёруғ": бўзармоқ, ёришмок, ёруғлашмок, оқармок. «Ёруғ» мантикий ифодали ҳолат феъллари муайян предметнинг ҳолат белгисини образли ифодалайди. Бундай ҳолат белгиси инсон кўриш аъзосида акс этиши билан моддийлашади. Ушбу фарқловчи семали ҳолат феъллари предметнинг ёруғлик билан боғлиқ белгиси - унинг ёришган, ёруғлашган ҳолатдалигини ифода этиши билан мустакил саналади. Улар тузилишига кўра туб ва ясама бўлади. Ясама феъллар сифатга -лаш, -ар ясовчиларининг бирикишидан хосил бўлади. "Ёруғ" фарқловчи семали ҳолат феъллари қуйидагилар: Бўзармоқ - гира-шира ёришган ҳолатда бўлмок: Тонг бўзарди (Шухрат). Дераза орқасидан сахар бўзарибди (Х. Ғулом). Кечак оқшом фалакда ой бўзариб ботганда ... (А. Орипов).

Ёришмок - 1. Сал ёруғ, оқарган ҳолатда бўлмок: Бир зум баҳор каби ёриши олам (А.Орипов). Қуёш тиғлари кўринмаса ҳам, шарқ осмони ёришиб ... (М.Исмоилий). 2. Кайфияти кўтарилиган ҳолатда бўлмок: Тундлиги йўқолиб, чехраси ёришиб (Тошкент оқшоми).

Бундан күнгли бир оз юмшаб, чехраси ёришган Хисрав уни бағрига босиб үпди (М. Иброхимов).

Ёрглашмок - ёрутрок, ёрқинрок ҳолатда бўлмок: Қуёш ҳозир бизнинг мана шу ўлкамиз осмонига келиб, тўхтаб тўлишиди, ёрглашди (Р.Файзий).

Оқармок - ёришган ҳолатда бўлмок: Табиатнинг мармар танли, гул сочли эрка қизи - тонг оқариб келади (Уйгун). Ёрглашмок сўзида белги даражаси, "ёрглик" кучи бўзармоқ сўзига нисбатан ортиқ. Ёришмок, оқармок маъноларида эса шундай белги ундан ортиқрок. Бузармок, ёрглашмок сўzlари, асосан, шеъриятта хос. Ёришмок, оқармок сўzlари эса сўзлашув нутқида кўп ишлатилади.

л) "паришон": анграймоқ, мўлтаймок. Бу фарқловчи семали ҳолат феъллари шахс, баъзан предметта хос ҳолат белгисини ифодалайди. Бундай ҳолат ҳам инсон кўриш сезгиси билан боғланади. Қайд этилган ҳолат феъллари кенг маънодаги предметнинг муайян ташки ҳолатини образли ифодалаши билан нисбатан мустакилдир. Ушбу ҳолат инсоннинг бирор таъсир натижасида паришон, лоқайд, маъюс каби "шаклий" ҳолатга ўтганлигини ифодалайди. "Паришон" маъносига эга туб ҳолат феъллари куйидагилардир:

Анграймоқ - паришон хотир, ҳайрон ҳолатда бўлмок: Туғмас хотин ... Анграйди нигоҳ ... Кадам тўнди ... Эс-хуши гангиди (Г. Нуруллаева).

Мўлтаймок - маъносиз ва иложсиз ҳолатда бўлмок: Шу чоккача мўлтайиб ... ўтирган Кумушбиби бир сесканди-да, кўшикчи кизларга қаради (А. Қодирий). У ... кимнидир ахтарди, лоп этиб кўзи бир чеккада мўлтайиб турган "митти" га тушди (Х. Назир). Анграймоқ сўзида белги даражаси нисбатан ортиқрок. Бу тил бирлиги салбий бўёққа эга. Мўлтаймок маъносида ижобийлик белгиси бор. Бу феъллар, асосан, жонли нутққа хос бўлиб, анграймоқ кўпроқ ишлатилади.

м) "йўқолмок": сўнмоқ, учмоқ. "Йўқолмок" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон руҳий ҳолати билан боғланади. Улар инсоннинг бир руҳий ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишини, муайян предметга нисбатан қизикишининг, интилишининг бутунлай йўқолишини, бефарқ муносабатда бўлишини, баъзан эса инсонда унга нисбатан салбий муносабатнинг юзага келиши қабиларни ифодалайди. Айни феъллар шахс руҳий ҳолатини туб феъл сифатида англатади. "Йўқолмок" ифодаси гапда куйидаги феъл маъноларининг фарқловчи семалари орқали намоён бўлади: Сўнмоқ - таъсири тухтаган ҳолатда бўлмок: Заҳро холанинг юзидағи кувонч ўша заҳотиёқ сўнди (У.Назаров). Раиснинг тўсатдан ғазаби сўниб, эсанкирагандай жилмайди (С.Анорбоев). Дўстлар, айтинг, сўнган

дустликни қайга олиб бориб кумарлар (А.Орипов).

Үчмоқ - таъсири бутунлай тұхтаган (йүқолған) ҳолатда бўлмоқ; Урта бўйли олифта кийинган йигитни кўришим билан юрагимдаги борлик, журъат ва қатъият худди сув пуркаган алангадек ўчди-қолди (О.Ёқубов). Унинг юзидағи аввалги қизиллик хижрон шоми шағағидек ўчди-қолди (Х.Ғулом). Алимардоннинг кўзларидағи табассум бирдан ўчди (Ў.Хошимов). Үчмоқ сўзидағи белги даражаси кучли бўлиб, сўз маъноси "бутунлай" семасига эга. Үчмоқ сўзлашув нутқига, сўнмоқ бадиий услугба хос.

н) "тарқамоқ": тўзмоқ (тўзимоқ, тўзгимоқ). Бундай фарқловчи семага эга жараён феъллари баъзан турли предметларнинг ҳолат белгисини ҳам ифода этади. Улар туб феъллардан иборат бўлади. Тўзмоқ. Бу сўз тил бирлиги сифатида, асосан, ҳаракат маъносини ифодалайди. Унинг "ҳаракат" семаси етакчи, мухим - хабар ташувчи саналади. Шунингдек, тўзмоқ феъли ҳолат маъносида ҳам келади. Ҳолат маъноси нутқда — уни ўраган куршов бирликлари таъсирида хосил бўлади. Тўгрироги, тўзмоқ сўзида ҳаракат маъноси муайян гапда вақтинча "яширинади", юзага чиқишига тайёр имкониятга ўтади. Тўзмоқ сўзи баъзан тўзимоқ, тўзгимоқ каби шаклларда ҳам намоён бўлади. Синонимик муносабатдаги бу бирликлар семантик умумийликка эга бўлиб, кўшимча маъно нозиклиги, таъсиранчалик даражаси, кўлланиши кабиларга кўра ўзаро фарқланади. Қиёсланг:

Тўзмоқ - I. Тарқаган ҳолатда бўлмоқ: Эшик очилиб, ҳаёли патдай тўзиши (А. Каххор). Шеър анжумани тўзи (С.Абдулла). II Эскирган, яроксиз, ҳолатда бўлмоқ: Менга овкат беради, кийимим жуда тўзиса, кийим қилиб беради (Ойбек).

Тўзимоқ - тўзмоқ II дан (давомли ифода бермоқ): Йўлдошбой уч - тўрт ҳафтадан бери ички кийимини ечмаган, куйлаги терда котиб кеттан, туни билан этиги тўзиб колган эди (Х. Нуъмон, Ё. Шораҳмедов).

Тўзгимоқ - I ва II дан (такрор ва давомли ифода бермоқ): Тўтиқиз бир неча кун ичида чўпдай озиб, гулдай ҳусни тўзғиди (М. Исмоилий). Қиш-ёз оёғида оғир сағир калиш. Махси ҳам ямоқ, бошида кир, тўзғиган салла (Ойбек).

Хуллас, турлича ҳолатларнинг тил бирликларида-сўзларда образли ифодаланиши ўзига хосdir. Нутқда "таъсиранчалик" семали ҳолат феъллари туб ва ясама феъль шаклида қатнашади. Образли ҳолат феъллари маъно тузилишининг асосини тасвирий хабар ташкил қиласади.

## БИОЛОГИК ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ МАЙНО ТУЗИЛИШИ

Ўзбек тилида биологик ҳолат феъллари нисбатан кўп кузатилади. Улар кенг маънодаги тирик (жонли) мавжудотларниң хаёти, ўсиши, ривожланиши кабилар билан боғланиб, уларда табиий, зарурый мавжуд бўлган ирсий жараён-ҳолатларни ифода этади. Бундай ҳолат феълларига хос мухим хусусият шундаки, улар мазмунидә ифодә этилувчи ҳолат муайян предметнинг (мавжудот)нинг ҳолат белгиси бўлади. Бу ҳолат предметнинг доимий белгиси сифатида жисмоний, руҳий жараёнлар билан бевосита боғланиб, диалектик муносабатда, ўзаро таъсирида кузатилади.

Биологик ҳолат тирик мавжудотларниң яшашини, ташки таъсиrlардан таъсиrlанишини, бирор шароитта мослашишини, вазиятга, вактга кўра ўзидағи ирсий белги-хусусиятларини бевосита намоён қилишини, муайян ирсий имкониятларининг юзага чикиши учун ишлатилишини, "курашиши"ни ҳам ўзида акс эттиради.

Биологик ҳолат феъллари нутқ фаолиятида ҳолат манбаи (объекти)га кўра шахс, ҳайвон ва ўсимликлар билан боғланади. Ушбу феъллар баъзан вакт, ўрин, ўхшатиш каби таркибий қисмларга ҳам эга бўлади. Биологик ҳолат феъллари туб ва ясама феъллардан таркиб топади. Ўлмоқ, чиримоқ, очилмоқ, етилмоқ, бўртмоқ, гулламоқ, ёшарммоқ каби ҳолат феъллари мъяноларининг фарқловчи семалари қўйидагича:

Ўлмоқ - яшаш муддати, хаёти, умри тутаган ҳолатда, бўлмоқ: Отам улди, қолдим кўзимни ёшлаб (Балогардон). Кейин қолган бари ўлди (Алломиц). Қизнинг севгилиси урунда ўлибди. (Ў. Ҳошимов). Бу орада яна тўртта сигир ўлди (А. Каҳхор).

Чиримоқ -- 1. Мўрт ҳолатда бўлмоқ: Уч-уч шохлари эса узун ва нозик, улар қуриган, чириган (О. Мухторов). 2. Айниган, еб бўлмас ҳолатда бўлмоқ: Сўйилган қовун ичидан чириган экан (Латифалар). Чиримоқ оғзаки ва ёзма нутқка-умумнутқка хос.

Очилмоқ - ўсиб, кўзга кўринган ҳолатда бўлмоқ: Ёнбагирларда лолалар очилган (П. Қодиров). ... ораларидағи лолакизғандоклар кип-кизил бўлиб очилган (М. Исмоилий). Қизил, сафсан, пушти очилиби қашқаргуллар (М. Исмоилий). Очилмоқ сўзлашув нутқида кўп кўлланилади.

Етилмоқ - хар томонлама вояга етган ҳолатда бўлмоқ: Йигит кирқ ўшга кирганда ақлий ва жисмоний томондан етилади (Ш. Шомаксадов, С. Долимов). Қашкирлар етилибди, овчи келиб ... терисини шилиб олади (Ғ. Жаҳонгаров); Етилмоқ кўпроқ бадий нутқида хос.

Бўртмоқ - ўсиб чиққан, бўртиш ҳолатида бўлмоқ: Дарахтлар

ялтираб, бўртди ҳар куртак (Зулфия). Олча новдалари мунчок-мунчоқ бўртиб ... (Мирмуҳсин). Бўртмоқ, асосан, ёзма нутқка хос.

Гул, ёш каби от, сифатларга -ла(ш), -ар ясовчилигининг кушилишидан ясалган ҳолат феълларининг фарқловчи семалари қуидагича: Гулламок - гул чиқарган, гулли ҳолатда бўлмоқ: Гўзалари ўсиб, гуллаб, кўсаклар тақсан (Х.Олимжон). Богдаги мева дараҳтлари гуллаган, ҳаводан бол иси анкыйди (М. Осим). Мана чўлда ҳам олча гуллади (Ў. Ҳошимов). Зинапоянинг ёнгинасида ўрик гуллаган эди (А.Мухтор). Гулламок умумнугтқа хос бўлиб, кўп қўлланилади.

Ёшармоқ - ёш куринган ҳолатда бўлмоқ: Ҳамма ёшарди, факат Мавлон қариби (А. Каҳҳор). У ёшариб, қайта куч- қувватга тўлгандек (Альманах). Ёшармоқ кўпроқ китобий, адабий услубга оид.

"Ҳолат" муштарак семали, "биологак" бирлаштирувчи семали ҳолат феъллари яна қуидаги фарқловчи семаларга ҳам эга. а) "истеъмол даражасига етмоқ": пишмоқ, етилмоқ. Ушбу фарқловчи семали ҳолат феъллари манбаига кўра ўсимлик, кўпинча мевали дараҳт, ҳўл мевалар билан боғланиб, уларнинг кўрув сезгиси билан идрок қилинувчи ирсий ҳолат белгисини акс эттиради. Қайд этилган ҳолат феъллари предметнинг сифат даражасини, яъни истеъмол ҳолатига еттанлигини, истеъмол килиш мумкинлигини -пишганлигини ифодалайди. Қайд этилган ҳолат феъллари туб феъллардан тузилиб, гапда қуидаги мантикий ифодага эга бўлади.

Пишмоқ -1. Истеъмолга тайёр ҳолатда бўлмоқ: Нодир боғни куриқлаб колганида, эртаги узум гарк пишган эди (С. Юнусов). Ота, манави беҳиларни кўринг, хиди оламни тутади, бирам пишибдики: -деди саман отлик — (М.Исмоилий). Мевалари гарк пишган катта боғнинг тўрида мармар гумбазли ҳаммом бор эди (П.Кодиров). Бу муддат ичидаги шоли пишди, ўрилди, янчилди (Х.Ғулом). 2. Ўсиб етилган ҳолатда бўлмоқ: Ана эгатлардаги тутларнинг новдалари пишибди (М.Исмоилий).

Етилмоқ - пишган, истеъмол килиш ҳолатида бўлмоқ: Самарқанд боғларида катта дона анорлар этилган (П. Кодиров). Бир йили Афандининг бодринги жуда эрта етилибди (Латифалар). Жонивор хўб етилибди-да, - деди Мадаминхўжа қовунни коса килаётib (М. Исмоилий). Пишмоқ ва етилмоқ сузлари ўзаро синонимик муносабатда бўлиб, уларнинг асосий, бирлаштирувчи маъноси бир хил. Айни вактда пишмоқ маъносига предметнинг белги даражаси аник бўлиб, бу сўз, асосан, сўзлашув нутқига хос. Қўшимча маъно бўёги жихатидан бетараф. Келтирилган гапларда пишмоқ сўзи бош, тўғри маънода қўлланади, аммо у, асосан, китобий услубга хосдир. Шунингдек етилмоқ сўзи маъносига ҳиссий таъсирчанлик бўёги жихатидан ижобийликка эга. Етилмоқ маъносига ифодаланган белги даражаси пишмоқ маъносига

ифодаланган белги даражасига нисбатан мавхұмроқдир. Шунингдек, пишмоқ сүзида ифодаланган белги-хусусият предметнинг ташқи күринишига ҳам, ички, маъза-таъми, истеъмол даражасига нисбатан ҳам тегишли, улар учун умумий саналади. Етилмок сўзи маъноси кўпроқ предметнинг шакли - ташқи күринишига хос хусусиятлар билан боғланади.

б) «шаклий»: қуримоқ, сўлмоқ, қовжирамоқ, қақрамоқ, шалпаймоқ. "Шаклий" маъноли биологик ҳолат феъллари асосан мевасиз дараҳт, унинг муайян қисми, гул, ўт каби ўсимликларнинг куриш сезгиси орқали идрок қилинувчи ҳолат белгисини ифодалайди. Улар предметларга хос белгини мухим ҳолат белгиси сифатида билдиради. Бунда предмет муайян ташки, шаклий күринишига эга бўлади. Бу шаклий белги, ташқи күриниши предметнинг хаётйлиги, фаоллиги, таъсирчанлигини, "яшашдан" тўхтаган - ижобий күринишини йўқотиб, салбий муносабат уйғотувчи шаклга, ташки күринишига ўтганлиги билан ўзига хосдир. Ушбу фарқловчи семали ҳолат феъллари туб феъллар семантик гурухини ташкил қиласиди.. Улар қўйидаги сўз маънолари орқали намоён бўлади:

Куримоқ - ўсиш, кўкариш, гуллаш кабилар тўла тўхтаган ҳолатда бўлмоқ: Мана етти йилдирки, Найманчанинг томирига сув етиб, куриган дараҳтга жон кирди (А.Мухтор). Агар сув бўлмаса ... дараҳтлар қурийди (С.Юнусов). Ҳовли хийла катта, ўртасида чоғрок гулзор, сувсизлиқдан ҳамма гуллар куриб, факат гултоҷихўroz қолибди (А. Каҳхор).

Сўлмоқ - шалпайиш, сўлиш ҳолатида бўлмоқ: Ҳазон бўлиб боғда гуллар сўлиби (Фозил Йўлдош). Пурвиқор Аббосхон бўлса сўлиган таррақдек бўшашиб ... (Мирмуҳсин). Шокир эртасига қараса, кечак диркиллаб турган барвлар сўлинкираб қолибди (Шуҳрат).

Қовжирамоқ - қуриб бужмайган ҳолатда бўлмоқ: Болалар кўча бекатидаги қовжираган ўтларни, ариқ бўйидаги чимларни чимдир (С.Юнусов). Қовжираган палакларнинг у ер бу ерида қолиб кеттан сапчалардан узиб, чайлага олиб борди (Х.Назир). У қовжираган жўхориларга ... назар ташлаб бормоқда (А.Мухтор).

Қақрамоқ - бутунлай куриган ҳолатда бўлмоқ: Даشتда бир жуфт гул қўкариб, қақраган (О.Матжон). Агар сув бўлмаса экинлар қақраб, дараҳтлар қурийди (С.Юнусов).

Шалпаймоқ - сўлиган ҳолатда бўлмоқ: Барвлари шалпайган, тўзон босган дараҳтлар жимгина мудрайди (Ойбек). Аттант, деди хўрсиниб Адолат, сувсизлиқдан барвларини шалпайтириб турган гўзаларга қараб (И. Раҳим). Қуримоқ, қақрамоқ, қовжирамоқ сўзи маънолари белги даражасининг ортиклиги билан ажralиб туради. Айниқса, қақрамоқ сўзида белги даражаси кучли бўлиб, бу сўз,

асосан, китобий-поэтик услугга хос. "Шаклий" мантикий ифодали биологик ҳолат феъллари купинча сўзлашув нутқига хос бўлади. Улар хиссий-тაъсирчанлик бўёғига кўра ажралиб туради.

в) «ёши ортмок»: қаримоқ, кексаймоқ, улгаймоқ. Ушбу феъллар, асосан инсон, баъзан ҳайвонни - уларда вактнинг кечиши, ўтиши билан боғлик содир бўлувчи ҳолат белгисини англатади. Бундай ҳолат феъллари инсон ёшининг ортиши, инсоннинг улгайиши натижасида унинг қиёфасида акс этувчи ҳолат белгисини билдиради. Инсон ёшининг "узиши" натижасида бевосита унинг ташки-жисмоний тузилишида табиий изини, таъсирини колдиради. Демак, инсон ташки қиёфасидаги жисмоний ўзгариш ирсий-табиий ҳолда ёш хусусияти билан ҳам боғлик ҳолда юз беради. Юкорида қайд этилган ҳолат феъллари туб ва сифатга -й ясовчисининг қўшилишидан хосил бўлган ясама феъллардан ташкил топади. Айни фарқловчи сема қўйидаги сўз маъноларининг хабар-дарак ташувчи нутқий семаси бўлиб қузатилади:

Қаримоқ - кексайиш ҳолатида бўлмоқ: Отаси шу ерда қариби (Т.Тўла). Қодир ота энди қариган (Шухрат). Дадам бечора жуда қарибди (Ҳ. Гулом). Uriшқоқ кучкор қариган эди (О.Матжон).

Кексайган - қариган, катта ёшга борган ҳолатда бўлмоқ: Энди ҳазрати Шоҳруҳ кексайдилар, яна шахзодаларро тагин низолар (Ойбек). Булар ҳалқ хизматида кексайган (М.Исмоилий). Салоҳиддин домла у вактдагига қараганда анча кексайган (А.Кахҳор). Қаримоқ, кексаймоқ сўзлари ўзаро синоним бўлиб, кексаймоқ сўзи маъносида белги даражаси ортикроқ.. Қаримоқ сўзлашув нутқига хос, кексаймоқ китобий.

Улгаймоқ — 1. Балоғатга (вояга) етган ҳолатда бўлмоқ: Мен улгайдим курашларнинг нашъаларин эмарак (Ғ.Гулом). Бизлар хушчакчақ авлод дунёда энг бахтиёр, улгаямиз яйраб шод (И.Муслим). 2. Ёши ошган, ёшига ёш қўшилган ҳолатда бўлмоқ: Ёшимиз улгайди (О.Матчон). Ёши улгайиб, оғир меҳнат белини кийшайтиргач ... (Шухрат). Улгаймоқ сўзи кичик ва катта ёшдаги одамларга нисбатан қўлланилади. У китобий-шеърий услугга хос.

г) "тус": қўкармоқ, қўкламоқ, сарғаймоқ, қизармоқ. "Тус" мантикий ифодали биологик ҳолат феъллари, асосан ўсимликларнинг ҳолат белгисини англатади. Улар турлича рангларни акс эттиради. Айтилган мантикий ифодали ҳолат бошқа биологик ҳолат феълларидан предметнинг ранг, тус белгисини ясама феъл шаклида ифода этиши билан ҳам фарқланади. Бундай холларда сифатга -ар, -ла, -ай ясовчилари қўшилади. Булар қўйидагилар: Қўкармок - униб, ўсиб, қўкимтири тусли ҳолатда бўлмоқ: ... эски уйларнинг томлари четида майсалар кўкарди (Ойбек). Барча япроқлари бирдай кўкарган (Ҳ.Олимжон). Гиёҳ унмаган чўллар меҳнаткашлар кони бараварига

ям-яшил кўкарған эди (А. Қодирий). Кўкармок умумнугъқа хос.

Кўкламок – ўсиб, кўк барг чикарған ҳолатда бўлмок; Эрта баҳор вактида ток чиқариб қўйилган ўрнидан кўклайди ва узум килаверади (Ш. Шомақсудов). Кўкламок қитобий бўлиб, кам кўлланади.

Сарғаймок – сарик тусли ҳолатда бўлмок; Даражатларнинг барглари учидан сарғайган (Н. Ёкубов). Ялангоч, сарғайган кимсасиз ўрмон (А. Орипов). Япроқлари бирдай сарғайган (О. Мухторов).

Қизармок – қизгиш тусли ҳолатда бўлмок; Ўрик япроқлари совуқда ўйнаган ёш боланинг лўппи юзидаи қизарди (М. Исмоилий). Боғимда қизариб пишди олча (Ж. Жабборов). Сарғаймок қизармок умумнугъқа хос бўлиб, кўп кўлланади.

Д/“сувга эҳтиёж”: чанқамок, ташналамок, чўлламок, сувсамок, сувсирамок. Ушбу фарқловчи семали ҳолат феълларида ифодаланган ҳолат белгисининг манбай (субъекти) бўлиб, асосан инсон, баъзан ҳайвон ва ўсимликлар қатнашади. Бундай ҳолат феъллари тирик мавжудотларнинг сувга бўлган эҳтиёжини, интилишини-сувга ташна, сув талаб ҳолатдалигини англатади. Бу семантик гурух бирликлари-парадигма аъзолари, асосан, ясама феъллардан ташкил топади. Улар сифат-ла, от-са, от-сира каби тузилишига эга бўлади.

“Сувга эҳтиёж” мантикий ифодали ҳолат феъллари қўйидагилар: Чанқамок – сув, чойга ташна ҳолатда бўлмок; Аямни ҳар куни ёки кун оша дард тутади: Аввал хўп чанқайди, кейин қўлларининг томири тортишади (А. Каххор). Эрта билан шўр нарса еган эдим, тоза чанқатаяпти (Мирмуҳсин). Ғуломжон чанқаб келган эди (М. Исмоилий). -Полвон, чаккон бўлинг, сувсаб қолдим, туялар ҳам чанқади (Олмос ботир).

Ташналамок – чанқоқ, анча сув талаб ҳолатда бўлмок; Пилла шоширади, полиз ташналаб, уйда гўдагимиз қўмсайди қўкрак (Зулфия).

Чўлламок – чанқаш, сувсаш ҳолатида бўлмок; Ўзи узиб еганнинг мазаси бошқача бўлади, ахир шаҳардан чўллаб келгансан (Ф.Мусажонов). Семурғ дарёга кетди, Сувни шимириди чўллаб, канотларини хўллаб (Х. Олимжон).

Сувсамок – сув талаб, чанқаган ҳолатда бўлмок; Аzonда сувсаб уйғонадиган одати бор (А. Каххор). Сувсасанг-чанқасанг болам, нетай (Балогардон). Бир томондан кун иссик, иккинчи томондан одам хаддан ташқари сувсаган, сув берганлари билан конмайди (Ш.Шомақсудов, С. Долимов).

Сувсирамок — тез-тез сув талаб, ташна ҳолатда бўлмок; Одам ўзини панага-салкинга тортишга ҳаракат қиласди, иштаҳа йўқолиб, киши тез-тез сувсирайди (Ўзбекистон овози). Семантик парадигма бирликлари “сувга эҳтиёж” семасига – умумий таркибий қисмига

кўра синонимик муносабатда бўлиб, чанқамоқ услубий имкониятига кўра бетараф-синонимик қаторнинг етакчиси хисобланади. У адабий тилда ҳам, сўзлашув нутқида ҳам кўп кўлланади. Маъно имконияти кенг - инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам, баъзан ўсимликларга нисбатан ҳам ишлатилади. Ташиналамоқ, чўлламоқ, сувсирамоқ маъноларида хиссий таъсирчанлик бўёғи ортиқ. Айниқса, ташиналамоқ, сувсирамоқ маъноларида ушбу бўёқ ортиқроқ. Яъни бу сўзларда сувга талаб, эхтиёж даражаси юкори. Буларга киёсан чўлламоқ, сувсамоқ маъноларида эса белги даражаси кам. Аммо буларни ўзаро киёсан олганда чўлламоқ маъносида белги даражаси сал ортиқроқ. Ташиналамоқ, чўлламоқ, сувсамоқ, сувсирамоқ нутқда кам кўлланилади, кўпроқ китобий. Шунингдек, чўлламоқ, сувсамоқ шевага хос<sup>1</sup>.

Сувсирамоқ талаффузига, кўлланишига кўра "ғализрок", "янгилик" бўёгини тўла йўқотмаган. Шунинг учун бўлса керак, у жуда кам ишлатилади. Сувсамоқ семантик имкониятта бой, кўп кўлланади, талаффузи осон, "силлик", услубий бўёғига кўра у семантик гурухда чанқамоқ билан мантикий алоқада.

Хуллас, биологик ҳолат феъллари "ҳолат" семали феълларнинг семантик майдонида жонли мавжудотларнинг ирсий ҳолат белгисини туб ва ясама феъл шаклида ифода этиши, мазмунан ирсий хабар (тушунча) ташиши билан нисбий мустакилдир.

<sup>1</sup>Каранг: А. Ҳожиев. Ўша лугат. 219-бет

## **ФИЗИОЛОГИК ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ МАЊНО ТУЗИЛИШИ**

Физиологик ҳолат феъллари айни феъллар семантик майдонининг энг катта, асосий лексик-семантик гурухини ташкил қилади. Ушбу феъллар инсон ва ҳайвон аъзоларининг жисмоний ҳолатини ифодалайди. Бу жисмоний ҳолат ушбу феъллар мањносининг моддий асоси сифатида намоён бўлади. Физиологик ҳолат феъллари туб ва ясама феъллар бўлиб, мањно томонидан биологик ва психик ҳолат феълларига якин туради. Биологик ҳолат феъллари жонли ва жонсиз предметларга хос, психик ҳолат феъллари инсон ва ҳайвон рухиятига хос хусусиятларни, физиологик ҳолат феъллари эса, асосан, ташки жисмоний ҳолатларни ифодалавши билан нисбий мустақиллар. Аникроғи, бу ҳолат феъллари мањносида жонли мавжудотларда, уларнинг муайян аъзоларида содир бўлувчи муайян физиологик ўзгаришлар, жараёнлар акс этади.

Таъкидлаш керакки, жонли мавжудот физиологик ҳолати, асосан икки кўринишда юз беради. Яъни инсон ёки ҳайвондаги жисмоний ҳолат бирор жисмоний ўзгариш натижасида ёки жисмоний жараён ҳолати сифатида кузатилади. Шунга кўра бу ҳолат феъллари гацларда жонли мавжудотларда содир бўлган жисмоний ҳолатни жисмоний ўзгариш натижаси ёки ҳолат сифатида вое бўлувчи жисмоний жараён ҳолати сифатида акс эттиради. Демак, физиологик ҳолат феъллари: а) жисмоний ўзгариш натижасида юзага келган ҳолатни ва б) жисмоний жараён ҳолатни ифодаловчи каби ички турларга ажратилади.

### **Жисмоний ўзгариш натижасида юзага келган ҳолатни ифодаловчи физиологик ҳолат феъллари**

Жисмоний ўзгариш натижаси бўлган ҳолатда инсон ва ҳайвон, уларда юз берган муайян ҳолатлар кузатилади. Бунда бир ҳолатдан (ёки ҳаракатдан) бошқа бир жисмоний ҳолатта ўтиш ўзгариш натижаси эканлиги англашилади.

Куримоқ, ёришмоқ, очилмоқ, чидамоқ, қизимоқ, етилмоқ, қутурмоқ, ҳурпаймоқ, тўмпаймоқ, шишмоқ, тиришмоқ, туташмоқ, тутилмоқ, чўзилмоқ, қонамоқ, ялиғламоқ, кирламоқ, тормозланмоқ, қонсизланмоқ, елимлашмоқ, майнлашмоқ, юпқалашмоқ, сийраклашмоқ, равшанлашмоқ, жиддийлашмоқ, тундлашмоқ, сулгинлашмоқ, огирашмоқ, кўпирмоқ, консирамоқ каби жисмоний ўзгариш натижаси бўлган физиологик ҳолат феълларининг фарқловчи семаси, нутқий мањноси қуйидагича: Куримоқ – йўқолган ҳолатда бўлмоқ: Ох тортсам, танимдан қурийди дармон (Балогардон).

Бу сўзни айтар Авазхон танимдан қуриган дармон (Балогардон).

Ёришмоқ -хурсанд (шод) ҳолатда бўлмоқ: Шуни айтиши биланоқ Ортиқ ака Ашуронинг чехраси янада ёриши (Ҳ.Назир). Одамларнинг юзлари бир-бирига ўхшаш табассум ва кувончдан ёришган, ўзларича кизғин сухбат килишмоқда эди. (Н.Норматов).

Очилимоқ - гўзаллашган, чиройли ҳолатда бўлмоқ: Қара, худо кўл ҳусн берганда, бирам тўлишиб, бирам очилибди-ки (М.Исмоилий). Зуннуновнинг назарида Саодатхон янада очилиб кетганга ўхшайди (И. Раҳим).

Чидамоқ - бардошли ҳолатда бўлмоқ: Мен эмас қийналиб қонга бўялган, азобга чидаган сира демайвой (Т.Ҳамид).

Қизимоқ - каттиқ исиган ҳолатда бўлмоқ: У шундай тез югурап, шундай каттиқ қичкирардик, сал ўтмай бадани кизиб, совуқдан қўкарган юзига тер марваридлари терила бошлади (М.Исмоилий). Орқа мияси кизиб ачишиди, чап ёнига ағдарилди (Мирмуҳсин).

Етилмоқ - вояга (балоғатга) етган ҳолатда бўлмоқ: Бу вактда ўнбошилик мартабасига эришган Темиртош етилган, гавдаси тўлишган бакувват йигат эди (М.Осим). Раъно бу ўн йил ичida яна етилган бўлса керак ... (А.Кодирий).

Қутурмоқ<sup>1</sup> - хавфли касалланган ҳолатда бўлмоқ: Ўшанда осилиб чинор шоҳчасига кутурган итдан ҳам қолдим кутулиб (А.Орипов). Эй, Мусулмон, нега қопмайди, дейсиз, Шу ит кутурган-ку, (П. Турди).

Хурпаймоқ - тўзиган, ёйилган ҳолатда бўлмоқ: Баъзида соchlари тўзиб, хурпайиб юрадиган Рихсиниса унга ёқмай ҳам коларди (Мирмуҳсин).

Тўмпаймоқ - чўккалаб мук тушган ҳолатда бўлмоқ: Уроз билан Йўлчи оғизларини нақ тутунга етказиб, тўмпайиб галма-таль пуфлашарди (Ойбек). Болалар ўтирган ўринларида тўмпайиб ё турили вазиятда узала тушиб, ... ухлащи (Ойбек).

Шишмоқ - касалланган, бўккан ҳолатда бўлмоқ: Матковул шерик топиб, далага чикишга шайлаб турган отнинг қорни шишиб, ҳаром ўлиб қолди (М. Исмоилий). Чол қуйлари шишиб ўлган ўша бахтсиз ходисадан бери ўғлига бунчалик ширин гапирмаган эди (А.Норбоев).

Тиришмоқ - тортишиш, таранглашиш ҳолатида бўлмоқ: Унинг яраси тиришиб, оғриб кетди (Шухрат). Унинг бошига муз югуриб, асаблари тириши (Ҳ.Ғулом).

Туташмоқ - бир-бирига теккан (кўшилган) ҳолатда бўлмоқ: Кошлари туташиб, ковоғи солинган (О.Ёқубов). Қора кошлари

<sup>1</sup> Қиёсланг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II 1981, 627-бет.

туташиб, кўзларида ғазаб чакнади (С.Зуннунова).

Тутилмок - дудукланган, гапиролмайдиган ҳолатда бўлмок: Унинг ранги мурданинг рангидай, тили тутилган, факат "тўпа, тўпа" деганини билиб бўлар эди (А.Каҳҳор). Нима дейишни билмай, тили тутилиди (Ж.Шарипов).

Чўзилмок - бўйга, олдинга узайган ҳолатда бўлмок: Энди у озди, соқоллари ўси, юзи корайди, шахло кўзлари яна каттайди, кадди чўзилиди (М.Исмоилий). Кўз сузилган, лаб чўзилган, севги уйғонган чори (Ғ.Ғулом).

Ясама ҳолат феъллари қуийдаги кўринишда бўлади: от -а, -ла (н,ш),-сира; сифат -ла (н,ш); равиш -ир. Улар қуийдаги фарқловчи семаларга эга: Конамоқ - қонли ҳолатда бўлмок: Жўрахон турар эди: бояти хонатлас кўйлаги чант босган ... лаблари қонаган (М.Исмоилий).

Яллигламоқ - кизарган, газакли ҳолатда бўлмок: Соқоли ўсиб кетған, кўзлари яллигланиб, лаблари қовжираган ... (С. Юнусов). Зотилжами такрорланиб, иккала ўпкаси хам яллиглабди (А.Мухторов).

Кирламоқ - кирли ҳолатда бўлмок: Қулоғим кирланган экану (Имом коҷди).

Тормозланмоқ - фаолияти тўхтаган ҳолатда бўлмок: Чукур уйкуда миянинг аксарият қисми тормозланади (Ўзбекистон овози).

Қонсизланмоқ - қони қочиб, ранги оқарган ҳолатда бўлмок: Сафар бўзчининг бу сўзидан имомнинг қонсиз ранги яна қонсизланган, оламунчоқ кўзи алланечук ҳолатта кирган эди (А.Каҳҳор).

Елимлашмоқ - ёпишқоқ ҳолатда бўлмок: Томоклари қақраб, тупуклари елимлашди (Шухрат).

Майнинлашмоқ - юмшоқ, ёқимли ҳолатда бўлмок: Тўмариснинг овози яна майнинлашди (А.Мухтор). Майнинлашмоқ феълида белги даражаси, таъсирчанлик кучли.

Юпқалашмоқ - юпқа, ингичка ҳолатда бўлмок: Ҳакиқатда оч қолган одамининг бадани заифлашади, териси юпқалашади (Ш. Шомаксудов, С.Долимов).

Сийраклашмоқ - камайган (сийрак) ҳолатда бўлмок: Бир. чеккада ўтирган институт домласи Салим аканинг сийраклашган опшоқ соchlарий, қисқа бўйни кўриниб турар (Ў.Хошимов).

Равшанлашмоқ - тиник, равшан тортган ҳолатда бўлмок: ... шу кампирнинг боғида бўлбулигё деган бир күш бор, агар шу күшнинг сайрашини эшитсангиз, кўзингиз дарров равшанлашади дебди (Олмос ботир).

Жиддийлашмоқ - жиддий, сипо ҳолатда бўлмок: Кўркқаниданми ёки қаттиқ ўйга толганиданми, юзи жиддийлашади, қоши чимирилди (М.Исмоилий). Фазлийдин йирик тишларини кўрсатиб, хаҳолади.

Кейин жиддийлашди (Ойбек).

Тундашмок - юзи совук ҳолатда бўлмок: Маматмирзонинг майин юзи тундашди (Н.Норматов). Унинг юзи кўланка тушгандай тундашди (С.Анорбоев).

Сўлғинламок - синиккан, таровати йўколган ҳолатда бўлмок: Дилорнинг ранги сўлғинлашган, кўzlари чўккан, аммо ҳамон жозибали табассум билан жилмайиб туради (Ў.Хошимов).

Оғирлашмок - 1. Қийин (мушкул) ҳолатда бўлмок: Лекин чолнинг ахволи оғирлашди (А.Мухтор). Ҳакиқатан, кечга томон Мурод Алиниг ахволи оғирлашди, кечаси синглисини чакирди (А.Каххор). 2. Кучайган (зўрайган), кийинлашган ҳолатда бўлмок: Деҳлига келгунча Ҳумоюннинг иситмаси яна ошиб, касали баттар оғирлашди (П.Қодиров).

Қўпирмок - кўпикли ҳолатда бўлмок: Даврадагилар эса каллаларини иргитар, ўртадагилар эса оғизлари қўпирган, кўzlари гўлайган (Ғ.Фулом). От сонлари, тақимлари қўпирган, ҳамма ёғидан ховури чиқиб турган эди (М.Исмоилий).

Қонсирамок - конга ташна ҳолатда бўлмок: Азим қонсираб ётган йиртқич кўzlарини пилпиллатди (М.Исмоилий).

Жисмоний ўзгариш натижаси бўлган физиологик ҳолат феъллари нутқ жараёнида яна қуидаги фарқловчи семалари оркали аниқ мантикий ифодага эга бўлади: а) "тус": кизармок, гезармок, бўзармок, унникмок, синикмок, ўчмок, қонламок, ловулламок, оқармок, мошгуручлашмок, қораймок, кўкармок, саргаймок, захиллашмок. "Тус" мантикий ифодасига эга ҳолат феъллари инсонга, унинг юз, кўз, қулоқ, лаб, бурун, кош, бош, соч, соқол, бўйин каби аъзоларига хос айни белгини ҳолат сифатида англатади. Улар касаллик, дард, кўркув, жахл, бирор нарса таъсири, каттиқ изтироб, кексалик, кўп ўйлаш натижасида инсонда юзага келган тус жисмоний ўзгариш ҳолатини билдириши билан муҳимdir. Бу ўзгариш асосида инсон аъзоларининг ички ва ташки таъсиirlарга бўлган "ижобий ва салбий муносабати" ётади. Ушбу мантикий ифодали ҳолат феъллари кўпроқ ясама бўлади. Улар от -ар, -лан; сифат -ар, -лаш, -й, -ай; тақлидий сўз - улла тузилишига эга. "Тус" мантикий ифодали ҳолат феъллари қуидагилар: Қизармок - кизгиш, кизариш ҳолатида бўлмок: Аямнинг кўzlари кизарган, қовоклари шиштан эди (А.Каххор). Ҳаяжондан юраги гупиллаб уриб, оппоқ юзи ғазабдан кизарди (Ҳ.Фулом). Ранг-рўйини олдирган, уйкусизликдан кўzlари кизарган Ўқтам мухбир билан сухбатлашгудай ахволда эмасди. (Ҳ.Назир).

Гезармок - ранги учиб, оқарган ҳолатда бўлмок: Ху алламахалда оч-нахор ранги рўшак, лаблари гезариб келади (Ҳ.Назир). Элмурод катта саллали новча қирра бурун одамни кўрди-ю, тўсатдан бир сесканиб тушди ва ичини совук ялаб гезариб кетди (П.Турсун).

Турдиматнинг нафаси ичига тушиб, ютиниб-ютиниб гезариб турар (И.Рахим).

Бўзармоқ - ранги учуб, оқариш ҳолатига келмоқ: Мухайёга бу гап калака бўлиб туюлди, шекилли, ранги бўзарип секретарга айик караш килди ... (А.Каххор). Юзи докадек бўзарган механик ўша захоти токни узиб, тегирмон тешасига чопди (Н.Юқубов). У гоҳ кизарар, гоҳ бўзарар, юрак бағрини ўртаёттан газаб ўтига зўрга чидаб турарди (М.Осим). Гезармоқ, бўзармоқ сўзларида белги даражаси (оқариш), таъсирчанлик кучли. Гезармоқ сўзида яна ҳам кучли. Улар салбий бўёқка эга бўлиб, асосан, сўзлашув нутқига хос. Гезармоқ сўзи кам қўлланади.

Унникмоқ - бўғик, қорайган ҳолатта келмоқ: Иситмаси ошиб, кўз косаси унинкинди, нафаси тезлашди (А.Мухтор). Бир-икки соат ичиди унинг кора юзи баттар унникиб кетди (Ё.Шукуров). У ҳар кунгидай ғамгин, айрилиқ дарди уни унникириб юборган (Х.Назир). Унникмоқ сўзида белги даражасининг ортиқлиги қўш ундош таъсирида юзага келади.

Синикмоқ - рангини олдирган, сўлинкираган ҳолатта келмоқ: Ранги бир оз синиккан, аммо кўркам чехрасида қатъият балқиб турган бир йигит кўзларини чирт юмиб ухлаб ётарди (Ў.Хошимов). Бир қўлтиғига Раҳбархон, бир қўлтиғига Ўқтам кирган мalla соч, ўрта ёш, очиқ чехрали, ранги синиккан хотин - Мария кириб келаркан (Х.Назир). Унинг кўзлари ғамгин, юзи синиккан (Х.Ғулом).

Ўчмоқ - оқаринкираган ҳолатда бўлмоқ: Андак сабр қилиб туринг, - деди ранги ўчинкираган Алишер (М.Осим). Ранги ҳам ўчинкираган (М.Осим).

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қонлашмоқ сўзи жараён-ҳаракат маъносини ифодаловчи сўз сифатида изоҳланади. Биргалик нисбатидалиги айтилади<sup>1</sup>. Бу ясама феълнинг ўзлиқ нисбатида қўлланувчи қонламоқ шакли ҳам бор. Шуниси муҳимки, бу шаклда - ўзлик нисбатда қонламоқ маъно ўзгаришига учраб, физиологик ҳолат феъли сифатида кузатилади. Қиёсланг: Қонламоқ - конга тўла (конли) ҳолатда бўлмоқ: Кўзи қонланган Анвар икки қўлини ёнига ташлаб, Худоёрхон қаршисида туриб қолди (А. Кодирий).

Ловулламоқ - қизарган ҳолатда бўлмоқ: Анварнинг юраги боягидан ҳам каттикрок гупиллаб уриб кетди (Ў.Хошимов). Кулокларигача ловуллаб, юзини ўтириди (Ў.Хошимов). Унинг юзини қулоқларигача ловуллаттан кон ҳам тарқалди. (П.Турсун). Ловулламоқ сўзида белги даражаси, маъно таъсирчанлиги ортиқ.

Оқармоқ - оқ ҳолатда бўлмоқ: Ҳатто сочи оқарган чоллар баҳор каби яшнаб киради (Зулфия). Соқоли оқарган ... тириш билан

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати., 597-бет

тұлған қари пешона (У.Носир). Сулаймон Акрамович киссасидан рүмөлласини олиб, оппок оқарған қалин сочларини ... (О.Ёкубов). У вакт мош-туруч бўлған соколи ҳозир тамом оқарған ... (А.Каххор).

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да мош-туруч сўзи "оралаб ок тушган (соҷ-соқол ҳакида)" изоҳига эга<sup>1</sup>. Шу тил бирлиги асосида ясалган мошгуручлашмоқ эса луғатда қайд этилмайди. Мошгуручлашмоқ - ок оралаган (оқаринкираган) ҳолатда бўлмоқ: Фанигушнанинг соколи мошгуручлашиб қолгандан кейин, бу лақабдан номус қилиб қолди (С. Абдулла). Оқармоқ сўзида "оқлик" хусусияти ортиқ бўлиб нутқда кўн кўлланади. Мошгуручлашмоқ китобий бўлиб, кам ишлатилади.

Қораймоқ - корайиш ҳолатига келмоқ: Офтобда қорайган юзида сокинлик ва бокира хотиржамлик бор здики, буни ўтай онаси кўриб ҳайрон қоларди (Н.Норматов). Кумлөк кирғоқда ётиб, хордик чикаришиди, денгиз шамолларида қорайишиди (Шухрат). Унинг лаблари куруқшаган, кучли иситмада ётган кишининг лабидай қорайган ... (А. Каххор). Қораймоқ сўзида белги даражаси яккол, аниқ.

Кўкармоқ - кўкиш ҳолатда бўлмоқ: Унинг юз, кўзи кўкарган (А.Каххор). Қўз осталари, чеккалари сал кўкаринкираган (Х.Ғулом). У шундай тез югурад, шундай қаттиқ қичкирардики, сал ўтмай бадани қизиб, совуқдан кўкарган юзига тер марваридлари терила бошлади (М.Исмоилий).

Сарғаймоқ - сарғайиш ҳолатида бўлмоқ: Эшик салгина очилиб, ҳоланинг сарғайган, озгин юзи кўринди (М.Тошматов). Эрта ҳазон гул каби сарғайиб сўлганим йўқ (А.Орипов), У негадир жуда хафа, маъюс, ранглари ҳам сарғайган (Мирмуҳсин).

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да захил сўзи изоҳланган<sup>2</sup>. Шу сўз асосида ҳосил бўлған ясама заҳиллашмоқ сўзи луғатда акс этмаган. Қиёсланг: Захиллашмоқ - сарғайган ҳолатда бўлмоқ: Сахинанинг юzlари заҳиллашиди (Ўзбекистон овози). Захиллашмоқ сўзида "касаллик" семаси бор. Захиллашмоқ сўзида белги даражаси ортиклиги ундаги қўш ундош товушдан эмас, балки унинг сўз маъносининг таркибида мавжудлигидандир.

б) "шаклий": гердаймоқ, кеккаймоқ, гўдаймоқ, қаккаймоқ, қанқаймоқ, серраймоқ, тўрсаймоқ, шумшаймоқ, тўмтаймоқ, тўмсаймоқ, мунғаймоқ, безраймоқ, бўзраймоқ, сўппаймоқ, ўшшаймоқ. "Шаклий" маънога эга ҳолат феъллари асосан инсонга хос жисмоний ҳолатни англатади. Бу ҳолат инсон гавдасининг муайян жисмоний кўринишда бўлиши билан ўзига хосдир. Бундай физиологик ҳолат инсоннинг

<sup>1</sup> Карапнг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I, 473-бет

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 303-бет

турли предмет - ходисалардан таъсирланиши, муайян руҳий фаолликда бўлишидан юзага келади. Яъни инсон ташки томондан муайян кўриниши, "шакли" билан ушбу ҳолат феълларининг моддий асосини ташкил қиласди.

Шуниси мухимки, бу феъллар гапда кўпинча турмоқ, ўтирмоқ ҳолат феъллари билан боғланиб, улар маъносида ифодаланган предметнинг инсон жисмоний кўриниши билан аниқлашувчи ҳолатини ифодалайди. Шунга кўра ҳам айни физиологик ҳолат феъллари фарқланади. Ушбу мантикий ифодага эга ҳолат феъллари туб феъллардан ташкил топади.

"Шаклий" мантикий ифодали ҳолат феъллари қуидагилар:

Гердаймоқ - қаддини ғоз тутиб, кўкрагини керган ҳолатда бўлмоқ: Барот полвон девдай гердайиб турган мингбошининг ёнига борди (М.Исмоилий). У янги "ҳаваскор" ўспирин аравакаш каби гердайиб, елкасини кийшик қилиб ўтириди (Ойбек). Ростдан ҳам худди уй вазифасини ўзим қойил қилиб бажаргандек гердайиб ўтирадим (Ф.Мусажонов).

Кеккаймоқ - гавдани ғоз тутиб, тик (виқорли) ҳолатда бўлмоқ: Бизга гап отган Турғун "кўрдиларингми топган нарсаларимни" дегандек тумшугини кўтариб, кеккайиб кетяпти (Ф.Мусажонов). Гўё шогирдарнинг ўлтиришига кириб қолган домладай кеккайиб ўтириди (Ойбек). Гердаймоқ сўзида белги даражасининг ортиклиги кўш ундош таъсирида юзага келади. Бу сўзлар кўпроқ жонли нутқка хос.

Ғўдаймоқ - тик, қақкайган ҳолатда бўлмоқ: Ўз шаънингга сен ғудайиб турибсан. Неча сўзни менга лоф урибсан (Балогардон). Аъзам унинг саломига ҳам алик олмасдан гапинг бўлса гапиравер, иккала қулоғим сенда дегандак ғўдайиб турди (Шухрат). Ғўдаймоқ сўзи, асосан, сўзлашув нутқига хос бўлиб, таъсир бўёгининг ортиклиги билан мустакилдир, салбий бўёққа эга.

Қакқаймоқ - қоттан, серрайган ҳолатда бўлмоқ: Муассзам одатдагидек масжиди калоннинг энсизгина узун кўприкка ўхшаш айвонида қақкайиб аzon айтди (О.Мухторов). Дилфузা ҳамон олдинда қақкайиб турар (Н.Фозилов). Қоровулхона эшигига Тўғонбек қаккайган (Ойбек).

Қанқаймоқ - серрайган, ғўдайган, қақкайган ҳолатда бўлмоқ: Бобо Қамбар қанқайиб отдан тушаверди (Соҳибқирон). Рост айтасиз, Мели ака, биздан бошқа пичокқа илинадиган йўқ маҳаллада; бурнини қанқайтириди Жамил (Ф.Мусажонов). Қакқаймоқ, қанқаймоқ сўзларида таъсирчанлик кучли. Улар, асосан, оғзаки нутқка хос бўлиб, қакқаймоқ нисбатан кўп қўлланади. Қанқаймоқ кўпроқ шевага хос. Қакқаймоқ сўзида маъно таъсирчанлиги ортиқ бўлиб, бу шу сўзда иккита бир хил ундошнинг кўшилиб келиши билан

**боглиқдир.**

Серраймок<sup>1</sup> - қаққайиш, котиб туриш ҳолатида бўлмоқ: -хай, кизим, нимага серрайиб турибсан (М. Исмоилий). Дишод яйдоқ гул кўчатлари орасида серрайиб турар (У. Назаров). Мунавварбиби бир бош боқаётган қизалоққа, бир токчадаги нонга қараб узоқ серрайди (О.Мухторов). Серраймок жонли нутқа хос бўлиб, кам қўлланади, салбий бўёққа эга. Сўз маъносидаги таъсирчанликнинг ортиклиги иккита бир хил ундошнинг мавжуддиги билан изоҳланади.

Тўрсаймоқ<sup>2</sup> - ковоқ солищ, тумтайиш ҳолатида бўлмоқ: Бугун оила аъзолари уч кунгача бир-бирларига тўрсайиб юришиди (С.Аҳмад). Эрининг тўрсайиб бораёттани (унинг) юрагини сиқарди (Р.Файзий).

Шумшаймоқ<sup>2</sup> - 1. Гужанак ҳолатда бўлмоқ: Аббос ... ёмғирдан шумшайиб, сирғана-сирғана пастта тушиб кетди (У.Назаров). Самад яна анчагача совуқда шумшайиб кутди (М.Исмоилий). Степан болани кўтариб, тепага чиқканда, ярим ялонгоч, шалаббо, совуқдан шумшайган, ҳолдан тойган одамларни кўрди (А.Мухтор). 2. Қовоғини солган, тўмтайган ҳолатда бўлмоқ: Шумшайиб дастурхон ёзади (А.Кахҳор). Бурчақда кимдир деворга суюниб, шумшайиб турарди (М.Исмоилий). Самад яна индамади. Тўдага етмай тўхтади-ю, ерга қараб, шумшайиб тураверди (М. Исмоилий). Шумшаймоқ сўзи маъносида белги даражаси ва таъсирчанлик кучли.

Тўмтаймок - ковоғи солик, тўрсайиш ҳолатида бўлмоқ: Тўлаган aka тўмтайиб ўтириб, бир пиёла чой ичди-ю, чиқиб кетди (Н.Ёкубов). Мен Муқаддаснинг тўсатдан тўмтайиб, индамай қолганидан, бирга юришимиздан сиқилаёттанини сезиб турардим (О.Ёкубов). У боласининг бугун жуда ҳам тўмтайиб олганига ҳайрон бўлар (М.Исмоилий).

Тўмсаймоқ - тўмтайиш, тўрсайиш ҳолатида бўлмоқ: Бокижон тўмсайиб, оғзини очган ҳолда ҳаммага маъносиз тикилди (Ойбек). Тўмтаймок ва тўмсаймоқ синонимик муносабатда бўлиб, бир хил изоҳга эга. Айни вактда улар товуш тузумига, шакланишига кўра бир оз фарққа эга. Бизнингча, тўмсаймоқ тўмтаймок сўзининг нутқий фонетик кўриниши бўлиб, кам қўлланади. Тўмтаймок сўзида белги даражаси бир оз ортиқ..

Мунгаймок - маъюс ҳолатда бўлмоқ: Марғуба Муборакхонимга мунгайиб қаради (А.Кахҳор). Мунгайиб йиглайди мендай гажақдор (Алломиши). Бобожамол бир хурпайиб, бир мунгайди (О.Мухторов). Мунгаймок сўзининг мугаймоқ шевага хос кўриниши ҳам бўлиб, бу сўзда -н товуши тушиб қолади (элизия ходисаси).

<sup>1</sup> Узбек тилининг изоҳли лугати. II 40-бет

<sup>2</sup> Ўша лугати, II 253-бет

Мунғаймоқ ва мугаймоқ ўзаро синоним бўлиб, мунғаймоқ кўп қўлланади. Қиёсланг: Йиғлайман мен бу ерда мунгайиб (Балогардон).

Безраймоқ - кўзини лўк қилиб, цинагини бузмаган ҳолатда бўлмоқ: Шунда ҳам Розик ўртада безрайиб тураверди (Н.Фозилов). Нима, бирорни яхши кўриш гуноҳми, деди, у безрайиб (М.Исмоилий). Ойшабону нима дейишими билмай ўтирган ерида безрайиб қолди (Х.Гулом).

"Ўзбек тили морфем лугати"да бўзраймоқ сўзи қайд этилади<sup>1</sup>. Аммо "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да бўзраймоқ алоҳида қайд этилмайди, изоҳланмайди. Бу сўз тил бирлиги сифатида нутқда кенг қўлланиши, таъсирчанликка эгалиги билан ажralиб туради. Қиёсланг: Бўзраймоқ -кўзини лўк қилиб, бақрайиш ҳолатида бўлмоқ: Ўқтам уйқудан чўчиб уйгонгандай Салим половнга бўзрайди (Х.Назир). Аввал бир оз бўзрайди-ю, кейин жилмайиб туриб, можарони ширин сўз билан ширингина ҳал қилди (М.Исмоилий). Кўнайсин кизариб, дилидагини тилига чиқаришга ийманган ҳолда бўзрайиб турарди (Х.Назир). Безраймоқ ва бўзраймоқ синоним бирликлари, асосан, жонли нутққа хослиги, таъсир кучига эгалиги билан муҳимдир. Безраймоқ сўзида таъсирчанлик ортиқроқ.

Сўппаймоқ - ёлғиз қаққайған ҳолатда бўлмоқ: Ўртада сўппайиб Розик қолди (Н.Фозилов).

Ўшшаймоқ - ковоғи солинган, ҳумрайган ҳолатда бўлмоқ: Донишманд эшик олдида ўшшайиб турган Кумрининг бўйнига шарфни ўрабди (С. Юнусов). Тарақкийпарварлар аксари заҳарханда қилиб, баъзи бири ўшшайиб ерга қараб ўтиридилар (Ойбек).

в) «ҳолдан тоймоқ»: чарчамоқ, ҳоримоқ, толмоқ, толикмоқ. "Ҳолдан тоймоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон, баъзан ҳайвонда, муайян аъзоларида юз берган жисмоний ўзгаришни ифода этади. Бу ўзгариш оғир меҳнат, ҳаракат, шовкин, очлик, кувватсизлик, салбий кайфият натижасида шахс ва ҳайвоннинг фаол жисмоний ҳолатдан тўла чекиниб, фаолсизликка, жисмоний бўшашибган, ҳолдан тойган ҳолатта ўтганлигини билдиради. Бундай мантикий ифодали ҳолат феъллари туб феъллардан ташкил топади.

"Ҳолдан тоймоқ" фарқловчи семали ҳолат феъллари қўйидагилар: Чарчамоқ -1. Ҳолдан тойиш (хориш) ҳолатида бўлмоқ<sup>2</sup>: Бугун куни билан тоғ қазиб қаттиқ чарчаган эди (М.Исмоилий). Чарчайди мингтан ҳайвони (Алпомиш). Тикилинчдан, шовқиндан, ҳаяжондан чарчаган Султонмурод оҳиста юриб, ... (Ойбек). 2. Толган, толиккан ҳолатда бўлмоқ: Лекин йўлга тикилавериб, кўзлар чарчади (Ойбек). Кўп

<sup>1</sup> А.Гуломов, А.Н.Тихонов, Р.Кўнгиров, Ўша лугат, 58-бет.

<sup>2</sup> Қиёсланг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати II, 357-358-бет

гапириб жағим чарчади (Гулистан). Демак, "холдан тоймок" ифодали феълларнинг семантик етакчиси чарчамоқ феъли инсон, баъзан хайвонга нисбатан ҳам, уларнинг муайян аъзолари жисмоний ҳолатига нисбатан ҳам кўлланади.

Хоримоқ - чарчаш, ҳолдан тойиш ҳолатида бўлмоқ: Бир куни бет қўли қора, хориган, терга пишган Анвар ... ўтирган эди (А.Каххор). Хориди остимда тулпор, бедов от (Алпомиш). Кун бўйи хориган киши оёқ-кўлларини узатиб, дам олади, уйқуга кетади (Ўзбекистон овози). Шундай қилиб, Ўкта трамвайдан кечиккан, хориб-чарчаб пиёда қайтган эди (Х.Назир). Хоримоқ сўзига хос хусусият унинг нутқда толмоқ, чарчамоқ сўzlари билан жуфт (дублет) ҳолда кўлланишидир. Бундай ҳолда маъно кучайтирилади, таъсирчанлик ошади. Хоримоқ сўзи ҳам чарчамоқ сўзи каби кўпинча инсон ва хайвонга хос физиологик ҳолатни ифодалайди. Хоримоқ кўпроқ китобий-шеъриятта хос бўлиб, чарчамоқ сўзига нисбатан кам кўлланади. Чарчамоқ сўзи эса кўпроқ сўзлашув услубига хос бўлиб, нутқда кўп кўлланади. Хоримоқ сўзида "чарчаш" белгиси ортиқроқ!<sup>1</sup>.

Толмоқ - чарчаган, ҳолсизланган ҳолатда бўлмоқ<sup>2</sup>: Беданавоз тикка туравериб, оёклари толди (Латифалар). Кўп юрсам толарди тиззам, оёғим (Оғзаки нутқдан). Она қўли толар эди ҳўш, ўрилгунча бир орка сочлар (Г. Нуруллаева).

Толикмоқ - чарчаган, мадорсиз ҳолатда бўлмоқ: Тикилавериб, кўзлари толиқди (Н.Норматов). Ҳолбуки бу урушларда эл-улус бехад толиқди (П.Қодиров). Узок йўлдан толиқкан Зебихон бошини суюнчиққа қўйган ҳолда ....(У.Назар). Толикмоқ сўзида "чарчаш" даражаси ортиқроқ.. Толмоқ, толикмоқ сўзларининг кўлланиши-фаоллиги деярли тенг. Толмоқ сўзи кўпроқ инсоннинг оёқ, кўл, кўз каби аъзоларига нисбатан ишлатилади. Толикмоқ сўзи кўпроқ инсон билан боғланади<sup>3</sup>. Чарчамоқ, ҳоримоқ сўzlари, асосан, инсон ва хайвон жисмоний ҳолатига нисбатан ишлатилса, толмоқ, толикмоқ эса, асосан инсон билан, унинг муайян аъзолари билан боғланади. Бу семантик гуруҳда ҳоримоқ, толикмоқ сўзлари таъсир даражасига кўра етакчи.

г) "хира тортмоқ": тинмок, хираланмоқ, хиралашмоқ нурсизланмоқ туманлашмоқ, коронғилашмоқ, заифлашмоқ. "Хира тортмоқ" мантикий ифодали ҳолат феълларининг манбаи инсон, унинг муайян аъзоларидир. Бу феълларга хос доимий хусусият уларнинг нутқда, асосан кўриш аъзоси кўз, баъзан овоз, юз каби тил бирликлари билан семантик-грамматик боғликларда бўлишидир. Бунда жисмоний ҳолат субъекти-кўз сўзи гапда кўпинча кўз, баъзан

<sup>1</sup> Қаранг: А. Ҳожиев. Ўша лугат, 220-бет

<sup>2</sup> Қиёсланг. Ўзбек тилининг изохли лугати II 199-бет

<sup>3</sup> Қиёсланг: А. Ҳожиев. Ўша лугат, 220-бет

кўз ўнги, кўз олди каби тузилишларда намоён бўлади. Кўз ўнги, кўз олди каби нутқий бирликлар фикр алмашиш жараёнида бир бутун холдагина муайян семантик-синтактик вазифа бажаради. Улар тил бирлиги сифатида алоҳидалигини - кўз, ўнг, олд - нутқи бирлиги сифатида йўқотиб, "хира тортмок" . ифодали ҳолат феълларига нисбатан ўзаро ажралмас, бир бутун синтактик бирликни ташкил қиласи. Бундай бирликлар нутқда юзага келади.

"Хира тортмок" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсонга бирор жисмоний ёки руҳий таъсир, инсон танасининг ирсий ўзгариши касалланиши натижасида, асосан, унинг кўриш аъзосида юзага келган, кўриш аъзосининг аниқ, равшан кўриш хусусиятини йўқотиши, одатдаги кўриш қобилиятининг пасайиши, овоз, юз қисмларининг ҳам асли ҳолатини, тинклигини йўқотиши каби жисмоний ҳолатини ифодалайди. Бу ҳолат аввалги-одатдаги ҳолатга нисбатан натижа жараён сифатида баҳоланиб, вакт, урин жиҳатдан чегараланмаган бўлади. Яъни, бу ҳолат феъллари кўриш аъзосининг предмет-ходисаларни бир бутун ҳолда нозиклиги, мураккаблиги билан идрок қилиш, уларға хос хусусиятларни тула сезишнинг йўқолишини ифода этади.

"Хира тортмок" фарқловчи семали ҳолат феъллари, асосан, ясама, баъзан туб феъллар бўлиб, ясама феъллар от — лаш, сифат - лан, - лаш каби тузилишга эга бўлади. Улар қуйидагилар;

Тинмоқ - хира ҳолатида бўлмок: Кўзлари тиниб, ҳарфлар жимирилашиб кетаверади (М.Исмоилий). Бу жасорат кайдан келди, билмайман, аммо ғазабдан кўзим тинган, Очилни мажаклаб ташлашим ҳеч гап эмас эди (У.Назаров). Кўзи тинди (С.Ахмад).

Хираланмок - тинган, коронгилашган ҳолатда бўлмок: Ғуломжон Ҳаётни кўрди-ю, юраги шигиллаб, кўз ўнги хираланди (М.Исмоилий).

Хиралашмоқ - 1. Хира тортган, заиф ҳолатда бўлмоқ: Ўйлаб кўрсам, энди менинг юзларим буришган, кўзларим хиралашган, елкаларим букилган (О.Мухторов). Кампир хиралашган кузлари билан ҳадеб ҳовли саҳнини кидирар (Имом қочди). Кунлардан бир кун подшонинг кўзи хиралашиб, яхши кўрмайдиган бўлиб қолибди (Олмос ботир). 2. Бўтиқ, хирқирок ҳолатида бўлмоқ: Йигитнинг овози алланечук хиралашиб колди (Ш.Холмирзаев).

Туманлашмоқ - хира, туманли ҳолатда бўлмоқ: Яна бўшащи, кўз олди туманлашди (Шухрат). Энди Назиржоновнинг кўзлари туманлашди (Ш.Тошматов).

Коронғилашмоқ<sup>1</sup> - коронғи, ёруғлик йўқолгаи ҳолатда бўлмоқ: Бирданига кўз ўнги коронғилашиб, хотиралар қуюнидан

<sup>1</sup> Қиёсланг: Ўзбек тилининг изоҳли лутати. II том 604 – бет.

**боши айланиб** кетди (Ў.Хошимов). Матқовулнинг кўз олди қоронғилашди (М.Исмоилий), ...ҳозирги аҳвол ичидаги кўз ўнги коронғилашган Анвар меҳмонхонага кириб келувчи Султоналидан ҳам ибо қилмай (А. Қодирий).

Нурсизланмоқ - 1. Нурсиз, хира, заиф ҳолатда бўлмоқ: Китобни кўлга олиб вараклар экан, Мавлоно Жомийнинг ажин босган юзи тиришиб, нурсизланган кўзлари йилтиради (М.Осим). 2. Нури, таровати йўқолиб, хира тортган ҳолатда бўлмоқ: Нурсизланган юзига қон югуриб, тиникланди (А.Қаххор).

Заифлашмоқ - анча хира, нурсиз ҳолатда бўлмоқ: Бир вақтлар утқир, ўйнок кўзлар энди заифлашган, килични зарб билан урадиган бакувват кўллар ... титрар (Ойбек). Туманлашмоқ коронғилашмоқ сўзларида белги ва таъсиранлик даражаси тинмоқ, хираланмоқ, хиралашмоқ сўзларига нисбатан ортиқ. Заифлашмоқ сўзида эса кўшимча белги даражаси, таъсиранлик ундан ҳам ортиқ. Тинмоқ, хираланмоқ, хиралашмоқ, асосан, сўзлашув нутқига хос бўлиб, кўп кўлланади.

с) "бетартиб": тўзимоқ, тўзгимоқ, пахмаймоқ, хурпаймоқ, тартибсизланмоқ. "Бетартиб" ифодали ҳолат феъллари шахс, баъзан ҳайвон жисмоний ҳолатини ифодалайди. Бу ҳолат шахс ва ҳайвоннинг, асосан, бош ва юз аъзосига, уларнинг соч, соқол каби ўсуви қисмларига хос бўлади. Бундай ҳолат феъллари туб, баъзан ясама (сифат -лан) феълларидан ташкил топади. Тўзмоқ феъли тил ва нутқда асосан ҳаракат маъносини билдиради. "Ҳаракат" семаси асосий, марказий саналади. Бу сўз ҳолат маъносини ҳам ифодалайди. Унинг ҳолат маъноси нутқда, муайян куршовда "кўринади". Аникроги, тўзмоқ сўзидағи ҳолат маъноси нутқ оқимида, тил бирликлари таъсирида - унинг муайян аъзо номи билан боғланишида хосил бўлади. "Ҳаракат" маъноси вактинча, ўша нутқий шароитдагина "яширинади" (албатта у нутқда бутунлай йўқ бўлмайди). Тўзмоқ сўзи физиологик ҳолат феъли сифатида гапда тўзимоқ, тўзгимоқ каби кўринишларда ҳам намоён бўлади. Бу синоним бирликлар ўзаро кўшимча маъносига кўра фарқланади. Яъни, тўзгимоқ сўзида белги даражаси, таъсиранлик ортиқ. Қиёсланг: тўзимоқ - ёйилган, бетартиб ҳолатда бўлмоқ: Сочи тўзиган, жинни каби кўзлари ола-кула (С. Юнусов). Уларнинг юз-кўзлари чанг, ранглари заҳил, соchlари тўзиган эди (И. Раҳим). Баъзида соchlари тўзиб, хурпайиб юрадиган Рихсиниса унга ёқмай ҳам қоларди (Мирмуҳсин).

Тўзгимоқ - ёйилган, хурпайган ҳолатда бўлмоқ; Жўрахон турар эди: бояги хонатлас кўйлаги чанг босган, ғижимланган, соchlари тўзғиган, бўйинлари кизарган (М. Исмоилий). Эски

шалаббо кўйлакда, соchlари тўзғиган, аввалги ўн ҳуснидан бир хусни хам қолмаган келин караб туради (Ғ. Жаҳонгиров).

Пахмаймоқ - тўзғиган, чигал ҳолатда бўлмоқ; Мастнинг кийим-бошлари гижимланиб, соғлиғида ўзига бинойидек ярашиб турган соколи пахмайган (И мом кочди). Кийимларим йиртилиб, тиззаларимнинг кўзи шилиниб, соқолларим пахмайиб кетди (И. Рахим).

Хурпаймок - тўзғиган, тиккайган ҳолатда бўлмоқ; Тўсатдан пайдо бўлган бегона одамни кўриб, хўрор патларини хурпайтириб, жанговор тус олди (М. Юнусов). «Қани, полвон бўлсанг келиб бокчи.-»-дэяёттандай кув-кувлаб ер чукиди, ўмганидаги майда патларини хурпайтириди (М.Исмоилий). Аравага ундан бошқа яrim яланоҷ, соchlари хурпайган бир йигит ҳам ўтириди (Ойбек). Пахмаймоқ сўзида белги даражаси тўзгимоқ сўзига нисбатан ортиқ. Хурпаймок сўзида эса "тўзиш, тўзғиши" белгиси ундан ҳам ортиқ бўлиб, бу сўз кўшимча "тиkkайmok" белгисига эга.

Тартибсизланмок - тартибга солинмаган, бетартиб ҳолатда бўлмоқ; Гулшан дарвозадан ичкари киргандан кейин паранжи остида босилиб тартибсизланган соchlарини тузатди (А.Кодирий). Раъно йўлакка қараб, қизариб кетди ва олдига тушиб тартибсизланган сочини орқага ташлаб тузатинди (А.Кодирий). Тўзимоқ, тўзгимоқ, пахмаймоқ, хурпаймок сўzlари, асосан, оғзаки нутқقا хос. Тартибсизланмок китобий, физиологик ҳолатга нисбатан кам ишлатилади.

е) "тик": диккаймоқ, тиккаймоқ, тикраймоқ. Ушбу мантикий ифодали ҳолат феъллари асосан ҳайвон, баъзан инсоннинг муайян аъзолари билан боғлиқ жисмоний ҳолатни билдиради. Бу физиологик ҳолат инсон ёки ҳайвоннинг ташки таъсиirlардан таъсиrlаниши, баъзан ирсий хусусият туфайли кулок, сочининг кўтарилимаган, ёттан ҳолатдан тикка кўтарилиган, тик шаклини эгаллаган ҳолатта ўтганлиги билан муҳимдир. Бундай ҳолат феълларига хос хусусият уларнинг гапда, асосан, кулок, соч сўzlари билан семантик-сintaktik муносабатта киришиб, шу сўzlарда ифода топган аъзоларнинг ҳолат белгисини билдиришдир.

Шуни алоҳида айтиш керакки, қайд этилган ҳолат феъллари аслида тарихан тузилишига кўра морфемаларга ажралади. Аммо бу тарихий икки қисмлилик ҳозирда (синхроник) йўқолган. Ҳозирги ўзбек адабий тили нуктаи назаридан улар морфемаларга ажралмайди<sup>1</sup>. Ҳозирда уларнинг морфемаларга ажралиши маъно жиҳатдан амалга ошмайди. Чунки улар шу фонетик тузилишда турғунлашиб, хотирада бир бутун ҳолда сақланади.

<sup>1</sup> Карап: Ш.Шоабдураҳмонов, М.Аскарова, А.Хожиев, Х.Дониёров. Ҳозирги ўзбек тили. Т. 1980, 200-бет.

"Тик" мантикий ифодали ҳолат феъллари қуидагилардир: Диккаймок - тик кўтарилган ҳолатда бўлмоқ; ... эгасининг имоишорасига маҳтал бўлиб турган итнинг қулоги диккайди (Ҳ.Назир). Қулоклари диккайган, қок пешонасида оппок қашқаси бор ... (Ҳ.Жаҳонгиров). Башоратнинг сакичдай кора сочи ... ўрганида диккайиб тураган эди (А.Мухтор).

Тиккаймок - тиккалантганнамо ҳолатда бўлмоқ: Соchlари сал тиккайган кўринади (Ҳ.Ғулом). Самаднинг хурсанд бўлганидан лаби кийшайиб, қулоклари тиккайди (С.Юнусов).

Тикраймок - тик ҳолатда бўлмоқ: Жуда бели буқрайган, қулоги тикрайган чол бўлди (Балогардон). Кампир бели буқрайиб, қулоги тикрайиб бораётиди (Алломиш). Диккаймок, тиккаймок ва тикраймок товуш тузумига кўра жуда кам фарқقا эга синоним бирликлардир. Диккаймок сўзида белги даражаси, таъсирчанлик кучли, у "бутунлай" семасига ҳам эга. Тикраймок сўзида эса хиссий бўёқ тиккаймок сузига нисбатан ортикроқ. Айни вактда тикраймок шевага оид, нутқда кам кўлланади. Шунинг учун бўлса керак, тикраймок сўзи "Ўзбек тили морфем лугати"да акс этмаган<sup>1</sup>.

ж) «ёнга тортилмоқ»: керилмоқ, кенгаймок, таранглашмоқ. «Ёнга тортилмоқ» фарқловчи семали ҳолат феълларининг предмети инсоннинг бурун аъзоси, унинг тешикчалари бўлиб, улар жисмоний ҳолат эгаси сифатида кузатилади. Ушбу ҳолат феъллари субъект рухиятига ёки унинг танасига бирор салбий таъсир натижасида бурун тешикчаларининг одатдаги кўринишини ўзгартириши, шу таъсирларга нисбатан жавоб ҳаракатлари сифатида муайян жисмоний ҳолат-бурун тешикчаларининг икки ёнга тортилиб кенгайиши, таранглашиши юз беришини ифодалайди. Шуниси ўзига хоски, гапда ҳолат манбайнинг лисоний ифодаси бўлиб, асосан катак (баъзан паррак) сўзлари кўлланади. Қайд этилган мантикий ифодага эга ҳолат феъллари туб, кўпроқ ясама бўлиб, ясама феъллар сифатта -ай, -лаш ясовчиларининг кўшилишидан хосил бўлади. Бу ҳолат феъллари қуидагилардир. Кермоқ. Бу феъл, асосан, ҳаракат, жараён маъносига эга. Шунингдек, у нутқда мажхул нисбатда кўлланиб, ҳолат маъносини ҳам ифодалайди. Унинг ҳолат маъносига эгалиги товуш таркибида ўзгариш -ил кўшимчасининг кўшилиши, бу сўзинг маъно таркибида ҳам ўзгаришга - ҳолат белгисининг юзага келишига сабаб бўлади: Керилмоқ - кенгайган ҳолатда бўлмоқ: Шарофатнинг юпқа лаблари кўкариб пирпиради, бурни окариб катаклари керилди (А.Қаҳҳор). Абдульвоҳид гўё бошидан совук сув куйгандек сесканиб кетди, кирра бурнининг катаклари керилди (Ойбек).

<sup>1</sup> А. Ғуломов, А. Н. Тихонов. Р. Қунғуров. Ўша лугат, 248-бет.

Кенгаймок<sup>1</sup> - керилган ҳолатда бўлмок: У ҳамон кулимсиар, бирор бурун катаклари кенгайган, кўзлари кисилган эди (О. Ёкубов).

Таранглашмок<sup>2</sup> - тортилиш, кенгайиш ҳолатида бўлмок: Бурун парраклари таранглашиб, нафас олиш қийинлашди (Шухрат). Таранглашмок сўзида "ёnga тортилиш" даражаси бошқа сўзларга нисбатан ортиқ. Бурун катакларининг жисмоний ҳолатига нисбатан, асосан, керилмоқ ва кенгаймок сўзлари кўлланади. Таранглашмок сўзининг кўлланиши эса нутқий (окказионал), тасодифийлиги билан тавсифланади. Бу сўздаги ҳолат маъноси кўчма маъно бўлади.

3) "ҳажми ортмоқ": каттаймоқ, кенгаймок, тўлишмок. "Ҳажми ортмоқ" ифодали ҳолат феъллари инсон, баъзан ҳайвонга хос жисмоний ҳолатни ифодалайди. Бунда жисмоний ҳолат маркази кўз, баъзан кўкрак каби аъзолар бўлади. Бу ҳолат феъллари инсон ва ҳайвонга бирор ташки ёки ички таъсир натижасида, ирсий ўзгариш натижасида уларнинг кўз ва кўкрак (сут безлари) аъзоларида жисмоний ўзгариш, кўз, ковок пардаларининг бирбиридан узоклашиши, асосан юқори қисмининг кўтарилиб, кўз соққасининг олдига бир оз силжиб, яққол кўриниши, сут безларининг иириклиши, аввалги ҳолатига нисбатан катталashiши юз берганлигини ифода этади.

Ушбу фарқловчи семали ҳолат феъллари сифатга -й, -ай ясовчиларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Каттаймоқ. Ўзбек тилининг изохли луғатида катта, катталашмок феъллари қайд этилади, изохланади<sup>3</sup>. Катта сўзи асосида ясалган каттаймоқ сўзи ҳам бўлиб, у адабий тилда ҳам, сўзлашув нутқида ҳам, шевада ҳам кўлланади, ўзбек тили луғат бойлигининг кўп кўлланувчи қисмiga киради: Каттаймоқ - катталашган, ҳолатда бўлмок: Қизнинг ияги чўзилган, чиройли куралай кузлари каттайган (М.Исмоилий). Энди у озди, соқоллари ўси, юзи корайди, шахло кўзлари яна каттайди (М.Исмоилий).

Кенгаймок - каттароқ ҳолатда бўлмок: Мунҷоқ кўзлари кўркувдан кенгайган ... (С.Юнусов). Унинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очик лаби титради (П.Қодиров). Каттаймоқ сўзида белги даражаси ортиқ. У предметнинг энига ҳам, бўйига нисбатан ҳам кўлланса, кенгаймок кўпроқ энига нисбатан ишлатилади.

Тўлмок сўзи нутқда тўлишмоқ шаклида - ўзлик нисбатда келиб, ҳолат маъносини ифодалайди: Тўлишмок - бироз каттайган, иирикроқ ҳолатда бўлмок: Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси кизлик латофати билан яшнаган чоғда ... (Ойбек).

<sup>1</sup> Киёсланг: Ўзбек тилининг изохли луғати. I 379-бет

<sup>2</sup> Киёсланг: Ӯша луғат, II, 123-бет.

<sup>3</sup> Ӯша луғат, I, 373-бет.

и) "эгилмок": энкаймок, буқчаймок, буқраймок, букилмок, мункаймок, мункилламок, бужмаймок. Бу фарқловчи семали ҳолат феъллари инсон, унинг гавда, бел каби аъзоларининг жисмоний ҳолатини ифодалайди. Бундай ҳолат кексалик, касаллик, бирор нарса таъсири, ҳаракат натижасида инсоннинг қадди тик, ростланган куринишини йўқотиб, белгача бўлган юкори кисми тулик ёки бироз олдинга эгилган, қийшайган кўринишга ўтганлиги орқали аниклашади. Бу ҳолат инсон гавдасининг табиий, одатдаги тузилишига нисбатан жисмоний зид ҳолатлиги билан ўзига хосдир. Бундай физиологик ҳолат инсон учун доимий ва вактинча хусусиятта эга бўлади. Унинг доимий ва вактинчалиги шундай кўринишга (шаклга) ўтишга мажбур этган сабаб билан белгиланади.

"Эгилмоқ" ифодали маънога эга ҳолат феъллари қуидаги туб феъллардан тузилади. Энкаймок – эгилиш, энгашиш ҳолатида бўлмок; Узун гўзал соchlарини осилтириб, энкайиб уйни супура бошлади (Ойбек.). Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка еттунча, энкайганга энкайгин бошинг ерга теккунча (Мақол).

Буқчаймок – букилиш ҳолатида бўлмок: Буқчайган қаддида зар тўн, этаклари ерга сургалур (Ойбек). Фақат қадди аввалгидан бир оз буқчайганроқ (П. Кодиров). Саидий узок йўлдан чарчаб келгандаи кўлларини осилтирган, буқчайган ҳолда ўтиради (А. Қаххор).

Буқраймок – буқчайиш, букилиш ҳолатида бўлмок: Жуда бели буқрайган, қулоги тикрайган чол бўлади (Балогардон). Кампир ўзига тобе кариндош тўккиз кампирни бирга олиб, ўнта бўлиб, йулга чиқиб, йўл юриб, бели буқрайиб, қулоги тикрайиб бораётib (Алломиш). Бели буқрайиб, қулоги тикрайиб шу ерга бир кампир келиб колди (Муродхон). Энкаймок сўзида "эгилиш" даражаси буқчаймок, буқраймок сузларига нисбатан ортиқ. Буқраймок сўзида таъсирчанлик ортиқроқ. Энкаймок, буқчаймок адабий тилга ҳам, сўзлашув нутқига ҳам хос. Буқраймок асосан, шевага оид.

Букилмок – эгилган ҳолатда бўлмок: Ким кўйибди севгини қадди букилган чол учун (Э. Воҳидов). Ўлаб кўрсам энди менинг афтим буришган, кўзларим хираланган, елкаларим букилган (О. Мухторов). Шоҳруҳ иккинчи хонага кирав экан, таъзимда букилган беклар, шаҳзодалар, бекзодалар ёнида яна тўхтади (Ойбек).

Мункаймок – буқчайган ҳолатда бўлмок: Махаллада мункайган кари чоллар, менга ўхшаган ёш-яланглар қолган (Ф.Мусажонов). Мункайиб қолган чолнинг нажот истаб, менга термилиб турган нигоҳига чидаш беролмай кўзимни олиб кочдим (Ф.Мусажонов). Парпихўжа ёғчи ... чол бўлмаса ҳам чоллар каби қўлини орка белига қўйиб, бир оз мункайиб ичкари уйга кириб кетди (Ойбек).

Мункилламок - мункайган, буқчайган ҳолатда бўлмоқ: Улардан бири оқ соколи сийрак, ўзи мункиллаган чол (О.Мухторов). У ҳар галгидек қадрдон институтига бориб, мункиллаб колган профессорни кўриб чиқади (Мирмуҳсин). Мункилламок сўзида қўшимча маъно нозиклиги, хиссий бўёқ ортиқ бўлиб, у "кучдан колмоқ" белгисига эга. Букилмок, асосан, адабий тилга, мункаймоқ, мункилламоқ эса сўзлашув нутқига хос.

Бужмаймоқ — жунжиб сал букилган ҳолатда бўлмоқ: Совукка чидамли Йўлчи ҳам эгни юпун бўлганидан, оёкларининг жонсизланганини, гавдасининг бужмайганини сезди (Ойбек).

й) "тиришмоқ": буришмоқ, бужмаймоқ, чўччаймоқ, сўлжаймоқ, тиришмоқ, қийшаймоқ. "Тиришмоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсоннинг юз, лаб, пешона, баъзан оғиз, бурун, кўл, лунж каби аъзоларининг жисмоний ҳолатини англатади. Улар бу аъзоларнинг салбий ҳиссият уйғотувчи - хунук ҳолатда намоён бўлишини билдиради. Бундай жисмоний ҳолат юз, унинг кисмларининг ҳаракати, касалланиши, инсоннинг қариши кабилар билан белгиланади. Ушбу ҳолат феъллари қуидаги туб феълларда кузатилади: Бурушмоқ - бужмайиш, тиришиш ҳолатида бўлмоқ: Гуломжон димогига қўқисдан сассик хид киргандек юзини буриштириди (М.Исмоилий). Командир оғриқдан башараси буришиб, зўрга гапирди (Ф.Мусажонов). Ойим ахири сабрлари чидамай ҳали ҳам қайнатаётган шилпидогимиздан татиб кўриб, афтларини буриштиридилар (С.Юнусов).

Бужмаймоқ — буришиш, тиришиш ҳолатида бўлмоқ: Алимардон жаҳл билан афтини бужмайтириб, яна қадаҳни тұлатди (Ў.Хошимов). Ўзини ойнага солиб, башарасини бужмайтириди (С.Ахмад). Ким менга афтини бужмайтириди шу зум (А.Орипов). Бужмаймоқ сўзида қўшимча бўёқ, маъно таъсири ортиқ. Буришмоқ, бужмаймоқ сўзлари нутқда кўп қўлланади.

Чўччаймоқ - оддинга сал чўзилиб, буришган ҳолатда бўлмоқ: - Савил. Шоҳиста унинг кетидан лабини чўччайтириб масхара қилди (Ў.Хошимов). Сўнгра лабин чўччайтириб қилгани каби ўйин (А.Орипов). У лунжини чўччайтириб, папирос тутатди (Н.Ёкубов).

Сўлжаймоқ - хунук осилган ҳолатда бўлмоқ: Йўлда топиб олган ҳамёнидан тилла эмас, мис чақа чиқиб қолган кишидек лаблари сўлжайди (М.Осим). Ҳожи отани кўрганда, лабини сўлжайтириб, нимадир демокчи бўлди (Имом кочди). Мастон кампир ... кейин сўлжайтан лаблари билан бир нима деб шивирлади-ю, ўрнидан қўзғалди (М. Исмоилий).

Тириппмоқ - 1. Йийғилиб (катланиб) тиришли, чизикил ҳолатда бўлмоқ: Заргаров пешонасини тириштириб, бир оз айланди-ю (А.Мухтор). Инженер кўзларини қофоздан узмай, пешонасини

тиришириб, нималарнидир ўқиди (Н.Фозилов). Пешонамни тиришириб, худди ўйлаётган одамдек шифтта тикилдим (Ф.Мусажонов). 2. Буришган, бужмайтган ҳолатда бўлмоқ: Ҳасан худди аччик гаримдори чайнагандай бетини тиришириб, на ха, на йўқ деёлмай серрайиб тураверди (Х.Назир). Бир ери лат едими ё жони каттик оғридими ... юзи тирищи (М.Исмоилий).

Қийшаймок - буришган ҳолатда бўлмоқ: Мингбоши қози домлава катордаги аъёнлар ... мұътабар шахслар олдида тургандек, лаб-лунжларини кийшайтириб илжайдилар (М.Исмоилий). Сайдий иш столи ёнига келиб, ўтирганида юзининг томири тортишиб, башараси кийшайди. (А.Каҳхор). Элликбошининг лаблари аллақандай қийшайди (Ойбек). Сўлжаймок маъносида белги ва таъсирчанлик даражаси кийшаймок сўзига нисбатан ортиқ. Чўччаймок сўзида эса ундан ҳам ортиқдир.

к) "кўтарилиб чиқмоқ"; шишмоқ, бўртмоқ, чиқмоқ, қавармок, кўпчимоқ, қадоқланмоқ, туликмоқ.. "Кўтарилиб чиқмоқ" ифодали ҳолат феълларининг манбаи инсон бўлади. Бунда инсоннинг юз, қовок, лунж, ёноқ, кафт, томир (пай) каби кисмлари табиий, одатдаги кўринишини ўзгартириб, нотабиий, ноодатий ҳолатта ўтади. Яъни инсон ва унинг аъзоларида йиги, совук, иссик, ҳаракат таъсири натижасида бўртиш, шишиш (кўтарилиш) физиологик ҳолати юз беради. Бу ҳолат муайян аъзо териси ёки тери остидаги томир-пайнинг кўтарилиб, қавариб чиқиши билан ажralиб туради.

"Кўтарилиб чиқмоқ" фарқловчи семали ҳолат феъллари, асосан, туб, баъзан ясама феъл шаклида кузатилади. Ясама феъллар отлан, феъл -ик тузилишига эга. Булар қўйидагилар: Шишмоқ - бўртган, шишил ҳолатда бўлмоқ: Унинг ковоклари шишган, сочи патак, кир, ғижим эди (У.Назаров). У дарров тимдаланган, йигидан шишган юзини осмонга ўтириб ... (М.Исмоилий). Ҳамма ёғимиз шишиб, бир неча кун уйда ётиб олдим (Х. Жаҳонгаров).

Бўртмоқ - туртиб чиқкан, бўртик ҳолатда бўлмоқ: У йўғон, чорпахил гавдали ... кенг қорамтири юзининг ёноклари бўртган ... (Ойбек). Собир аканинг чакка томирлари бўртиб чиқкан (Ж.Шарипов). Ранги учган, муштумини маҳкам кисиб олганидан ингичка билакларининг пайи бўртиб турарди (С.Юнусов). Шишмоқ маъносининг таъсири даражаси бузатмокқа нисбатан ортиқ булиб, бу сўз нутқда кўп кўлланади.

Чиқмоқ - жараён ифодаловчи феъл гапда муайян аъзо номи билан боғланиб, унга хос жисмоний ҳолатни ифодалайди, Нутқ бирликлари, нутқий куршов шу сўздаги асосий "ҳаракат" семасидан бошка, яъни юзага чиқишига тайёр турган, имконият саналувчи "ҳолат" семасини вое қиласи, нутқ бирлиги сифатида рўёбга чиқаради. Бу феъл маъносининг фарқловчи семалари бирдан

ортик бўлиб, \_муайян нутқий шароитда "ҳолат" фарқловчи семаси нутқий етакчи, асосий саналади. Қиёсланг: Чикмок - бўртган, қаварган ҳолатда бўлмок; У вактда мош-гуруч бўлган соқоли хозир тамоман оқарган, бўйин томирлари чиққан (А. Каҳхор).

Қавармок - бўртган, сув йигилиб кўтарилган ҳолатда бўлмок: Нечаларнинг оёклари қавариб, хориб, пиёдалар йўл юриб ... (Ф.Йўлдош). Тўғри, аввал жуда қийин бўлди, кўли қаварди (М.Исмоилий). Нозиккина бармоклари, кафтлари ёрилиб, ғадда - ғудда бўлиб қаварган (Х.Назир).

Кўпчимоқ - шишган, бўртган ҳолатда бўлмок: Икки кўзи қип-қизариб, қовоклари олудек кўпчиган (П.Қодиров). Унинг юм-юмалоқ юзи терлаб, кизариб, кўпчиб кетган (А.Мухтор). Кўришаёттандা кўзлари хам кизариб колганини, қовоклари одатдагидан кўпчиброк турганини кўрди (П.Қодиров).

Қадокланмоқ - бўртиб (қавариб) қотган, қадоқ ҳолатда бўлмок: Қуллари, қадокланган, кўзлари ўтдай ёнган (Ғ.Ғулом). Бўзарган, йигидан тўлиқкан Алишер дорга тикилар (Ойбек).

Тўлиқмок - шишинкираган, кўпчиган ҳолатда бўлмок: Бўзарган, йигидан тўлиқкан Алишер дорга тикилар (Ойбек). Ширмонхон кўз ёшини сира тиёлмади. Қовоклари шишиб, юзлари тўлиқиб кетди (С. Зуннунова). Қавармок сўзида кўшимча маъно таъсири тўлиқмок сўзига нисбатан ортикроқ. Кўпчимоқ сўзида эса бундай хусусият ундан хам ортиқ. Тўлиқмок сўзи нутқда кам қўлланади, китобий. Қадокланмоқ "каттиқ, қотган" семасига эга, асосан, сўзлашув услубига хос.

л) «ботмоқ»: киртаймоқ, чўкмоқ, тушмоқ, ботмоқ.. Ушбу мантикий ифодали ҳолат феъллари инсоннинг кўз, баъзан ёнок, қовок каби аъзоларининг жисмоний ҳолатини ифодалайди. Бундай ҳолат уйкусизлик, чарчоқ, азобу дармонсизланиш натижасида юз бериб, у инсон аъзоларининг доимий ҳолатидан "чекинганлиги" - ботганилиги, чўкканлиги билан тавсифланади. Бундай ҳолат феъллари - туб феъллар қўйидагилар: Киртаймоқ - кичрайиб, ичига ботган ҳолатда бўлмок; Унинг чўзиқ юзи хийла сўлиган, катта кўзлари киртайган (А. Каҳхор). Мария Николаевна унинг озғин юзига, киртайган кўкиш кўзларига ачиниб термилиди (Ҳ.Ғулом). Бирок сўзларидан, киртайган кўзларидан унинг анча азоб тортиб, ҳолдан тойғанилиги билиниб туради (Ҳ.Назир).

Чўкмоқ, тушмоқ, ботмоқ сўзлари, асосан, жараён маъносини ифодалайди. Баъзан улар нутқда муайян инсон аъзоси номи билан боғланиб, жисмоний ҳолат маъносини хам билдиради. Қиёсланг: Чўкмок - ичига ботган ҳолатда бўлмок: Дилорнинг ранги сўлғинашшган, чўккан (Ў.Хошимов). Қизнинг ... ширмондай бўликиб турган ёноклари ичига чўккан ... (М.Исмоилий). (Раиса) шляпа остидан (эрининг)

чуккан қовоклари, хоргин, сўниқ кўзларини кўрди (М.Худойқулов).

Тушмоқ - ич-ичига ботган ҳолатда бўлмоқ: Негадир опасининг кўзлари бир кундаёк лак-лак ичига тушган (Ҳ.Назир).

Ботмоқ - ичига чўккан ҳолатда бўлмоқ: Собир аканинг кўзлари ичига ботган (Ж.Шарипов). У сал табассум қилса, кулгичи чукур ботиб ... кўзи нега сен кулмаяпсан деяёттандек бўлади (Шухрат). Чўкмоқ, тушмоқ, ботмоқ сўзлари, асосан, сўзлашув нутқига хос.

м) "ҳаракати суст": шалвирамоқ, шалваймоқ, шалпаймоқ, лалаймоқ, бўшашибмоқ. Ушбу мантикий ифодали ҳолат инсонда (баъзан қўл аъзосида) юз берган жисмоний ҳолатни ифодалайди. Қайд этилган ҳолат феъллари ҳолсизланиш, ялковланиш, ялковлик, руҳий кийналиш, кексалик, ноумидлик кабиларнинг инсонга таъсир килиши натижасида унинг том маънодаги фаол ҳаракати йўқолганлигини, ҳаракати сустлашганлигини, фаолсизлашганлигини англатади.

"Ҳаракати суст" фарқловчи семали ҳолат феъллари туб, баъзан ясама (сифат + а(ш )) феъллардан ташкил топади. Булар қўйидагилар: Шалвирамоқ - 1. Бўшашибган, шалпайтан ҳолатда бўлмоқ: Бутун юзи қулокларигача кўкариб, кўллари ёнига шалвираб тушган Писмиқ ўлим тусиға кириб борди (М.Исмоилий). У ... ёт элларда йўлдан адашиб, қаёққа боришини билмай, умидсизликка тушган кишидай шалвиради (А.Каххор). 2. Имиллаган, бўшашибган (шалпайган) ҳолатда бўлмоқ: Баракалла, ҳали ҳам шалвираб юрибсизми, - деди таъна қилиб Тошшўлат Ўтбосарга (Ғайратий). Мамлакат бизларга ишонсин. Биз шалвираб ишни хуржун қиласайлик (Уйғун).

Шалваймоқ - анча бўшашибган, шалвираган ҳолатда бўлмоқ: Рустамжоннинг бугун авзои бўлакча эканини кўрган Кимсанхожи сувга тушган мушукдай шалвиради (Ҳ.Назир). Кизлар тарвузи қўлтиғидан тушган одамдай шалвайиб чиқиб кетишиди (Ҳ.Назир). Шафтоли қоқидек буришиб, эски маҳсилик шалвайиб колибмиз-ку, бизга ким қўйибди, болам (А. Мухтор).

Шалпаймоқ - бўшашибган, шалвираган ҳолатда бўлмоқ: Хусни иши унмаганидан хафа бўлиб, шалпайиб чиқди (Н.Фозилов). У минбардан шалпайиб тушди, орқароққа, панароққа бориб ўтириди (Муштум).

Лалаймоқ - шалвираган, имиллаган ҳолатда бўлмоқ: Хожимат бува зарда билан ўрнидан тураркан, - шу лалайган, ландавурни айтаяпман. — деб, Турсунбойни кўрсатди (М. Муҳамедов). Анқайма ва лалайма, тўғри ўтири, шалпайма (К. Муҳаммадий).

Бўшашибмоқ - шалпайган, бўш ҳолатда бўлмоқ: Кўпайсин бўшашибиб, тизгинини қўлдан туширгунча Жўравойга аграйиб колди (Ҳ.Назир). Кобилжон директорнинг кабинетидан латгадай бўшашиб

чиқди (С.Ахмад). Тұла бұшашыб кирди (М.Исмоилий).

"Харакати суст" мантикий ифодали синоним бирликлар таъсир күчига, хиссий бүёгининг ортиқлигига күра ўзига хосдир. Уларнинг қўшимча маъно бўёги (прагматика) муайян нутқий куршовда - гапда ҳам, ундан ташқарида, алоҳида олингандা ҳам ифодаланади. Чунки қўчма маъно бу тил бирликларининг маъно таркибиға бевосита "тұгма" хос. Бу ҳусусиятлар, айникса, гапда, сўзларнинг муайян вазифани бажаришда яна ҳам кучаяди. Яъни шалвирамоқ, шалваймоқ, шалпаймоқ, лалаймоқ сўзларида белги даражаси ортиқ.. Шалвирамоқ, лалаймоқ сўзлари шалваймоқ сўзига нисбатан кўп қулланади. Шалвирамоқ, шалпаймоқ, шалваймоқ кўпроқ сўзлашув нутқига, бўшашмоқ адабий тилга хос.

Н) "холдан тоймоқ": сулаймоқ, шалпаймоқ, шалвирамоқ, эзилмоқ, бушашмоқ, ҳолсизланмоқ, мажолосизланмоқ, дармонсизланмоқ, заифлашмоқ, заифланмоқ. "Холдан тоймоқ" ифодали маънога эга ҳолат феъллари инсон, баъзан ҳайвон (куш) жисмоний ҳолатини билдиради. Бу жисмоний ҳолат жонли мавжудотга (гавдага), оёқ, панжа, мушак, бўғин кабиларга хос жисмоний ўзгаришни ўз ичига олади. Бундай ҳолат феъллари очлик, оғир меҳнат, фаол ҳаракат, чарчоқ, қасаллик, кексаллик натижасида инсон танаси ва муайян аъзоларининг ҳолсизланишини, дармонсизланишини, жисмоний куч - кувватдан қолиб, унинг кучсизланган, ҳолдан тойтан ҳолатта ўтганлигини англатади. Демак, бу ҳолат жонлиларининг куч-кувват даражаси (миқдори) билан белгиланади. Айни ҳолат феъллари туб, кўпроқ ясама феъл шаклида кузатилади. Ясама феъллар сифатта -а (ши), -лан ясовчиларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Улар: Сулаймоқ - дармонсиз, тинка - мадори қуриган ҳолатда бўлмоқ; Улар ... очикдан сулайган ўрис ишчиларига, ... шалоп-шалоп буғдой, шоли, жўхори юбордилар (Ҳ.Ғулом). Номи чиқкан ракқосалар ҳолдан тойиб сулайди (А.Қаххор).

Шалпаймоқ - сулайган ҳолатда бўлмоқ: Яраланган лочин мисоли Нурмат ерда ётар шалпайиб (Д.Файзий).

Шалвирамоқ - дармонсиз (мажолосиз) ҳолатда бўлмоқ: Бир ёқдан чарчадик, арконни ушлайман десам, панжаларим шалвираб қалтирайди (Ф.Мусажонов). Сулаймоқ, шалпаймоқ, шалвирамоқ феълларида таъсирчанлик, хиссийлик даражаси кучли. Шалвирамоқ сўзида белги даражаси шалпаймоқ сўзига нисбатан ортиқроқ. Сулаймоқ сўзи қўшимча маъно даражасига кўра бу семантик қаторда марказий саналади. Айни сўзлар, асосан, жонли нутқка хос.

Эзилмоқ - кийналган, ҳолдан тойган (чарчаган) ҳолатда бўлмоқ: Шахидбек ... зинадан чиқишида анча эзилган, такаллуфга токат

колмаган эди (А. Қодирий).

Бўшашибмок - тинка - мадори қуриган, дармонсиз ҳолатда бўлмок: Яна бўшашибди, кўз олди туманлашди (Шуҳрат). У бўшашиб, чағир тепалиқдан тушиб борар (Н.Норматов). Жуман кабулхонага чикиб, кўлидаги қоғозга қараган эди, бўғинлари бўшашиб, тиззалари қалтираб кетди (А. Мухтор). Эзилмок сўзида белги даражаси бўшашибмок сўзига нисбатан ортиқ.

Холсизланмок - мадори (дармони) колмаган ҳолатда бўлмок: Қайтища эса чарчайди, холсизланади (Х.Назир). Кусиб чарчаган Кумуш холсизланниб, бошини ястиқка ташлади (А. Қодирий).

Мажолсизланмок - тинкаси қуриган, қувватсиз ҳолатда бўлмок: Султонмурод қайғудан бутунлай мажолсизланган эди (Ойбек). Кўзи тиниб, мияси ари қамалган қовоқдай ғўнгиллади, оёғи қалтираб мажолсизланди (С. Аҳмад). Ишқ дардини тотли май қаби симиргандан гўё лаззатланади, баъзан ҳасратдан бўғилиб мажолсизланади (Ойбек)..

Дармонсизланмок — куч - қувватдан кетган ҳолатда бўлмок: ... мудхиш туйғудан дармонсизланниб, гандираклай-гандираклай уйдан чиқди (О.Ёкубов). Баъзи хотинлар иккинат бўлганда дармонсизланади, боши оғрийди (Ойбек).

Заифланмок - ҳолдан анча тойиш, кучсизланиш ҳолатида бўлмок: Мен ўша куни кечаси душманлардан бирини ўлдиридим-да, сўнг даражада заифландим (А. Қодирий).

Заифлашмок - куч-қуввати йўқола борган ҳолатда бўлмок: Кайғу-аламга дучор бўлиб, жисмоний томондан заифлашади (Ш. Шомаксудов, С. Долимов). Шерандом буйли қиличбознинг (Хусайн Бойқаронинг) бир вақтда баҳодирона жуссаси заифлашган эди (Ойбек). Ҳақиқатда оч колган одамнинг бадани заифлашади (Ш.Шомаксудов, С.Долимов);. Ҳолсизланмок, мажолсизланмок, дармонсизланмок, заифланмок сўзларида белги даражаси ортиқ.. Заифланмок сўзида таъсирчанлик бошқаларига нисбатан ортиқроқ, Мажолсизланмок, дармонсизланмок, заифланмок, заифлашмок сўзлари китобий, холсизланмок эса кўпроқ сўзлашув нутқига хос.

О) "куйи солинмок": осилмок, солинмок, тушмок. "Куйи солинмок" мантикий ифодали ҳолат феъллари бош, қўл, лунж, қовоқ, бақбака, лаб, тил қаби инсон аъзоларининг жисмоний ҳолатини ифодалайди. Бу ҳолат феъллари касаллик, чарчаш, руҳий таъсир натижасида инсон аъзоларининг ўз таранглиги, ихчамлиги, тик кўринишини йўқотиб, бўшашибган (шавираган) -куйи солинган ҳолатта ўтганлигини англатади. Улар туб феъллардан ташкил топади.

Осмоқ, солмок, тушмок феъллари нутқ фаолиятида асосан ҳаракат маъносини ифодалайди. Буларнинг ҳаракат маъноси доимий, асосийдир. Айни вақтда улар инсоннинг муайян

аъзоси номи билан боғланиб, унга хос жисмоний ҳолатни ифодалайди. Нутқий "ҳолат" семасига эга бўлади. Осмоқ, солмоқ ҳолат маъносини ўзлик нисбат аффиксини олган шаклда ифодалайди. Ўзлик нисбати қўшимчасиз - тил бирлиги шаклида улар ҳаракат маъносини аниқ англатади. Шу формада уларнинг инсоннинг муайян аъзоси номи билан боғланishi нотабий, сунъий бўлади. Бундай шаклда - нисбати қўшимчесиз ҳолат манбаининг тилдаги номи билан боғланмайди. Шуниси ўзига хоски, айни сўзларнинг нутқда ҳолат феъли сифатида катнашиши учун тўплланган 14 та миссолда осмоқ, солмоқ феъллари ҳолат маъносини ўзлик нисбати қўшимчесига эга ҳолда ифодалайди. Қиёсланг: Осиломоқ - қуий тушган, солинган ҳолатда бўлмоқ: Сайдий узок йўлдан чарчаб қолгандай қўлларини осилтирган, букчайган ҳолда ўтиради (А.Каххор). Унинг лаб-лунжи жуда бемаъно осилган (Ойбек). Қарасам, қовоқлари осилган, ҳафсаласи пир (М.Исмоилий).

Солинмоқ - қуий тушган, осилган ҳолатда бўлмоқ: Мингбоши ниманингдирик юки остида калласини солинтириб ўтирад эди (М.Исмоилий). Шунча гуллар ичидан излаган гулинни тоғолмадими, қўллари осилиб, боши солиниб чиқди гулзордан (М.Исмоилий). Матъмуржоннинг ўsic қошлари солинди, гўё шу қошлар оғирлигидан кўзлар ерга қаради (Ш.Холмирзаев).

Тушмоқ - осилган ҳолатда бўлмоқ: Матқовул aka аввал хохолаб кулди, кейин бирдан юзи тиришди, қовоқлари туҳди (М.Исмоилий). (У) коши устига тўзғиб тушган соchlарини тузатиб, хатни ўқиди (А.Кодирий). Ёқимли садонинг сехрига берилиб, (Йўлчининг) кўзлари секин юмилди, яна қуйироқ туҳди (Ойбек). Тушмоқ сўзи нутқий ҳолат маъносини тил бирлиги сифатида, ҳаракат маъносини ифодаловчи шаклда англатади. Чунки ундана ҳолат маъноси юзага чиқишига тайёр турган имконият сифатида сўз маъносида мавжуд бўлиб, бу маъно ўзига қулай нутқий шароитда намоён бўлади. Демак, тушмоқ сўзи ҳолат маъносини нутқда ифодалай олиш имконига эгадир. Осиломоқ, солинмоқ сўзлари шу кўринишида нутқ фаолиятида ҳолат маъносини ифодалашда кўп қўлланади. Улар, асосан, сўзлашув нутқига хос бўлиб, белги даражасининг камлиги, таъсирчанлиги жихатдан бетарафлиги билан ажралиб гуради.

п) "эти ортмоқ": семирмоқ, тўлишмоқ, шишмоқ, бўлиқмоқ, йўғонлашмоқ. "Эти ортмоқ" маъноли ҳолат феъллари, асосан инсон, баъзан хайвон гавдаси (танаси) - унинг ташки тузилиши билан боғлиқ жисмоний ҳолатни ифодалайди. Бундай ҳолат феъллари бирор таъсир, бокув, дам олиш, ялқовлик, баъзан касаллик натижасида гавда (тана) вазнининг оғирлашуви, гавданинг қўшимча эт (ёғ - гўшт) олгани (кўпайгани), аввалигига нисбатан энига йўғон торгани, йириклашганини билдиради. Ушбу ҳолат

феъллари туб, баъзан ясама (феъл -ик, сифат -лаш) феъллардан ташкил топади.

«Эти ортмок» фарқловчи семали ҳолат феъллари қуидагилар: Семирмок – тўлишган, йўғонлашган ҳолатда бўлмок: Машина одамни семиртиради (А.Орипов). Бу ибора етилган, семирган одамга нисбатан ишлатилади (Ш.Шомақсудов, С.Долимов). Оғир ишда ўзи озган ва уйидаги икки қўйи семирган сайин унинг Ўрмонжонга қарши юрагидаги адовати ўт ола борди (А.Қаҳхор). Семирмок сўзи гапда ифодаланган фикрнинг мазмунига, қандай предмет билан боғланишига, қандай муносабат ифодалашига, бирор мақсадга кўра салбий ёки ижобий бўёққа эга бўлади, нутқда кўп кўлланади.

Тулишмоқ – семирган, йўғонлашган ҳолатда бўлмок: Тўлишган, орқа бели тирсиллаган, гўзал гавдасини селкиллатиб Дилдор ... кирди (Ойбек). Мұхаммадражаб тўлишган, юз ва бўйинлари ёғдан йилтирайди (А.Қаҳхор). Кара, худо хўп хусн бергандা. Бирам тўлишиб, бирам очилиби-ки (М.Исмоилий). Тўлишмоқ сўзи ижобий бўёққа эга бўлиб, нутқда кўп кўлланади.

Шишмоқ – анча семирган ҳолатда бўлмок: Мен шишиб кетсан, сен симёғочдек колибсан – деди Хўжақул (О.Ёкубов). Гани маҳсум сомон тикилган қанордай шишиб, бемалол ухлаб ётарди (А.Мухтор). Шишмоқ маъносида белги даражаси ортиқ бўлиб, бу сўз салбий бўёққа эга.

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да бўлиқмоқ феъли факат бўлиқ шаклида-хусусият ифодаловчи сўз сифатида келтирилади<sup>1</sup>. Бу сўз нутқда бўлиқмоқ шаклида ҳолат феъли бўлиб келади. Қиёсланг: Бўлиқмоқ – тўлишган, бўлиқ ҳолатда бўлмок: Тўла унинг санаторийдан анча бўлиқиб, кизил юргурган иссик юзига ҳавас билан тикилиб ... (М. Исмоилий). Бўлиқмоқ сўзи ижобий бўёққа эга бўлиб, нутқда кам кўлланади.

Йўғонлашмоқ – йўгон торттан, энига катталашган ҳолатда бўлмок: Жалол йўғонлашган, семирган (А.Қаҳхор). Бу вактда у анча тўлишган, бузоқбошига ўҳшаган йўғонлашган бўлади (Ш.Шомақсудов, (С.Долимов). Мұхаммадражаб семирган, йўғонлашган (А.Қаҳхор). Йўғонлашмоқ сўзида “катталашиш, йириклилашиш” даражаси ортиқ.

р) "совук ўтмок": совқотмоқ, тўнгмоқ, жунжи (-к) мок, увшумоқ, музламоқ, ачитмоқ. “Совук ўтмок” фарқловчи семали ҳолат феъллари инсон ва ҳайвоннинг эт, оёқ, қўл (бармоқ) каби азоларининг жисмоний ҳолатини ифодалайди. Бу ҳолат феъллари совук ҳавонинг таъсири натижасида инсон ва ҳайвонда юз берган физиологик ҳолатни англатади. Аникроғи, ушбу ҳолат

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 1, 162-бет.

фөзләри инсон танасига, унинг аъзоларига совуқнинг таъсири, ўтиши, сингиб "галаба қилиши", баданидаги иссик ҳароратнинг камайиши натижасида совуқотиш, музлаш, жунжикиш каби жисмоний ҳолатлар содир бўлишини ифода этади. "Совуқ ўтмок" мантикий ифодали ҳолат феъллари туб ва ясама: (от-ла, феъл -т) феъллардан ташкил топади. Булар қўйидагилар: Совқотмоқ - совуқ ўтган, жунжиган ҳолатда бўлмоқ: Оловни тезроқ ёқ, Маматқул совқотиби (А.Қодирий). Менинг бечора мусичам совқотиби (Мирмуҳсин). Оёгим совқотди, оловнинг иложини қилди (А.Қодирий).

Тўнгмоқ - совқоттан, музлаган ҳолатда бўлмоқ: Оёғингиз тўнган бўлса керак, отдан тушинг (Ё.Шукурев). Тўнгмоқ сўзида белги даражаси совқотмоқ сўзига нисбатан ортиқроқ бўлиб, нутқда кам кўлланади.

Жунжи(-к)моқ - совқотган ҳолатда бўлмоқ: Равшан жемпери устидан костюм кийган бўлса-да, эти жунжикиди (Н. Ёкубов). Балкон панжарасида ўтирган мусича ҳам бошини ичига тикиб, жунжиб ... товадаги нонга қарап эди (Мирмуҳсин). Бола тепалик этагида кўзларини юмиб, жунжикиб ўтириби (О. Мухторов).

Увшумоқ - сезиш кучи камайиб, совқотган ҳолатда бўлмоқ: Будкада. эски шинелга бурканганича совуқдан увшуган кўлларини бир - бирига ишқаб ўтирган чолга учрадилар (Х.Назир). Совуқ шу қадар зўр эдики, у кирғокка чикиб олганда бадани увшшиб, кесақдек жонсиз бўлиб қолди (Н.Сафаров).

Музламоқ - жуда совқотган ҳолатда бўлмоқ: Самад ака анчагача совуқда шумшайиб кутди, кейин музлаб, тишлари тараклаб кайтиб кеди (М. Исмоилий). Музлаган бармоқлар адрес йўқотган (F.Гулом). Кўчада тураверай деса оч, чарчаган, музлаган [М.Исмоилий].

Ачитмоқ - қаттиқ совқотган, музлаб ачишган ҳолатда бўлмоқ: Қора совуқ, ер оёкларини ачитади (Мирмуҳсин). Музламоқ сўзида совқотиш даражаси кучли. Ачитмоқ сўзида эса айни даражада ундан ҳам кучли бўлиб, улар, асосан, сўзлашув нутқига хос.

с) "огриқ турмоқ": оғримоқ, тиришмоқ, сирқирамоқ, зирқирамоқ, қақшамоқ, ачимоқ. "Огриқ турмоқ" маъноли ҳолат феъллари инсоннинг бош, кўл, бел, кўкрак, билак, елка, кафт каби аъзоларининг жисмоний ҳолатини ифодалайди. Улар касалланиш, жароҳатланиш, иситмалаш, совуқ таъсири натижасида инсон аъзоларининг салбий кайфият, баъзан тушкунлик тутдирувчи жисмоний ҳолатта ўтганлиги, оғриган, зирқираган, касал ҳолатдалигини билдиради. Ушбу ҳолат феъллари гурухи қўйидаги туб феъллардан иборат: Оғримоқ - огриқ, зирқиран ҳолатида бўлмоқ:

Унинг бутун бўғинлари, хусусан, бошининг орқаси ҳаддан ташқари оғрирди (А.Қаххор). Фақат қўргаги қаттиқ оғриди (М.Исмоилий). У ўзини чиндан ҳам лоҳас сезарди, оёқ - қўли қакшаб оғрирди (Х.Иброҳимов).

Тиришмок - тортишиб оғриган ҳолатда бўлмок: (У) оёқларининг акашакланга борганини, бутун гавдасининг тириша бошлиганини сезди (Ойбек).

Сиркирамок - тўхтовсиз зиркираб оғриган ҳолатда бўлмок: (Бектемир) уйғонди, суюклари сиркираган, ўзини ланж туди (Ойбек). Куз оқшомининг хозиргача унга сезилмаган нам салқини энди аъзойи баданини сиркиратади (Х.Ғулом). Суюкларимни сиркиратиб, оч теватдай гажувчи ғашлик (Миртемир).

Зиркирамок - тўхтовсиз қакшаб оғриш ҳолатида бўлмоқ: Зах суюкка ўтиб, томир-томирларини зиркиратди (Х.Ғулом). Ғурра оғриб, тепки жойлари зиркираётган Нодирга энди билинди (С.Юнусов). Қаеримдир қаттиқ зиркиради (А. Мухтор). Сиркирамок ва зиркирамок аслида бир сўзнинг икки фонетик кўрининиши-синоним бирликлар бўлиб, зиркирамок феълида белги (субъектив бўёқ) даражаси ортиқроқ, асосан, сўзлашув нутқига хос. Бизнингча, зиркирамок сўзидағи бир оз товуш фарқи шу сўзда белги даражасининг - таъсирчанликнинг ортиқроқ туюлишига олиб келади. Аниқроғи бу сўзда белги даражасининг маълум даражада ортиклиги "з" товушининг "таранглилиги", ўрнига кўра сўз бошида келиши, айнан -коришиксиз, аник талаффуз килиниши билан изохланади.

Қакшамок - қаттиқ зиркираган, (оғриган) ҳолатда бўлмок: Кори ... хеч тоқат қилиб бўлмайдиган бу дарддан бутун вужуди қакшаб, тин ололмаётганидан хириллади (А.Қаххор). Қакшамок сўзида белги даражаси, таъсирчанлик кучли бўлиб, бу сўз "жуда, ортиқ даражада" каби семантик белгиларга эга.

Ачимок - жизиллаб оғриган, ачишган ҳолатда бўлмок: Қон оқиб, бармоги ачий бошлиганидан кейин рўмолчасига кафтини ўраб олди (И.Рахим). Энди Самаднинг елкаси ачишар ... ўнг кўлининг билаги оғрирди (С.Юнусов). Кучли изғирин юзнинг терисини шилгандай ачитади, кулокларни кесади (Ойбек).

т) "соғ бўлмок": тузалмоқ, соғаймоқ, сиҳатлашмоқ, шифоланмоқ, яхшиланмоқ, тетикланмоқ. "Соғ бўлмок" ифодали ҳолат феъллари инсон танасининг, оёқ аъзосининг жисмоний ҳолатини билдиради. Бундай ҳолат феъллари даволаниш, соғайиш, руҳан кўтаринки ҳолда бўлиш натижасида инсоннинг бетоб ҳолатдан "кутулган", саломатлиги яхшиланган жисмоний ҳолатини ифодалайди. Шунга кўра ушбу ҳолат феълларида ифодаланувчи субъектив муносабат ижобий хиссий бўёқка, ижобий таъсирчанликка эга бўлади. Қайд

этилган ҳолат феъллари, асосан, ясама бўлиб, сифат -ай, сифат -лан, от -лан тузилишига эга.

"Соф бўлмок" фарқловчи семаси қуйидаги феълларда аниқ мантикий ифодага эга булади: Тузалмок - соғайган, яхшиланган ҳолатда бўлмок: Оёклари тузалиби, яхши бўлиб кетиби (М.Исмоилий). (Курбон ота) касалхонада якин икки ой ётиб, оёклари тузалди ... (А.Қаххор). Мана энди тузалдим (А.Қаххор).

Соғаймок - тузалган, шифоланган ҳолатда бўлмок: ... лейтенант Пестеренко соғайиб, яна жанговор сафга қайти (Н.Сафаров). Хафа бўлма, жонгинам,, соғайиб кетаман (Х.Назир). Соғаймок сўзида "соғайиш, тузалиш" белгиси ортиқ. Соғаймок, тузалмок сўзлари, асосан, сўзлашув нутқига хос.

Сиҳатланмоқ - соғлиги яхшиланган, соғайган ҳолатда бўлмок: Анча вактдан кейин ҳар хил дори-дармонлар қилиб, докторларга қатнаб сиҳатландим (Сўзлашув нутқидан).

Шифоланмоқ - даволанган ҳолатда бўлмок: (У)...уч ой муттасил жанговор сафдан чиқиб, госпиталларда шифоланди (З.Фатхуллин).

Яхшиланмок - тетик, бардам ҳолатда бўлмок: Унга вакти чоғлиқ тъясири килдими, ё хордиги мадор бўлдими, чойдан кейин ахволи бирмунча яхшиланди (М. Исмоилий).

Тетикланмоқ — кучга кириб, бардам ҳолатда бўлмок: (Курбон ота) касалхонада якин икки ой ётиб, оёклари тузалди, ўзи жуда тетикланди (А.Қаххор).

Шифоланмоқ, яхшиланмоқ, тетикланмоқ сўзларида белги даражаси ортиқ. Шифоланмоқ, асосан, адабий тилга, яхшиланмоқ, тетикланмоқ кўпроқ сўзлашув нутқига хос. Сиҳатланмоқ сўзи кам ишлатилади.

у) «бужмаймоқ»: курушмоқ, куруқшамоқ, бужмаймоқ, ковжирамоқ. "Бужмаймоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон, унинг лаб, кўл, жағ каби аъзоларининг физиологик ҳолатини ифода этади. Бундай феъллар кексайиш, касалланиш, ғам-алам, меҳнат кабилар натижасида инсон ўзининг таранг, силлиқ нозик нафис кўринишига зид бўлган хунук, қорайиб буришган, бужмайган ҳолатта ўттанлигини билдиради. Шуниси ўзига хоски, бу физиологик ҳолат инсонинг, асосан, лаб аъзосига хос бўлади. Лаб бошқа аъзоларга нисбатан бужмайиш, буришиш имконига ортиқ даражада эгалиги билан, бу жисмоний ҳолатни аниқ акс этира олиши билан ажралиб туради. Шу сабабли бўлса керак, "бужмайиш" маъноли ҳолат феъллари инсоннинг кўпинча лаб қисмига хос ҳолатининг товуш рамзи бўлиб, нутқда кузатилади. Улар физиологик ҳолатни туб феъл шаклида англатади. Қиёслант: Курушмоқ - бужмайиш ҳолатида бўлмок: Хадича бувининг қуришган лаблари

яна алланималар деб пичирлади (М.Исмоилий). Жаги қуришган ... бир чол чопиб келиб (Э.Жуманбулбул). Аввалги отам эмасди: сұлишибиди, қуришибиди, карибиди, ранглари сарғайған (М.Исмоилий).

Қуруқшамок - қурушган, бужмайған ҳолатда бұлмок: Унинг лаблари қуруқшаган, күчли иситмада ёңған кишининг лабидай қорайған, чүтир юзи сап-сарық ... (А. Қаххор). Қуруқшамок маъносида белги ва таъсирчанлик даражаси ортиқроқ бўлиб, бу сўз кам кўлланади.

Бужмаймок - қовжираб буришган ҳолатда бұлмок: Ана у скамейкада хаёл паришон ўтирибди. Юз суюклари бўрттаи. Дурдок лаблари узум пустлогидек бужмайған (М.Назаров).

Қовжирамок - қовжираб бужмайған ҳолатда бұлмок: Соқоли ўсиб кеттан, кўзлари яллигланиб, лаблари қовжираган (С.Юнусов). Нурбобо аламдан, меҳнатдан қовжираган бурушик юзида юмалаган кўз ўшларини артиб ... (Ойбек). Унинг юzlари салқиган, кўллари тарашадай қотган, қандайдир қовжираб коп-корайиб қолган (О.Мухторов). Бужмаймок, қовжирамок сўзида белги даражаси ва таъсирчанлик ортиқ. Қовжирамок сўзида белги даражаси ортиқроқ бўлиб, кўшимча "қорайған, қотган" таркибий қисмларга ҳам эга. Улар асосан сўзлашув нутқига хос.

ф) "таранглигини йўқотмоқ": сўлмок; шалвирамок, салқимоқ. "Таранглигини йўқотмоқ" фарқловчи семали ҳолат феъллари инсоннинг юз, ковоқ, бақбака каби аъзоларининг жисмоний ҳолатини ифодалайди. Улар ғам-алам, салбий қайфиятда бўлиш, кариш, касалланиш натижасида инсон аъзоларининг чиройли, ёқимли, таранг ҳолатини йўқотиб, бўшашибган, осилган, хунук кўринишга ўтганлигини билдиради. Қайд этилган ҳолат феъллари қўйидаги туб феъллардан иборат: Сўлмок - синиккан, бужмайған ҳолатда бўлмок: Унинг чўзиқ юзи хийла сўлиған, катта-катта кўзлари киртайған ... (А.Қаххор). Ажабки (Аббосов) илжаймаса юзи анча совук, қаримсиқ кўринаркан, сўлди-колди (А.Мухтор). Йигирма тўккизда афти буришиб, ичи тушган ҳандалақдек сўлишиди. (М.Исмоилий).

Салқиган - осилган ҳолатда бўлмок: Ҳозирда ҳам салқиган юзи, оқ соч боши очик, чит рўмолини сербар елкасига ташлаб ўтирад (О.Мухторов). Саккиз киррали олтин таҳт устида қовоқлари салқиган, сочига оқ оралаган Ҳусайн Бойқаро ... ўтирибди (М.Осим). Унинг юzlари салқиган, кўллари тарашадек қотган, қандайдир қовжираб қол-кора бўлиб қолган ... (О.Мухтор).

Шалвирамок - бутунлай бўшашиб, осилган, халтум ҳолатда бўлмок: Илгари гоммиш сигирнинг елинидай осилиб турадиган бақбақаси дами чиққан пуфақдай шалвираган (А.Қаххор). Чолнинг ...

күзлари қаърига торттан, қовоклари шалвираб осилиб тушган эди (З.Фатхуллин). Шалвирамоқ сўзида тарангизланиш, бўшашиб "кучи" ва маъно таъсири ортиқ. Сўлмоқ, шалвирамоқ сўzlари, асосан, оғзаки нутққа хос. Салқимоқ қитобий бўлиб, кам кўлланади.

х) "эти камаймоқ": озмоқ, котмоқ, озғинламоқ, орикламоқ. "Эти камаймоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон, баъзан ҳайвон физиологик ҳолатини билдиради. Улар ғам-алам, қийнок, овқатсизлик, касаллик, кексайиш, оғир меҳнат, кўл ҳаракати натижасида инсон, баъзан ҳайвонда юз берган жисмоний ўзгариш, яъни унинг танасидаги эт (гўшт -ёғ)нинг камайиши, вазнининг аввалгидан енгиллашиши туфайли юзага келган ҳолатни, озган жисмоний ҳолатга ўтганлигини ифодалайди. Ушбу феъллар туб, баъзан ясама (сифат -ла) феъллардан ташкил топади. "Эти камаймоқ" фарқловчи семаси қўйидаги ҳолат феъллари маъносида асосий, етакчи таркибий кисм бўлади: Озмоқ – эти камайган, озғинлашган ҳолатда бўлмоқ: Домла худди дашт сафаридан қайтгандаи қорайган, озган, кўзлари киртайган (А.Каххор). Сергей сафардан қорайиб, озиб қайтиб келди (Ҳ.Ғулом). Бир терининг ичидаги қўй неча бор озиб, неча марта семиради (Ойбек).

Қотмоқ – ориқ, озғин ҳолатда бўлмоқ: Болам бечорани тинч қўясанми – йўқми, етган – ичгани татимай, кундан — кунга турнадек қотиб кетаяпти, ўзи (О. Ҳусанов).

Озғинламоқ – озғин, ориклаган ҳолатда бўлмоқ: Бурунги тўлалиги кетиб, озғинлаган ва лекин бу озғинлик унинг ҳуснига камчилик бермай, билакс юкорилатган (А. Қодирий).

Орикламоқ – анча озғин, ориқ ҳолатда бўлмоқ: Бола жуда ориклаб кетди (С. Юнусов). Шундан кейингина унинг анча ориклаб, қорайиб қолганини ... пайқади (У.Хошимов). ... ўт оз бўлди. Шунинг учун қўйлар ориклаб кетди (С.Айний). Орикламоқ, котмоқ сўzlарида белги даражаси бошқаларга нисбатан ортиқ. Озмоқ сўзида эса шундай белги озғинламоқ сўзига нисбатан ортиқроқ. Озмоқ, орикламоқ сўzlари, асосан, сўзлашув нутқига хос. Озғинламоқ, котмоқ қитобий. Озмоқ, орикламоқ, озғинламоқ сўzlари кўпинча инсонга, баъзан ҳайвонга нисбатан кўлланади. Қотмоқ сўзида "эти камаймоқ" маъноси кўчма маъно бўлиб, нутқда юзага келади. Озмоқ, озғинламоқ, орикламоқ сўzlарининг бош маъноси "эти камаймоқ" бўлиб, шундай изоҳни ташишига кўра бу сузлар нутқий куршовсиз, алоҳида олинганда ҳам, нутқий куршовда ҳам ўзаро синонимни хосил қиласи. Бу синонимик қаторга нутқ бирлиги сифатида, нутқий вазиятда вақтинча котмоқ сўзи ҳам бирикади. Бу сўз нутқдан ташқарида, ўзича, тил бирлиги сифатида олинганда бу маънодан озод бўлади.

д) "миқдорий ортмоқ": купаймоқ, қуюқлашмоқ. Ушбу мантикий ифодали ҳолат феъллари инсоннинг юз аъзосига хос физиологик

ҳолатни ифодалайди. Бундай феъллар кексалик, салбий ҳиссий ҳолатда бўлиш натижасида инсон юз териси, асосан, пешона терисининг аввалги кўринишини йўқотиб, унинг бушашиб, йигилиб, йўл-йўл ботик чизиқларнинг миқдори кўпайган (ортган) ҳолатга ўтганлигини англатади. "Миқдори ортмок" маъноли ҳолат феъллари равиш -ай, сифат -лаш тузилишига эга. Улар гапда қўйидаги мантикий ифодада қатнашади: Кўпаймоқ - кўп, миқдори ортган ҳолатда бўлмоқ: Ажинлари кўпайди, чеккасидаги оқ толалар манглайига ўрмалаб колди (С.Ахмад).

Куюқлашмоқ - зич, кўп ҳолатда бўлмоқ: Унинг ... пешонасидағи ва киргий бурнининг икки ёнидаги ажинлари куюқлашган (О.Ёкубов). Кўпаймоқ сўзи ишлатилиш манбаига, даражасига кўра семантик имконияти бой бўлиб, нутқда кўп кўлланади. Куюқлашмоқ сўзида белги даражаси ортиқ бўлиб, қўшимча "калин" семасига эга. Кўпаймоқ ва куюқлашмоқ сўzlари нутқий синонимларни ҳосил қиласди.

ч) "қисқармоқ": кичраймоқ, чўкмоқ, пасаймоқ. Ушбу ҳолат феъллари инсон жисмоний ҳолати билан боғланади. Улар нутқда инсон гавдасининг тик (вертикал) кўриниши -бўй улчамига хос ҳолатини билдиради. Бу физиологик ҳолат бирор ташки ёки ички (рухий) таъсир, оғир меҳнат натажасида инсон бўй (гавда) баландлигининг қисқарган, аввалгига нисбатан гавдасининг кичрайтан ҳолатта ўтганлиги билан белгиланади. "Қисқармоқ" ифодали ҳолат феъллари туб ва равиш -ай қўшимчали қўйидаги ясама феъллардан иборат бўлади: Кичраймоқ - кичик, ихчам ҳолатда бўлмоқ: Ҳамма вақт шосупада талтайиб ўтирадиган йўгон гавдаси мана энди кичрайди ... (М. Исмоилий).

Чўкмоқ - кичрайганроқ, пасайганроқ ҳолатда бўлмоқ: Кейинги йилларда у оғир меҳнатдан чўқди (Радиодан). Чўкмоқ сўзининг физиологик ҳолат маъноси кўчма маъно бўлиб, у нутқийлиги билан изоҳланади.

Пасаймоқ - кичиклашган, калталаштан ҳолатда бўлмоқ: Ҳамма вақт шосупада талтайиб ўтирадиган йўгон гавдаси мана энди кичрайди, нортуядек новча бўйи пасайди (М.Исмоилий). Кичраймоқ, пасаймоқ синоним бирликлар бўлиб, нутқда шундай ҳолатта нисбатан кенг кўлланади. Кичраймоқ сўзида белги даражаси ортиқроқ.

ш) "тер чиқкан": терламоқ, терчирамоқ, терчиламоқ. "Тер чиқкан" мантикий ифодали ҳолат феъллари ҳайвон, кўпинча инсон, унинг юз аъзоси билан боғлиқ физиологик ҳолатни ифодалайди. Улар фаол жисмоний ҳаракат, иссиқлик таъсир-баданинг қизиши, тана ҳароратининг кўтарилиши натижасида инсон танасидаги сув миқдорининг маълум бир кисми майда - майда томчилар кўринишида "ташқарига чиқиши"ни, айниқса, юз қисмида тўпланишини

бидиради.

Кайд этилган ҳолат феъллари отга -ла, чира, - чила ясовчиларининг бириншидан ҳосил бўлган қўйидаги ясама феъллардан ташкил топади. Терламоқ - терли, тер чиқсан ҳолатда бўлмоқ: Шаҳидбек кеч ҳарорати ва манти иссиқлиги таъсиридан яна обдон терлаган эди (А. Қодирий). Шашт айлаб келибсан неча чўллардан, от терлатиб чиқиб узок йўллардан (Рустамхон). Сотувчининг терлаган, озғин рангсиз юзи узоқдан бир парча тахтага ўшшаб кўринди (О. Мухторов).

Терчирамоқ - бир оз майда терли ҳолатда бўлмоқ: Раҳбархон хатта кўз юргутиаркан, терчираган бетлари қум ўчиб, кўзлари аланг-жаланг бўлди (Х.Назир).

Терчирамоқ - майда терли ҳолатда бўлмоқ: Унинг офтоб таъсирида корайиб, шўралаб кетган пешонаси ... терчираб туради (Х.Назир). Терчирамоқ, терчирамоқ нисбатан кам қўлланади. Терламоқ сўзида белги даражаси ортиқ бўлиб, нутқда кўп ишлатилади.

э) "бирикмоқ": юммоқ, қисмоқ, кимтимоқ. "Бирикмоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсоннинг кўз, лаб, баъзан қўл каби аъзоларининг жисмоний ҳолатини ифодалайди. Улар газаб, жахл, чарчоқлик, ғамгинлик, уйку, ҳаяжон натижасида муайян аъзоларининг очиқ, бирикмаган кўринишдан "бириккан", бир-бирига тегиб, бирлашган жисмоний ҳолатга ўтганлитини билдиради. Бу жисмоний ҳолат, асосан, юз, унинг айрим кисмларида содир бўлиши билан мухимдир. Ушбу ҳолат феъллари туб феъллардан иборат.

Кайд этилган феълларга хос хусусият уларда "ҳаракат" мантикий бўлгининг мавжудлигидир. Ушбу феъллар баъзан нутқда, муайян тил бирликлари курсовида, уларнинг таъсирида "ҳолат" семасига ҳам эга бўлиб, нутқий ҳолат феъли вазифасини бажаради. Демак, нутқий шароитда бу феълларнинг ҳолат ифодалashi синтактик бирликларнинг таъсирига, муайян инсон аъзосининг номи билан боғланишига кўра юз беради.

"Бирикмоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари қўйидагилар:

Юммоқ - юмуқ, ёпиқ ҳолатда бўлмоқ: Аҳмадбой икки ўғли билан қизариб, терлаб, кўзларини юмиб, пишиллаб ўтириби (Ф.Жаҳонгиров). Мирзакаримбой кўзини юмиб, тинглагандан сўнг, анча вакт жим қолди (Ойбек).

Кисмоқ - 1. Бириккан, ёпилган ҳолатда бўлмоқ: Лаблари қаттиқ кисилган эди (О. Ёкубов). 2. Якилашган, бир оз юмилган ҳолатда бўлмоқ: Унинг кўзлари кисилган, қизарган, сўзлари мулоим эди (О.Ёкубов). Кўзларини кисиб ҳаритага тикилди (Н.Норматов). Мирзо Улуғбек унинг тепасида ҳамон қўл қовуштириб турар, хорғин кўзлари кисилган эди (О.Ёкубов).

Кимтимоқ<sup>1</sup> – бириккан (ёшишган) ҳолатда бўлмоқ: Унинг ғазаб ва ҳаяжондан оқариб кеттан юзида, каттиқ қимтинган лабларида совук бир табаассум ўйнади (О.Ёкубов). Физиологик ҳолат маъносида юммоқ, қисмок сўзлари нисбатан кўп қўлланади. Қимтимоқ сўзида белги даражаси ортикроқ.

ю) "Жисмонан кучаймоқ": чиникмоқ, пишмоқ, тобланмоқ. Бундай мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон танаси – бадани билан боғлиқ жисмоний ҳолатни ифодалайди. Улар меҳнат, ҳаракат килиш, жисмоний тарбия, иссик ҳароратнинг таъсири натижасида баданинг жисмонан пишиқ, мустаҳкам, бардош бериш, чидам кучи ортган ҳолатта ўтганлигини билдиради. "Жисмонан кучаймоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари туб баъзан ясама (от+лан) феъллардан ташкил топади. Улар қўйидагилар: Чиникмоқ – пишган, тобланган ҳолатда бўлмоқ: Шаҳар кўрган, жангларда чиниккан Қосим кишлөк камбағалларининг маслаҳаттўйи ва раҳбари эди (Шуҳрат). Машқларда чиникқан йигит вазиятни зийраклик билан кузатарди (Тошкент оқшоми).

Пишмоқ – чиникиш, тобланиш ҳолатида бўлмоқ: Аммо баданлари офтобда роса пишиб, корайиб кетишган, фақат оплок тишлари ялтираб турарди (Ф.Мусажонов). Аҳмаджон бойлар эшигидағи оғир меҳнатда пишиди. (Радиодан). Чиникмоқ сўзида белги даражаси ортикроқ. Пишмоқ, чиникмоқ сўзлари, асосан, сўзлашув нутқига хос.

Тобланмоқ – чиникқан, чидамли ҳолатда бўлмоқ: Пўлат ўтда одам меҳнатда тобланади (Мақол). Аҳмаджон ҳарбий хизматда тобланган йигит (Радиодан). Тобланмоқ сўзида белги даражаси ва таъсирчанлик бошқаларга нисбатан ортиқ бўлиб, бу сўз шеъриятта хос.

я) «ярим уйқу»: мудрамоқ, элимоқ, уйқусирамоқ. Ушбу фарқловчи семали ҳолат феъллари инсон, баъзан ҳайвон билан боғланиб, уларнинг фаоллиги сусайганлигини ифодалайди, Бу ҳолат феъллари иссик ҳаво, чарчаш, бир мөъердаги ҳаракат, товуш каби ташки таъсирларнинг таъсиридан инсон (ёки ҳайвоннинг) жисмоний ва руҳий фаоллиги камайган – бош мия ярим шарлари фаолиятининг сусайганини, инсон ёки ҳайвоннинг ярим уйқули ҳолатта ўтанини, мудроқ ҳолатда эканлигини билдиради. Айни ҳолат жонли мавжудот дам олишининг ўзига хос ирсий кўринишидир.

«Ярим уйқу» мантикий ифодали ҳолат феъллари туб, баъзан ясама (от+сифат) феъллардан ташкил топади.

Мудрамоқ – мудроқ, элиган ҳолатда бўлмоқ: Ит акиллайди, күшлар сайрамайди, улар ўзларини сояга олиб мудрашади (Ойбек).

<sup>1</sup> Қиёсланг: Ўзбек тилининг изохли лугати, II, 580-бет.

Элмурод мудраб ўтириб, бир неча лукмани зўрга ютар ... (П. Турсун). Эр диванга ёнбошлаб беозор мудради (С. Ахмад).

Элимок<sup>1</sup> - мудрамоқ (мудрок босган) ҳолатда бўлмок: Алам билан ётган Барчинни иссиқ, чарчашиб элитди (Мирмуҳсин). Бешикдаги Учкун ... Тозагулнинг бешикни бир меъёра равон тебратишига элиди-да (Х.Ғулом). Иссиқ, юмшоқ паҳта қоплар, араванинг бешик сингари тебраниши ... Фуломжонни элитди (М.Исмоилий).

Уйқусирамоқ - уйқусираш, мудраш ҳолатида бўлмок; Заргаров одатдаги ишга борди-ю, уйқусираш ўтириб, тентираб юриб, қайтиб келди (А.Мухтор). Йўқ-йўқ ўзим, - деди Муяссар уйқусираган бир овозда (Х.Назир). Мудрамоқ феъли инсон ва ҳайвонга нисбатан кўлланади, нутқда кўп учрайди. Элимок, уйқусирамоқ, асосан, инсонга нисбатан ишлатилади.

у) "ухламоқ": ухламоқ, мизгимоқ. "Ухламоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари ҳам инсон, баъзан ҳайвон организмининг физиологик ҳолатини билдиради. Улар организмининг уйғок ҳолатида сарфлаган аклий ва жисмоний кут-куватини тиклаш, жисмоний ва аклий фаолликни таъминлаш мақсадида унинг фаол дам олишташқи таъсирлардан "узилган", ухлоқ (уйқу) ҳолатига ўтганлигини, ирсий дам олиш жараёнида эканлигини англатади. Бундай ҳолат феъллари тўлиқ уйқу ҳолатини билдириши билан аввалгисидан фарқ қиласди.

"Ухламоқ" фарқловчи семали ҳолат феъллари қўйидагилар:

Ухламоқ - уйкули (ухлоқ) ҳолатда бўлмок: Ўша кеча Бобир яхши ухлади (П.Қодиров). Тўрт ўғлон тинч ухларди (Э.Воҳидов). Кўён кўзини юммай ухлади (Н.Фозилов).

Мизгимоқ - кам, бир оз уйқули ҳолатда бўлмок: Кечаси билан мижжа қоқмай чиққан Шодмон ака тонгга якин мизғиб оди (Ж.Шарипов). Ухламоқ сўзида белги даражаси ортиқ бўлиб, давомийликка эга. Бу сўз инсон ва ҳайвонга нисбатан ишлатилади, адабий тилга ҳам, сўзлашув нутқига ҳам хос, кўп кўлланади. Мизгимоқ факат инсонга нисбатан ишлатилади, сўзлашув нутқига хос бўлиб, кам кўлланади. Мизгимоқ сўзида уйқу жараёни, уйқунинг кечиши вақт жиҳатдан чегараланган, киска бўлиб, организм руҳан нотинчроқ, "сезгакроқ" ҳолатда бўлади.

қ) "тўймок": тўймок, қонмок, қоникмоқ.. Бундай ифодали ҳолат феъллари инсонга хос физиологик ҳолатни ифодалайди. Улар овқат, сув, чой, озуқа моддаларини хоҳлаганча истеъмол қилиш, баъзан уйқу ҳолатида истаганча бўлиш натижасида инсон, унинг муайян аъзолари бу ташки таъсирларга нисбатан ирсий-рухий

<sup>1</sup> Қиёсланг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II, 444-бет

Эхтиёж, талаб, хохиш йўқолганлиги, озука моддаларидан организмнинг фаолияти учун зарур бўлган миқдорда "хом ашё" олганлити, уларга тўйган ҳолатдалигини англатади. Бундай жисмоний ҳолат ижобий хиссиятни юзага келтиради. Қайд этилган феъллар туб, баъзан феъл -ик кўшимчали ясама феъллардан тузилади. Улар қуидагилардир: Тўймоқ. - қониш, талаб йўқолган ҳолатда бўлмоқ: Бу пайтда унинг ёнбошида ўтирган Бобош корни тўйиб, лунжлари селкиллаб колган эди (А.Мухтор). Чанқаб келганда-ку бирор ташна лаб, албатта, сув ичар, мириқар, тўяр (А.Орипов). Эри тўйди, шекилли, чойга кўл узатди (М.Исмоилий).

Конмоқ - қониш, тўйиш ҳолатида бўлмоқ: Эшон болалари эрта ётиб, кеч турар, уйкуга қонар (П.Турсун).

Коникмоқ - тўйиш, мириқиши ҳолатида бўлмоқ: Фазлиддин олдинроқ мойли сомсанни кўпроқ еганидан мантини оз еди, аччиқ чой босиб ичиб, қониққач, извошни кўшди (Ойбек). Уйкуга кониқдингизми, Жўра ака (Ойбек). Тўймоқ сўзи инсон ва ҳайвонга нисбатан ишлатилади, кўп кўлланади - адабий тилга ҳам, сўзлашув нутқига ҳам хос. Конмоқ, коникмоқ физиологик ҳолат феъли сифатида факат инсонга нисбатан ишлатилади, кам қўлланади, асосан адабий тилга хос. Қоникмоқ маъносида белги даражаси ортиқроқ..

г) «ёш келмоқ»: ёшламоқ, ёшланмоқ, намламоқ, намикмоқ. "Ёш келмоқ" маъноли ҳолат феъллари инсон, баъзан ҳайвоннинг асосан кўз аъзоси билан боғланади. Улар фикр алмасиши жараёнида факат кўз (баъзан кипприк) аъзосига мос ҳолатни ифодалайди. Бу ҳолат феъллари кучли салбий ёки ижобий хиссий ҳолатда (аффектда) бўлиш, кексалик, бир обьектта узок вакт тикилиш, кўп ишқалаш, касалланиш натижасида кўз аъзосининг доимий - одатдаги ҳолатини йўқотиб, "касалланган" кўринишга ўтгани - унинг кўз безларидан ажralиб чиқадиган тиник суюклик (сув) билан қопланган, ёшга тўлган, ёшли ҳолатдалигини англатади.

"Ёш келмоқ" мантиқий ифодали ҳолат феъллари от -ла(н), -ик тузилишига эга ясама феъллар сифатида кузатилади.

Ёшламоқ - ёшли ҳолатда бўлмоқ: Шунда сен келасан кўзингни ёшлаб (А.Орипов). Отам ўди, колдим кўзимни ёшлаб (Балогардон). Пахталарни хирмон қилиб, душман кўзини ёшлайди (У.Носир).

Ёшланмоқ - ёшга тўлган ҳолатда бўлмоқ: Кучли кулгидан Раъннонинг кўзи ёшланиб, ўsic киприклари жуфтланди (А.Қаҳхор). Заргаров тикилавериб, ёшланган кўзларини укалади (А.Мухтор). Қари сигир кўзи ёшланиб, офтобда кимир этмай турар (С.Юнусов). Ёшланмоқ феъли маъносида жараён белгиси бор. Ёшланмоқ сўзида айни жараённинг тугалланганлиги белгиси бўлиб, ушбу сўз нисбатан кўп кўлланади. Ёшланмоқ сўзида белги даражаси ортиқроқ.

Айни сўз инсон ва ҳайвонга нисбатан ишлатилади.

Намламоқ - нам килган, бир оз ҳўллаган ҳолатда бўлмоқ: Ўқтамнинг боши қизиб, ёнади, тер томчилари манглайидан юмалаб, киприкларини намлайди (Ойбек).

Намланмоқ - бир оз ёшланган ҳолатда бўлмоқ: Зайниддин ҳам кулгидан намланган кўзларини дастрўмол билан артиб, даричадан ташқарига каради (Ойбек). Хотиннинг лаблари титраб, кўз милклари намланди (С.Аҳмад) Ўқаси тўлиб, кўзи намланди (М.Исмоилий). Намланмоқ сўзида жараённинг тугалланганлиги белгиси бўлиб, бу сўзлар инсонга нисбатан ишлатилади, асосан, адабий тилга хос.

Намиқмоқ - сал намли, сал ёшли ҳолатда бўлмоқ: Дишод ечиниб, намиқкан кўзларини ундан узолмай турди (М.Исмоилий). Намиқмоқ сўзи инсонга нисбатан ишлатилади, кам учрайди.

х) "Ҳайрон бўлмоқ": анграймок, аграймок, анқаймоқ. "Ҳайрон бўлмоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон ҳолатини ифодалайди. Улар ташки таъсиirlарнинг салбий таъсири натижасида инсонда юзага келган паришонхотирлик, ҳайрон колиш, қандай ҳодиса юз берганини англаб ололмаслик, шу руҳий ҳолатта мос, айниқса, юз аъзосида ўзгариш - анқайиш, аграйиш содир бўлганини билдиради.

"Ҳайрон бўлмоқ" фарқловчи семали. ҳолат феъллари қўйидаги туб феъллардан иборат: Анграймок — нима килишни билмаган, ҳайрон ҳолатда бўлмоқ: Немат ранглари оқариб, анграйиб турарди (С.Аҳмад). У нима килишини билмай, нима дейишини билмай бир оз анграйиб тургач (Н. Фозилов). Бир пас анграйиб турди (Ф.Мусажонов).

Аграймок - нима қилишни билмаган, иложсиз ҳолатда бўлмоқ: Шарофат хола хеч нарсага тушунмай, тандир олдида аграйиб турар (У.Назаров). Маматмирзо хотинига аграйиб каради (Н. Норматов). Аграймок сўзида белги даражаси ортиқроқ бўлиб, у, асосан, сўзлашув нутқига хос.

Анқаймоқ - оғзи очилиб, ҳайрон, аграйган ҳолатда бўлмоқ: Нега оғзингни очиб, анқайиб турибсан, бола пакир (Ф.Мусажонов). Қасд киласа ҳам ул анқайиб қолади (Алломиши). Анқайма ва лаллайма, тўгри ўтири, шаллайма (Қ.Мухаммадий). Анқаймоқ сўзида белги даражаси аввалгиларга нисбатан ортиқроқ. Айни сўз, асосан, сўзлашув нутқига хос. Анграймоқ, аграймоқ, анқаймоқ сўзлари инсонга нисбатан ишлатилади. Улар кўп маъноли сўзлардир.

а) «иссиғини йўқотмоқ»: музламоқ, совимоқ. "Иссиғини йўқотмоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсонга, унинг кўл аъзосига хос жисмоний ҳолатни ифодалайди. Улар муайян ташки ҳодисаларнинг салбий таъсири қилиши, жиддий жисмоний зарар етказиши

натижасида инсонда бутунлай ҳолат ўзгариши, табий, иссик хароратини тула йўқотиб, совуган, танада иссиқ ҳарорат қолмаган ҳолатта ўтганлигини билдиради. "Иссигини йўқотмок" ифодали ҳолат феъллари туб ва ясама (от -ла) феъл шаклига эга. Улар қуидагилар:

Совимоқ - иссиги йўқолган ҳолатда бўлмок: Палапондеккина юмшоқ, мурғак кўл, энди у қайноқ эмас, анча совиган (А.Мухтор).

Музламоқ - иссиги бутунлай йўқолиб, музли ҳолатда бўлмок: Оппоқ, момик тўшак узра ётар эди Боғдагул, ётар эди жонсиз, музлаб ғижимланган доғда гул (Т. Тула). Музламоқ сўзида "совиш" даражаси ортиқ. Совимоқ, музламоқ сўzlари, асосан, сўзлашув нутқига хос, кўп кўлланади.

б) "оғирлиги ортмоқ": оғирлашмоқ, вазминлашмоқ. Ушбу ҳолат феъллари инсоннинг қовоқ, киприк аъзоларининг ҳолатини ифодалайди. Улар овқатланиш, уйку, чарчаши натижасида инсон вазни (оғирлиги) оғир торган ҳолатта ўтганлиги ва бу ҳолат одатий эканлигини билдиради.

"Оғирлиги ортмоқ" мантикий ифодаси сифат -лаш тузилишига эга қуидаги ясама феълларда кайд этилади:

Оғирлашмоқ - оғир торган, оғир ҳолатда бўлмок: Саидий қорни тўйиб, оғирлашибди (А.Қаххор). Менинг ҳам қовоқларим ботмондек оғирлашиб, уйку боса бошлади (Ф.Мусажонов).

Вазминлашмоқ<sup>1</sup> - оғирлашган ҳолатда бўлмок: Тизгинсиз ғовур ва димиккан хаводан юрак ёрилар даражада сиқиласди. Киприклар тош осилгандек вазминлашади (О.Мухторов). Вазминлашмоқ, асосан, адабий тилга, оғирлашмоқ сўзлашув нутқига хос. Оғирлашмоқ сўзида белги даражаси ортиқ. Оғирлашмоқ инсон ва ҳайвонга, вазминлашмоқ, асосан, инсонга нисбатан ишлатилади.

в) "саломатлиги йўқолмоқ": оғримоқ, касалланмомок, бетобланмомок, хасталанмомок. "Саломатлиги йўқолмоқ" ифодали маънога эга ҳолат феъллари инсон, баъзан ҳайвоннинг ҳолатини ифодалайди. Бундай феъллар турли вируслар, юкумли касалликлар, шамоллаш, жароҳатланиш, қариш, руҳий кийналиш, захарланиш натижасида инсон организми соғлом, касалланмаган ҳолатини йўқотиб, касалга (дардга) чалинган, организмнинг одатий фаолияти бузилган, бетоб ҳолатини англатади,

"Саломатлиги йўқолмоқ" ифодали ҳолат феъллари ясама (сифат -лан), баъзан туб феъл шаклида кузатилади. Улар қуидагилар:

Оғримоқ - 1. Касалланган, дардга чалинган ҳолатда бўлмок: Насим ўн беш ёшлар чамасида чечак касали билан оғриди (А.Қодирий). Шундан кейин у кўкрак бези билан оғриди (О.Мухторов). Бирдан Зеби хола оғриб колди-ю, ўша ёттанча ўрнидан турмади (Х.Назир). 2.

<sup>1</sup> Қиёсланг: Ўзбек тилининг изохли лугати 1., 170-бет.

Оғриқ турган ҳолатда бўлмоқ: Шарифнинг корни нега оғриди (Шуҳрат). Бутун баданим зиркираб оғриди (Ойбек).

Касалланмоқ - бетоб, касал ҳолатда бўлмоқ: Энди ўқишиш бошланган пайтда онаси касалланиб қолибди (Х.Назир). Қани энди у ғўзадаги ўргимчаккина бўлса-ю, олtingутурт сепиб, кириб ташласанг, куй касалландими, бўғизига пичок тортвoriшади (Муштум).

"Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да бетоб, бетоблик сўзлари келтирилади, изоҳланади<sup>1</sup>. Аммо улар билан бевосита боғланган, семантик муносабатда бўлган бетобланмоқ лугатда қайд этилмайди. Қиёсланг: Бетобланмоқ - касалланган ҳолатда бўлмоқ: Бетобланниб беш йил ётиб колди (Радиодан). Шакар бетобланниб, икки ойча касалхонада ётди (Х.Назир).

Хасталанмоқ - бетоб, хаста ҳолатда бўлмоқ: Ёш Малика хасталаниб, ётармиш хомуш (Эртақдан). Зайнабнинг ... тўйи якилашган вақтда севикили күёв йигит икки кунгина хасталаниб, ўлган эди (Ойбек). Касалланмоқ сўзида белги даражаси оғримоқ сўзига нисбатан ортикроқ бўлиб, у сўз жисмоний ҳолатни аниқ ифодалайди. Оғримоқ, касалланмоқ сўзлари инсон ва хайвонга, бетобланмоқ, хасталанмоқ сўзлари факат инсонга нисбатан ишлатилади<sup>2</sup>. Хасталанмоқ сўзида белги даражаси, сўз маъносининг таъсир кучи бетобланмоқ сўзига нисбатан ортиқ. Оғримоқ, касалланмоқ кўпроқ сўзлашув нутқига хос, бетобланмоқ, хасталанмоқ асосан, китобий.

г) "нами йўқолмок": қуримоқ, котмоқ. "Нами йўқолмок" маътикий ифодали ҳолат феъллари инсоннинг лаб, соч каби аъзолари ҳолатини ифодалайди. Улар шамол, баъзан фаол ҳаракат натижасида айни аъзолар таркибидағи сув, намнинг парланиб, йўқолиб, унинг шу зарурий моддаларга эга бўлмаган, куруқ (куриган) ҳолатта ўтганлигини билдиради.

"Нами йўқолмоқ" маъноли ҳолат феъллари қўйидаги туб феъллардан иборат: Қуримоқ - куруқ (намсиз) ҳолатда бўлмоқ: Иссик шамол лабини қуритарди (М. Осим). Одамлар эса нафаслари тиқилиб, лаблари қуриб, тиллари сирач бойлаб ... (М. Исмоилий).

Қотмоқ - қуриган, сувсиз ҳолатда бўлмоқ: Зулхуморайнинг икки юз кокили бор. Бир ёғини тилла сувга, бир ёғини кумуш сувга ботирган, тонг шамолида қотирган (Э.Жуманбулбул). Қуримоқ сўзи сўзлашув нутқига хос, кўп кўлланади. Қотмоқ сўзининг физиологик ҳолат маъносидаги фаоллиги унинг кўчма маъносига асосланади. Қотмоқ сўзида "қуруқлик" даражаси ортиқ бўлиб, кўшимча "каттиқ" белгиси ҳам бор.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I. 106-бет  
Каранг: А.Хожиев. Ўша лугат, 118-бет.

д) "ташна бўлмок": қакрамоқ, қуруқшамоқ. Бундай ҳолат феъллари инсоннинг оғиз, томоқ, лаб, тил каби аъзоларига хос физиологик ҳолатни ифодалайди. Бу феъллар иссиқ хаво, касаллик, чанқаш натижасида муайян аъзоларнинг ташна, чанков, қуруқшаган жисмоний ҳолатга ўтганлиги ва бу ҳолат айни вактда асосий эканлигини англатади. Улар қуйидаги туб феъллардан тузилади: Қакрамоқ - ташна, қурушган ҳолатда бўлмок; Қўрдим-ку шахтангни ёндиrsa күёш, сенинг лабларингнинг қақраб сўлганин (А.Орипов). Томоқларим қақраб, тупукларим елимлашди (Шуҳрат). Томоғи қақраган, ғазабли, эссиҳ, ҳушсиз Дилдор бор кучи билан югурди (Ойбек).

Қуруқшамоқ - қуришиш, ташна ҳолатда бўлмоқ: Унинг бутун буғинлари, ҳусусан, бошининг орқаси ҳаддан ташқари оғирди, томоғи қуруқшаган, тили шилингандай (А.Қаҳхор). Гилим қуруқшаб, томоғимни бадбўй бир дуд ачитди (А.Мухтор). Унинг лаблари қуруқшаган, кучли иситмада ёнган кишининг лабидай корайган (А.Қаҳхор). Қакрамоқ сўзида белги даражаси ортиқ. Айни сўз, асосан, сўзлашув нутқига хос, кўп кўлланади.

### Жисмоний жараён ҳолатни ифодаловчи физиологик ҳолат феъллари

Жисмоний жараён ҳолатни англатувчи физиологик ҳолат феъллари инсон ёки хайвон ҳолатини жараён ҳолат сифатида ифодалайди. Улар жараён белгисига кўра жисмоний жараён натижаси бўлган физиологик ҳолат феълларидан фарқ қиласди. Бунда ҳам бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш ифодаланади. Ушбу ҳолат феъллари давомийлиги, тугалланмаганлиги - жисмоний жараён ҳолатлиги билан ўзига хос бўлади. Қиёслант: ҳансирамоқ, чимирмоқ, шиграймоқ, ачишмоқ, сузилмоқ, йигламсирамоқ, иситмаламоқ, нозланмоқ, жимирилашмоқ, филайлашмоқ, йилтирамоқ, лўқилламоқ. Жисмоний жараён ҳолатни ифодаловчи туб ва ясама (от -ла(н), сифат -лаш, мимема -илла, -ира) физиологик ҳолат феълларининг фарқловичи семаси қуйидаги мантикий ифодага эга бўлади:

Ҳансирамоқ - тез-тез, оғир нафас олиш ҳолатида бўлмок: Бир неча юз одам терлаган, пишган, ҳансираган ҳолда муттасил ҳаракатда (Ойбек). Нафаси оғзига тикилган, ҳансираган (А.Мухтор). Йўлчи ҳайкириб, ҳансираб казак аскарига санчиди (Ойбек).

Чимирмоқ - йигилиб туташган, бир-бирига теккан ҳолатда бўлмок: Муаттар кошини чимириди (А.Қаҳхор). Муқаддам қўлини тортиб олдида, кошларини чимириб жилмайди (Ў.Хошимов). Кейин беморга кошини чимириб, зарда килди (Х.Назир).

Шиграймоқ - бир оз кисиб, ёнга торттган ҳолатда бўлмоқ: Орқасида ўтирган сариқина бола, унинг укаси бўлса керак, кўзларини шиграйтириб, у ҳам ялина бошлади (Н. Фозилов).

Ачишмоқ - жизиллаган ҳолатда бўлмоқ: У ачишган юзларини артди (П. Мўмин). Орка мияси кизиб, ачиши, чап ёнига ағдарилиди (М.Исмоилий).

Сузилмоқ - ноз-ишвали кисилган ҳолатда бўлмоқ: Навоий унинг ним-маст сузилган кўзларига қаради (Ойбек). Кўз сузилган, лаб чўзилган, севги уйғонган чоги (Х.Гулом). Гулянинг сал гилай мовий кўзлари сузиларди (М.Тошматов).

Йигламсирамоқ - йигинамо ҳолатда бўлмоқ: Муродали кўзларини каттароқ очди, боягидан кўра бардамроқ, лекин йигламсираган товуш билан деди (А. Қаххор). Аллаким йигламсираб гапирди (М.Осим). Овозлари жуда ғалати, худди йигламсираганга ўхшаш чиқди (Ф.Мусажонов).

Иситмаламоқ<sup>1</sup> - ҳарорати кўтарилган, иситмали ҳолатда бўлмоқ: Умарали ўша куни кечаси иситмалади (А.Қаххор). Кечаги сафардан кейин туни билан иситмалаб, идорасига аранг етиб келган ... (А.Мухтор).

Нозланмоқ - карашмали, ноз-ишвали ҳолатда бўлмоқ: Юзига яна ишва ранги югурди. Ноzlаниб эркаланди (М.Исмоилий). Аллақандай ёқимли овоз билан нозланиб, жавоб берди (И.Жабборов).

Филайлашмоқ - кўз корачиги четроқка ўрнашган, қийшик ҳолатда бўлмоқ: Кўзлари филайлашган, афтида қизик ўзгариш кўрилиб, оғзининг таноби узоқ саёҳатни ихтиёр қилган (А.Қодирий).

Жимиirlамоқ - титроқ, сесканиш ҳолатида бўлмоқ: У Ботириалини Хумсонда кургандаёқ бадани жимиirlаб, қалби жиз этган эди (Х.Гулом). Кизнинг ҳар бир гапи унинг баданига муздек сув томчилари томаёттандек таъсир қилди, аъзойи бадани жимиirlаб кетди (П.Турсун). Бу ҳазил ва, айникса, кулги аввал хунук, одамнинг этини жимиirlатадиган даражада хунук эшитилди (А.Қаххор).

Йилтирамоқ - нур тараттан ҳолатда бўлмоқ: Мухаммадражаб тўлишган юз ва бўйинлари ёғдан йилтирайди (А.Қаххор). Сув лабида турган қурбака оч кўкчил терисини йилтиратиб, таш этиб арикча лабига сакраб тушди (Ш.Холмирзаев).

Лўқилламоқ - санчиб оғриган ҳолатда бўлмоқ: Қия ўтирган Ҳаётнинг чекка томирлари лўқиллар (М.Исмоилий), Шакарнинг боши лўқиллаб, ўнг кўлининг билаги оғрирди (С.Юнусов).

Жисмоний жараён ҳолатни ифодаловчи физиологик ҳолат феъллари қуидаги фарқловчи семалар билан қатнашади:

а) "кулмоқ": жилмаймоқ, илжаймоқ, кулимсирамоқ, иржаймоқ,

<sup>1</sup> Киёсланг: Ўзбек тилининг изоҳли лутати. I .335-бет

тиржаймок, ишшаймок, иршаймок. "Кулмок" мантикий ифодали ҳолат феъллари, асосан, инсон, баъзан ҳайвонга хос жисмоний жараён ҳолатни ифодалайди. Улар мавжуд борлиқ предмет - ҳодисаларининг таъсири, муайян руҳий (хиссий) ҳолатда бўлиш натижасида инсоннинг овозсиз, яъни лаб, кўз ҳаракати билан кулаги ифода килиш, жилмайиш, мийигида қулиш каби ҳолатини англатади<sup>1</sup>.

Ушбу фарқловчи семали ҳолат феъллари ижобий ва салбий маъно ифодаловчи феъллар бўлиб, хиссий бўёғига кўра ўзига хосдир. Улар қуийдаги туб феъллардан ташкил тоғди:

Жилмаймок - ёқимли табассум, илжайиш ҳолатида бўлмок: Шоир дўстим Нуридин ... атрофдаги тогларни томоша килар, негадир жилмаяр (Ў.Хошимов). Дўкон эгаси Наби корини узоқдан кўриб, жилмайди (М.Исмоилий). Эртакчи бобо жилмайиб, Оқилжоннинг елкасига қоқди (Ф.Мусажонов).

Илжаймок - жилмайиш ҳолатида бўлмок: Салтон буви шод илжаярди (М.Исмоилий). Кўркиб кетдим, кўркқанимни қизлардан яшириб, илжайиб туравердим (С.Ахмад). У Арслоннинг қўлини кўйиб юбормай, илжайиб туради (Мирмуҳсин).

Кулимсирамоқ - илжайганнамо ҳолатда бўлмок: Мажидиддин кулимсираб, жавоб берди (Ойбек). У жиндек эркаланиб, кулимсираб туради (Мирмуҳсин). Раъононинг ҳам кўзи унга тўқнашиб, бироз бир-бирларига кулимсираган ҳолда тикилишарди (А. Қаххор). Илжаймок сўзида белги даражаси кулимсирамоқ сўзига нисбатан ортиқ.. Жилмаймок сўзи ижобий бўёққа эгалиги, кўшимча "ёқимли" белгисига кўра етакчидир. Яъни жилмаймок "нозикроқ, нафисроқ кулаги" эканлиги билан мустақилдир. Бу изоҳга қиёсан олганда илжаймоқ сўзида сал салбий бўёқ бордек. Кулимсирамоқ хиссий муносабат жихатдан бетараф.

Иржаймок - ёқимсиз, масхараомуз қулиш ҳолатида бўлмок: Бу камширни буляй - шгулай тикилиб кўрса, қулиб ётар деса, илгаридан пишиб, ўлиб, иржайиб, қулиб ётган экан (Балогардон). Тўла тахтага келди-да, одатдагича болаларга иржайиб қараб турди (М. Исмоилий).

Тиржаймок - хунук, ёқимсиз қулиш ҳолатида бўлмок: Жавлон тиржайиб бўйинни кашлади (А.Қаххор). Бу уй ғазабли юзини тиржайтириди (М.Исмоилий). Мен тортта қараб тиржайдим (Н.Фозилов).

Ишшаймок - совук, ёқимсиз кулаги ҳолатида бўлмок: Гадо ҳам истар-истамас тўхтади-ю, қўл ковуштириб, ғалати ишшайди (О.Ёкубов). Бу эса ишшайди, нега тиржаяди, деб ўйлаб шийпон четига омонаттана ўтириди бойвачча (С.Юнусов). Бу шовқинни эшитган Марат томдан ишшайиб, қулиб тушиб келган эди (Мирмуҳсин).

<sup>1</sup> Каранг: А.Хожиев. Ўша лугат, 97-бет

Иршаймоқ - тиржайиш, масхара, мазах килган, кули ҳолатида бўлмоқ; Ҳа, сакрамайсанми, найнов - яна мазах аралаш иршайди Собир (Ф.Мусажонов). Ҳм, нега иршаясан. - сўради ёнимда ўтирган Нодира (Ф.Мусажонов). Қачон қараса, куйдирган каллага ухшаб, иршайгани - иршайган (Ф.Мусажонов).

Бу семантик гуруҳ феъллари белги даражасининг ортиклиги, кучлилиги билан ажралиб туради. Улардаги маъно фарқи қўшимча бўёғига, инсонда салбий муносабат "ўйғотиш" даражасига кўрадир. Яъни салбий бўёқ иржаймоқ сўзига нисбатан тиржаймоқ сўзида, тиржаймоқ сўзига нисбатан ишшаймоқ сўзида, иршаймоқ сўзига нисбатан ишшаймоқ сўзида ортикроқ<sup>1</sup>. Ишшаймоқ сўзида салбий бўёқнинг ортиклиги ундаги кўш ундош билан боғлиқдир.

б) "жунжимоқ": жунжимоқ, увшимоқ, жимиirlамоқ. Ушбу ҳолат феъллари инсон бадани, баъзан кўл аъзосининг жисмоний ҳолатини ифода этади. Улар совуқ шамол, ҳаво, қор, бирор фикр ва хунук предметнинг кучли таъсири натижасида инсон бадани (тани)да юзага келган титроқ, сесканиши-нохуш, ёқимсиз ҳолатни билдиради. Бу ҳолат салбий хис-туйғу уйғотади.

Шуниси мухимки, "жунжимоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари гапда, асосан, ҳолат манбаи - синонимик қаторни ҳосил килувчи бадан, тан, эт каби сўзлар билан ўзаро муносабатда бўлади. Улар туб ва тақлидий сўз -ла(ш) шаклида ясама феълдан тузилади. Жунжимоқ<sup>2</sup> - сесканиш, жимиirlаш ҳолатида бўлмоқ; Салқин шамолдан бадани жунжиди (Х.Гулом). Муздеккина ел эт жунжитади (Шухрат). Танимни жунжитар оқшомги шамол (А.Орипов).

Увшимоқ - сезилар-сезилмас титроқ, жимиirlаш ҳолатида бўлмоқ; Этим увушиб, ичимдан бир нарса узилиб тушаётгандек бўлди (Ф.Мусажонов). Заргароннинг эти увшиди (А.Мухтор). Йигитнинг бадани увшиди (Х.Гулом).

Жимиirlамоқ - титроқ, жунжиш ҳолатида бўлмоқ; Совуқдан бадани жимиirlашибди (Ойбек). Бу дақиқа Арслоннинг аъзойи бадани жимиirlашиб, кутилмаган илтифот ... хурсанд қилиб юборди (Мирмуҳсин). Бирдан кўзим кўзига тушиб қолди-да, этим жимиirlашиб, сесканиб кетдим (Ф.Мусажонов). Жунжимоқ, увшимоқ, жимиirlамоқ сўзлари инсонга нисбатан ишлатилади. Жимиirlамоқ сўзида белги даражаси жунжимоқ сўзига нисбатан ортикроқ. Увшимоқ сўзида эса ундан ҳам ортикроқ. Жунжимоқ, жимиirlамоқ сўзлари адабий тилга, увшимоқ (уюшмоқ шаклида), асосан, сўзлашув нутқига хос.

в) "хира тортмоқ": қамашмоқ, тинмоқ, жимиirlамоқ, живирламоқ, коронғиламоқ. "Хира тортмоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари

<sup>1</sup> Каранг: Ўша дугат, 97-бет

<sup>2</sup> Қиёсланг: Ўзбек тилининг изоҳли лутати. I, 291-бет.

инсон кўз аъзосига хос ҳолатни ифодалайди. Бундай ҳолат феъллари бирон нарса-ҳодисанинг инсон кўриш сезгисига таъсири, инсоннинг бирон нарсага узок вакт тикилиб қолиши натижасида кўзнинг тиник, аниқ кўриш кобилияти сусайган, предметларни бутун мураккаблиги, белги хусусиятлари билан кўриши пасайган, ёмонлашган, кўз хира тортиб, коронғилашган жисмоний жараённи англатади. Айни феъллар туб ва ясама бўлиб, ясама феъл от -лан, таклидий сўз -лаш тузилишга эга.

"Хира тортмок" фарқловчи семали ҳолат феъллари қўйидагилар: Қамашмок - хира тортиб, жимиrlашган ҳолатда бўлмок; Коронги уйда бирдан чироқ ёкиб юборганда кўз қамашади-ю, худди шундай бўлди (М.Исмоилий). Тик куёш тигларидан кўзи қамашган чол ... югурди (Ҳ.Ғулом). Кор ... кор ... кор кўзларим қамашар бокканда (Ҳ. Олимжон).

Тинмок - хиralашган ҳолатда бўлмок: Кўзлари тиниб, ҳарфлар жимиrlашиб кетаверди (М.Исмоилий). Куёш каби қўзларини тиндиради ҳар шудринг дона (М.Эгамбердиева).

Жимиrlамок - живирлашган ҳолатда бўлмок: Боқди ҳар ён шошиб-пишиб, тўймас караган сари. Бирданига жимиrlаб, тиниб кетди, кўзлари (Т. Тўла).

Живирламок - живирлашган ҳолатда бўлмок: Бегимхон узок тикилиб колди. Унинг кўзлари живирлаб, қаршисида қора мунчоқлар пайдо бўлди (А. Раҳим).

Коронғиланмок - тиниб, хиralаниб, коронғинамо ҳолатда бўлмок: Унинг кўз ўнги коронғиланиб, бир неча вакт серрайганича колди (А.Қодирий). Коронғиланмок сўзида "хира тортиш" белгиси ортиқ. Тинмок сўзида белги даражаси қамашмок, жимиrlашмок, живирламок сўзларига нисбатан ортиқрок. Қамашмок сўзида эса белги даражаси живирламок, жимиrlамок сўзларига нисбатан ортиқрок. Оғзаки нутқда тинмок, жимиrlашмок, қамашмок сўзлари нисбатан кўп қўлланади. Коронғиланмок, живирламок кўпроқ китобий. Қамашмок, жимиrlамок, живирламок сўзларида жараёнлик даражаси кучлирок.

г) "шовкин турмок": шангилламок, зингилламок, гувилламок. "Шовкин турмок" фарқловчи семали ҳолат феъллари инсоннинг кулоқ, баъзан бош аъзосига хос ҳолатни ифодалайди. Улар касаллик, карилик, чарчаш, калтак зарби натижасида кулоқ ва мияда пайдо бўлган шовкин, гувуллаш каби ҳолатни ифодалайди. Бу жисмоний жараён ҳолат инсонда салбий кайфият, ноҳушилик туддиради. Ушбу мантикий ифодали ҳолат феъллари сифат -ла, таклидий сўз -илла шаклидаги ясама феъллардан тузилади:

Шангилламок — шангি овозли, шовкили ҳолатда бўлмок: Ҳар йўталганда нафаси оғзига тикилар, кўз ўнгидаги хира ҳалкачалар

пирпиар, кулоклари шанғиллар эди (У.Хошимов). Унинг бели бүкчайиб, кўллари калтирайдиган, кулоги шанғиллайдиган бўлиб қолди (М. Осим). Ҳиёлнинг кўзи тиниб, кулоги шанғиллай бошлади (И.Рахим).

Гувулламок - ғувуллаган овозли ҳолатда бўлмоқ: Кун бўйи сув ичаман, томогим қақраб, бошим ғувиллайди (Р.Азизхўжаев).

Зинғилламоқ - зинғиллаган овозли ҳолатда бўлмоқ: Қулокларим (камчи зарбидан) жуда қаттиқ зинғиллади (М.Исмоилий). Зинғилламоқ сўзида "шовқин" кучи ғувилламоқ сўзига нисбатан ортиқ. Шанғилламоқ сўзида эса белги даражаси ундан ҳам ортиқ бўлиб, у "кўпол шовқин" белгисига эга бўлади. Шанғилламоқ сўзи, асосан, жонли нутққа хос. Зинғилламоқ, ғувилламоқ сўзлари китобий. Бу сўзлардаги кўш ундошлар маънонинг кучайишига, таъсир кучининг ортишига хизмат қиласи.

д) "тортишмоқ": тортишмоқ, акашакланмомоқ, чангакланмомоқ "Тортишмоқ" фарқловчи семали ҳолат феъллари инсоннинг мускул, томир, оёқ, бармоқ кисмларининг физиологик ҳолатини ифодалайди. Бундай феъллар касаллик, нокулай ҳолда узок ўтириш, кексалик, организм одатий фаолиятининг "бузилиши" натижасида муайян аъзоларнинг тортишган, йигилиб қисқарган ҳолатда бўлишини билдиради. Қайд этилган ҳолат феъллари туб ва кўпроқ ясама (от -лан) бўлади. "Тортишмоқ" ифодали маънога эга ҳолат феъллари қуидагилар:

Тортишмоқ - йигилиш, қисқариш ҳолатида бўлмоқ: Мускуллар тортишиб, оёқ бўшашибди. Аямни ҳар куни ёки кун оша пещинга якин дард тутади, аввал хўп чанкайди, кейин кўлларининг томири тортишади (А.Қаҳхор).

Акашакланмомоқ - йигилиб чангак, акашак ҳолатида бўлмоқ: У оёқларининг акашакланана борганини, бутун гавдасининг тириша бошлаганини сезди (Ойбек).

"Ўзбек тилининг изохли луғати"<sup>1</sup>да чангак<sup>1</sup> сўзи қайд этилган, изохланган. Шу сўз асосида ясалган чангакланмомоқ эса қайд этилмаган. Қиёсланг: Чангакланмомоқ — тортишиб акашак ҳолатида бўлмоқ: Ўсиб кетди тирноклари, ёпирай, чангакланди бармоклари, ёпирай (Т.Тўла). Акашакланмомоқ сўзида белги даражаси тортишмоқ сўзига нисбатан ортиқ. Чангакланмомоқ сўзида эса "тортишиш, йигилиш" даражаси, таъсирчанлик кучли. Тортишмоқ сўзи жонли нутққа хос. Чангакланмомоқ, акашакланмомоқ кўпроқ китобий.

е) "бесаранжом": чақчаймоқ, бақраймоқ, олаймоқ, гўлаймоқ, олаланмомоқ. Ушбу ҳолат феъллари инсон, баъзан ҳайвоннинг кўрув

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изохли луғати. II . 353-бет.

аъзоси билан боғланиб, фақат унга хос физиологик ҳолатни ифодалайди. Бу ҳолат феъллари кўркув, газаб, хурсандлик, бирор нарсадан қаттиқ таъсиrlаниш каби рухий ҳолат натижасида инсон кўриш аъзосининг катталашиб, бир оз олдинга бўртиб чикиши, бесаранжомланиб, хунук кўринган, салбий муносабат уйғотувчи қиёфага кирганлигини билдиради. Бундай ифодали ҳолат феъллари қўйидаги туб ва ясама (сифат -й, -лан) феъллардан тузилади:

Чакчаймок - бесаранжомланиб бакрайиш ҳолатида бўлмок: Эркакларнинг кўзлари газабдан чақчайган (Ойбек). ... дараҳтларда бойқушлар кўзини чакчайтириб, ўтирганмиш (Мирмуҳсин). Култойнинг кўзи чакчайди (А.Мухтор).

Бакраймок - кенгайиб, катталашиб чақчайиш ҳолатида бўлмок: У жон ҳолатда бакрайган кўзларни, сұлғин бир юзни кўрди (О.Мухторов). Туями, -деди Зафар кўзларини бакрайтириб (Х.Назир). ... Ниёзмат онасига ҳам кўзини бакрайтириб ёлғон гапириди (А.Қаххор).

Ғулаймок - чақчайиш, олайиб бесаранжом ҳолатда бўлмок: ... ўртадагилар эса оғизлари кўпирган, кўзлари ғўлайган, башаралари қизарган ... холда иргишар (М.Исмоилий).

Чакчаймок, ғўлаймок сўзларида "бесаранжом"лик даражаси ортиқ. Чакчаймок бақраймок сўзлари нисбатан кўп қўлланади. Ғўлаймок сўзи оғзаки нутққа хос - диалектал бўлиб, кам ишлатилади.

Олаймок - ола-кула ҳолатда бўлмок: Салтонбувининг қути ўчди, кўзлари олайди, шошиб сўради (М.Исмоилий). Отамнинг кўзлари олайиб, тушунарсиз ғалати бир овоз билан бўкирарди (Н.Норматов). Остонада юзи докадек оппок, кўзлари олайган ... бошяланг ва ёқавайрон Нусратиллаҳўжа турар эди (А.Мухтор).

Олаланмок - олайиш ҳолатида бўлмок: Султоналининг кўзлари олаланиб, пешонасида қатор ажинлар зохир бўлди (А.Қодирий). Мирҳошимнинг кўзлари олаланди, медал яркираб турган кўкрагига мушт урди (Х.Гулом). Олаймок сўзида белги даражаси ортиқ бўлиб, бу сўз оғзаки нутққа хос. Олаланмок сўзида жараён белгиси бор.

## ПСИХИК ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ МАЬНО ТУЗИЛИШИ

Психик ҳолат феъллари инсон руҳий фаолиятини, руҳий ҳолатини ифодалайди. Ёқимли ва ёқимсиз туйгулар, тинчлик, фароғат, хаяжонланиш ва маъюсланиш, дадиллик ва тараддулданиш, кувониш ва газабланиш, кўрқув ва шодланиш каби ижобий ва салбий хиссиятлар психик ҳолатларга киради<sup>1</sup>. Демак, психик ҳолат феъллари ана шу руҳий жараёнларниң ташувчиси, ифодаловчиси сифатида алоҳида ЛСГ ни ташкил қиласди.

Психик ҳолат феъллари инсон (баъзан ҳайвон) руҳий ҳолатини туб ва ясама феъл шаклида ифодалайди: зерикмок, ишонмок, ёқмок, эринмок, оғринмок, тутинмок, қизганимок, чидамок, одамсинмок, алаҳисирамок, алаҳамоқ, истигноламоқ, ғашланмоқ, даҳшатланмоқ, телбаланмоқ, маъюсланмоқ, чулғамоқ, сусаймок, жимирламоқ каби психик ҳолат феълларининг фарқловчи семалари қўйидагича:

Зерикмок — 1. Сикилган (диккати ошган) ҳолатда бўлмоқ: Юр кўчага, зериқдик (Ойбек). У хонада ёлгиз ўтириб, зериқди (О.Мухторов). Мактанчоқ бола Афандини кута-кута зериқди (Латифалар). 2. Безор бўлган (жонига теккан) ҳолатда бўлмоқ: Махмуд муборакбодчи камбагаллар у ёқда турсин, ҳатто уламо ва бойлардан ҳам ҳозир зериккан эди (А. Қодирий). Хотинларниң сухбати Тўлкинни зериктириди, шекилли, чопкиллаб кўчага чиқиб кетди {Ҳ. Ғулом}. Тил ва тарих дарслари уни жуда зериктирган, у кўпроқ антик адабиётга қизикарди (Мирмуҳсин).

Ишонмок -1. Ҳақиқат (тўғри) деб билган ҳолатда бўлмоқ: Шу гапнинг чинлигига ишондим (С. Ахмад). У менинг касаллигимга ишонмасди (С.Юнусов). Назаримда аям унинг ҳамма гапига ишонди (А.Қаҳҳор). 2. Умид боғлаган, суюнган, ишонч билдирган ҳолатда бўлмоқ: Ҳаёт Ғуломжонга ишонса ҳам ... чоҳ олдида турган кишидай кўркиб сўради (М.Исмоилий). Кумуш ва онасининг бирдан-бир ишонгандари яна Хасаналининг ўзи эди (А. Қодирий).

Ёқмоқ - 1. Маъкул келган ҳолатда бўлмоқ: Ҳа, мингбошига ҳам бу сассик гап майдай ёқибди-қопти (М.Исмоилий). Қойилнинг гали менга ёқди (С. Юнусов). Бу гап Рихсионга жуда ёқди (Мирмуҳсин). 2. Ҳузурланиш ҳолатида бўлмоқ: Муздай шаббодалар танига ёқсан (Ҳ.Олимжон).

Эринмок - хафсаласи (ҳохиши) йўқ ҳолатда бўлмоқ: Аммо у супани эриниб супираётir (О.Мухторов). Юриб ҳам кетарди, қишин пайтида бола юришга эринади (С.Ахмад). От қари ва бениҳоя ориқ,

думини кимирлатишга ҳам эринар эди (Ойбек).

Оғринмоқ - 1. Норози, малол қелган ҳолатда бўлмоқ: У магазинчига оғриниб, пул узатди (Н.Ёкубов). Султонқул қассобга, бир сўм шириккома чой-чақани зўрга узатди (С.Абдулла). 2. Ранжиган ҳолатда бўлмоқ: Саида унинг ғаразини англаб оғринди (А. Қаххор). Мен бу гапга оғринмадим, эркак киши баъзан юраги торлик қиласди дей қолдим (А.Қаххор).

Тутингмоқ - кариндош ҳолатда бўлмоқ: Тутинган ота-онасига анча тилла қолдириб, ўzlари она юртларига жўнабдилар (Ўзбек халқ эртак). Ўрмонжон менинг тутинган ўғлим-ку (А. Қаххор).

Қизғанмоқ - 1. ... беришга оғринган (беришни хоҳламаган) ҳолатда бўлмоқ: Тангрининг молини шайтон қизғаниби (Ўзбек халқ маколлари). Айрон сўраб қелгандаи челагингни ҳам қизғанма (Мақол). 2. Ачинган (рахми қелган) ҳолатда бўлмоқ: Қизған, опа, ўксизни, ўша кутқазди бизни (Х.Олимжон). Йигит кўзларидаги алам ва фироқни кўрган Искандаро уни қаттиқ қизғанди (Ойбек). 3. Рашқ қилган ҳолатда бўлмоқ: Умар Гулсунни Ҳолмуроддан қизғаниб, ичи ўртаниб қелган эди (П. Турсун). Абдуваҳобнинг туркини худо кўтарсан, ундан хотин қизғанадиган урни йўқ (Ш. Тошматов).

Чидамоқ - бардошли (тоқат қилган) ҳолатда бўлмоқ: Ахири чидаёлмай мезбондан илтимос қилди (Хандалар). Жуман тишини тишига кўйди-ю, чидади, индамади (А.Мухтор). Кимсаной кундош азобига бир йил чидади-ю охири бўлмади (А.Қаххор).

Ясама психик ҳолат феъллари от, сифат ва тақлидий сўзларга -син, -лан, -ай, -ла каби ясовчиларининг кўшилишидан ҳосил бўлади. Ясама ҳолат феъллари нутқ фаолиятида қуйидаги фарқловчи семалар билан қатнашади: Одамсимвоқ - одам кўриш, одам талаб ҳолатда бўлмоқ: Авазхон - энди ўлдим, одамсиниб Чамбидан чишиб эдим, қайтиб Чамбига боролмасман (Балогардон). Одам сўзига -син ясовчисининг кўшилишидан ҳосил бўлган одамсимвоқ сўзи (нутқ бирлиги) «Ўзбекча-русча», «Ўзбек тили морфем», «Ўзбек тилининг изоҳли» ва бошқа лугатларида қайд этилмаган.

Шуни алоҳида айтиш керакки, ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши, феъл ясовчи кўшимчаларнинг турлари, булярнинг қайси сўз туркумларига кўшилиб, феълни ҳосил килиши ҳакида фикр юритилган манбаларнинг бирортасида ҳам -син феъл ясовчи сифатида берилмайди. Одамсимвоқ сўзида -син кўшимчаси шаклан -си -н таркибий қисмларга ажралса ҳам, шу сўзниг маъно тузилишидан келиб чишиб, -син ясовчиси мустакил, алоҳида, бир бутун аффикс саналади. Шунга кўра одамсимвоқ: одам -син -моқ каби учта морфемага ажралади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида -си ясовчи кўшимчаси йўқ. Бўлганда эди, бирор сўз маъносидан келиб

чикиб, -син -си феъл ясовчи, -н нисбат аффикси сифатида "баҳоланар" эди. Шунда ҳам одамсимвомк сўзи таркибидағи -син ясовчисини -си -н каби бўлакларга ажратиб бўлмасди. Яъни одамсимвомк каби алоҳида кўлланувчи сўз йўқ. Демак, шу сўз доирасида -син алоҳида ясовчи кўшимча саналади. Айни вақтда -син омоним аффикс бўлиб, отта қўшилиб, феъл ясаши ва феълда буйруқ-истак майлини ҳосил қилиши билан ўзига ҳосдир. Киёсланг: одам -син -мок, ишла -син. Шунингдек, син (мок) мустакил лугавий маъноли сўз ҳам мавжуд. Матъум бўлдики, (-) син аффиксоидлик - ҳам мустакил сўз, ҳам сўз ясаш хусусиятига эгалиги билан ажралиб туради.

Одамсимвомк сўзи ўзбек тилида кам учраса ҳам (у, асосан, шевага ҳос), бу сўз шаклини хисобга олиш, изоҳлаш -син ясовчи кўшимча ҳам муайян хусусиятта эгалигини манбаларда кайд этиш керак.

Үйқусирамоқ - босинқираш, алаҳсираш ҳолатида бўлмоқ: Севар сўзи ҳар аснода ишлатилиши, кечалари эри үйқусираб, шу сўзни айтиб юбориши бежиз эмаслигини (У.Назаров). Бурчакда ёттан бола үйқусирабми ё совуқдан уйғонибми, ачинарли товуш билан "дада" деди (Ойбек).

Алаҳсираш - қаттиқ босинқираш ҳолатида бўлмоқ: Кимдир уйғониб алаҳсиради (Шукрулло).

Алаҳламоқ - алаҳсираш, қаттиқ босинқираш ҳолатида булмоқ: Бой бир ҳафта уйида алаҳлаб ётибди (С.Юнусов). Тун ярмига боргандা Бобокул ... ҳушини йўқотиб, алаҳлай бошлади (С.Анорбоеv).

Истиғноламоқ - ноз-карашма ҳолатида бўлмоқ: Раъно истиғноланди (А.Қодирий). Истиғно сўзи ўзбекча-русча<sup>1</sup>, ўзбек тилининг морфем<sup>2</sup> ва ўзбек тилининг изоҳли луғатларида<sup>3</sup> кайд этилади, изоҳланади. Аммо шу сўз (от) асосида ясалган истиғноламоқ феъли бу луғатларнинг бирортасида ҳам акс этмаган.

Ғашла(-и)мок - безовта, таъби хира ҳолатда бўлмоқ: Душман ғашланди, айланди боши (У.Носир). Собирдан дарак йўклиги Роҳиланинг дилини ғашлаганди (А.Мухиддин).

Даҳшатланмоқ - ортиқ дараҷада вахимага тушган ҳолатда бўлмоқ: Ажабо, Азизни қамашибди деб даҳшатланарди у (Ҳ.Ғулом). Отабек даҳшатланиб, Алига каради, Али эса ёттан жонсиз гавдаларга қараб, лабини тишлаб турар эди (А.Қодирий).

Телбаланмоқ - 1. Ақл-ҳушини йўқотган ҳолатда бўлмоқ: Лаъли Бўронбекка ишқи тушиб, унинг кўйида телбаланган (Ҳ.Ғулом).

<sup>1</sup> Узбекско-русский словарь. Т., 1988, 182-бет.

<sup>2</sup> А.Ғуломов, А.Тихонов, Р.Қўнғуров. Ўша лугат. 112-бет.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I. 338-бет

2. Саросимага тушган ҳолатда бўлмок: Биз орқадан хужум қиласиз, сиз олдиндан, коронғи кечада икки ўқ орасида қолган босмачилар телбаланиб, қочишдан бошқа чора тополмаслар (С.Айний).

Маъюсламмок – умидсизланган, ғамгин ҳолатда бўлмок: Шу ўйлардан кейин Ракитин маъюсланди (Шухрат). Кечкурун далада олисдан ўт кўрсам, овулим эсимга тушади, маъюсланиб деди Ўроз (Ойбек). Кизлар нимани ўйладилар ва нима тўгрисида маъюсланадилар (А.Кодирий).

Чулғамоқ – камраган ҳолатда бўлмок: Шоирни чулғайди ўйлар дафъатан (А.Орипов). Йўловчиларни қандайдир кўркув хисси чулғади (А.Иброҳимов). Унинг ўзини ҳам қандайдир ҳадик чулғади (Х.Назир).

Сусаймоқ – қизиқиши (интилиши) бўшашибган, пасайган ҳолатда бўлмок: Қорахонийлар якиндагина дини исломни қабул қилганликлари учун динга каттиқ берилганлар, сомонийларнинг эса эътиқоди сусайган (М. Осим). У юртдаги тинчсизликнинг сабабини диннинг сусайганидан, уламоларнинг ҳалқка раҳбарлик қилмаганидан кўрди (Ойбек).

Муштарак семаси "ҳолат", "бирлаштирувчи" семаси "психик" бўлган ҳолат феъллари муйаян муносабатни ифодалашига кўра икки туругҳа ажралади:

- а) ижобий муносабат ифодаловчи ҳолат феъллари;
- б) салбий муносабат ифодаловчи ҳолат феъллари.

Инсоннинг ижобий ёки салбий муносабатини ифодаловчи ҳолат феъллари таъсирчанлик (коннотация) даражаси ортиклигига, кучлилигига кўра алоҳида аҳамиятлидир. Бундай семантик гурухга киравчи сўзлар ҳам хабар (дарак), ҳам таъсирчанлик ифодалашпи, баъзи ҳолларда эса таъсирчанлик дарак (хабар) мантикий ифодасига нисбатан устунлиги, ортиклиги билан фарқланади. Қиёсланг: даҳшатланмоқ, телбаланмоқ, шодланмоқ.

I. Ижобий муносабат ифодаловчи психик ҳолат феъллари қуидаги семантик гурухларга киравчи тил бирликларида қуидаги мантикий ифода билан кузатилади: а) "хурсандлик": кувонмоқ, суюнмоқ, севинмоқ, яйрамоқ, шодланмоқ "Хурсандлик" мантикий ифодали ҳолат феъллари, асосан, инсон руҳий ҳолати, хиссиёти - ёқимли ички кечинмаси, унинг фаолияти ва ташки ходисалардан каттиқ таъсирланиши, нихоятда мамнун, шод каби ҳолатда бўлиши кабиларни ифодалайди. Бундай ифодага эга ҳолат феъллари хиссий (эмоционал) муносабатни туб, баъзан ясама (сифат -лан) феъл сифатида билдиради. Ушбу фарқловчи семали ҳолат феъллари қуидагилар: Қувонмоқ – хурсанд (севинган) ҳолатда бўлмок: Тўла катта байрамга кетаёттани учун кувонарди (М.Исмоилий). Донишманд ўз ишидан қувониб (С.Юнусов).

Суюнмок – жуда хурсанд (шод) ҳолатда бўлмок: Саида бунга жуда суюнди (А. Каҳхор). Султонмурод суюниб, Зайниддинга қаради (Ойбек). О, болалар шундай суюнишиди, ... иргишлаб, ўйнаб юборишиди. (М.Исмоилий).

Севинмок – жуда хурсанд (кувонган) ҳолатда бўлмоқ: Солининг "ука" деб айтганига Пўлат жуда севиниби (С.Юнусов). У шундай тақдирга бениҳоят севинди (Ойбек). Дилшод севинди, аммо Севарнинг сўзларини кўпроқ эшитишга мушток эди (У.Назаров).

Яйрамоқ – севинган (кувонган) мамнун ҳолатда бўлмоқ: У мени кўрса яйрайди (А.Қаҳхор). Розик мўйловини бураб, тилла тишини илтиратиб, яйраб, илжайиб турарди (С.Аҳмад).

Шодланмоқ – хурсанд (кувонган, шод) ҳолатда бўлмоқ: Самад шодланиб, қўлини чўзди (М.Исмоилий). Қани, ким шодланар асрға бокиб (А.Орипов). Болалар уйларида, қўчаларда, мактабларда кор ўйнашар, кор ўйнаб шодланишар (М.Исмоилий).

Кувонмоқ, суюнмоқ, севинмоқ, яйрамоқ, шодланмоқ кабилар умумий, бирлаштирувчи маъносига кўра синонимик қаторни хосил килса, бир томондан, иккинчи томондан, улар қўшимча маъно "оҳангига", маъно нозиклигига кўра ўзаро фарқланади. Ўзбек тилининг синоним ва изоҳли луғатларида бу сўз маънолари деярли бир хил изоҳланади<sup>1</sup>. Уларнинг ички маъно нозиклиги, фарқи стилистик имконияти ҳисобга олинмайди. Бизнингча, суюнмоқ, севинмоқ феъл маъноларида таъсиручанлик, қўшимча белги даражаси кувонмоқ, яйрамоқ, шодланмоқ сўзи маъноларидағи қўшимча бўёққа нисбатан ортиқроқ . Айни вактда суюнмоқ сўзида қўшимча буёқ севинмоқ феълидагига нисбатан бир оз ортиқроқ туюлади. Суюнмоқ сўзида хиссиёт таъсир кучига, ёқимли ҳис – туйғу уйотишига кўра характерланади. Аникроғи, суюнмоқ сўзи маъносига, талаффузига тингловчида ёқимли кечинма хосил килишига кўра фарқланади. Суюнмоқ, севинмоқ, кувонмоқ, яйрамоқ сўзлари кўпроқ жонли нутққа, шунингдек, поэтик услубга хос, нутқда кўп қўлланади. Шодланмоқ, асосан, китобий бўлиб, нутқда нисбатан кам қўлланади<sup>2</sup>.

б)"кониқмок (каноат қилмок)": қонмок, тўймок, мириқмок, коникмоқ, қаноатланмоқ, лаззатланмоқ, хузурланмоқ, роҳатланмоқ. "Кониқмоқ (каноат қилмок)" мантиқий ифодали ҳолат феъллари шахс ҳолатини ифодалайди. Улар инсоннинг мақсад, хоҳиш, истаги-уларни амалга ошириши, шунга бўлган ҳаракати, интилиши, муайян предмет ҳақида ижобий фикрга эга бўлиб, ишонч, қаноат хосил килиши, мамнунлиги-ўзидан қоникиши ёки предмет билан муайян

<sup>1</sup> Каранг: А.Хожиев. Ўша луғат, 174-бет. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II. 32-, 90-, 422-, 476-, 612-бетлар.

<sup>2</sup> Кийсланг: А.Хожиев. Ўша луғат, 174-бет

·муносабатга киришиб, таъсирланиши натижасида юз берган коникиш (каноат килиш) хисси билан боғлик ички кечинмаларни акс эттиради. Ушбу ҳолат феъллари ички кечинмани туб ва ясама феъл шаклида ифодалайди. Ясама феъл қуидагича тузилади: феъл - ик, от -лан. Шуниси ўзига хоски, ясама ҳолат феълларида билдириувчи хабар (дарақ)га нисбатан қўшимча хабар, қўшимча маъно (бўёқ) ортиқ даражада бўлади. Шунингдек, ясама феълдаги таъсирчанлик ҳатто туб феъллардаги таъсирчанликдан хам ортиклиги, кучлилиги билан фарқланади. Қиёсланг: қоникмок, лаззатланмок, роҳатланмок.

"Қоникмок (каноат килмок)" фарқловчи семали ҳолат феъллари қуидагилар: Қонмок -1. Қаноат (ишонч) хосил килган, кўнгли тўлган, ҳолатда бўлмоқ: Муталбой сизни обдон яхши биладур, Ҳамид ака, сизнинг қандай хизматингиз борлигига ҳам қонган (А. Қодирий). Яхши колинг севган юрту диёrim. Хизмат қилиб қонмай, қонга бўялдим (Ҳамза). 2. Бемалол, тўйган, мириқан ҳолатда бўлмоқ: Севган кизи билан ҳеч бўлмаса бир томошага бориб, бир кониб гаплашиш истаги унинг гўё коронғи кўнглида ёғду сочгандек бўлди (П.Турсун).

Тўймоқ - мамнун (хурсанд) ҳолатда бўлмоқ: Қувноқ юзларига қараб тўймайман, ширин қиликлари юрагимга эш ... (М.Бобоев). Қанча бокмай ўтмай, тўймайди қўнгил, хаёт гўзаллиги порлар юзида (М.Бобоев).

Мириқмок - жуда хузурланган (роҳатланган) ҳолатда бўлмоқ: Шундай мириқиб керишдики, бир зумгина киприклари бир-бирлари билан ковушди (М. Исмоилий). Абдулоҳид айвонда бақдан илиқ сувни мириқиб ичди (Ойбек). Чанқаб келганда-ку бирор ташна лаб, албатта, сув ичар, мириқар, тўяр (А.Орипов).

Қоникмок - 1. Кўнгли тўлган (каноатланган) ҳолатда бўлмоқ: Ўзбек ойим иккита рўмолига ҳам қоникмай, ўзининг келинлигидан қолган ... саллачасини қўшган эди (А. Қодирий). Тўла жавоб бердингиз, қониқдик, ука (А. Қахҳор). 2. Ҳузурланган, роҳатланган ҳолатда бўлмоқ: Шундай қоникиб ... керишди-ки, бир зумгина киприклари бир-бирлари билан ковушди (М. Исмоилий).

Қаноатланган - кифояланиш, коникиш ҳолатида бўлмоқ: Бирор ўзига тегишли ишни бажарили билан қаноатланади (А. Мухторов).

Лаззатланмок - ортиқ даражада хузур(маза) килган (роҳатланган) ҳолатда бўлмоқ: Энди тинч, осойишта кун кечириш хаёлида лаззатланиб, пинакка кетди (Н.Норматов). Бундайлар бирорни изза килишдан лаззатланади (С.Юнусов).

Ҳузурланмоқ - жуда хурсанд завқланган ҳолатда бўлмоқ: Қўқон дарвозасига кирган халқ Азизбекнинг от оёқлари остида судралиб кетишига хузурланиб томоша килар эди (А.Кодирий).

Каримжон азбаройи хузурланганидан коронғиликда ўз-ўзига жилмайиб кўйди (О.Ёкубов).

Роҳатланмок - хузур килган (мириқкан) ҳолатда бўлмоқ: Ҳозиргина иссиқ ҳаммомдан чиқиб, роҳатланиб ўтирган Мурzin хатанинг кичкина, очилмас тўрт кўзли деразасидан кизни кўриб колди (Шуҳрат). Соҳилларни айланиб, ўтирамиз оқшомлар, кеч лаззатига қониб, роҳатланади танлар (Т.Тұла). Мириқмок, лаззатланмок, хузурланмок, роҳатланмок феъллари белги даражасининг ортиклигига кўра ажралиб туради. Тўймок, мириқмок, роҳатланмок, асосан, сўзлашув нутқига хос.

В) "завқ-шавқ": завқланмок, шавқланмок, мароқланмок. "Завқ-шавқ" мантиқий ифодали ҳолат феълларида инсон руҳий ҳолати ифодаланади. Бундай ҳолат феъллари "завқ-шавқ", "иштиёқ (кизикиш)" семаларига кўра бошқа семантик гурухлардан ажралиб, инсоннинг кўтаринки (ижобий) кечинмасини, бирор нарса-ходисадан ортиқ даражада таъсирланиб, жуда мамнун, курсандигини билдиради. "Завқ-шавқ" маъносига эга феълларга хос доимий хусусиятлардан бири руҳий ҳолатни ясами (от -лан) шаклида ифодалашдир: -лан ясовчиси бундай ҳолат феълларида шаклан -ла -и каби қисмларга бўлинади, аммо маъно жиҳатдан шу ҳолат феъллари доирасида алоҳида қисмларга ажралмайди, бир бутун саналади. Киёсланг: завқланмок - хузурланган, завкли, марокли ҳолатда бўлмоқ: Анвар жавобни ўқиб завқланди (А.Қодирий). Султонмурод бундай ерларга такрор-такрор келиб, фикрларга берилиб, танҳо тентирашдан завқланарди (Ойбек). Ўқтам ўз синглисингин аzonда туриб, опаси билан супурги талашганини кўрганда завкланиб кулади (Х.Назир).

Мароқланмок - ортиқ даражада хузурланган, марокли, завкли ҳолатда бўлмоқ: Мен хотира дафтарини ўқиб мароқландим (Саодат). Балли кизим, Чўли бобо Ферузанинг ёнига келиб, унинг ҳаракатларини мароқланиб кўздан кечирди (Х.Ғулом).

Шавқланмок - кучли даражада завқланган, шавқ-завқ ҳолатида бўлмоқ: Ўқтам жонланиб, шавқланиб кетди (Ойбек). ... остонасидағи узун сарров эсингиздами. - сўради Али тажанг шавқланиб (Ойбек). Завқланмок, мароқланмок, шавқланмок синонимлари тилда ҳам (лексема), нутқда ҳам (суз формаси сифатида) таъсирчанлиги, қўшимча маъноси (бўёғи)нинг кучлилиги, бўртиб туришига кўра қўшимча таъсир кучига эга синонимик муносабатдаги бошқа ҳолат феълларидан фарқланади. Айни вактда бу семантик гуружда мароқланмок, шавқланмок қўшимча белгисининг ортиклигига кўра етакчи саналади. Бу феъллар, асосан, адабий тилга, бадиий услубга хос. Завқланмок оғзаки нутқка оид бўлиб, кўп ишлатилади.

г) "кўтаринкилик": руҳланмок, дадилланмок, дадиллашмок, умидланмок, тетикланмок: "Кўтаринкилик" мантикий ифодали ҳолат феъллари шахс, баъзан хайвон ҳолатини ифодалайди. Улар инсон (баъзан хайвон)нинг муайян фаолиятга, мақсад-ҳошишга, заруриттага катта куч, истак билан интилишини, шунга эришишда руҳий тайёрлигини, руҳий имкониятга эгалигини, мақсадга эришишда дастлабки "қадам"-психологик ҳозирлигини ифода этади. Ушбу феъллар олдидан гаҳда ҳолатнинг таъсир даражасини англатувчи анча, яна ҳам, сал каби сўзлар қўлланади. Айни ҳолат феъллари от-лан, сифат -лан, -лаш тузилишидаги ясама феъллар сифатида кузатилади: Руҳланмок- илҳомланган, дадил ҳолатда бўлмок: Бойқаронинг зафар ғурури билан руҳланган йигитлари душманни енгиб, ... (Ойбек). Шайбонийхоннинг бу мағлубияти Бобирни анча руҳлантириди (Бобир). Самолётдан парашютдан биринчи сакрашдаги муваффакиятдан руҳланган Ўқтам меҳмонлар устидан чиқди (Х. Назир).

Дадилланмок - тетикланган, дадил ҳолатда бўлмок: Бунинг хаммаси Шайбонийхонни дадиллантириди (П. Қодиров). Ўқтам яна ҳам дадилланди (Х. Назир). Худо хайрингни берсин, иним, - деди Ҳожи, Рустамжоннинг юмшаганидан сал дадилланиб (Х. Назир).

Дадиллашмок - тобора тетикланган, дадил ҳолатда бўлмок: Айтиб берсангиз, балки тоҷарман деди Адолат дадиллашиб (С. Зуннунова). Дадилланмок ва дадиллашмок синоним сўзлар сифатида нозик маъно фарқига эга. Аникроғи, дадиллашмок сўзида дадилланмок сўзига ҳам бевосита хос "тетикланиш", "руҳланиш", "дадиллик"нинг "ӯсувланилиги" сезилади. Дадиллашмок қўшимча "тобора", "борган сари" белгисига кўра фарқланади. Бундай изоҳ гап туфайли содир бўлади. Аммо бу нисбий. Баъзи холларда дадиллашмок сўзи маъноси дадилланмок маъноси билан айнан бир хил изоҳга эга бўлиб, улар орасидаги қўшимча сема фарқи йўколади. Бу ҳам гаҳда юз беради. Бундай маъно умумийлиги факат шаклий жихатдан бир оз фарқланади. Қиёсланг: Самад анча дадиллащи. Самад анча дадилланди.

-лаш қўшимчаси билан ясалган ҳолат феълларида ўзлик нисбатига хос хусусият сезиларли бўлгани холда (юкоридаги мисол) бундай феъллар маъно жихатдан -лан билан ясалувчи феълларга ўхшайди. Шунинг натижасида баъзи ҳолат феълларида -лаш ва -лан қўшимчаларининг бирини иккинчиси билан алмаштириш мумкин<sup>1</sup>. Қиёсланг: дадилланмок - дадиллашмок тетикланмок - тетиклашмок. Аммо -лан ва -лаш ясовчилари орқали маъно жихатдан айнан бир хил феъл ясалиши маълум ҳолат

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбек тили грамматикаси, I, Тошкент, 1975, 369-бет.

феъллари доирасида чегараланган (юкоридаги мисолларга қаранг). Бундай айнан бир хил изоҳ "кўтаринкилиқ, руҳланиш" ифодали ҳолат феълларидан факат дадилланмоқ ва тетикланмоқ сўзларига хос. Бошка руҳий ҳолат феълларида эса бундай жараённи амалга ошириб бўлмайди. Киёсланг: руҳланмок, умидланмок, алоҳида мустакил қўлланади. Руҳлашмок<sup>1</sup>, умидлашмок алоҳида мустакил қўлланмайди, чунки бу феъллар мустакил қўлланиш маъно имкониятига эга эмас.

Дадиллашмок, айтилганидек, "тобора тетикланган, дадил" изоҳига эта. Айтиб берсангиз, балки топарман, деди Адолат дадиллашиб, гапида дадиллашмок феълида ўзлик нисбатига хос хусусият аник ифодага эга. Шу сабабли бу гапда ҳам феъллик хусусиятини -лан аффикси билан ҳосил қилиш мумкин. Киёсланг: Айтиб берсангиз, балки топарман, деди Адолат дадилланиби. Бундай ҳолда изоҳ нуктаи назаридан "тобора" семантик белгиси йўқолади. Бизнингча, "тобора" семаси дадиллашмок шаклида қўлланишидан ҳамда шу феълининг гапда бошка сўзлар билан боғланишидан, нутқий куршов аъзолари билан мантикий - семантик муносабатта киришишидан, уларнинг мантикий таъсиридан, гапда ифодаланган фикрнинг характеристидан келиб чиқади.

-лан ва -лаш ёрдамида ясалувчи ҳолат феълларида қандай нисбатта хос хусусиятининг ифодаланишидан қатни назар бу қўшимчалар билан ясалган феъллар аник нисбат формаси хисобланади<sup>2</sup>. Чунки руҳланмок, дадилланмоқ, дадиллашмок, умидланмок, тетикланмоқ каби феълларда нисбат формасини ясовчи қўшимча йўқ. Бу ҳолат феълларида (бошқалардагидек) лан ва -лаш алоҳида, мустакил ясовчи қўшимча саналади.

Умидланмок - умидвор ҳолатда бўлмоқ: Эъзозхондаги кувноклик аломатлари уни умидлантиради (Ҳ.Фулом). Нигорахоним эса тишини тишига кўйди, эримдан яшнамаган бўлсам, қизимдан ва олдимга кўйган ўғилларимдан ёлчирман, деб умидланди (А.Кодирий). У юпаттувчи сўзлар билан дўстини умидлантиришни истамади (Ойбек).

Тетикланмок - дадилланиш (тетикланиш) ҳолатида бўлмоқ: Дастрлаб ўзини айборд сезиб, шумшайиб ўтирган бола секин-секин тетикланди (Ойбек). Афандининг мулојим гаплари итларни тетиклантириди (Латифалар). Муздай сув кўзини очди, яна мияси фикр кила бошлади, ўзи тетикланди (Шухрат). Бу семантик гурух бирликлари асосан китобий-поэтик услубга хослити билан мустакиллар.

д) "хис-ҳаяжон": ҳаяжонланмок, таъсиранмок, тўлқинланмок. "Хис-ҳаяжон" фарқловчи семали ҳолат феъллари шахснинг кўтаринки руҳий ҳолатининг, хиссиётининг ижобий кўринишини, бу орқали воқеликнинг хиссий баҳоланишини ифода этади.

<sup>1</sup> Руҳлашмок кимёвий модда билан боғлиқ ҳаракат-жараен сифатида мустакил.

<sup>2</sup> Қаранг. Ўзбек тили грамматикаси. I. 369-бет.

Бундай ҳолат феълларига ҳам хос хусусият инсон рухий кечинмасини ясама феъл шаклида билдиришидир. Ясама феъллар от -лан тузилишига эга.

Ушбу мантикий ифодали ҳолат феъллари қуидагилар:

Хаяжонланмок - ортиқ даражада тұлқинланган (таъсиранланган) ҳолатда бұлмок: Навоий буюк шоир ва адібларнинг асарларини ўқигандагина шундай хаяжонланарди (М.Осим). Сезиб турибман, қийналиб, хаяжонланаб гапирыптилар (Ф.Мусажонов). Ҳөвлиқкан, ғазабланган, хаяжонланган Сергей шу ғапни айтиб, минбардан тушаркан ... (Х.Ғулом).

Таъсиранмок — хаяжонланган (тұлқинланган) ҳолатда бұлмок: Навоий Гулининг сұзларидан қаттық таъсиранди (И. Султон). Сергей ғоятда таъсиранди (Х. Ғулом). Бу холдан таъсираныб, Анварнинг онаси күзига ёш оди (А. Қодирий).

Тұлқинланмок - жуда хаяжонланаб, қайнаб тошган (жүш урган) ҳолатда бұлмок: Агарда ўша вактда, шахарда бокишга рухсат берилганида, иккита сигир олиб, хонадонни сут-қатық, қаймоққа сероб қилиб ташлардим, деган эди тұлқинланыб Рихсиниса (Мирмұхсин). Күтілмаганда қалбимда ғуур хисси тұлқинланыб кетди (А.Мұхтар). Элмурод тұлқинланган хаяжонини босиб гапириди (П.Турсун). Хаяжонланмок, таъсиранмок, тұлқинланмок сұзи маъноларыда таъсиранлик даражаси ортиқ. Улар, асосан, бадий - шеърий услугуга хос.

Е) "кибр-хаво": кеккаймок, керилмок, гердаймок, серраймок, ғұдаймок, чиранмок, шишинмок, мағрурланмок, ғуурланмок, фахрланмок, кибрланмок, хаволанмок. Бундай мантикий ифодали ҳолат феъллари шахс, баъзан ҳайвон ҳолатини ифода этади. Бу ҳолат инсоннинг бирон предмет билан яқиндан (ички) ёки ташки алоқаси, бу алоқаны инсонга ёкимли таъсирининг натижаси-ижобий ички кечинмаси, хиссиёті бўлиб кузатилади. Ушбу фарқловчи семага эга ҳолат феъллари туб, кўпроқ ясама феъл саналади. Ясама феъл қуидаги тузилишга эга: сифат -лан, от -лан.

"Кибр - хаво" маъноли ҳолат феъллари қуидагилар:

Кеккаймок - ўзини юқори туттган, мағрур, димоғдор ҳолатда бұлмок: Салимбойвачча ... бир-биридан кеккайган бойваччаларнинг олдига бу отда боришини ўзига эп кўрмай (Ойбек). Кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка етгунча (Мақол). Офицер алланималар гапириди, кеккайди (Шұхрат).

Керилмок - кеккайиш, керилиш ҳолатида бұлмок: Мактантаннинг уйига бор, керилганинг тўйига бор (Мақол).

Гердаймок - 1. Мағрур, кеккайиш ҳолатида бұлмок: Нима учун энг тантик, гердайган йигитлар ҳам унинг номини тоқ айтольмай Мухайёхон дейишади (А.Қаххор). Илмим баланд инженерман, деб

гердаймас экан, кора ишдан сира ҳазар қилмас экан (Ойбек). Бойвачча күчада, халқ орасида қандай бўлса, уй ичида ҳам шундай гердайган, зугумли эди (Ойбек). 2. Мақтанчоқ ҳолатда бўлмоқ: Мисрбой ҳоким тўранинг маҳкамасидан қайтиб келгандан кейин сўраганларга шундай деб гердайди (С. Абдулла). -Биттаям учим йўқ, ҳаммаси тўртбеш, -деди у гердайиб (Ф. Мусажонов).

Серраймок - гердайиш, кеккайиш ҳолатида бўлмоқ: Улуғ бўлсанг кеккайма, ўз ҳалқингта серрайма (Мақол).

Ғўдаймок - ўзини катта туттан, гердайган ҳолатда бўлмоқ: Аъзам (Нафисанинг) саломига алик олмасдан, "гапинг бўлса гапиравер, иккала қулогим сенда", дегандек ғўдайиб турди (Шухрат). Ходи болалигида ҳам сал ғўдайганроқ эди (С. Аҳмад).

Чиранмок - катта кетмоқ, мақтаниш ҳолатида бўлмоқ: Нима, - дедим чираниб (У.Назаров). Ўзинг жойсиз чиранганингдек мени ҳам ўз ёнигга тортмоқчи бўласан (А.Қодирий). Чиранманг, полвон, - деди кулиб Усаржон (Ойбек). Кеккаймок, гердаймок, ғўдаймок, серраймок, чиранмок маъноларида хиссий таъсиричанлик бўёғи ортиқ. Айникса, кеккаймок, серраймок сўзларида белги даражасининг ортиқлиги сўз товуш таркибидағи қўш ундош таъсирида юз беради. Чиранмок сўзида белги даражасининг кучлилиги унинг маъно тузилишига боғлиқ . Ғўдаймок, кеккаймок, керилмок, гердаймок сўзлари, асосан, жонли нутққа хос бўлиб, кўп қўлланади. Серраймок халқ оғзаки ижоди асарлари тилига хос, нутқда жуда кам қўлланади.

Шишинмоқ - кибрланган, кеккайиш ҳолатида бўлмоқ: -Калай, шаҳарбон бўйтими, -деди ғурурдан шишиниб Жўрабой (Х.Назир). Сизга ўхшаш тажрибакорлар билан кенгаш қилган эдим, - чақирирсам бормадингиз, - деди Турғунов -"қачон? ҳеч хабарим йўқ" - сал шишиниб деди Бўрибой (Х. Назир).

Мағрурланмоқ - ғурурланиш, кибрланиш ҳолатида бўлмоқ: Офицер алланималар гапириди, кеккайди, мағрурланди (Шухрат). Қўғик, қўғик. -деди тиғдор мақтовдан мағрурланиб (С. Юнусов). Кимдир оттан ўкининг кирувчи самолётта теккани билан мағрурланди (Шухрат).

Ғурурланмок - 1. Фаҳрланган ҳолатда бўлмоқ: У бу юртнинг кечмиши ва ҳозири билан ғурурланди (Ш.Тошматов). Ўзининг шундай киши билан дўустона муносабатда бўла олишига ғурурланади (Р.Файзий). Элмурод болаларнинг деворий газетани дам бадам ёпирилиб ўқишаётганини кўриб, кун бўйи ғурурланниб юрди (П. Турсун). 2. Мағрур, ўзига ишонган ҳолатда бўлмоқ: Ғурурланган Шахзода Журжон ҳокими устига юриш қилиб, кулагина енгди (Ойбек).

Фаҳрланмоқ - ғурурланган, мағрур, фаҳрланиш ҳолатида

бўлмок: Ҳиротликлар ўз шаҳарлари билан фахрланар, унинг тупргини олтинга ўхшатар эдилар (Ойбек). Уни кўрганда кувонар, у билан фахрланарди (С.Юнусов). Бир оз фахрланди (О.Мухторов). Магурланмок, ғурурланмок, фахрланмок сўз маъноларида қўшимча ижобий бўёқ, таъсирчанлик яқол бўлиб, айни сўзлар, асосан, бадиий-шеърий услугга хос.

Кибрланмок - ўзини анча юкори кўйган (манманликка берилган) ҳолатда бўлмок: Рихсибой aka кейинги пайтда жуда кибрланиб кетди, колхозда эришилган ютуклар ҳаммаси мен туфайли дейдиган бўлиб колди (Р. Файзий).

Ҳаволанмок - мағрур, ўзини юкори кўйган ҳолатда бўлмок: Енгил галабадан ҳаволанган Эрон кўшини массажетларнинг чекинаётганини эшитиб, зудлик билан уларни таъкиб эта бошлади (М. Осим). - Қари одамини муштумдай бола олдида хақорат қилганингиз, болангизни ҳам одам олдида ноҳақлик билан ҳимоя эттанингиз яхшими? Болангаз бундан ҳаволанмайдими, деди Расул aka хотинга (М. Исмоилий). Ахир мени жуда ҳаволантириб юборасиз -ку, мулла Йўлдошли (С. Абдулла). Кеккаймок, шишинмок, кибрланмок, ҳаволанмок сўзларида салбий бўёқ кучли. Шишинмок, кибрланмок, ҳаволанмок бадиий услугга хос бўлиб, кам кўлланади.

Ё "дикқат-эътибор қилмоқ": кизиқмок, сукланмок. Ушбу мантикий ифодали ҳолат феъллари шахснинг бирон шахс ёки предметга, унияг ким ёки нималигига, кимга тегишлиги, моҳияти қандайлиги, юзага келиш сабаби ва бошқа хусусиятларини билиш-инсон руҳий фаолиятида етакчи кучга эга дикқат - эътибор. руҳий кечинмаси (хисси) билан боғлик жараёнларни ифода этади. Бунда инсоннинг дикқат - эътибор қилиш билан боғлик фаолияти муайян ташки сабаблар билан боғланиб, шулар орқали ҳаракатчан кучга айланади. Бундай феъллар руҳий ҳолатни туб, баъзан ясама феъл шаклида англатади, Ясама феъл от -лан тузилишига эга. "Дикқат - эътибор қилмоқ" мантикий ифодаси гапда қўйидаги феъллар орқали намоён бўлади: Қизиқмок - дикқат- эътибори ортмоқ, берилган ҳолатда бўлмок: Аёл унга кизиқиб тикилди (Н. Норматов). Биз паҳтачиликка кизиқдик (А. Қаҳхор). Китобга кизиқиб, чой ичишни ҳам эсимдан чиқарибман (Ойдин).

Ҳавасланмок - ҳавас қилган, кизиқкан ҳолатда бўлмок: Ҳамма кўчатларга ҳавасланарди (М.Исмоилий). Бир кунда саксон, юзга етказиб каклик отиш хеч гап эмас эди. Эшман жуда ҳавасланиб, тикилиб колди (Ш.Фуломов). У болани кўрганда ўзининг боласизлигини эслар, ҳар бир болага сукланиб, ҳавасланиб қарар эди (М.Исмоилий).

Сукланмок - ҳаваси келган ҳолатда бўлмок: Биз юрганда

сукланиб бокар эди одамлар (Т. Йўлдош) Тозагул Қумрини кўрпачага ўтқазар экан, унинг янги ҳаёт лопиллаб турган кўкрагига, қорнига сукланиб қаради (Ҳ.Ғулом). Заргаров бу бебаҳо бойликларга сукланиб, узоқ қараб турди (А.Мухтор), Қизиқмоқ феъли кўшимча бўёғига кўра бетараф бўлиб, асосан, жонли нутққа хос, кўп кўлланади. Ҳавасланмоқ маъносида ижобийлик, сукланмоқ маъносида эса салбийлик бўёғи бўлиб, улар, асосан, бадиий нутққа хос, кам ишилатилади.

ж) "рози бўлмоқ": кўнмоқ, унамоқ; юрмоқ. "Рози бўлмоқ" мантиқий ифодали ҳолат феъллари шу семасига кўра нисбий мустакил бўлиб, шахснинг муайян иш-жараён, ҳаракат -фаолият ва шу кабиларнинг амалга ошиши, бажарилиши, мақсадга мувофиқ ҳал қилинishi учун улар хохишнинг билдиришини, розилигини маъкуллашини, талаб, шарт, илтимосга унашини ифода этади. Яъни бу ҳолат феълларининг марказий-хабар ташувчи семасида инсоннинг муайян фаолият ёки таълаб, шарт кабиларнинг бажарилишига бўлган ижобий муносабатининг ифодаланиши акс этади. "Рози бўлмоқ" маъноли феълларга хос хусусият инсон ҳиссий ҳолатини туб феъл - тил бирлига шаклида билдиришидир. Улар қуидагилар: Кўнмоқ-рози ҳолатда бўлмоқ: Шоҳ англаб, чол арзини унга аранг кўнади (Т.Йўлдош). Уни ташлаб, бир түя билан кетишига туячилар кўнмади (М.Исмоилий). Ҳоким бунга кўнди (Хандалар).

Унамоқ - рози, кўнган ҳолатда бўлмоқ: Менинг маслаҳатимга Омон, Омоннинг маслаҳатига мен унамадим (А.Кодирий). Буйргумни кўрбошига айтсанг, унар (А.Кодирий). Мулла Икром "кийик" одам бўлганиданми ёки касби шуни лозим кўрганиданми муросага унамади (Ойбек). Кўнмоқ маъносида "рози бўлиш" даражаси ортикроқ, яққолроқ бўлиб, бу сўз нутқда кўп кўлланади. Унамоқ эскирлан.

"Рози бўлмоқ" мантиқий ифодали феълларга хос хусусият тилда ҳам, нутқда ҳам, асосан, ҳаракат маъносига эга юрмоқ сўзи баъзан нутқ бирлиги сифатида ўзининг доимий, асосий маъносидан "чекиниб", муайян нутқий вазиятда кўлланишига, гапнинг курилиш аъзолари билан лексик-грамматик муносабатта киришишига, тил бирликлари қуршови таъсирида нутқий маънога эга бўлади, маъно жихатдан ўзгаради. Яъни юрмоқ сўзи гапда ҳолат маъносида кузатилади. Бундай холда бу сузнинг шаклий томони билан маъно томони орасида номутаносиблик (асимметрия) юз беради. Бу номутаносиблик муайян нутқий вазиятда, нутқ жараёнида мантиқан тугри бўлиб, ўзига хос аҳамият касб этади.

Мавжуд борлик предмет - ходисалари ўзаро диалектик боғликлиқда, муносабатда бўлганидек-буларнинг иккиласи мавжудлиги, "яшаши" сўзларда юз бериб, мантиқан, конунан

сўзлар(сўз маънолари) ҳам ўзаро диалектик муносабатда бўлади, бири иккинчисига ўтиб туриш жараёнини "бошидан кечиради". Сўзлардаги бундай семантик ўзгариш, ўтиш нутқий хусусиятга эгалиги, нутқдагина юз бериши, нутқий кўчма маъно содир бўлиши билан изохланади, чегараланади. Демак, нутқ ўта "эркинлиги", "ҳаракатчанлиги" билан ҳам тилдан фарқ қиласди. Кийёсланг: Юрмок - рози (кўнган, унаган) ҳолатда бўлмоқ: Яхши маслаҳатта ҳамма ҳам юради {А. Қаххор). Оз бўлса ҳам пешона терим билан топаман, суктойлик, мўлтониликка сира юрмайман (Ойбек). Тўғри, ихтиёр ўзларида, лекин сизга маслаҳат соладилар, маслаҳатингизга юрадиларда, яхши маслаҳат берсангиз юрмайдиларми (А. Қаххор). Юрмок сўзлашув нутқига хос бўлиб, кўп кўлланади.

3) "интилмоқ"; қўмсамоқ, орзиқмоқ, зориқмоқ. "Интилмоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон руҳий ҳолатини ифода этувчи бирликлар бўлиб кузатилиди. Улар инсон руҳий фаолиятида нисбатан тургун бўлган, унинг руҳий фаолиятини тўла эгаллаб, етакчига айланган, унинг бошиқа инсонга булган интилиши, у билан яқин муносабатни хосил қилиш руҳий кечинмасини билдирувчи, шахсни баҳоловчи сўзлар бўлиб изохланади. Ушбу фарқловчи семали феъллар ҳолатни туб, кўпинча ясама феъл шаклида акс эттиради. Ясама феъллар от -к, сифат -ик тузилишига эга. Ушбу ҳолат феъллари гапда қўйидаги мантикий ифодаларга эга бўлади: Кўмсамоқ -1. Соғинган, эслаган ҳолатда бўлмоқ: Мен ... сизни кўрамиканман, деб йўлингизга жовдирайман, сизни кўмсайман (М.Исмоилий). Эри билан кўлтиқлашиб ўтса барнолар, раҳматлиқ чолгинамни кўмсаб йиглайман (Ғ.Ғулом). Киши каригандан кейин киндик қони тўкилган жойни кўмсаб коларкан. (Б.Рахмонов). 2. Кўнгли тусаган ҳолатда бўлмоқ: Хотини олдига овқат қўйганда Сайдгозининг кўнгли ичкилик кўмсади (С.Анорбоев).

Орзиқмоқ - интизор, муштоқ ҳолатда бўлмоқ: Кўпдан кутган эдим орзиқиб, мана булувлар тарқади, тўкишиб кўз ёшин (А.Орипов). Дилбар, гулгун жамолингни кўрай, деб орзиқиб, бок десам, бокмай аразинг келди-ю, сен келмадинг (Альманах). У эрини кутган, орзиқкан, тайёрланган эди (А.Мухтор). Орзиқмоқ асли орзу килемоқ бўлиб, орзу сўзига -к ясовчисининг қўшилишидан юзага келиб, бунда лексик морфема таркибидағи у -и га ўтган. Бундай товуш ўзгариши нутқ жараёни билан боғлиқ бўлиб, нутқда юз бериб, орзиқмоқ шаклида тил луғат таркибиغا ўттан, тил бирлигига айланган. Орзу килемоқ (орзу), орзиқмоқ (орзи -к -моқ) нутқда алоҳида кўлланади. Бундай товуш ва тузилиш фарқи асосида маъно бир хиллиги, қўшимча маъносига, бўёғига (коннотациясига) кўра эса фарқ мавжуд. Яъни орзиқмоқ сўзида белги даражаси ортикроқ.

"Ўзбек тили морфем луғати"да орзу ва шу сўз асосида тузилган ясама сўзлар берилган, морфем таркиби аниқланган. Аммо шу тил бирлиги асосида шакланган орзиқмоқ, орзиқтирмок сўзлари луғатда қайд этилмаган.

Зориқмоқ - сабрсизлик билан кутган (интизор) ҳолатда бўлмоқ: Ана ундан кейин сен ҳам ота ё она бўласан, бугун сен қакшатаётган ота-оналаринг сингари сен ҳам болаларингдан иззат - хурмат кутасан, зориқиб мушток бўлиб кутасан (М.Исмоилий). Булар излаган, булар зориқкан ана шундай одам бор эди (М.Исмоилий). Фурсат танг, қирғоқнинг у томонидаги жанговор дўстлари Санаевнинг сигналини зориқиб кутиб турдилар (Н.Сафаров). Орзиқмоқ, зориқмоқ китобий — шеърий услугга хос бўлиб, белги даражасининг ортиклиги, кучлилиги билан ўзига хосдир. Айниқса, зориқмоқ маъносида бундай белги ортиқроқ. Қўмсамоқ, асосан, оғзаки нутққа хос, кўп кўлланади.

и). "Ховуридан тушмоқ": юмшамоқ, бўшашмоқ, мулоимлашмоқ яхшиланмоқ. Бундай мантикий ифодали ҳолат феъллари инсоннинг бир ҳолатдан бошка ижобий ҳолатта ўтанини билдиради. Яъни бунда инсон жаҳл, ғазаб (аффект) ҳолатидан "тушади", юмшаради, майинлашади. "Ховуридан тушмоқ" фарқловчи семали ҳолат феъллари туб ва ясама феъллардан ташкил топиб, ясама феъл сифат -а, -лаш(-лан) тузилишига эга: Улар қуидагилар: Юмшамоқ - жаҳлдан тушган, бўшашган ҳолатда бўлмоқ: Кудрат ота бир оз юмшади (Н. Фозилов). Ахволимизни кўриб, командир яна юмшади (Ф.Мусажонов). Зумрад ўзгарди, халиги чарсиллаши колди, юмшади (А.Мухтор).

Бўшашмоқ - юмшаган, шахтидан, ниятидан бир оз тушган ҳолатда бўлмоқ: Ҳасан иш катталашиб кетишидан қўрқиб, сал бўшашди ва димогида деди (Ҳ.Назир). Офтоб ойим эрининг кейинги сўзи билан анчагина бўшашди (А.Кодирий). Лекин Равшанинг раислик қилувчига кўл кўтариб турганини кўриб, улар бўшашди (Н.Ёкубов).

Мулоимлашмоқ - майинлашган, назокатли ҳолатда бўлмоқ: - Туринг, қизим, - эллиқбошининг товуши бирдан мулоимлашди, - ота - онанинг бошини букманг (Ойбек). Кори қанчалик мулоимлашмасин, Элмурод у билан муносабатда чин кўнгилдан ковушолмас эди (П. Турсун).

Яхшиланмоқ - юмшаган ҳолатда бўлмоқ: Гулнор ҳозир Нурининг меҳрибончилигига севинди, Эрга тегиб, феъли анча яхшиланибди, шекилли деб ўйлади (Ойбек). Юмшамоқ, бўшашмоқ сўзлашув нутқига, мулоимлашмоқ, яхшиланмоқ кўпроқ китобий - шеъриятга хос. Мулоимлашмоқ хиссий - таъсирчанлик бўёғининг ортиклигига, қўшимча "ёқимли" семасига кўра

тавсифланади. Мулойимлашмоқ туғри маңнога нисбатан күчма маңнода күп күлланади<sup>1</sup>.

к) "тинчланмок": овунмок, юпанмок, тинчимок, тинчланмок, хотиржамланмок. Ушбу мантикий ифодали ҳолат феъллари хам инсоннинг бир ҳолатдан — нотинчлик, ташвиш-мусибат, кўнгли ғашлиқдан, ўз- ўзига фикран ёки ташки воситалар таъсирида тинчланган, ҳовуридан тушган, хотиржам ҳолатга ўттанини ифодалайди. Бундай ҳолат феъллари тузилишига кўра туб ва ясама (сифат -и, -лан) бўлади. Улар гапда қуйидаги мантикий ифода билан қатнашади:

Овунмок - юпанган, дард-аламни унуттан ҳолатда бўлмоқ: Аям хотин-халаж билан бўлиб, бир оз овунди (А.Қаххор). Элмурод бу одамлар орасида бир оз юпанди (П.Турсун). Ўқтам фронтда кишлоқ одамларини эслар ва овунар эди (Ойбек).

Юпанмок - таскин топган (овунган) ҳолатда бўлмоқ: Ҳолмурод бу одамлар орасида бир оз юпанди (П.Турсун). Ҳозир ҳам шу фикр билан юпаниб, ўғлиниң ғалати ахволига чиройлироқ тус беришга уриниб, ўз ишлари билан овора бўлди (А. Мухтор).

Тинчимок - тўла хотиржам, юпанган ҳолатда бўлмоқ: Аскар уни тинчитди (С. Абдулла). Ахири мени бошқа синфга ўтказиб, тинчиди(Ф.Мусажонов). Кўнглим энди мутлақо тинчиган эди (О.Ёкубов): Тинчимок сўзи маъносида хотиржамлик, таскин топиш даражаси кучли.

Тинчланмок - юпанган, хотиржам ҳолатда бўлмоқ Ашурор шу бугунок Ўқтамни топиб, гаплашишига сўз бердида, бувани тинчлантириди (Х.Назир). Мунира бир оз тинчланиб, бошини кутарди (У.Назаров). Хийла тинчланиб, нос кайфини сураётган Шоқосим уста бехосдан бирор туртгандай тебраниб тушди (Х.Назир).

Хотиржамланмоқ - тинчиган, бехавотир ҳолатда бўлмоқ: Бек йўлни кўздан кечириб, тунда сургалиб ўтганида тупроқда колган изларни шамол сулириб текислаганини кўрди-да, хотиржамланди (Х.Ғулом). Юпанмок китобий - шеърий, овунмок, тинчимок, тинчланмок, хотиржамланмоқ кўпроқ сўзлашув услубига хос. Овунмок, юпанмок феъллари ижобийлик бўёғига эга.

II. Салбий муносабат ифодаловчи психик ҳолат феъллари қуйидаги семантик гурухларга кирувчи тил бирликларида қуйидаги мантикий ифодада қатнашади. а)"Жаҳали чиқмок": гижинмок, ижирғанмок, кизишмоқ, ёнмок, ҳўмраймок, шумшаймок, олаймок, ўқраймок, ғазабланмоқ, қаҳрланмок, аччиғланмок, шиддатланмок, асабийлашмок. "Жаҳали чиқмок" мантикий ифодали ҳолат феъллари, асосан, инсон, баъзан ҳайвон руҳий ҳолати, унинг мавжуд

<sup>1</sup> А. Ҳожиев. Ўша лугат, 235 - бег.

воқеликка ва узига нисбатан бўлган салбий муносабати билан боғланади. Улар инсоннинг салбий муносабатини кучли даражада ифодалашига кўра ажралиб туради. Бундай ҳолат феъллари инсон фаолиятини, гайрати, ҳаракати-ҳолатини кучайтирадиган - шунга фаол таъсир қиласидиган хиссиётни ифодалайди. Яъни бу ҳолат феълларида инсоннинг салбий таъсирланиши (ижобий бўлиши ҳам мумкин) натижасида тез, бирдан юз берган, нихоят даражада кучли, жўшкенилик билан ўтадиган қисқа муддатли ҳиссий ҳолат - ғазабланиш, жаҳланиш кабилар кузатилади. Шунга кўра бу феълларни ғазабланиш маъносини ифодаловчи ҳолат феъллари дейиш мумкин. Ушбу ҳолат феъллари семантик турухи туб ва ясама феъллардан ташкил топади. Ясама феъллар қуидигача тузилади: от -лан, сифат -й, -лан, (-лаш). Ясама феълнинг -лан, -лаш қушимчаси асосга нисбатан ясовчи сифатида алоҳида, мустақил саналади. "Жаҳли чиқмок" маъноли ҳолат феъллари қуидагилар: Фижинмок - аччиғланниш, жаҳланиш ҳолатида бўлмок: Равшан йигитдан Хожарнинг эски одатини давом эттираётганини эшитиб, ичидагажинди (Н.Ёкубов). Агар юрмасангаз, - деди милиционер гижиниб... (У. Назаров).

Ижирғанмок - аччиғланган, асабийлашган ҳолатда бўлмок: Кудрат ижирғаниб, муштларини тугди (М. Исмоилий). Севар ижирғаниб, ўрнидан туриб кетди, дадасининг гали оғзида қолаверди (У.Назаров). Алимардон унинг гаплашгиси келиб турганини пайқаб, яна ижирғанди (У.Хошимов). Ижирғанмок сўзида "жаҳланиш" белгиси ва таъсирчанлик даражаси ортиқ.

Қизишмок - тутақкан, аччиғланган ҳолатда бўлмок: Отаси қизишиб, бўғилиб гапирав (М. Исмоилий). Ўзи нима гап - чол яна қизишиб кетди (Ойбек).

Ёнмок ҳаракат, жараён ифодаловчи сўз бўлиб, гапда нутқ бирлиги сифатида кўчма маънода инсон руҳий ҳолатини билдиради. Қиёсланг: Ёнмок - қизишган, (асабийлашган) ҳолатда бўлмок: Сиз онамдан ҳафа бўлманг, азизим, унинг одатини биласиз-ку, бир ёниб, бир учаверади (С.Анорбоев). Ёнмок маъноси "тезда" кўшимча белгига ҳам эга бўлиб, айни тил бирлиги сўзлашув нутқига хос.

Хўмраймоқ - ковоғи солик, жаҳл ҳолатида бўлмок: Тугонбек индамади, даструмоли билан кенг, сертуқ кўкрагани елпид, атрофга "чирт-чирт" тупук отиб ўтиради-да, нихоят хўмрайиб қаради (Ойбек). Салимжон анчадан кейин бир оз юмшади, лекин Мухайёга хўмрайиб қаради (А.Қаҳҳор). Тогнинг баланд чўққисвда ўтирган кушлар шохи пастда йигилаётган одамларга йиртқич кўзлари билан хўмрайиб қарайди (М.Исмоилий).

Шумшаймок - ҳафа ҳолатда бўлмоқ: Иван Петрович шумшайди, бир нималар деб тўнғиллади (А.Қаххор).

Олаймок - ўқрайиб газабланиш ҳолатида бўлмоқ: Мингбоши ўтирган еридан келувчига олайиб қаради (М.Исмоилий). Башорат ялт этиб қайрилиб, синглисига олайиб қаради (А.Мухтор). Дўлан бўлса-Турсунбойга олайиб қаради (Н. Фозилов).

Ўқраймок - жаҳлланиш, ғазабланиш ҳолатида бўлмоқ: Домла ўқрайиб қаради (Мирмуҳсин). Болалар унга ўтирилиб, шундай ўқрайиб қарашибдики... (Н. Фозилов). Бола эса бурчакка тиқилиб олган, бизга еб қўйгудек ўқрайиб тикиларди (Ф.Мусажонов). Олаймок, ўқраймок сўзи маъноларида "жаҳли чиқиш" даражаси ортиқ, ўқраймок маъносида бундай белги олаймокка нисбатан ортиқ, таъсиричанлик кучли. Улар, асосан, жонли нутқда кўп кўлланади.

Ғазабланмоқ - жуда жаҳли чиқкан ҳолатда бўлмоқ: Ҳовликкан, ғазабланган, хаяжонланган Сергей шу гапни айтиб, минбардан тушаркан, хотинлар пик-пик йиғлаётганини кўрди (Ҳ. Гулом). Ҳоким бу гапни эштиб, шундай ғазабландики, юзи бирдан буришди, кистирма кўзойнаги бурни устидан тушиб кетди (М. Исмоилий).

Қаҳрланмоқ - ниҳоятда, кучли даражада ғазабланган ҳолатда бўлмоқ: Ҳоким пича қаҳрланиб турди, кейин кўлини силтаб, ясовулини қайтарди (М.Исмоилий). Кемтиқ тишлари орасидан тилини ялтиллатиб, қаҳрланиб турган Қутби отин алвости каби унинг кўз ўнгига келиб тўхтайди (Р.Азизхўжаев). Қаҳрланмоқ сўзи "жаҳли чиқмок" ифодали семантик гуруҳда "жаҳлланиш, ғазабланиш"ни кучли даражада ифодалашига, кўшимча белгисига кўра асосий саналади.

Аччиғланмоқ - жаҳли чиқкан ҳолатда бўлмоқ: Махсум қаттиқ аччиғланди (А.Кодирий). Аччиғланиб ғазаб билан юрибди (Ф.Йулдош). Бундай кел, хой, ўтир аччиғланиб кичкирди Маждиддин (Ойбек).

Шиддатланмоқ - ғазаби кучайган (тошган) ҳолатда бўлмоқ: Тўфа бирдан ўзгарди, аламидан қўзғалган исёнкор каби шиддатланди (Ойбек). Гулнор бу ёт кишининг элликбоши эканини билгач, ғазаби шиддатланди (Ойбек). Ғазабланмоқ сўзида хиссий таъсиричанлик бўёти аччиғланмоқ сўзига нисбатан ортиқ. Шиддатланмоқ сўзида эса ундан ҳам ортиқ. Шиддатланмоқ сўзи маъноси кўшимча "кучайиш" белгисига эга.

Асабийлан(-ш)моқ - 1. Асаби қўзғаган, гижинган ҳолатда бўлмоқ: Фосих афандини Ҳаётнинг ёлворишлари, кўз ёшлари асабийлантириди (М.Исмоилий). Султонмурод яна кўпроқ асабийланди (Ойбек). Саксон - тўқсон метр масофа қолганда Ахмаджоннинг шериги асабийланди (А.Қаххор). 2. Асаби тобора қўзғаган, гижинган ҳолатда бўлмоқ: Домла яна асабийлашиб, қалтиради (М.Исмоилий).

Юсуфбек хожи юрт бесаранжомлиги ва ўғил қайгуси билан асабийлашган эди (А.Қодирий). У бир оз асабийлашди (Н.Ёкубов). Асабийлашмоқ сўзи маъносида белги даражаси бир оз ортиқ бўлиб, ушбу сўз, асосан, бадиий услубга хос.

"Жаҳли чиқмок" мантикий ифодали ҳолат феъллари ҳам дарак (хабар), ҳам таъсирчанлик (коннотация) билдиришига кўра ажralиб туради. Айниқса, олаймоқ, ўқраймоқ, ғазабланмоқ, қаҳрланмоқ, шиддатланмоқ сўзларида таъсирчанлик (прагматика) хабарга нисбатан ортиқроқ. Умуман, бу сўз маъноларида белги даражаси жуда кучли. Қаҳрланмоқ, шиддатланмоқ сўзлари китобий-шеърий услубга хос.

б) "ҳазар қилмок" безмоқ, ирганмоқ, йирганмоқ, жирканмоқ, нафратланмоқ. "Ҳазар қилмок" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон руҳий кечинмасини, унинг предметта бўлган салбий муносабатини билдиради. Бундай хиссий муносабатда инсон дунёкараси, орзу-умиди, ахлоқий қараши билан айrim борлиқ предмет - ҳодисалари ўртасида "номутаносиблик" юз беради. Бу номутаносиблик "ҳазар қилмок" маъноли ҳолат феълларининг мазмун томонини, мантикий асосини ташкил қиласи. Бу семантик гурух аъзолари туб, баъзан ясама (от -лан)феъл бўлиб кузатилади. Ушбу ҳолат феъллари қўйидагилар: Безмоқ - жонига теккан (безор) ҳолатда бўлмоқ: Ҳа, фуқаро бобоси Амир Темур давридаёқ жанг - жадалдан безган, юраги зиркираб қолган (О.Ёкубов). Золим подшодан бездик, ўлақолсин у, деб кичкиришди хотинлар (Ойбек).

Ирганмоқ - жирканиш ҳолатида бўлмоқ: Қумғонни қара, одам ирганади, -деди унга Ҳасан (Х. Назир);

Йирганмоқ - нафратланиш жирканиш ҳолатида бўлмоқ: Бойларнинг дарди олтину кумуш, мисоли итпашибадай ёпишасиз унга, ирганаман бойларнинг нафсидан, хасислигидан - деди Зумрад бойга (Ойбек).

Ирганмоқ ва йирганмоқ товуш тузилишига кўра бир оз фарқланади. Яъни ирганмоқ сўзи олдидан й товуши ортирилган. Бу сўзлар нутқда бир сўзнинг икки хил кўриниши, алоҳида тил бирликлари сифатида "яшайди". Бундай қисман товуш фарқи асосида маъно умумийлиги мавжуд. Айни вактда бу сўзлар орасидаги семантик фарқ тил бирлиги сифатида йўқ даражада, уларнинг нутқ бирлиги бўлиб келишида эса йирганмоқ маъносида белги даражаси сал ортиқроқдек туюлади. Ирганмоқ, асосан, сузлашув нутқига хос, кўп қўлланади. Йирганмоқ адабий тилга хос, кам ишлатилади. Умуман, ирганмоқ, йирганмоқ сўзлари тил ва нутқ бирликлари сифатида, асосан, ифлос, нопок, жирканч предметларга

нисбатан ишлатилади<sup>1</sup>:

Жирканмок - 1. Жуда иргангандын (йирганиш) ҳолатида бўлмоқ: Халқ пес, мохов касалидан жирканади (Ш.Шомақсудов, С.Долимов). Қора ишдан жирканадиган шунака "покизалар" бор орамизда (М.Исмоилий). 2. Нафрат ҳолатида бўлмоқ: Бундайлардан ҳамма жирканади (М. Исмоилий). Мухайё Жавлон хакидаги гапни оғзига олган жирканади (А. Қаххор).

Нафратланмок - ғазаб билан жирканган, нафрат килган ҳолатда бўлмоқ: Бирорларнинг қабрини оёқ ости қилганлардан энди нафратланамиз (О.Матжон). Ҳондан ҳам, вазирдан ҳам нафратланибди (С.Юнусов). Зиёдумла Бўронбек билан кўл олишар экан, унинг чарчолик аломати сезилиб турган совуқ кўзларига нафратланабди каради (Х.Ғулом). Жирканмок, нафратланмок сўзларида белги даражаси, таъсирчанлик кучли бўлиб, жирканмок жоили нутққа, нафратланмок китобий - шеъриятта хос.

в) "кўркув": кўркмоқ, ҳайикмоқ, чўчимоқ, сесканмоқ, ҳадиксирамоқ, ҳавфсирамоқ, ҳавотирланмок, ҳавфланмок, босинқирамоқ, зирилламоқ, Ўзбек тилида "кўркув" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон, баъзан ҳайвон руҳий ҳолати билан боянниб, уларнинг предметга, таъсир килувчиға бўлган салбий муносабати, ундан таъсирланиши натижасида юз берган руҳий жавоб ҳаракатларини англатади. Бу ҳолат феълларида инсоннинг предметдан ҳайкиши, чўчиши, кўркуви - унга нисбатан эҳтиёт, жиiddий муносабатда булиши каби руҳий ҳолат ифодаланади. Ушбу маъниоли ҳолат феъллари инсон руҳий ҳолатини ясама феъл сифатида ҳам ифодалайди. Ясама феъл от -сира, от -лан, таклидий сўз -илла каби шаклада намоён бўлади. Ушбу мантикий ифода гапда қуйидаги феъл маъноларининг фарқловчи семалари сифатида "куринади".

Кўркмоқ - ҳайкиш ҳолатида бўлмоқ: Тўлкин коронғи дараҳтларга якин борищдан кўркади (Х.Ғулом). Кошлари сал чимирилган, кўзлари нимадандир кўрқсан кийикнинг кўзларига ўхшарди (О. Ёкубов). Сиздан жуда кўрқаман (Мирмуҳсин).

Ҳайикмоқ - кўрқиши, чўчиши ҳолатида бўлмоқ: Бир оз сукунатдан сўнг узун сўлиш олди шоҳ, узок чўзилган мажлисдан ҳориганлигини сезган ҳар кимса бирор сўз қотищдан ҳайикарди (Ойбек). Гаффоржон кўпинча эркалик, тантлилик қилиб, бу гапларга чандон кулок солмади, лекин мен ҳам кулок солмагани кампирдан ҳайикардим (А.Қаххор). Болалар Анварга эҳтиром кимасалар ҳам, унга бурунгича ёмон муомала қилишдан ҳайикиб қолдилар (А. Кодирий).

Чўчимоқ - ҳайқиган, ҳадиксираган ҳолатда бўлмоқ: Чол

<sup>1</sup> А.Хожиев. Ўша лугат. 99-бет.

аввалига Солидан чучибди (С.Юнусов). Ходим чүчинкираб кўлига олди, тахини ёзib кўргач, юзи ёришиб кетди (А.Иброхимов). Ҳутиқ сувдан чўчиб, тисланиб туриб олди (Х. Назир).

Сесканмоқ - чўчиган, ҳавфсираган ҳолатда бўлмоқ: - Муқаддамда нима қасдинг бор эди. Алимардон ич-ичидан сесканди (Ў.Ҳошимов).

Ҳадиксирамоқ - сал чўчиш, ҳавотирланиш (безовта) ҳолатида бўлмоқ: Отаси ҳадиксираб, бир оз сўрайпти (Алпомиши). Кайтанга олдинги дарсда ҳаёл суриб ўтирганди, энди бу дарсда унга кўркув кўшилиб, болаларнинг ҳар бир сўзидан ҳадиксиради (Н.Фозилов). Муқаддаснинг тусатдан ўтирилиб карашидан ҳадиксирадим (О.Ёкубов).

Ҳавфсирамоқ - анча чўчиган, ҳавотирланган ҳолатда бўлмоқ: Аслида Мансур ака ўғлининг ... бирон жувон тўрига илинишидан ҳавфсирапар (У.Назаров). Ёшроқ бир ўзбек, аввал уни Пиён бозорда пайқадим. Кейин у Мирободда кўринди. Ҳавфсирадим (Ҳ.Ғулом). Муса аввал индамади, кейин бир нарсадан ҳавфсирагандай гапирди (П.Турсун).

Ҳавотирланмоқ - безовта, ҳадиксираш ҳолатида бўлмоқ: Муқаддам ҳавотирланиб, унга ўтирилди-ю, шу ондаёк Алимардоннинг қайнок, титроқ лаблари ўзига ёпишганини хис этди (Ў.Ҳошимов). Шу орада отаси бир нарсадан ҳавотирланди, шекилли, кизини кўчага чиқармай кўйди, -деди Давлатёр (П.Турсун).

Ҳавфланмоқ - ташвишланган (ҳавотирланган) ҳолатда бўлмоқ: Ҳозиргина чап қанотидаги нотинчлиқдан ҳавфланган Чернецов энди унинг тинчланишидан ҳафа (И. Рахим). Юртда катта кўзголон, отиш-тутиш бўлганини эшитган Унсин акасидан ҳавфланиб, кечга яқин ... келган эди (Ойбек).

Босинкирамоқ - уйқу аралаш... алахлаган, кўркқан ҳолатда бўлмоқ: Кафандарга чулғанганд скелет уни бўғиб, босаётганда у жон жаҳди билан бақириб, уйғониб кетди, қаттиқ босинкиради (Мирмуҳсин). Арслон ярим кечаси уйқуда каттиқ босинкиради (Мирмуҳсин). Одамнинг нерв системаси нотўғри ишлости натижасида гоят кўрқинчли тушлар кўради, босинкирайди (Ш. Шомаксудов, С. Долимов).

Зирилламоқ - жуда кўркқан (ваҳимага тушган) ҳолатда бўлмоқ: Ӯзи йўғон, гулдиrok овози бўлиб, бақироқ овозидан ҳамма зирилларди (Ш. Шомаксудов, С. Долимов). Мажлисларда кимнинг камчилиги бўлса (Асрор) шартта юзига айтаверарди. Ундан раис ҳам хайикарди. Кизлар-ку зирилларди (С. Аҳмад). Кўркмоқ, чўчимоқ, ҳавотирланмоқ, асосан, оғзаки нутққа хос, кўп ишлатилади. Кўркмоқ сўзида белги даражаси чўчимоқ сўзига нисбатан ортиқ. Ҳайикмоқ,

ҳадиксирамоқ, ҳавфсирамоқ, ҳавфланмоқ, босинкирамоқ күпрок ёзма нутққа хос, китобийдир. Ҳавфсирамоқ, ҳавфланмоқ маъноларида белги даражаси (оддингиларга нисбатан ҳам) ортиқ бўлиб, кўшимча "безовта, ташвиш" семаларига эга. Айни вақтда ҳавфланмоқ сўзида бундай белги ҳавфсирамоқ сўзига нисбатан ортиқроқ. Фикр юритилган семантик гуруҳда зирилламоқ сўзи "кўркиш (ваҳимага тушиш)"ни, таъсирчанликни жуда кучли ифодалашига кўра ажралиб турди, нутқда кўп кўлланади. Куркмок, чўчимоқ, босинкирамоқ, ҳайикмок, ҳадиксирамоқ сўзларида дарак (хабар) маъноси қўшимча бўёқка нисбатан етакчи, устун бўлса, ҳавфсирамоқ, ҳавотирланмоқ, ҳавфланмоқ сўзларида хабар ҳам, қўшимча белги ҳам фаол. Зирилламоқ сўзида эса даракка нисбатан таъсирчанлик устун.

Таъкидлаш керакки, тил бирликларида қўшимча белги даражасининг ифодаланиши нисбий, яъни сўзлардаги таъсирчанлик баъзан фаол, баъзан аксинча бўлиши мумкин. Баъзи холларда эса, сўз маъноси, умуман, таъсирчанлиги жиҳатдан бетараф бўлиши мумкин. Қиёсланг: тош, соат, қошиқ, бир, ўн беш, у, бу, кўп, кам, олмоқ.

Хабар, дарак эса ҳар қандай мустакил сўзнинг маъно таркибида мавжуд. У сўзнинг асосий маъноси хисбланади. Баъзи тил бирликларида хабар (дарак) таъсирчанликка нисбатан асосий, етакчи бўлмаслиги мумкин: зирилламоқ, даҳшатланмоқ, дабдала, эзғиламоқ ва б. Шунингдек, ҳар қандай таъсирчанлик ҳам ўзига хос хабар, таъсирчан хабар сифатида баҳоланиши мумкин, Демак дарак (хабар) тил лугат таркибидаги ҳар бир сўзга-тил бирлигига хос умумий, доимий, асосан, бирламчи, мухим бўлса, таъсирчанлик (коннотация) хусусий, нисбий, кўпинча, нутқий, вақтинча хусусиятга эга. Маълум бўлдики, сўз маъно таркибининг қурилиши (композицияси) қуидагича бўлиши мумкин: 1. Сўзлар хабар (дарак) ифодалайди. 2. Сўзлар хабар ва қўшимча маъно (бўёқ) ифодалайди. 3. Сўзлар қўшимча маъно (белги) ва хабар ифодалайди<sup>1</sup>.

Г) «қийналмоқ»: эзмоқ, эзилмоқ, бўғимоқ, сиқимоқ, қийналмоқ, қовурмоқ, қовурилмоқ, қисилмоқ, ўртамоқ, ёнмоқ, қуймоқ, азобланмоқ ҳомушланмоқ, ҳасталанмоқ, сарғаймоқ; "Қийналмоқ" маъноли ҳолат феъллари шахс, баъзан унинг муайян аъзосининг ҳолатини ифодалайди. Бу феъллар инсоннинг ташки ёки ички таъсирланиши натижасида аклий қийналиши, азобланиши, уз ва ўзгалар ақлий фаолияти, иш-ҳаракатидан каттиқ норози бўлиши, изтиробга тушиши, сиқилиши, аламли ҳолатда бўлиши каби руҳий ҳолатларни билдиради. Ушбу мантикий ифодали семантик гуруҳ туб

<sup>1</sup> Каранг: Проблемы семантики. Москва, 1974, 71-бет.

ва ясама феъллардан тузилади. Ясама феъл от -лан, сифат -лан, сифат -ай каби тузилишга эга.

Эзмок, бўғмоқ, кийнамоқ, ковурмоқ феъллари тилда ҳам, нутқда ҳам, асосан, ҳаракат ифодалайди, ҳаракат феъли хисобланади. Щунингдек, булар ўтимлилик хусусиятига кўра ҳам ҳолат феълларидан фарқланади. Айни вақтда бу феъллар нутқ бирлиги сифатида муайян каторда тил бирликлари куршовида (таъсирида) кўчма маънода келиб, инсон руҳий ҳолатини ифодалайди. Яъни бундай феълларнинг ҳолат феъли бўла олиш имконияти нутқ бирлиги ўлчови билан ўлчанади. «Ҳолат» маъноси сўзларнинг нутқий маъноси сифатида мантикий асосга эга бўлади. Қиёсланг: Эзмок - кийнаган ҳолатда бўлмоқ: Факат мени бир нарса эзлти. Бир умр танимаган ... бир кишини уйига олиб кириб, ёш хотинининг оддига ташлаб кеттан ... (С.Ахмад). Бу чидаб бўлмайдиган ахвол Салимани ич-ичидан эзарди (М.Исмоилий).

Бугмоқ, - асабийлашган, қийналган ҳолатда бўлмоқ: Хатларидағи гаплар мени бўтар ўзи кечаю кундуз изимдан қуварди (М.Зайниддинова).

Кийнамок - азобланган ҳолатда бўғмоқ: Нимага индамайсиз, Ҳаётхон, гапиринг, ё мени кийнагани чикканмидингиз (М.Исмоилий).

Ковурмоқ - уртанган, қийналган ҳолатда бўлмоқ: Яна ўша қалбни бир умр асири этиб, алдаб, догоғига қовурган гўзал бир сиймо, сохира қиз кўз оддига келди (Ф. Насриддинов).

Шуниси мухимки, эзмоқ, бўғмоқ, сикмоқ, кийнамоқ, ковурмоқ, кисмоқ сўзлари, асосан, мажхуллик ва ўзлик нисбатларда: эзилмоқ, бўғилмоқ, сикилмоқ қийналмоқ, кисилмоқ, ковурилмоқ - келганида ҳолат феъли бўлиб кузатилади. Булар руҳий ҳолат ифодалайди. Эзмок - эзилмоқ, бўғмоқ - бўғилмоқ, сикмоқ - сикилмоқ, кийнамоқ - кийналмоқ ковурмоқ - ковурилмоқ руҳий ҳолат феъллари орасидаги фарқ, асосан, фонетик шаклланишига, ташки ифодаланишига кўрадир. Маъно жиҳатдан эса бу сўз маънолари орасидаги фарқ жуда оз бўлиб, бирор белгиси (кўлланиши, хиссий бўёғи ва б.) га кўра фарқланади. Умумий, асосий, бирлаштирувчи маъносига кўра эса улар ўзаро мувофиқликни, мутаносибликни ҳосил қиласади. Қиёсланг:

Эзилмоқ - анча қийналган азобланган ҳолатда бўлмоқ: Ўқтам ўйламай гапиргани орқасидан бетоб дадасини койиттани учун, айниқса, меҳмон оддида қаттиқ эзиди (Х.Назир). Бўғилиб, ичидан эзилиб, қизга тикилди (М.Исмоилий). Ойим йиғлади, дадам тутақди, узим эзилдим (У.Назаров).

Бўғилмоқ - 1. Асабийланган, хуноб ҳолатда бўлмоқ: Андрей бирам бўғилади, бирам аччиғи келади (А.Қаххор). Кутимаган бу гапдан бўғилдим ... (О.Мухторов). Мевасини еганинг майли, кесганинг

нимаси, ноинсоф, - деб бўтиларди (Н.Норматов). Гуломжон ялинувчи бир товуш билан бўгилиб, куйиниб гапириди (М.Исмоилий). 2 Эркинлиқдан маҳрум, қийналган (азобланган) ҳолатда бўлмок: Ёғон, хийла, найранг, зулм, хақиззлик,adolатсизлик ҳукмрон шароитда Бутакўзниң эрк, иродаси бўгили (Сохибкирон).

Сикилмок - қийналган, бўтилган ҳолатда бўлмок: Сарой ахлининг, мансабдорларнинг рухини чуқур синаган Навоий анча сикилди (Ойбек). Тизғинсиз ғовур ва димиққан ҳаводан юрак ёрилар даражада сикилади, киприклар тош осилгандек вазминлашди ... (О. Мухторов).

Кийналмок - сикилган ҳолатда бўлмок: Ўйлайди, ўй суради, ўйларининг тагига етолмай кийналади (М.Исмоилий).

Ковурилмок - жуда ўртанган, сикилган, азобланган ҳолатда бўлмок: ... уни билмай туриб, мени яхши кўради деб шайдойи бўлиб юрганимни ўйладим-да, номусдан, рашиқдан ковурилдим (О.Мухторов). Низомжон мухаббат билан номус ўтида қовуриларди (С.Ахмад).

Қисилмок - тортиниш ҳолатида бўлмок: Энди оғзига келганини қисилмасдан гапиришга ... бошлади (Ойбек). Эзмок, бўғмоқ, сикмок, қийнамок, қовурмоқ ва кисмоқ сўзларида ҳолат белгиси кучсизлиги, ўсувланилиги билан, эзилмок, бўтилмок, сикилмок, қийналмок, қовурилмок, қисилмок сўзларида эса руҳий ҳолат белгиси кучлилиги, аниқлиги ва доимийлиги билан фарқланади. Эзилмок, бўтилмок, сикилмок сўзларида белги даражаси кучли. Қовурилмок сўзида эса ундан ҳам кучли.

Ўртамок - уртаниш, эзилиш ҳолатида бўлмок: Қалбимни ўртади аллақандай сас .... Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар (А.Орипов). Остингда юз алвон ўйнайди отинг, душманни ўртайди шону шавкатинг (Алпомиш). Мен куйиб, энди ўртандим (Лайли ва Мажнун).

Ёнмоқ - азобланниш, эзилиш ҳолатида бўлмок: Ўзлари ёнсалар, ўртансалар ҳам майли, факат Тўлқин буни билласин, унинг мурғак дили ёнмасин, ўртамасин (Ҳ.Гулом).

Азобланмоқ - қийналган (эзилган) ҳолатда бўлмоқ: Онагина эмас гуноҳсиз болалар ҳам тухмат орқасида қаттиқ азобланадилар (Сохибкирон). Муқаддам ... ҳозир портлаш рўй беришини билиб азобланарди (Ў.Хошимов). Хотини индамади. У индамагани сайин Қодир азобланар эди (А.Каххор).

Хомушланмок - ғамгин, маъюс ҳолатда бўлмок: Аёл хомушланди (Гулистан). Фақат бир оздан кейин Анорхон алланечук хомушланаб, ух тортди, бошини эгди (Ойбек).

Хасталанмок - қийналган (азобланган) ҳолатда бўлмок: Мажруҳ дилим сизни кўриб, баттар хасталаңди (П. Қодиров).

Сарғаймоқ - зориқиш, маҳтал ҳолатда бўлмок: ... сизларни

согиниб, қанчалар саргаймадим (М.Исмоилий). кошкийди йўлингизда сарғайтанимни, бир кўришга, худди шу бугун кўришга зор бўлганимни билсангаз (М.Исмоилий)

д) "ҳафа бўлмоқ": ранжимоқ, қайғурмоқ, қайғуламоқ, ташвишланмоқ, ўпкаlamоқ. "Ҳафа бўлмок" фарқловчи семали ҳолат феъллари шахс, баъзан ҳайвон ҳолатини билдиради. Бундай мантикий ифодага эга ҳолат феъллари инсоннинг объектга бўлган салбий муносабати ундан ҳафа, ранжиган ҳолатдалигини ифода этади. "Ҳафа бўлмок" маъноли ҳолат феъллари туб ва ясама бўлиб, ясама феъл от -р, -лан, -ла гузилишига эга, Улар қуийдагилар: Ранжимоқ - ҳафа (ранжиш) ҳолатида бўлмоқ; У Бадаҳшийнинг бу ўринсиз гапидан ранжиган эди (М.Осим). Баъзан ҳам ранжирди (Мирмуҳсин). Зиёда ранжиб кирғокка сузиб кетди (У.Назаров).

Қайғурмоқ - ғам-аламли, қайғули, жуда ҳафа ҳолатда бўлмоқ: Ёрдамчининг йўқлигидан умидинг кесилиб, ҳасратингни кимга айтишни билмайдигандирсан. Қайғурма, бегим, Ҳасанали отанг бу тўғрида ҳам сени ёдидан чиқармади (А.Қодирий). Қайғурманг, онажон, кора кунлар ўтар, ёруғликка чиқармиз (Ойбек). Полкнинг чекинишидан отлар ҳам қайғургандек, кишинамасди (И.Рахим).

Қайғуламоқ - ғам-алам чеккан, жуда қайғурган ҳолатда бўлмоқ: Қўконга боргач, биринчи ишим ўғлингизни қутқазиш бўлсин, жойсиз кайғуламангиз, хоним (А.Қодирий).

Ташвишланмоқ - ҳавотир (безовта) ҳолатда бўлмоқ: Шокирбекнинг кеча эрталаб чиққанидан бери дараксиз кетишига ташвишланиб ўтирган уста Олим уни йўлакда кўриши биланок сўради (А.Қодирий). Ёпирақ, нима бўлди болаларингизга, - деб ота ташвишлана бошлади (Х.Ғулом). Нима бўлди: катта бувинг оғридими ё бувинг бетобми, ташвишланиб сўради Ғуломжон (М.Исмоилий). Қайғуламоқ сўзида белги даражаси ортиқрок.

Ўпкаlamоқ - ранжиган, аразлаган ҳолатда бўлмоқ: Адолатхон бу ишга чидомлай Раҳбархондан ўпкалади (Х.Назир). Марғуба Муаттардан ўпкалади, ўша хатни билмасдан, тушунмасдан ёзганини ... (А. Қахҳор). Бир куни аям кўзига ёш олиб, дадамдан ўпкалади (А.Қахҳор). "Ҳафа бўлмок" фарқловчи семали ҳолат феъллари, асосан, адабий тилга хос, китобий.

е) "кўнгли колмок": совимоқ, музламоқ. Бундай мантикий ифодали ҳолат феъллари шахс (унинг муайян аъзоси) руҳий ҳолати билан боғланади. Улар инсон кечинмасининг муайян ташки таъсиrlар таъсири ёки инсоннинг уларга бўлган муносабатининг ўзгариши, бир руҳий ҳолатдан бошқасига ўтиши натижасида юзага қелганини ифодалайди. Яъни, бунда инсоннинг ижобий ҳолатдан предметга нисбатан бутунлай салбий ҳолатта ўтишини

бидиради. Рұхан түшкүнликка түшиш, әзилиш, меҳр-муҳаббатнинг йўқолиши, ғамгинлик каби ички кечинмалар юзага келади. "Кўнгли қолмок" маъноли ҳолат феъллари гурухида ясама (от -ла) феъллар ҳам мавжуд. Ушбу ҳолат феъллари қўйидагилар:

Совимок (совумок) – кўнгли колган ҳолатда бўлмок; Табиатан таъсиричан, шоирона қалб эгаси Элёр ўзи уйлаб топган образлар дунёсида яшар, бирон нарсани тез севиб, тез совирди (У.Назаров). Орамизда на воеа рўй берди-ки, мендан совиди (Ойбек). Саидий киздан бирдан совиди (А.Қаххор).

"Ўзбек тилининг изоҳли лугати"<sup>1</sup>да музламоқ сўзининг факат икки маъноси кайд этилади: 1. Музга айланмок. 2. Қаттиқ совуқ таъсирида котиб қолмоқ, тўнгмоқ, яҳламоқ, қаттиқ совуқ утиб, қакшамоқ, совкотмоқ<sup>1</sup>. Бу маънолар музламоқ сўзининг бош, тўгри маънолариdir. Музламоқ кўп маъноли сўз бўлиб, лугат мақоласида акс этмаган кўчма маънога – ҳолат маъносига ҳам эга. Бу маъно муайян тил бирликлари куршовида – таъсирида вое бўлиши, нутқий хусусиятга эгалиги билан изоҳланади, нутқий маъно ҳисобланади. Қиёсланг: музламоқ – рұхан азобланган эзилган, жуда ғамгин ҳолатда бўлмок; Али қушчининг кўз оддига йўлда учраган Қаландар Қарнокий келиб, эриган кўнгли кайта музлади (О. Ёкубов). Ботирали унинг бағрини иситиб турган ўт экан, шу ўт кул бўлиши билан вужуди музлади (Х. Гулом). Музламоқ сўзида кўнгли колиш даражаси ортиқ. Совимок, музламоқ, сўзлари, асосан, оғзаки нутққа хос.

е) "қайғурмоқ (хайриҳоҳлик)", ачинмок, койимоқ, куймоқ, койинмок, куйинмок, ўқсимоқ, ўқинмок, қайғурмоқ, ёнмок, зорланмок, ҳафаланмоқ, афсусланмоқ. "Қайғурмоқ" мантиқий ифодали ҳолат феъллари шахс ҳолати билан боғланади. Улар инсон ҳолатини – ачиниши, куйиниши, афсусланиши кабиларни ифодалайди. Бу ифодага эга ҳолат феъллари таркибида от -р, -лан, сифат -лан шаклида тузилган ясама феъллар ҳам мавжуд. Умуман, бундай фарқловчи семали ҳолат феъллари инсон кечинмасини туб феъл кўринишида ифодалайди:

Ачинмок – 1. Куйиниши, раҳми келиш ҳолатида бўлмок; Беморнинг аҳволи нечук, – сўради ачиниб Навоий (Ойбек). Мен сахрода ўлаётган бўрини кўрганимда, бир чоклар ўшанга ҳам ачингандим (О.Мухторов). Йўловчилар савдогарнинг ҳолига ачинардилар (Латифалар). 2. Афсусланиши, ранжиши ҳолатида бўлмок: Ишим битмаганига эмас, балки оғайнимнинг ёш болани ёлғон гапиришга одатлантираётганига ачиндим (Тошкент ҳақиқати).

Койимоқ, куймоқ сўзлари ҳам жараён (ҳаракат), ҳам ҳолат

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 1, 476-бет.

маъносини билдириши - нутқий вазиятга кўра ҳаракат ёки ҳолат феъли бўла олишига кўра ўзига хосдир. Бу феълларнинг ҳам ҳаракат, ҳам ҳолат ифодалаш имконияти тилда ҳам, нутқда ҳам намоён бўлади. Айни вақтда бу сўзларнинг ҳолат феъли бўлиб, тил бирлиги сифатида келиши нутқдаги, нутқ бирлиги сифатидаги кўринишига нисбатан мавхумроқ, фаолсизроқ. Чунки бу сўзлар гапдан ташқарида, алоҳида олингандা улардаги жараён, ҳаракат маъноси фаолроқ, кучлироқ бўлади. Яъни бу сўзлардаги ҳолат маъноси тил бирлиги сифатида нисбатан фаолсизланаб, намоён бўлишга тайёр турган имконият хисобланади. Бу имкониятнинг воқе бўлиши, фаоллашиши нутқда, сўзлар куршовида, гап қурилиш бирликларининг маъно жиҳатдан таъсирида, уларнинг ўзаро муносабатида юз беради. Бундай ҳолларда койимоқ, куймоқ феълларида ҳолат маъноси "бўртиб", муайян мантикий ифодага эга бўлади. Бу ифодада инсон руҳий ҳолати қайд этилади. Ушбу феълларнинг ҳолат билдирувчи фарқловчи семаси марказий, яъни хабар, дарак ташувчи сема бўлиб қатнашади. Қиёсланг: Койимоқ - ҳафаланган (ранжиган) ҳолатда бўлмоқ: Норкўзи бу одамнинг оддий ҳакиқатни англамаслигидан койиди (А. Қаххор). Рахиманинг ўзбошимчалигидан (Умурзоқ аканинг) бунчалик койиб галириши Кудратни янада хушёр килди. (Х. Назир).

Куймоқ - жуда кайғурган ҳолатда бўлмоқ: Сизни деб шунча куяди, шунча куяди (А. Қаххор). Йўлчи ўғлимнинг қони қутлуғ, уни юзга, кўзга суртиш керак, - чуқур хўрсиниб давом этди чол-куйма, қизим ... (Ойбек). Қизим, даданг, энанг ҳасратингда куйиб кетди. Бизни ўлдиришга қасд қилганмисан. Галир (Ойбек). Куймоқ сўзида "кайғуриш" даражаси ортиқ. Койимоқ ва куймоқ сўзлари билан шакл ва мазмун (маъно) умумийлигига эга бўлган бирликлар койинмоқ ва куйинмоқ ўзлик нисбатида келишига кўра фарқланиб, гапда (нутқда) ҳам, гапдан ташқарида (тилда) ҳам мавжуд бўлади. Шундай шаклланишда хотирада сакланади. Шуниси муҳимки, бу сўзлар тилда ҳам, асосан, ҳолат феъли сифатида ҳолат маъносини ифодалайди. Улар инсон руҳий ҳолатини билдиради<sup>1</sup>. Бу сўзлардаги ҳолат маъноси улар алоҳида олингандা ҳам, нутқий куршовда ҳам кузатилади. Бу феъллар аниқ нисбатдаги шаклдан фарқли бўлади. Улар аниқ нисбатдаги шаклдан фарқли "ҳаракат" (жар а ё н) семасига эга эмаслиги (ёки бу белги йўқ даражадалиги) билан бошқалардан фарқланади. Қиёсланг: Койинмоқ - ўкинган, кайғурган ҳолатда бўлмоқ: Дилшод севинди, аммо Севарнинг сўзларини кўпроқ эшишишга муштоқ эди, тўймади, нега сўзини

<sup>1</sup> Карап: Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 1, 392-, 402-бет.

аяди, деб, койинди (У.Назаров). Эх, одамнинг гўли курсин-да, элликбоши Ҳасан овчидан койинди (Ш. Тошматов).

Куйинмок - жуда ўкинган (ўксиган), қайғурган ҳолатда бўлмок: Ётқнинг коронгу бурчагидаги диванда ўтирган Анвар аммасига зарда қилиб, иргиб ўрнидан турди, товуш чикармай куйиниб йиглади-ю, оёқ учидан залга отилди(А. Қаххор). Ғуломжон ялинувчи товуш билан бўғилиб, куйиниб гапирди (М. Исмоилий). Шундай килдик, - деди Тўла устидан бир челак қайнок сув куйиб юборилган кишидай куйиниб (М.Исмоилий). Куймок, куйинмок сўзи таъсиричанлик даражаси кучли.<sup>1</sup>

Ўксимоқ - ачинган, қайғурган ҳолатда бўлмок: На эътибор берди, на улар ҳолига ўксинди (О.Мухторов). -Ха, чўмилмайсанми, - сўради Козимжон сал ўксисб (Ф.Мусажонов). Ойим раҳматли мени қиз туқканларидан уксинар эдилар (П.Қодиров).

Ўкинмок - афсусланган, (ачинган) ҳолатда бўлмок: Дарбадарлиқдан, ўзимнинг симобдай саёклигимдан жуда укинар эдим (Ғ.Ғулом). Адолат фронтдан хат келганига хурсанд бўлди. Хурсанд бўлди-ю Нурматни, Олимжонни эслаб ўкинди (И.Рахим). Титраб ва тўлкинланиб айтилган бу сўзлар Отабекни ўқинтириди (А.Қодирий). Ўксимоқ сўзида "ачиниш" даражаси ўкинмоқ сўзига нисбатан бир оз ортиқ.

Қайғурмок - ғам-алам чеккан, ниҳоятда куйинган ҳолатда бўлмок: Бу ахволга у ғоят қайғурди, дард уни ич-ичидан кемирди (Ойбек). Дехкон бу ахволни кўриб, жуда қайғурди (Калила ва Димна). Рустам Ботировнинг вафотидан унинг оиласи, ёри дустларигина эмас, бутун юрт қайғурди (У. Назаров). ... У мени кутиб, мен учун қайғуриб, ҳатто ҳавфсираб турганини билдим-да ... {О. Ёкубов}. Қайғурмок сўзида белги даражаси ўксимоқ сўзига нисбатан ортиқ.

Ёнмоқ жараён (ҳаракат) ифодаловчи сўз нутқ бирлиги сифатида муайян нутқий ўринда тил бирликлари таъсирида кўчма маънода келиб, инсон ҳолатини билдиради: Ёнмоқ - 1. Куйинган, зорланган ҳолатда бўлмок: Вали ака Ғуломжоннинг ёниб қуялаганига, кўзларининг ғўзалар ичида нигорон бўлишига ҳайрон бўлди (М.Исмоилий). 2. Куйган, азобланган ҳолатда бўлмок: Киз нима ўйлади, унинг қалби ҳам ишқ алансасида ёнадими, йўқми (Ойбек). Сендан яширадиган сирим йўқ ... Кўрмасам юрагим ёнади, кўзи кўзимга тушса, аъзойи баданимга қалтирок киради (Н. Сафаров).

Зорланмок - жуда куйинган, афсусланган ҳолатда бўлмок: Сиз неча пулга олдингиз. Бир юз йигирма сўмга ... хотин бошини чайқади ва зорланиб деди: Ахир мен буни тўқсон сўмга олмаган эдим-ку (А.Қаххор). Ёнмоқ, зорланмоқ сўзларида таъсиричанлик

<sup>1</sup> Карапп: А.Хожиев. Ўша лугат. 42-бет

**даражаси жуда кучли.**

Хафаланмок - ранжиган (кайфияти бузилган) ҳолатда бўлмок: Умри қаттиқ хафаланиб юриби (Х.Назир). У ишдан чарчаб, хафаланиб келди (Тошкент оқшоми).

Афсусланмок - пушаймон қилган, (ўкинган) ҳолатда бўлмок: Султонмурод келганига афсусланди (Ойбек). Ўкта "шалов бўлгани яхши эди" деганига афсусланди (Х.Назир). Афанди камбағалликдан афсусланиб, ҳар куни кечалари нола қилар эди (Латифалар).

ж) "нотинч": ҳаприқмок, ҳавотирланмок, безовталанмок, бетинчланмок, тинчсизланмок, бетоқатланмок, тоқатсизланмок. Ушбу мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон ҳолати билан боғланиб, ундаги салбий муносабатни, тинчи йўқолган, безовталанганди, нотинчланган каби руҳий ҳолатларни билдиради. "Нотинч" маъноли ҳолат феъллари руҳий кечинмани, асосан, ясама феъл шаклида ифодалайди. Улар от -лан, сифат -лан каби тузилишга эга. Булар қўйидагилар: Ҳаприқмок - безовталанганди ҳолатда бўлмок: Юраги хаяжондан ҳаприқади (Н.Норматов). Юраги ҳаприқиб ўрнидан туриб кетди (Ў.Умарбеков).

Ҳавотирланмок - ташвишланган ҳолатда бўлмок: Дадаси буни тўғри пайқаб, ўглим ўз орзусидан кечиб юбордими деб ҳавотирланиби (Х.Назир). Ўкта дарё ўртасида бўлаёттан бу хангомани ҳаяжонланиб кузатаркан, дам кулар, дам ҳавотирланарди (Х.Назир). Шу орада отаси бир нарсадан ҳавотирланди. Ҳавотирланмок маъносида нотинчлик даражаси ортиқ. Ҳаприқмок адабий тилга хос, китобий. Ҳавотирланмок, асосан, сўзлашув нутқига хос.

Безовталанмок - тинчини йўқотган, ҳавотирланган ҳолатда бўлмок: - Тинчликми, - безовталанди Маматмирза (Н.Норматов). У бир нимага ишора қиляптими деб безовталанди (Мирмуҳсин).

"Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да бетинч сўзи маъноси изоҳланади<sup>1</sup>. Аммо шу сўз асосида ҳосил бўлган ясама бетинчланмок сўзи лугатда қайд этилмайди, изоҳланмайди. Қиёсланг: Бетинчланмок - безовта (нотинч) ҳолатда бўлмок: Наҳотки улар шунчалик маккор, - деб кўнглидан ўтказди хотин ва ётк ёшигидан қитиrlаган овоз эшитиб, бетинчланди (Шухрат).

Тинчсизланмок - безовта (бетинч) ҳолатда бўлмок: Отабек тинчсизланди; - сабабини сўзланг (А.Кодирий). Унсин совукдан тинчсизланди (Ойбек). Безовталанмок, бетинчланмок, тинчсизланмок сўзларида белги даражаси ортиқ. Безовталанмок сўзида эса айни даражада бошқалардан ҳам ортиқ. Бу сўзлар, асосан адабий тилга хос

Бетоқатланмок - сабрсизланиш, тоқатсизланиш ҳолатида

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати, I, 106-бет.

бўлмок: Жамолбой лабларини ялаб, бетоқатланиб гапирди: Дуруст, дўндиқкина экан (Ойбек). Айта қол, ўзи нима гап, - бетоқатланди Ҳаловат (Н.Орифжонова). Тутуннинг хиди қашандаларни бетоқатлантиради (Ойбек).

Тоқатсизланмоқ - сабрсизланган, бетоқат ҳолатда бўлмок: Бек ҳужрасини ичидан беркитиб, пешингача тоқатсизланниб ётди (Х.Ғулом). Ҳамон эшиқдан тоқатсизланниб кутишаёттан болалар буларни кўриб, чапак чалиб юборди (Х.Назир). Бетоқатланмоқ, тоқатсизланмоқ синонимларида таъсирчанлик даражаси кучли. Ҳаприкмоқ, бетинчланмоқ, тинчсизланмоқ сўзлари нутқда кам кўлланади.

Ўзбек тили психик ҳолат феъллари нутқ фаолиятида яна қўйидаги мантикий ифодага ҳам эга бўлади: а) "ишонмаслик": шубҳаланмоқ, гумонланмоқ, гумонсирамоқ. "Ишонмаслик" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон руҳий ҳолати, аклий фаолияти билан боғлик жараён-ҳолатни ифода этади. Бу ҳолат феъллари инсонда предметларга нисбатан юз берган, ноаниқ мантикий холосага эга бўлган ишончсизлик, шубҳаланиш, эҳтиёт ҳолатда бўлиш каби кечинмаларни билдиради. Бундай маъноли ҳолат феъллари ясама бўлиб, от -лан, -сира каби тузилишга эга. Улар қўйидагилар:

Шубҳаланмоқ - гумонсираган, иккиланган ҳолатда бўлмок: Йигит дахлизда қолаётган оёқ изларига шубҳаланиб караб, эшик ёнида туриб қолди (У.Назаров). Лекин овқатдан шубҳаланган Мирзо Улуғбек ҳануз туз тоттани йўқ (О.Ёқубов). Йигитлар ... уни шунчалик иззат килишар эдики, Асрор ота бу жувоннинг оддий тракторчигина эканига шубҳаланиб қолди (А. Каххор).

Гумонланмоқ - шубҳаланган (ишонмаган) ҳолатда бўлмок: - Нима деяпсиз, - гумонланиб сўради Йўлчи (Ойбек).

Гумонсирамоқ - бироз шубҳаланган (ишонмаган) ҳолатда бўлмок: Үрнимга бошқасини топибдими, Зафар, - деди гумонсираб Турғун (Х.Назир). Афанди ҳалта хисобининг тўғрилигига гумонсиради (Латифалар). "Рухсат беришмабди, шекилли" - гумонсиради Ўқтам (Х.Назир). Шубҳаланмоқ сўзида белги даражаси ортиқ. Шубҳаланмоқ, гумонсирамоқ сўзлари нисбатан кўп кўлланади.

б) "ҳайрон": ажабланмоқ, таажубланмоқ, ҳайратланмоқ. "Ҳайрон" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон аклий фаолияти билан боғлик руҳий ҳолатни ифодалайди. Бу феъллар маъносида инсон учун кутилмаган воеа-ҳодисаларнинг содир бўлиши натижасида унда юз берган ҳайрон бўлиш, ажабланиш каби кечинмалар акс этади. Ушбу ҳолат феъллари ясама (сифат -лан, от -лан) бўлади. Улар қўйидагилар:

Ажабланмоқ - ҳайрон, таажубланган ҳолатда бўлмок: Профессор бир неча кундан сўнг bemор йигитни текширади экан, унинг тузалиш

жараёни чўзилаётганидан ажабланди (Н.Норматов). Ҳамма ажабланиб устага қараб қолганди (Х.Назир). – Қанака сўз, -деди ҳамма қатори ажабланган, Ўқтам (Х. Назир).

Таажубланмоқ - ажабланган, ҳайрон ҳолатда бўлмоқ: Отаси таажубланиб сўради (М.Исмоилий). Қодир таажубланди (А.Қаҳхор). Нишон ака узоқдан Арслонни жомакорида кўриб, таажубланди (Мирмуҳсин). Таажубланмок сўзида "хайронлик" даражаси ортиқрек.

Ҳайратланмок - ортиқ даражада таажубланган (ажабланган) ҳолатда бўлмоқ: Ҳамма ҳайратланиб, жим бўлди (С. Юнусов). Одам изининг хатто қачон тушганингача билиб берганида эса ҳайратланди (Х. Назир). Вой, нима қилди, Аббос Тўраевич, – секретар жувон ҳайратланиб сўради (Мирмуҳсин). Ҳайратланмок сўзида таъсиричанлик даражаси кучли. Ажабланмок сўзлашув нутқига хос, таажубланмок, ҳайратланмок китобий.

в) "нокуладай сезмок": уялмоқ, ийманмок, тортилмоқ, орланмоқ, ўнгайсизланмоқ, қизармоқ, кимтинмоқ. "Нокуладай сезмок" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон руҳий ҳолати, унинг маънавий хиссиятлари билан боғланади. Улар инсоннинг ўз ва ўзгалар хатти-ҳаракати, жамиятда ўзини тутиши, ақлий ва амалий фаолиятидан кишилар орасида (баъзан якка ҳолда) ўнгайсизланниши, нокуладай сезиши, нимадандир тортиниши каби ҳолатларни билдиради. Қайд этилган ҳолат феъллари туб ва ясама феъл шаклида инсон руҳий ҳолатини ифодалайди. Ясама феъл отлан, сифат лан тузилишига эга. Улар қуидагилар: Уялмоқ – ўнгайсизланган, ҳижолат ҳолатида бўлмоқ: У ёлғиз кизини кўрганидан хурсанд бўлса ҳам, ўз ахволидан, кўринишидан уяларди (Шухрат). Уялиб юради шўрлик қаҳрамон (А. Орипов). Фуломжон узр сўрашга уялди (М. Исмоилий).

Ийманмок - бир оз уялган (тортинган) ҳолатда бўлмоқ: Унинг устидаги кийими ва савлатини кўриб, Сайдий яқинига боришга ийманди (А. Қаҳхор). Ўзининг ҳолатидан ўзи ийманиб, гуноҳ қилиб кўйтган одамдек Анварга қаради (Ў. Ҳошимов). Қодирбоев ... Ҳошим акадан совликларни кочиришни сўраб олай деб оғиз жуфтлади-ю, кўйбокар Зубайданинг ҳузурида ийманди (Ш. Тошматов).

Тортилмоқ - ийманмок, нокуладай сезган ҳолатда бўлмоқ: Бироқ домлага яна рӯпара бўлгани тортиндим (А. Қаҳхор). Икки кундан сўнг Мазлума ҳоланинг маслаҳати билан Отамулла отасидан рози-ризолик тилемоқчи бўлди, тортинди (Мирмуҳсин). Гўё у автобусга чиққиси келмас, нимадандир тортинар эди (О. Ёқубов).

Орланмоқ - ор-номус қиғлан, тортинган ҳолатда бўлмоқ: Мен шу чоккача, - деди Хушрўй, - бандасига бош эгишни ва бандаси олдида тавба қилишни оп билдим ва шу орланиш орқасида ҳар кимнинг

устида юрдим (А. Кодирий). Билмаганин сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим (Мақол).

Ўнгайсизланмок - нокурай (хижолатли) ҳолатда бўлмоқ: Мулла Абдурахмон бу учрашувдан ниҳоятда ўнгайсизланган (А.Қаххор). Бобир улардан баъзиларининг кўзлари шўх чақнаганини пайқаб, ўнгайсизланарди (П.Кодиров). Қаландаров буни сезиб, бир кадар ўнгайсизланди, шекилли (А.Қаххор).

Кизармок - уялган ҳолатда бўлмоқ: Наккошнинг олча тўнли шогирди донгдор шоир ҳам давлатнинг улуғ одами қаршисида кизарди (Ойбек). Шунда бояги йигит бирдан кизариб, боши ерга тушиб кетди (М.Исмоилий). Кап-катта одам ўқитувчининг оладида кизариб, изза бўлиб ўтириши жонимга тегди (Ф.Мусажонов).

Кимтинмок - ўнгайсизланиш, ийманиш ҳолатида бўлмоқ: Ҳаёт ... кимтиниб, тортиниб онда-сонда бир кесим қовун оладида бир тишлаб яна қайтариб кўяди (М.Исмоилий}, Уялмоқ, орланмок, кизармок сўзларида белги даражаси ийманмок, тортинмок, ўнгайсизланмок, кимтинмок сўзларига нисбатан ортиқ. Ўнгайсизланмок маъносидағи белги даражаси ийманмок, тортинмок, кимтинмок сўзларига нисбатан ортиқроқ. Бу семантик гурӯҳда "нокурай сезиш" даражасини ортиқ ва аник ифодалашига кўра уялмоқ сўзи етакчи саналади. Кизармок сўзининг ҳолат маъноси кўчма маъно сифатида изоҳланади. Уялмоқ, кизармок, тортинмок, асосан, сўзлашув нутқига хос, кўп кўлланади. Ийманмок, орланмок, ўнгайсизланмок, кимтинмок эса, асосан, бадий нутққа хос.

г) "ўзини йўқотмок": гангимоқ, ганграмоқ, эсанкирамоқ, обидрамоқ, довдирамоқ, каловламоқ, гарангламоқ, гарангси(-ра)моқ, талмовсирамоқ, менгровсирамоқ. "Ўзини йўқотмоқ" фарқловчи семали ҳолат феъллари шахс (баъзан унинг муайян аъзоси) руҳий ҳолати билан боғланади. Улар инсоннинг ташки ходисалар ҳакида түгри мушоҳада юритиб, аник фикр айтишини, мақсадга мувофиқ тўғри ҳаракат қилишни, "мўлжални" аник олишни - аклий фаолиятни, мантикий меъёри йўқоттанилгини ифода этади. Ушбу феъллар гурухида ясама феъллар ҳам бўлиб, улар қуйидагича тузилишга эга: сифат -а, -ла, -си. Шуниси ўзига хоски, баъзи ясама феълларда -сира ясовчиси "тежалган" ҳолда, яъни кўшма аффикс сўз ясаш хусусиятини тўла сақлаган ҳолда таркибидағи охириги кўшимча қисқарган, тушиб қолган кўринишда намоён бўлади.

Бунда -си нутқий сўз ясовчи кўшимча -сирага нисбатан фонетик тур бўлиб келади. -сира ва -си кўшимчали сўзлар (гарангсирамоқ-гарангсимоқ)нинг шаклий фарқлилиги асосида маъно умумийлиги ётади. Бундай ҳолда гарангсирамоқ тил бирлигининг морфем миқдорининг қисқариб, гарангсимоқ нутқ бирлиги

сифатида гапга "чиқиши", тил бирлиги сифатида маъносини тұла саклаб колиши "семантиқ конденсациянинг"<sup>1</sup> бир күринишидір. "Үзини йүқотмок" мантикий ифодаси гапда қуыидаги феълларда намоён бўлади: Гангимоқ - саросимага тушган ҳолатда бўлмоқ: Ёкубжон чинакам гангиди (А.Қаххор). Ўзбек, форс тилларидан иборат қурама бир шовкин бошни гангитди (Ойбек). Ошни дамлади ошпаз, гангиган, ҳуши ўзиdamас, сузди ҳам (Т. Тұла).

Ганграмоқ - гангиши ҳолатида бўлмоқ: Бошим ганграб, кўзим тина бошлади (Ў.Хошимов). Товуш тузуми қисман фарқли гангимоқ, ганграмоқ феъллари маъно изохи жиҳатидан деярли бир хилликка, умумийликка эга. Айни вақтда ганграмоқ маъносида белги даражаси ортиқроқ. Гангимоқ, асосан, сўзлашув нутқига хос бўлиб, кўп кўлланади.

Эсанкирамоқ - саросимага тушган (довдираган) ҳолатда бўлмоқ: Юқ ташибан араваларнинг гумбурлаши, туяларнинг аллақандай қайсарлик ва зарда билан бакириши ... Арслонкулни анча эсанкиратди (Ойбек). Сиз ҳам юринг, -мен, эсанкиради киши (У.Назаров). Кампир эсанкиради (А.Мухто р).

Обдирамоқ - ўзини йўқоттан (довдираган) ҳолатда бўлмоқ: Шунинг учун кутилмаган ҳол қаршисида бир оз обдираб қолди (Ойбек). Нега обдираб қолдиларинг, отинглар, босинглар бу уйинг кургурни деб бакирди (С. Айний).

Довдирамоқ - анча ўзини йўқотган (саросимага тушган) ҳолатда бўлмоқ: Соли бўлса эси чиқиб довдиради (С. Юнусов). Ногаҳон келган бу фикр уни бир оз довдиратди О. Мухторов. Муаллимнинг тўсатдан берган саволи қаршисида довдираган бола каби тарааддузданиб, жавоб беришга уринди Абдишукур (Ойбек).

Каловламоқ - эсанкираган ҳолатда бўлмоқ: Наимий бу гурунгдан ўтиб кетмоқчи эди, кейинги гапни эшитиб, бошига бирор гувала билан ургандай каловланиб қолди (О. Мухторов). Қор ва кум бўрони кўз очтирмас, кишини каловлантирап эди (Ойбек).

Гарангламоқ - анча довдираган, ўзини йўқотган ҳолатда бўлмоқ: Йўлчи серсоқол дов аскар билан олишиб, икки мушт билан уни гаранглатди-да, чаңдастлик билан қиличини суғуриб олди (Ойбек).

Гарангси(-ра)моқ - эсанкираган (довдираган) ҳолатда бўлмоқ: Қуролсизлантирилган ясовуллар гурр этиб, турли томонга сочиликан халқ ичидан дўст-душманни ажратолмай гарангсидалар (А.Қодирий). Мен гарангсиб у ёқдан - бу ёкка юрдим (А.Мухтор). Тўрахон гарангсираб қаради (М.Исмоилий).

Талмовсирамоқ - анча эсанкираган, ўзини йўқотган, гангиган

<sup>1</sup> Каранг: О. С. Ахманова. Словарь лингвистических терминов, М. 1966, 202-бет

ҳолатда бўлмок: Менинг энтак-тентак сўзларимдан бой талмовсираб колди, - деди шум бола (F.Гулом). Кампир уйғониб, талмовсираб, пойма-пой саволлар берди (Ойбек). Ҳакимжон талмовсиради (А.Қаххор).

Менгровсимоқ - хушёрликни йўкоттан, анковроқ ҳолатда бўлмок: Аввал кўз олдим сал қоронғилашиб, бошим ширингина айланаб кетди, менгровсиб колдим (А.Мухтор). Ганграмоқ, эсанкирамоқ, довдирамоқ, гарангламоқ, талмовсирамоқ сўзларида белги даражаси ортиқ. Айниқса, эсанкирамоқ, довдирамоқ сўзларида эса белги даражаси ундан ҳам ортиқ. Каловламоқ, гарангсимоқ, ганграмоқ, талмовсирамоқ, менгровсирамоқ кам кўлланади. Обдирамоқ шевага хос<sup>1</sup>.

д) "катъиятсизлик": тараффудланмоқ, иккиланмоқ. Ушбу маъноли ҳолат феъллари, асосан, шахс (баъзан ҳайвон) хиссий-рухий ҳолати билан bogланади. Бу феъллар инсоннинг маълум мақсадини амалга оширишида, ютуқ-натижаларни кўлга киритишида, катъий ҳаракат килиш, фаолият кўрсатиш ўрнига, аксинча катъиятсизлиги, кийинчиликлардан, тўсиклардан чўчиши, улар олдида иккиланishi каби иродавий жараён-ҳолатларни ифодалайди. Ушбу ҳолат феъллари ясамалиги билан ажралиб туради. Улар от -лан, сон -лан тузилишига эга. Тараффудланмоқ - иккиланган ҳолатда бўлмок: Шу вакт кўпприк ёнига келиб тўхтаган Айвар қаёқка бориб ётсам деб тараффудланди (А.Кодирий). Ҳакимбойвачча бу масалада ўзининг узок вакт тараффудланганига, ниҳоят фурсатни қочирганига афсусланди (Ойбек). ... раис бўлиб олгандан кейин мени яна ишлатса керак, деб тараффудланниб колдим (F.Гулом).

Иккиланмоқ - тараффудланниш ҳолатида бўлмок: У бир дакиқагина иккиланди, кўнглидаги галаён билан бир сониятина олишди (О.Ёкубов). Самад бир пас иккиланаб турди-да, аста чиқди (С.Юнусов). Мен отни кичайман, от иккиланади, бўрининг хидини билиб турибди, жонивор (Х.Жаҳонгиров). Иккиланмоқ сўзида белги даражаси нисбатан ортиқ бўлиб, у нутқда кенг кўлланади. Тараффудланмоқ китобий.

е) «хушёрлиги ортмоқ»: сергакланмоқ, жиддийлашмоқ. "Хушёрлиги ортмоқ" мантикий ифодали ҳолат феъллари инсон руҳий ҳолатини ифодалайди. Бундай феълларда инсоннинг таъсир предметига бўлган муносабатининг ўзгариши, кучайиши, диққат - эътиборини тўплаб, предметта каратиши, кизиқишининг ортиши, у хақда аниқ маълумот олишга интилиши, хушёрлигининг ортиши каби ҳолатлар акс этади. Ушбу ҳолат феъллари ясама бўлиб, сифат -лан (-

<sup>1</sup> Каранг: А.Хожиев. Ўша лугат, 79-бет

лаш) тузилишига эга:

Сергакланмоқ - хүшёр тортган ҳолатда бўлмоқ: Салоҳиддин заргар сергакланди (О. Ёкубов). Арслонқул сергакланиб, кўзларини Олимга тикиди (Ойбек). Йигит кора қушларни кўрди-ю, бирдан сергакланди (П. Қодиров).

Жиддийлашмоқ - жиддий, сергак ҳолатда бўлмоқ: Аввал қикирлаб кулган Арслон бирдан жиддийлашган (Мирмуҳсин). Фазлииддин йирик тишларини кўрсатиб, хаҳолади. Кейин жиддийлашди (Ойбек). Султонали жиддийлашган эди (А. Қодирий). Жиддийлашмоқ маъносида белги даражаси — "хүшёрлик" ортиқ. Сергакланмоқ, жиддийлашмоқ сўзлари, асосан, адабий тилга хос, ёзма нутққа оид.

Хуллас, психик ҳолат феъллари инсон ва ҳайвон ҳолатини ифодалashi билан, маъно имкониятининг бойлиги билан ўзига хосдир.

## Х У Л О С А

Тил ва нутқнинг диалектик муносабати тил бирлигига -сўзда кўринади. Сўз маъносига-маъно тузилишига кўра тавсифланади. Сўзнинг маъно тузилиши, маъно таркиби ниҳоятда мураккаб бўлиб, бу ўзбек тилшунослигида (туркий тилшуносликда ҳам) нисбатан кам эътибор берилган ва етарли даражада ўрганилмаган масаладир. Бинобарин, сўзнинг, жумладан ҳолат феълларининг маъно тузилишини ўрганиш катта илмий-назарий ва амалий аҳамиятта эгадир.

Ўзбек тили ҳолат феълларининг маъно тузилишини ўрганиш қўйидаги натижаларга олиб келди:

1. "Ҳолат" семаси - таркибий қисми (мантикий бўлғи) асосида ажратилган ҳолат феъллари ўзбек тили феъл туркумининг асосий, энг иирик семантик майдонларидан бирини ташкил қиласди.

2. Ўзбек тили ҳолат феъллари семантик майдони қўйидаги тўққизта АСГлардан ташкил топади: 1. Давомли ҳолат феъллари. Булар: "жойлашмок", "жараБён" ва "миқдорий" ифодаларига эга. 2. Ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари. Бу ҳолат феъллари ҳаракат ва ҳолат орасидаги диалектик муносабатга кўра ўз ичида ҳаракатдан бир тўла ҳолатта ўтишини ва ҳаракат натижасида бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатта ўтишини ифодаловчи ҳолат феълларига ажралади: а) "ҳаракатдан бира тўла ҳолатта ўтиш"ни ифодаловчи ҳолат феъллари: "эшитилиш" ва "бирикиш" мантикий ифодасига эга; б) "ҳаракат натижасида бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатта ўтиш"ни ифодаловчи ҳолат феъллари: "шаклий", "зичлик", "тус", "миқдор", "сифат", "ёргу", "йўколмок", "харорат", "хид" ва "вакт" каби мантикий ифодаларга эга. 3. Ижро ҳолати феъллари. Булар: "эҳтиётламок" ва "кузатмок" мантикий ифодасига эга. 4. Ҳаракатнинг ҳолати феъллари. Булар: "қулай" ва "миқдорий" (миқдорий ортмок ва миқдорий камаймок) мантикий ифодасига эга. 5. Малака ҳолати феъллари. Булар: "кўнишиш", "ўрганиш" мантикий ифодасига эга. 6. Образли ҳолат феъллари. Булар: "тасаввур", "нур таратмок", "шаклий", "кўриниш", "жисмоний", "тургун", "тус", "бирикиш", "йўқ бўлмок", "кучи киркилмок", "бўшашмок", "ёргу", "паришон", "йўколмок" ва "тарқалмок" мантикий ифодаларига эга. 7. Биологик ҳолат феъллари. Булар: "истеъмол даражасига етмок", "шаклий", "ёши ортмоқ", "туз ва сувга эҳтиёж" каби мантикий ифодаларга эга. 8. Физиологик ҳолат феъллари. Бу феъллар физиологик ҳолатнинг табиатига кўра ўз ичида: жисмоний ўзгариш натижасида юзага келган ҳолатни ва жисмоний жараён ҳолатни ифодаловчи гурухларга ажралади: а) "жисмоний ўзгариш натижаси бўлган физиологик ҳолат" феъллари: "тус", "шаклий", "холдан тоймок", "хира тортмоқ", "бетартиб", "тиқ", "ёнга тортилмоқ", "хажми

ортмок", "эгилмок", "тиришмоқ", "күтарилиб чиқмоқ", "ботмоқ", "ҳаракати суст", "куйи солинмок", "эти ортмок", "оғрик турмок", "соғ бўлмок", "бужмаймоқ", "таранглигини йўқотмоқ", "эти камаймоқ", "миқдори ортмоқ", "кисқармок", "терга ботмоқ", "бирикмоқ", "жисмоний кучаймоқ", "ярим уйку", "ухламок", "тўймок", "ёш келмоқ", "хайрон бўлмоқ", "иссиини йўқотмоқ", "оғирлиги ортмок", "саломатлиги йўқолмок", "нами йўқолмок" ва "ташна бўлмок" мантикий ифодаларга эга; б) "жисмоний жараён ҳолатни ифодаловчи ҳолат феъллари": "кулмок", "жунжимоқ", "хира тортмок", "шовкин турмок", "тортишмок," ва "бесаранжом" каби мантикий ифодаларга эга.

9. Психик ҳолат феъллари. Бундай ҳолат феъллари қандай муносабат ифодалашига кўра, асосан, ижобий муносабат ва салбий муносабат ифодаловчи ҳолат феълларига ажралади: а)"ижобий муносабат ифодаловчи ҳолат феъллари": "хурсандлик", "коникмоқ", "завқ-шавқ", "кўтаринкилил", "хис-ҳаяжон", "кибр-хаво", "диқкат-эътибор қилмоқ", "рози бўлмоқ", "интилмок", "ховуридан тушмок" ва "тинчланмок" каби мантикий ифодаларга эга; б)"салбий муносабат ифодаловчи ҳолат феъллари": "жаҳли чиқмоқ", "ҳазар қилмоқ", "кўркув", "кайналмок", "хафа бўлмоқ", "кўнгли қолмоқ", "кайғурмок" ва "нотинч" каби мантикий ифодаларга эга. Шунингдек, ўзбек тили психик ҳолат феъллари: "ишонмаслик", "хайрон", "ноқулай сезмок", "ўзини йўқотмоқ", "қатъиятсизлик" ва "хушёргилиги ортмок" каби маъноларга ҳам эга.

3. Ўзбек тили ҳолат феъллари, асосан, ўтимсиз баъзан ўтимли бўлади.

4. Ҳолат феъллари маъноларини аниклаш ва изоҳлаш учун уларнинг маъно таркибида мантикий бўлакларни (семаларни) моҳиятига кўра: муштарак сема (архисема), бирлаштирувчи сема (интеграл сема) ва фарқловчи сема (дифференциал сема)ларга ажратдик. Муштарак сема асосида ҳолат феълларининг семантик майдони ҳосил қилинди. Бирлаштирувчи сема асосида ҳолат феълларининг лексик-семантик гурухлари (ЛСГ) юзага келади. Ҳолат феъли маъносининг фарқловчи семаси ҳар бир ЛСГ га кирувчи парадигматик муносабатдаги сўзларнинг маъносини муайян нутқий шароитда бошқа сўз маъноларидан ажратиб турувчи, унинг нисбий мустакиллигини кўрсатувчи, мантикий бўлак бўлиб, унда ҳар бир феъл маъносининг ўзига хос хусусияти, хиссий гаъсирчан бўёғи, белги даражаси кабилар акс этади.

5. Муштарак, бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар ифода бирликлари асосида тузилган нутқ бирликлари (синтактик конструкциялар) ҳолат феъли маъносининг изохи бўлиб келади.

6. Феълдан англашилган ҳолатни ўзида ташувчи, муайян ҳолатта эга предмет сифатида инсон, хайрон, нарса ва воеа- ходисалар

кузатилади.

7. Ҳолат феъллари семантик майдони туб ва ясама феъллардан ташкил топади.

8. Ҳолат феъллари ЛСГларининг ички семантик гурухларини ташкил қилувчи феъл сўзлар – тил бирликлари синонимик қаторни ҳосил қилиб, улар ўзаро қўлланиши, белги даражаси, хиссий таъсиричан бўёғига кўра фарқланади.

## АДАБИЁТЛАР

- Авилова Н. С. Вид глагола и семантика глагольного слова. М. 1976.
- Апресян Ю. Д. Лексическая семантика (Синонимические средства языка). М. 1974.
- Апресян Ю. Д. Экспериментальное исследование семантики русского глагола. М. 1967.
- Апресян Ю. Д. Семантическая структура слова в современном английском языке. Л. 1966.
- Арутюнова Н. Д. Предложение и его смысл. М. 1976.
- Ахманова О. С. Основы компонентного анализа. М. 1966.
- Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. М. 1966
- Балли Ш. Французская стилистика. М. 1961.
- Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент. 1985.
- Березин Ф. М., Головин В. Н. Общее языкознание. М. 1979.
- Бондарко А. В. Вид и время русского глагола. М. 1971.
- Бондарко А. В., Буланин Л. А. Русский глагол. Л. 1967.
- Будагов Р. А. Сравнительно-семиологические исследования. М. 1963.
- Васильев Л. М. Семантика русского глагола. М. 1981.
- Васильев Л. М. Семантические классы глаголов чувств. Очерки по семантике русского глагола. Уфа. 1971.
- Васильев Л. М. Исследование по семантике. Уфа. 1985. Волков А. П. Язык как система знаков. М. 1966
- Гак В. Г. Семантическая структура слова как компонент семантической структуры высказывания. Сб: Семантическая структура слова. М. 1974.
- Диалектика и логика. Законы мышления. М. 1962.
- Диалектика и логика. Формы мышления. М. 1962.
- Звеницев В. А. Семасиология. М. 1957.
- Иванов С. Н. "Родословное древо тюрок" Абу-л-Газихана. Ташкент. 1969.
- Касевич Б. В. Семантика. Синтаксис. Морфология. М. 1988.
- Категории глагола и структура предложения. Л. 1983.
- Кацнельсон С. Д. Содержание слова, значения и обозначение. М-Л. 1965.
- Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. Л. 1972.
- Киселева Л. А. Коммуникативные языковые функции и семантическое строение словесного значения. Проблемы семантики. М. 1974.
- Ковтун Л. С. О значении слов. В.Я. 1955. №5.
- Колшанский Г. В. Контекстная семантика. М. 1980.
- Колшанский Г. В. Логика и структура языка. М. 1965.
- Колшанский Г. В. Семантика слова в логическом аспекте. Язык и мышление. М. 1967.
- Комлев Н. Г. Семантическая аспектология языка. Язык и мышление.

- М. 1967.
- Комлев Н. Р. Компоненты содержательной структуры слова. М. 1969.
- Копнин П. В. Диалектика, логика, наука. М. 1973.
- Котелова Н. З. Значение слова и его сочетаемость. М. 1975.
- Кузнецов А. М. О применении метода компонентного анализа в лексике. В сб. синхронно-сопоставительный анализ языков разных систем. М. 1971.
- Кучартаев И. К. Семантическая классификация глаголов в узбекском языке. Актуальные вопросы русской и узбекской семасиологии. Ташкент. 1981.
- Кучартаев И. К. Структура семемы и системность лексики. Актуальные вопросы русской и узбекской семасиологии. Ташкент. 1981.
- Лексико-грамматические проблемы русского глагола. Новосибирск. 1969. Лексическая синонимия. М. 1967.
- Лексико-грамматические исследования. Новосибирск. 1981.
- Леонтьев А. А. Психолингвистика, М. 1967.
- Леонтьев А. А. Слово в речевой деятельности. М. 1965.
- Леонтьев А. А. Язык, речь, речевая деятельность. М. 1969.
- Логико-грамматические очерки. М. 1961.
- Ломтев Т. П. Язык и речь. Вестник МГУ. 1964. №4
- МешаниновИ. И. Глагол. М. 1982.
- Миртохиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент. 1975.
- Мурыгина Э. М. Семантическая структура спрягаемых форм русского глагола. М. 1970.
- Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валенталиги. Тошкент 2005.
- Мышление и язык. М. 1957.
- Неъматов Х. Бегматов Э. Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси. Ўзбек тили ва адабиёти. 1989. № 6
- Неъматов Х. Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент. 1995.
- Проблемы семантики. М. 1974
- Проблемы знака'и значения. М. 1969.
- Прокопович Е. Н. Глагол в предложении. Семантика и стилистика видо-временных форм. М. 1982.
- Расулов Р. Давомли ҳолат феълларининг семантик структураси. Ўзбек адабий тили тараққиёти масалалари. ТДПИ илмий асарлари. Тошкент. 1982.
- Расулов Р. ҳолатларнинг образли ифодаланиши. Тошкент. 1982.
- Расулов Р. Малака ҳолати феълларининг семантик структураси. Ҳозирги Ўзбек адабий тили нормаларининг такомили масалалари. ТДПИ илмий асарлари. Тошкент. 1987.
- Расулов Р. Ҳарақат натижаси ҳолат феълларининг семантик структураси. Ўзбек тили Хоразм ўғуз шеваларини ареал ўрганиш

- тажрибасидан. ТДПИ илмий асарлари. Тошкент. 1988.
- Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент. 1989.
- Расулов Р. Нарзиева М. Лексикологияни урганиш. Тошкент. 1992.
- Рахматуллаев Ш. Маматов Н. Шукуров Ш. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати. Тошкент. 1980.
- Рахматуллаев Ш. Юнусов Т. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш. Ўзбек тили ва адабиёти. 1974.
- Раҳматуллаев Ш. Семема-мустакил тил бирлиги. Ўзбек тили ва адабиёти. 1984. № 5.
- Селиверстова О. Н. Обзор семантических работ по компонентному анализу. Филологические науки. 1967. № 5.
- Селиверстова О. Н. Компонентный анализ многозначных слов. М: 1975.
- Семантическая структура слова. Психолингвистические исследования. М. 1971.
- Соссюр Ф де. Курс общей лингвистики. Соссюр Ф де. Труды по языкоznанию. М. 1977.
- Степанова М. Д. Методы синхронного анализа лексики. М. 1978.
- Тенишев, Э. Р. Глаголы движения в тюркских языках. Историческое развитие лексики тюркских языков. М. 1961.
- Усмонов С. Умумий тилшунослик. Тошкент. 1972.
- Уфимцева А. А. Опыт изучения лексики как системы (на материале английского языка). М. 1962.
- Уфимцева А. А. Слово в лексико-семантической системе языка. М. 1968.
- Уфимцева А. А. Семантика слова. Аспекты семантических исследований. М. 1980.
- Цалкаламанидзе А. А. Семантико-синтаксические группы глаголов в узбекском языке. Тбилиси. 1987.
- Шмелев Д. Н. Проблемы семантического анализа лексики. М. 1973.
- Щерба Л. В. Язковая система и речевая деятельность. Л. 1974.
- Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент. 1981.
- Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I том. М. 1981.
- Ўзбек тилининг изоҳли лугати. II том. М. 1981.
- Құчқортөев И. Суз маъноси ва унинг валентлиги. Тошкент. 1977.
- Ғуломов А. Ф. Феъл. Тошкент. 1954.
- Ҳожиев А. Феъл. Тошкент. 1973.
- Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. Тошкент. 1974.

## **М У НДАРИЖА**

Кириш.	4
Давомли ҳолат феълларининг маъно тузилиши	8
Ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феълларининг маъно тузилиши	12
Ижро ҳолати феълларининг маъно тузилиши	29
Ҳаракатнинг ҳолати феълларининг маъно тузилиши	31
Малака ҳолати феълларининг маъно тузилиши	35
Образли ҳолат феълларининг маъно тузилиши	37
Биологик ҳолат феълларининг маъно тузилиши	52
Физиологик ҳолат феълларининг маъно тузилиши	58
Психик ҳолат феълларининг маъно тузилиши	102
Хулоса	137
Адабиётлар	140

**Р.РАСУЛОВ, С.АТИЯЗОВ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ФЕЛЬЛАРИНИНГ  
МАЊНО ТУЗИЛИШИ**

Босишга руҳсат этилди 29.09.2005 йил. Бичими 60x84 <sup>1/16</sup>.  
«Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Тиражи 100. Буюртма № 122.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.  
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

